

Нуриддин ИСМОИЛОВ



ТАНСОҚЧИ

НУРИДДИН ИСМОИЛОВ

ТАНСОҚЧИ

Саргузашт-детектив роман

Биринчи китоб

Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2012

Исмоилов, Нуриддин.

Тансоқчи: Роман: / Нуриддин Исмоилов. — Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012.

1-китоб. — 288 б.

ISBN

© Н.Исмоилов. «Тансоқчи».
Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012.

У эшикдан таманно билан кириб келди. Елкаси очиқ, бели бўғма кўйлаги тиззасидан икки қарич баландда эди. Тўғриси, бу ерларда бундай кийинган аёлларни кўравериш, кўзим пишиб кетганди. Шу боис малла сочили жоннага унчалик эътибор қилмадим. Аммо у худди фото-моделлар каби бир-бир қадам ташлаб, ёнимга юриб келди-да, билагимдан ушлади ва юзимга қараб жилмайиб:

— Сен қоравойни қардан топишди? Намунча хушбичимсан? — деди соф рус тилида.

Елка қисиб, юзаки илжайдим. У бўйнини ортига буриб, биздан беш-олти қадамча нарида гаплашиб турган уч эркакка юзланди. Уларнинг учаласи ҳам қора костюм-шим, оқ кўйлак кийган, бўйниларига капалакнусха галстук таққан, кўлида қадаҳ ушлаб турарди. Суҳбатлари шунчалик қизгин эдики, атрофда бўлаётган ҳодисаларга мутлақо эътибор беришмасди. Улардан бири менинг шэфим эди. Бўйи бир ярим метр, калбош, қирғийбурун, кўккўз бу одам ер тагида илон қимирласа сезадиган устаси фаранглар тоифасидан. У ҳеч қачон овозини баландлатиб гапирмайди. Одати шунақа. Аммо шундай сўзлайдики, оғзидан чиққан ҳар битта сўз милтиқнинг ўқидай юрагингизни тешиб ўтади.

Қолган иккаласи унинг ҳамтовоқлари. Билишимча, улар ёшликдан бирга катта бўлишган. Ҳаммаси бой-бадавлат. Бир нечтадан завод ва конлари бор.

— Александр Абрамович, — деди қиз нозик, ширали овозда.

Хўжайиним қизга табассум билан юзланди.

— Настя Евдокимовна, жоним билан эшитаман сизни, — деди шэф.

— Агар мумкин бўлса, икки дақиқа вақтингизни олсам.

— О-о! Нималар деяпсиз, Настя Евдокимовна, сиз учун

икки дақиқа тугул, бутун умримни ҳам ажратишим мумкин, — дея Александр Абрамович енгил қадам ташлаб, бизнинг ёнимизга келди.

Мен унинг ҳурмати учун секин бошимни эгиб қўйдим.

— Жонгинам, — деди аёл шефнинг қўлини қучоқлаб, — манави йигит сизга қарашлими?

У менга айёрона боқиб турарди.

— Умуман олганда, шундай десам ҳам бўлаверади, — деди Александр Абрамович.

— Менга ёқиб қолди. Қаердан топдингиз?

Аёлнинг саволи нафақат шефга, балки менга ҳам галати туюлди. Шунга қарамай, маданият юзасидан иккимиз ҳам жилмайдик.

— Шунчаки кўчадан, — жавоб берди Александр Абрамович.

— Бунақалар шунчаки кўчадан топилмайди. Бунақаларни ернинг остидан ковлаб олиш керак, — деди Настя Евдокимовна шефнинг бурдини узун кўрсаткич бармоғи билан силаб қўяркан.

Ичимдан зил кетди. Зеро, менга бировларнинг эътиборини тортмаслик топширилган эди. Айниқса, эркакларни кўрганда суяклари бўшашиб кетадиган аёлларнинг.

— Оддий боғбонлар баъзан кўчадан топилади, Настя Евдокимовна, — деб шеф аёлнинг қўлидан ўпиб қўйди.

— Сиз ниҳоятда олижаноб ва айни чоғда серҳиммат одамсиз. Лекин булар ҳам боғбоннинг шундай лидерлар базмига келишига асос бўлолмайди.

— Дарвоқе, айтиш эсимдан чиққан экан, ҳайдовчининг бугун тоби қочиб қолганди. Шунинг учун машинани бошқаришни Амирга топширишимга тўғри келди.

— Аҳ, ҳайдовчи денг, наҳотки? — дея мийиғида кулди Настя Евдокимовна. — Агар астойдил илтимос қилсам, бу ажабтовур йигитни мен билан янаям яқинроқ таништириб қўярсиз?..

Аёл Александр Абрамовичга суйкала бошлаганди.

— Сиздай мафтункор аёлнинг илтимос қилишига асло ҳожат қолдирмайман, албатта. Бу йигит яқин дўстларимдан бири. Бошқа республикада яшайди. Ўша ёқларга борганимда роса ҳожатимни чиқарган, шундан буён дўстмиз. Аммо ишга мутлақо дахли йўқ, — дея кўрсаткич бармо-

гини юқорига кўтарди хўжайин. — Яъни айтмоқчиман-ки, менга бўйсунмайдиган инсон.

— Демак, ҳамма қатори меҳмон, — деди кўзлари чарқлаб кетган Настя Евдокимовна.

Хўжайин мўлжални аниқ олган эди. Зеро, бу инжиқ хотиндан бош-қа йўл билан қутулиб бўлмасди.

— Афв этасиз, хоним. Биз эркаклар фақат иш учун дунёга келганмиз. Шу боис гоҳида латиф суҳбатлардан бебаҳра қолишга мажбурмиз, — дея жилмайган Александр Абрамович аёлнинг қўлидан яна бир марта ўпиб қўйди-да, унинг суҳбатлари узилмаган ҳамфикрлари ёнига кетди.

— Хайрият, — дея менинг қўлимни кучди Настя Евдокимовна, — сиз билан ёлғиз қолишни жудаям хоҳлаётган эдим.

— Адашмасам, эрингиз ҳамроҳлигида келгандингиз, — дедим мен аёлдан қутулиш ва ташқарига чиқиб кетиш учун.

— Сиз менинг эримни танийсизми?

— Асло. Аммо салобатли эркак сизни белингиздан кучиб...

— Демак, дарров эътиборингизга тушганман, — дея бирдан гапимни бўлди аёл.

— Келишингиз билан нафақат мен, балки ҳамма эркакларнинг кўзи сизда бўлди. Адашмасам, ҳозир ҳам шундай.

— Аммо уларнинг бирортаси ҳам мени сизчалик ўзига ром этолмади, — дея кўзини қисиб қўйган Настя Евдокимовна тиззаси билан секин оёғимга туртиб қўйди ва паст овозда: — Бугун мени кузатиб қўйишингизни истайман. Миша... Миша ичкиликни хуш кўрадиганлар тоифасидан, ундан хавотир олмасангиз ҳам бўлади.

Мен аёл нимани истаётганини аввал бошданоқ англаган эдим. Айни шу гап бўлмаслиги учун жуфтакни ростлаш имкониятини қидираётгандим, бироқ улгурмадим.

Аёл ўпишим учун қўлини тутди. Тўғриси, бошқа иложим йўқ эди. Мендай одамга юқори мартабалилар базмида аёллар қўлини ўпиш тақиқланганди. Аммо одобсизлик қилишга ҳам ҳақим йўқ. Аёлнинг қўлига зўрға лабимни теккиздим. Бошимни кўтариб, зимдан шефнинг

қараб турганини кўрдим. Айни чоғда у томонга ўтирилмаслигим, шунинг билан бирга бошқаларда ҳам шубҳа уйғотмаслигим зарур эди. Айниқса, ёпишиб олган мана-ви аёл мендан хавфсираб қолмаслиги лозим эди.

Настя Евдокимовна менга эҳтиросга лиммо-лим табассум ҳадя этгач, секин эшик томонга юрдим.

Ташқарининг зах, муздай ҳавоси кўксимга урилганида, танам яйраб кетди. Одатда, бундай лаззатланишни ҳар куни тўрт-беш соат жанг санъати билан шуғулланиб бўлгач, совуққина душ қабул қилганимда ҳис этардим.

Тунги чироқлар ёруғида ичкаридаги ўн беш зўравон амалдор ва бойваччанинг ҳар бирининг камида иккитадан тансоқчиси айланиб юрар, баъзилари бир-бири билан оғзидан тамаки тутунини паға-паға чиқазганча гаплашиб туришарди. Уларнинг диққати эшикда. Ким чиқаяпти, ким кираяпти, афти-ангоридан тортиб, юришигача эътибор беришади. Албатта, мен ҳам уларнинг биттасиман. Аммо улар ёнида бўлиш менга мумкин эмас. Шундоғам шефнинг икки йигити турибди. Икковиям барзанги, ҳеч нарсадан қайтмайдиган йигитлар. Улар мени кўришлари билан сергакланишди. Аммо ёнимга келишмади. Мумкинмас. Чунки мен хуфия тансоқчиман. Жуда зарур бўлгандагина хўжайинни ҳимоя қиламан. Бошқа пайт ўзимнинг борлигимни бировга билдирмаслигим керак.

Чўнтагимдан сигара чиқардим. Уни бармоқларим орасида бироз айлантириб тургач, яна ичкарига кирдим. Биринчи навбатда шефга нигоҳимни қаратдим. Унинг ҳам кўзи эшик тарафда экан. Секин бошини қимирлатиб қўйди. Бу Настя Евдокимовна билан хушчақчақлик қилишимга изн эди.

Майин мусиқа янграётган улкан залнинг ўртасига меҳмонларни четлаб ўтиб бордим. Думалоқ стол устига тегиб қўйилган қадаҳлардан бирини қўлимга олдимда, лабимга олиб бордим. Озгина ичган бўлиб, нигоҳим билан Анастасия Евдокимовнани қидираётгандим, унинг ўзи келиб қолди.

— Дўстингиз бирон юмуш билан жўнатиб юбордими, деб кўрққандим, — деди у мени қўлтиқлаб.

— У фақатгина дўст. Дўстининг илтимоси бўлиши мум-

кин, лекин иш буюришга, билмадим, қай даражада ҳақи бор, — дедим унга жилмайиб боқарканман.

— Буни қарангки, сиз ҳақсиз. Аёлларнинг баъзан оддий нарсаларга ҳам ақли етмайди. Майли, мавзуни ўзгартирайлик.

— Дарвоқе, эрингиз кўринмайдими?

Настя Евдокимовнанинг шу заҳоти қовоғи уйилди.

— Фалокат босиб унга хотин бўлиб қолганман. Энди ажрашишнинг иложи йўқ. Албатта, ажрашсам, мол-мулкнинг қарийб ярмига эга чиқаман. Аммо у мени соғ қўймайди. Ҳозир у рес-тораннинг иккинчи қаватидаги алоҳида хоналардан бирида кўнглини хушлаяпти жононалари билан. Яхшики, сизни учратиб қолдим. Йўқса, яхшигина жанжал кўтарган бўлардим. Албатта, ўта маданият билан. Ҳозир менга шуниси дуруст. У ичади. Ҳар доимгидай маст бўлади. Кейин эрталабгача хуррак отиб ухлайди... Дугонангиз борми?

— Афсуски... — дедим мумкин қадар хушчақчақ кўришга ҳаракат қилиб. — Шу масалада кўпам омадим юришавермайди. Эҳтимол, қоралигим...

— Асло, — деб у бармоқларини лабимга босиб, гапиртмай қўйди, — асло бунақа дея кўрманг. Сиз мана шу бойваччалар орасида энг кўркамисиз. Қадаҳни олаётганингизни, жуда бир нозиклик билан вино ичганингизни кузатдим. Аслида, фақат мен эмас, базмдаги бошқа аёллар ҳам сизни кўздан қочиришмаяпти. Биринчи имконият пайдо бўлиши билан ўзиники қилиб олиш ҳаракатига тушишади. Мен эса доим биринчи бўлишни истайман.

— Жуда мақтаб юбордингиз, аслида, мен бунчаликка лойиқ эмасман, хоним.

— Хаёлимда вақтни бекор ўтказаетганга ўхшаймиз.

— Ҳозирча ўзгасининг иложи йўқ, хоним.

— Тушунарли, сиз ҳам бошқалар, хусусан, менинг эрим каби эҳтиёкорсиз.

— Адашмасам, эрингиз эҳтиёткорликни унутиб...

— Унақа эмас. У ҳар доим атайин шунақа қилади...

Настя Евдокимовна ортиқча гапириб юборгандай бирдан сўзлашдан тўхтади. Шу аснода билинар-билинемас атрофига бир қур назар ташлаб қўйди.

Ваҳоланки, мен унинг нима демоқчилигини яхши англаб турардим. Қолаверса, англаганим унинг жазога тортилиши даражасида эмасди. Яна шу нарсани билардимки, Настя Евдокимовна Дмитрий Андреевичнинг ҳақиқий хотини эмас. Аслида, қонунан хотини ҳақиқатан ҳам шу аёл. Бироқ бу расмиятчилик юзасидан, холос. Умуман, Дмитрий Андреевичнинг ҳақиқатан ҳам хотини бориёқлигини ҳеч ким билмайди. Эҳтимол, анави иккинчи қаватдаги қизлардан бирортасидир. Буям ҳақиқатдан йироқ. Чунки ҳақиқийлар бунақа жойларга олиб келинмайди. Сабаби хатарли. Хатар шундаки, исталган пайтда исталганча хунрезлик содир этилиши мумкин. Яна битта факт аниқ, Анастасия Евдокимовнанинг эри тепада ишрат қилаётгани йўқ. Ҳаттоки ичаётгани ҳам гумон. У тахминан ярим соатлардан сўнг ертўлада ўтажак йиғилишга тушиб келади. Албатта, орқа, хуфия эшикдан. Ҳозир маслаҳатчиси билан гаплашиб ўтирибди.

— Ростини айтсам, роса қорним очқади, — деди оз муддатли жимликдан сўнг Настя Евдокимовна. — Кичик залга ўтиб, тамадди қилиб олишга нима дейсиз?

— Буни қарангки, айнан қўнглимдагини топдингиз. Нонушта, тушлик айнан бугун бизни четлаб ўтган эди.

Анастасия Евдокимовна қулиб юборди ва мени қўлтиқлаб, кичик зал томонга етаклади.

Залдаги ҳамма столларнинг усти турли ноз-неъматлар, егулик-ичгуликлар билан тўла эди. Ҳоҳлаганингизга ўтиришингиз, истаганча еб-ичишингиз мумкин эди.

Биз зал ўртасидаги столлардан бирига бир-биримизга рўпара ўтирдик.

— Адашмасам, Александр Абрамович сизнинг исмингизни Амир деб айтади, — деди аёл кафтларини бири-бирига ишқалаб.

— Шундай. Бироқ буни қарангки, исмининг маъносини билмайман. Лекин манави шишадаги грузин виносининг таъмидан яхшигина хабардорман. Агар лозим топсангиз, бир қадаҳдан ичсак, — дедим мен аёлнинг фикрларини чалғитиш мақсадида.

— Айни муддао, — жавоб берди аёл табассум билан.

— Рухсат этинг, — дея ўрнимдан туриб, аввал унинг қадаҳига, сўнг ўзимникига қаҳрабодай суюқликни қуйдим.

Очиғи, ҳар сонияда ва ҳар қандай шароитда ўта зийрак бўлишим шарт эди. Шунга қарамай, бир қадаҳ вино ичдим. Кейин иштаҳа билан тамаддиланишга тушдим. Айни чоғда рўпарамдаги аёлнинг ҳар битта ҳаракатини кузатайман. Унинг оғзидаги луқмасини қанча вақт чайнаб, кейин ютгани ҳам эътиборимдан четда қолмасди.

Биз тахминан йигирма дақиқача гоҳ сўзлашиб, гоҳ таом еб ўтирдик. Кейин у безовталанди.

— Афсуски, сизни ёлғиз қолдиришга мажбурман, — деди Анастасия Евдокимовна кулиб. — Аммо меҳмоним бўлганингизда асло танҳо қолдирмайман. Шунақа ишлатайки...

Ўзининг гапи ўзига нашъа қилди, шекилли, у хоҳолаб кулиб юборди ва шу заҳоти кўзини олиб қочди. Ана шунда кўнглим қандайдир нохушликни сезди.

— Сизнинг хизматингизда бўлиш мен учун ҳам шараф, — дея ўрнимдан турдим.

Биз катта залга кирганимизда, у ерда анчагина ғалаговур кўтарилганди. Мен кўзим билан Александр Абрамовични қидирдим. У залда йўқ эди. Бизга тегишли бўлган икки тансоқчи эса атрофга бесаранжом боқарди. Демак, нимадир бўлган ёки бўлиш арафасида. Энди ўша ниманидир аниқлаш, унга қарши чора қўллаш менинг ишим эди. Хаёлимдан энг аввал Анастасия Евдокимовна ўтди. Ахир унинг сўнги хатти-ҳаракати ғалати эди. Қизиқ, қаерга йўқолди? Мендан бор-йўғи бир дақиқа олдин чиққанди.

Секин йигитларнинг ёнига бордим. Уларнинг ҳар икиси ҳам мендан кўзини узмасди.

— Яхши шароб экан, татиб кўриш керак, — дедим ўзимни хотиржам тутишга ҳаракат қилиб.

— Беш дақиқа олдинга сурилибди. Ҳозиргина кириб кетишди, — деди улардан бири.

Кўнглим бирозгина таскин топгандай бўлди. Бироқ шу заҳоти Анастасия Евдокимовнага кўзим тушди-ю, бирдан олдинги ҳолатимга қайтдим.

— Шефни чақириб олишнинг имконияти борми? — сўрадим йигитлардан.

— Нима бўлди?

— Нотинчлик борга ўхшайди.

— Аниқлаш керак...

У гапини охирига етказмасидан гумбурлаган овоз эшитилди. Овоз тўлқини шунақа кучли эдики, ресторан деразалари чил-чил синиб кетди. Залда солланиб юрган аёллар қийқириб юборишди. Бир-иккиси ўзини ерга ташлади. Бу ернинг эркакларига портлаш товуши бегона эмасди. Гумбурлаган товушни эшитиб, бошини бироз эгганлар бўлди. Сўнг ҳамма бесаранжом у ёқдан-бу ёққа югура бошлади. Тахминан портлаш қаерда содир бўлганини билардим. Шу тарафга югурдим. Бирдан кўзим қуюқ туманга тушди. Қадамимни тезлатдим. Мендан олдин йўлга тушган тансоқчиларни четлаб ўтарканман, қўлларидagi тўппончаларга кўзим тушди.

Залнинг ички хуфия эшиги орқали зиналарнинг икки-учтасини бир қилиб ертўлага тушаётганимда, ўқ товуши ва кимларнингдир инграгани қулоғимга чалинди. Хаёлимга “Ертўладаги ярадорларни отиб ташлашяпти”, деган ўй келди ва шу заҳоти қўйнимдан тўппончамни олдим. Югуришдан тўхтаб, аввал орқа томонга, кейин олдинга қарадим. Яна ўқ товуши ва инграш эшитилди. Шу пайт кимдир:

— Аланга кучайди! — деб бақирди.

Юрагим шув этиб кетди. Чунки ичкарида Александр Абрамович бор эди. Мен уни ҳар қандай шароитда ҳам олиб чиқишим зарур эди. Худо кўрсатмасин, ўлган бўлса, унда тамом, унинг куни менинг ҳам бошимга тушиши муқаррар.

Дарҳақиқат, йўлакда пайдо бўлган аланганинг тили шунчалик узун эдики, ундан қочишнинг сира иложи йўқ эди. Аланга менга яқинлашиб келарди. Бунақа пайт-да шошилиш қарор чиқариш керак: ортга қайтиш, ё бўлмасам, жонни гаровга қўйиб, аланга ичига ўзни отиш. Мен иккинчи йўлни танладим. Аввал костюмимни ечиб бошимга ёпдим, сўнг ўзимни ичкарига отдим. Зинанинг сўнгги поғонасини босиб ўтаяпман-у, қўлим куяётганини ҳис этапман. «Бекор қилдим», деган ўй яшин тезлигида миямга урилди-ю, яна худди шу тезликда чиқиб кетди.

Ертўлага тушишим билан костюмни улоқтирдим. Чунки у гуриллаб ёнаётганди.

Улкан зални олов аралаш қуюқ тутун босиб кетганди. Бунақа аҳволда бировни топиш тугул, кўзни очишнинг ўзи катта азоб эди. Аммо хўжайиним Александр Абрамовични топдим. Тўғрироғи, у рўпарамда — катта залнинг ўртасига айлана қилиб қўйилган столнинг айнан мен кириб борган томонида боши бир томонга қийшайиб ўтирган экан. Кўзимни зўрга очиб, бурнимни бекитиб, иссиқнинг зўридан елкамни қисиб, атрофга аланг-лаётганимда инграган товуш қулоғимга чалинди. Шу тарафга юрдим ва уни топдим. Албатта, афти-ангорига қараш, ҳол сўрашнинг вақти эмасди. Шу боисдан аввал костюмини ечиб олдим, сўнг стол устига ёзилган дастурхондаги нарсаларни ағдариб ташлаб, йиғиштириб олдим.

Костюм билан дастурхон ёнғиндан сақланиш учун жуда юпқалик қилишини яхши билардим. Аммо бутунлай куйиб кетгандан кўра, ҳарна, жонни сақлаб қолиш мумкин-ку. Ертўладан чиқиш мен учун жаҳаннамдан қутулишдек бўлди. Аввал дастурхон, кейин костюм гуриллаб ёниб кетди. Қўлларимни оловнинг тили ҳар ялаганда жонимни суғуриб олгандай оғриқни ҳис этардим. Сочим ҳам ёниб кетгандир, аммо бу ҳақда ўйлаб ўтиришга вақтим йўқ. Ташқарига чиққанимда ҳовлида уч-тўртта «Тез ёрдам» машинаси тепасидаги чироқларнинг ёниб ўчаётганини қуюқ туман орасида кўргандай бўлдим. Сўнг кўз олдим қоронғилашди...

Кўзимни зўрга очдим ва бошим, қўлларим, умуман, бутун танам дока билан боғлаб ташланганини англадим. Ҳартугул, аланга миямга зиён етказмаган кўринади. Ҳатто тепамда менга термилиб турган қизнинг ҳамшира эканлигини ҳам у гапирмасидан олдин билдим. Фақат битта нарса — қаерда ётганим, афт-ангоримнинг қай даражада куйгани номаълум эди.

— Ўзингизни яхши ҳис этаяпсизми? — сўради қиз майин товушда.

Савол менга ғалати туюлди. Ахир одамнинг ҳамма ёғи боғлаб ташланган бўлса, қандай қилиб ўзини яхши ҳис этиши мумкин. Шу боисдан гапирмасдан кўзимни юмиб очдим.

— Иродали йигит экансиз, дарров соғайиб кетасиз. Ҳозир мен сизга дори ичириб қўяман.

У бош томонимга ўтди. Тепамдаги пуштиранг шифтга ҳийлагина катталиқдаги қандил осилиб турганини кўрдим. «Демак, мен касалхонада эмасман. Ўзимизга тегишли бўлган бирорта уйга олиб келишган. Александр Абрамовичнинг аҳволи яхшимикан? Тирикмикан, ишқилиб?» дея хаёлимдан ўтказдим.

Ҳамшира бошимни бироз кўтариб, оғзимга тугмадай дорини солди-да, орқасидан икки қултумгина сув ичириб қўйди. Бармоқлари лабларимга тегди. Бирам майин, бирам иссиқ эдики, кўзимни юмиб олдим. Шу билан дори қандай қилиб ичимга кирганини ҳам сезмабман.

Кимнингдир дўриллаган овози менинг эндигина ажойибу гаро-йиб бўлиб бошланган хаёлимни чалғитиб юборди. Хаёл бошқа жойда бўлгач, дарров овоз эгасини таний олмадим. Соғлигимда биров билан гаплашиб турсам-да, муҳим иш билан банд бўлсам-да, гапирган одамни дарров таниб олардим. Ҳозир негадир чалғидим.

— Қаҳрамон, — деди овоз эгаси тепамга келиб.

Шундагина мен уни танидим. Бу Федя эди. Бўйи икки метр, юмшоқ феъл, узун иякли, қалин қош ва кўк кўзли Федя. Унинг билагида айиқнинг қучи бор. Мен у билан қадрдонман. Ҳар қандай одам исталган пайтда панд бериши мумкин, лекин Федя унақамас.

Жилмайишга уриндим, аммо эплай олмадим. Юзимнинг териси тортилгандай бўлиб оғриқ берди.

— Сенинг омон қолганингни кўрганимдан бошим осмонга етди. Лекин гирт ахмоқлигинг тушимга ҳам кирмаган экан. Бунинг учун обдан савалардим-у, аммо имкониятим йўқ. Оғриқлар азоб бермаяптими? — деди у каравотим ёнига стол қўйиб ўтириб олганидан сўнг.

— Чидаса бўлади.

Гапириш оғир кечди. Лабларимни кичрайтириб, тилимни айлантиргунимча қийналдим.

— Ҳечқиси йўқ. Бир ҳафтага бормай, отдай бўп кетасан, — деб у эшик томонга кўз ташлаб қўйди-да, паст овозда сўзлашда давом этди: — Александр Абрамовичнинг аҳволи оғир. Куйиши сенинг даражангда, аммо елкасига иккита ўқ теккан. Залдагилардан яна биттаси тирик қолган. Бош-қалар нариги дунёга жўнаворишибди.

— Кимнинг иши экан? — сўрадим ундан.

Федя елка қисди. Сўнг ўрнидан турди.

— Мен эшик ташқарисида бўлишим керак, қария, — деди ва кетди.

Бир ҳафта қимирламай ётдим. Ҳамма нарсани ўйлай-верганимдан ўйлашга баҳона қолмади. Шу вақт мобайнида кўпроқ қишлоғимни хотирладим. Қишлоғимда дарахтлар, айниқса, кўк тераклар кўп. Кўчалар жудаям соясалқин, ёзда тангадай офтоб тушмайди. Кўчанинг ёнгинасидан ариқ ўтган. Кунлар исиши билан ўзимни сувга ташлардим. Шу билан чўмилиш мавсуми кузнинг совуқ кунлари бошлангандагина тугарди. Яна мен яшаган қишлоқда катта-кичик чорвоқлар бор. У ерда ўсган баъзи ўриқларнинг танасига қулочингиз етмайди. Болаларга маза. Кўпинча шуларни эслаганимда, шаҳарда ўсанларнинг болалиги зерикарлидай туйилиб кетади... Хуллас, қишлоғимни, унинг соддагина одамларини соғиниб кетдим. Бир неча марта ичикиб, «уфф»лаб қўйдим. Ахир жондан азиз қишлоғимдан чиқиб кетганимга ҳам оз эмас, кўп эмас, ўн беш йил бўлди-да. Оиламдагилар билан доим телефон орқали гаплашиб тураман. Уларнинг кўнглини овлаш учун пул жўнатаман. Кўп-кўп. Ота-онамни хурсанд қилишни истайман. Бироқ ота-онам шундан сўнг анча вақт телефонимга жавоб бермай қўйишади. Шундан биламанки, мендан аразлашган. «Сенинг пулларингга кунимиз қолгани йўқ», дейишгандагина ўзларини тийишади. Кўришмаганимизга шунча йил бўлган эса-да, кўнглимга қарашади. Бир сафар укам билан гаплашганимда: «Ака, сиз яхши кўрган қиз бор-у Лола, ўша эрга тегди. Сизни роса кутди, лекин дарагингиз бўлмади. Кейин турмушга чиқди», деди. Ичимдан зил кетди ўшанда. Ахир мен айнан ўша қизни деб дарбадарликка маҳкум этилгандим. Чунки бошқасига уйланишни тасаввур ҳам қилолмасдим. Нега дейсизми? Ахир Лолани биринчи синфга борганимдаёқ яхши кўриб қолганман. Аввал чиройли ёзгани, кейин чиройли сўзлагани ва ёшимиз улғайгани сайин меҳрибонлиги, яна аллақандай тил билан изоҳлаб бўлмайдиган хислатлари учун. Хуллас, мактабни битирганимизда биз ҳақиқий ошиқ-маъшукларга айлангандик. Мен ўқишга кириб, битирганимдан сўнг унга уйла-нишни режалаштиргандим. Бунга Лола ҳам рози эди.

Аммо ўша давр-нинг раис буvasи, яъни унинг отаси: «Тракторчининг боласига берадиган қизим йўқ», деди. Бунисига ҳам рози бўлиб юрган пайтимда, қишлоғимизда гап пайдо бўлди. Эмишки, мен раиснинг қўшниси бўлмиш Эшмирза аканинг қизининг номусига тегибман. Ким билан гаплашмайин, кимнинг ёнига бормайин, шу гап. Бўғилдим. Тўғри шаҳарга — Ноиланинг (Эшмирза аканинг қизи) ўқишига бордим. Иккимиз тўғримиздаги миш-мишни айтдим. Ҳайратдан унинг кўзлари каттариб кетди.

— Қанақасига?! — деди йиғламоқдан бери бўлиб. — Биринчидан, мендан кичкинасан, иккинчидан, ҳар икки ойда бир бораман қишлоққа. Бунинг устига, сени кўрмаганимга камидан икки йил бўлди.

— Билмайман, — дедим елка қисиб.

Ўша куннинг ўзидаёқ у мен билан бирга қишлоққа кетди. Уйга кирсам, отам жаҳл отини эгарлаб қўйган экан. Мени кўриши билан қўлига калтак олиб, қувлашга тушиб кетди. На гапимга қулоқ солади ва на сўкишдан тўхтади. Уйни уч марта айланганимиздан кейин кўчага чиқиб кетдим.

Шу билан бир ҳафта уйга келмадим. Қўшни қишлоқда, жўрамникида юрдим. Кутилмаганда янада даҳшатлироқ хабар эшитдим. Эшмирза ака уйимизга борибди. Агар қизимни келин қилмасанг, ўғлингни қаматаман, дебди. Шу гапдан сўнг қишлоққа олиб борадиган ҳамма йўллар мен учун тақатақ бекилган эди...

Кўпинча ўйим шу ерга келганда тўхтади. У ёғига ё ҳамшира келиб қолади, ёки Федя кўриниш беради. Агар иккиси ҳам бўлмаса, менинг ўзим сиқилиб кетаман. Дарвоқе, куни кеча оёғимга ўралган докани ечиб олишди. Терим худди ёғ сачрагандай куйган экан. Дўхтирнинг айтишига қараганда, юзим ҳам шунақанги аҳволда эмиш. Лекин ҳаммаси тезда тузалиб, билинмайдиган бўлиб кетаркан. Аммо белим оловнинг домида қолиб, нақ бир қарич жойи жуда ёмон куйибди. «Ўша ёнғиндан битта тамга яхшигина эсдалик бўлиб қолади», деди дўхтир.

Александр Абрамовичнинг жароҳати эса анчагина оғир бўлиб чиқди. Федя ёнимга келиб, пичирлаганча:

— Уни бир умрга ногирон бўп қолади, дейишаяпти. Умуртқасидан ҳам ўқ еган экан, — деди.

Тўғриси, унга жудаям ачиниб кетдим. Ниманинг нархи қачон, қанча бўлишини олдиндан биладиган, баъзи воқеа-ларни олдиндан бемалол айтиб бера оладиган одамнинг қолган умрини ногиронликда ўтказишини тасаввур қилиш оғир эди. Лекин на илож, ҳеч бўлмаганда, тирик қолди-ку. Бунинг устига, ҳаётининг охиригача етадиган пули бор. Ҳаммаси Кипр банкларида сақланади.

— Топилдими, итлар?! — сўрадим Федядан.

У қўлини икки томонга ёйди. Кейин одати бўйича эшикка қараб олди-да:

— Дмитрий Андреевич ўша куни йиғилишга кирмаган. У мутлақо талофат кўрмаган бойлардан. Лекин ҳозир қаердалигини ҳеч ким билмайди. Изсиз йўқолган.

— Бундан чиқди, порт-лашни у уюштирган. Шундай-ми?

— Эҳтимол. Аммо хабари бўла туриб, бошқаларга айтмасдан кетган ҳам бўлиши мумкин.

— Ҳар қандай шароитда ҳам жавоб бериши керак.

— Кимга?

— Сен ундан бошқа яна икки киши омон қолди, дединг, шекилли.

— Сенга омонлик тилайман, дўстим. Ҳа, айт-ганча, эртага бу ердан кетишимиз эҳтимоли бор. Ожизни эзиш осонроқ.

Мен каравотга чўзилдим. Федя чиқиб кетди. Кўз ўнгимни ўша кунги воқеа эгаллади. Дарҳақиқат, Анастасия Евдокимовна жуда безовта эди. Адашмасам, у овқатланаётганимизда тез-тез соатига қараб қўярди. Кейин, кейин... «Мен бу ердан эртароқ чиқишим зарур. Ўша аблаҳларнинг ҳаммасини топаман, керак бўлса, жазосиниям бераман. Фақат эртароқ чиқсам бўлди. Ўзи нега ҳалигача чўзилиб ётибман? Баданим бор-йўғи куйган бўлса... Оғриқлар ўтиб кетди. Демак, ҳаракатни бошласам бўлаверади», дея ўйлаб, секин кўзимни юмдим. Шунда негадир юрагим ўз-ўзидан безовта ура бошлади. Назаримда, қандайдир хавф яқинлашиб келаётганга ўхшарди. Дарров каравотдан туриб ўтирдим. Кўп ётганимдан бошим айлангандай бўлди, шу боис бироз унинг ўтиб кетишини кутдим.

Шу пайт бирдан эшик очилиб, ҳамшира қиз кириб

келди. Унинг юзи одатдагидан кўпроқ қизарган, доимо кулиб турувчи кўзларида маъюслик аломатлари зоҳир эди.

— Нима бўлди? — сўрадим ундан дарров.

— Ҳеч нарсa, — жавоб берди қиз.

Кўриб турибман, у йиғлашдан зўрға ўзини тийиб турибди. Яна бир оғиз нима бўлганини сўрасам, йиғлаб юбориши аниқ. Шунинг учун кўнглини кўтариш мақсадида:

— Мен бутунлай соғайиб кетганга ўхшайман. Манави юзимга ўраб ташлаган латталаринг ортиқчалик қилаяпти. Ечишнинг имкони йўқми? — дедим.

— Билмадим. Балки, ечиш керакдир. Аммо врач айтмагунча мен ечолмайман, — жавоб берди қиз.

Одатда, у сўзлаётганда, албатта, лабларида табассум бўларди. Ҳозир шунчалик жиддий гапирдики, мен сўзлаш учун оғиз очишга ботинолмай қолдим. Шу боис ўрнимдан турдим-да, дераза ёнига бордим.

Атроф ўрмон билан қопланган эди. Фақат мана шу мен турган иморатнинг атрофигина яланглик. Қолган жойларнинг баландлиги деярли бир хил бўлган қарағайлар эгаллаб олган, уларнинг остида унда-бунда паст бўйли мен номини билмайдиган буталар, яна майдагина қарағайчалар ўсган. Мен ҳозир уларни кўраётганим йўқ эди. Чунки дала ҳовли атрофини олов рангли баланд девор ўраб турарди. Бута ва ёш қарғайларнинг баланд бўйли ёғочбоп дарахтлар остида ўсишини илгари кўп кўрганман. Ҳаво намчил. Булут. Эҳтимол, ҳадемай ёмғир ёғса керак.

— Наташа, бир айланиб келсам, нима дейсан? — дедим ортимга ўгирилмай.

Каравотнинг гичирлаган товуши эшитилди. Демак, Наташа жавоб беришдан олдин менинг каравотимга ўтирди.

— Сенга ҳали мумкин эмас, — деди у қайгули овозда.

— Дардингни, барибир, кимгадир айтишинг керак. Шундагина енгил тортасан.

— Енгил тортмайман, — жавоб берди қиз.

— Нега энди?

— Чунки шаҳарга кетишимга рухсат беришмади.

— Сенга дала ҳовлининг нимаси ёқмаяпти? Тоза ҳаво,

қасрдай қурилган иморат, хоҳлаганингча еб-ичишинг мумкин.

— Онам қазо қилибди.

Мен бирдан ортимга бурилдим. Наташа йиғлаётган эди. Кўзига қўйилган бўёқ кўз ёши билан бирга юзига оқиб тушганди.

— Ҳозирча бу ердан кетиш мумкин эмас, шаҳаргача камида эллик-олтмиш чақирим келади. Яёв боришнинг имкони йўқ. Машиналарнинг ҳаммаси текширилаяпти, дейишди. Онамнинг таъзиясига бормаслигим ҳам мумкин. Лекин эндигина тўртга кирган синглимнинг ўзи ёлғиз қолиб кетади, — деди у кўз ёшини кафти билан артаркан.

— Балки сенга ёрдамим тегиб қолар, — дедим унинг сўзларидан ларзага келиб.

— Қанақасига ёрдамнинг тегади? Ўзинг бугун ўрнингдан турган бўлсанг... Сенга юриш мумкин эмас.

— Балки сен шундай ўйлаётган бўлсанг керак, лекин менинг ҳеч қаерим оғриётгани йўқ. Бемалол истаганча юра оламан.

Наташа сочини бармоқлари билан таради. У чорасизликдан азобланар, менга эса мутлақо ишонмаётганди.

— Наташа, Федя қаерда? — сўрадим қиздан унга тикилиб.

Наташанинг бирдан юзи ёришди:

— Мен Андрейга айтдим, ёрдам бер, дедим. Лекин у ярамас қўнмади. Бўлмаса, шу ерга келганимдан бери менга хушомад қилишдан боши чиқмайди. Бир сафар... Майли, бунисини айтмай қўя қолай, ҳартугул, қўлидан ҳеч нима келмади. Федяга айтасанми, шаҳарга етволишимга у ёрдам берадими?

Қиз энтикиб гапирар, менга қаратилган нигоҳи порларди.

— Федяни чақириб бер, — дедим қуруққина қилиб, сўнг тагин дераза томонга ўтирилдим.

Орадан бор-йўғи икки дақиқа ўтар-ўтмас, Федянинг овози эшитилди.

— Қария, дарров оёққа туриб олибсанми? — деди у.

Мен унга юзландим. Соғайганимни кўрсатиб қўйиш учун илдам юриб бордим-да, каравотимга ўтирдим. Сўнг турдим, хона бўйлаб юрдим.

— Тушунмадим, — деди у менинг хатти-ҳаракатимга ҳайрон бўлиб.

— Нимасига тушунмайсан, биродар? Мен бу ерда ётишдан зерикдим. Кўчага чиқаман. Анавиларни топишим керак.

— Амир, мен сени бир сўзли эканлигингни яхши биламан. Лекин ҳозир бунинг вақти эмас, шаҳарни ҳам, ўрмонни ҳам ағдар-тўнтар қилишаяпти. Биласанми, ўша портлашда ўттиз етти киши ўлган. Москвадан махсус гуруҳ ташланган. Уларни ҳеч қанақасига сотиб олиб бўлмайди. Ҳаммадан шубҳаланишаяпти улар.

— Мендан шубҳаланишмайди. Уларнинг қўлига тушадиган аҳмоқ ҳам йўқ. Александр Абрамович тузукми?

— Бугун кўзини очди. Бечора тақдир унга қандай мукофотлар тайёрлаб қўйганидан ҳали бехабар.

— Гапирдими?

— Йўқ.

— Мени унинг ёнига олиб бор.

— Балки озгина соғайганингдан кейин...

— Қўйсанг-чи шунақа гапларни. Мен касал эмасман. Ҳа-а, аввал ҳамшира қизни чақир, менинг юзимдаги латта-путталарини олиб ташласин.

— Қойил сенга, Амир, шу туришингда нақ шефнинг ўзига ўхшаб кетаяпсан! — дея кулди Федя ва ташқарига чиқиб кетди.

«Шефнингга ит ўхшасин. Озгина ожизлигимни сезса бўлди, дарров менинг баҳримдан ўтиб қўя қолади. Нечтаси билан шундай бўлди. Бир-иккиси ҳатто айби нималигини билмасдан ўлиб кетди», хаёлимдан ўтказдим ва бетоқатланганча хона бўйлаб юра бошладим.

Бироздан кейин Наташа кириб келди. Унинг кўзларидан умид учқунлари пайдо бўлган эди.

— Наташа, сен ажойиб қизсан. Ана шу ажойиблигингни яна бир кўрсат. Юзимни докаларингдан озод эт, — дедим мумкин қадар унга юмшоқ гапиришга ҳаракат қилиб.

— Врач ҳали рухсат бергани йўқ.

— Наташа, врачни қўя тур, менинг ўзим тиббиёт институтида уч йил ўқиганман. Бошқа нарсани билмасам ҳам, одамнинг куйган жойи неча кунда соғайишидан яхши хабардорман. Агар сен олмасанг, ўзим ечаман.

Қизнинг кўнишдан ўзга иложи қолмаганди. Шу боисдан аввал менинг қўлимдан ушлаб, каравотга ўтқазди. Сўнг олд тарафимга ўтиб, ишга киришди. У менга жуда яқин турарди. Ана шу яқинлиги боис, ундан таралаётган хушбўй атир ҳиди кайфиятимни кўтараётгандай эди.

— Наташа, йигитинг борми? — сўрадим ҳазиллашган бўлиб.

— Нимаиди?.. — деди у докани ечишдан тўхтаб.

— Билгим келаяпти-да.

— Ҳозир йўқ.

— Илгари-чи?

— Илгариям бўлмаган. Йигитлар мени ёқтиришмайди. Характерим оғирроқ.

— Андрейга ёқибсан-ку.

— Аммо у менга ёқмади. Унақа шилқимлар беқарор бўлишади. Агар сен ҳам вазиятдан фойдаланмоқчи бўлсанг, сен тўғрингдаям шунақа фикрга бораман.

— Сен ёлғон гапирдинг. Лекин эпложмаскансан. Ҳозир кўзингни кўрмаётган бўлсам ҳам, гапларингнинг ҳаммаси ёлғон! Нечта йигит орқангдан юрган, иккитаси ҳатто тиз чўкиб, қўлингни сўраган. «Бунинг ўзи фақатгина шаҳзодага турмушга чиқаман, деб юрибди», дейишяпти.

Наташа кулиб юборди.

— Шунақа билағонмисан?

— Ҳаммаси ёлғон, дегин. Ахир сендай мовий кўзли гўзал ҳар қандай йигитнинг юрагини остин-устин қилиб юборишга тайёр.

— Яхши йигит, мен ишимни битирдим. Балки ўзингиз ҳам чиройли юзингизни бир томоша қиларсиз. Бунинг учун кўзгу бериб туришим мумкин, — деди Наташа бир сиқим докани гижимлаб, мендан бир қадам узоқлашганча жилмайиб боқаркан.

— Наҳотки даҳшатли бўлса? — дея афтимни бужмай-тирдим.

— Марҳамат, — деб, у оқ халатининг чўнтагидан ойнача олиб узатди.

Ҳа-а, юзим ҳавас қиладиган даражада эмасди. Анча чўтирлашиб қолган, бунинг устига, яраларнинг ўрни қизариб кўринарди.

— Наташа, қанча вақтда одамнинг юзига айланади? — дедим хавотир билан қизга боқарканман.

— Эҳтиёт қилсанг, узоғи билан бир ойда аввалги ҳолига қайтади.

— Сизга каттакон раҳмат. Дўхтир гиринг деса, менинг ўзимга рўбарў қилаверасан. Келишдикми?

Наташа елкасини қисиб кулиб қўйди ҳамда эшик та-
рафга юрди. Мен енгил тортдим. Қулочимни кенг ёзиб,
маза қилиб керишиб олдим-да, дераза ёнига келдим.
Унинг кичик табақасини очиб, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб
нафас олмоқчи эдим. Беихтиёр кўзим девордан ошиб
ўтаётган ниқоблиларга тушди. Улар ҳарбий кийимда
бўлиб, қўлларида автоматлари ҳам бор эди.

Хонадан отилиб чиққанимда Федя ёнимга келаётган
экан. Сал бўлмаса урилиб кетаёздим.

Федя ўзини четга олиб қолганча ҳайрат тўла нигоҳла-
рини менга қадаган маҳал тўхтаб, унга юзланарканман:

— Александр Абрамович қаерда?! — дея бақирдим.

— Ортингдан ит қуваёптими?! — деди у туртиб ўтиб
кетишимга сал қолганидан жаҳли чиқиб.

— Ундан баттари бўлди, бироқар, ҳудудга бегоналар
киришди. Қурулланган ниқоблилар!..

— Тушунмадим... — дея Федя киприкларини пирпи-
ратди.

— Кейин тушуниб оласан, Александр Абрамовичнинг
хонасига бошла!

У беихтиёр буйруғимга бўйсуниб, олдимга тушди-да,
югуриб кетди.

Мен сизга қасрмонанд қурилган уйнинг ички жиҳоз-
лари тўғрисида гапириб бермаган эдим. Ҳозир айтмоқчи
эдим-у, аммо вақт йўқ.

Узун йўлакнинг қуёш ботар томонининг охирига бор-
ганимиздан кейин навбатдаги қаватга чиқдик. Сўл то-
мондаги иккинчи эшик ёнида турган иккита қўриқчини
итариб ташлаб, ичкарига кирдим. Мени кўрган дўхтир
ўрнидан сапчиб турди.

— Шеф йўлга ярайдими?! — дедим бирдан негадир
унинг ёқасидан олиб.

— А-а!.. — деди ранги оқариб кетган дўхтир кўзи олай-
иб.

— Гапир, эшшак, шеф йўлга ярайдими?!

— Ҳа... Э, йўқ, ярамайди. Қимирлатиш мумкин эмас,
— деди у зўрга.

— Тирик қолиши учун яраши шарт, — деб унинг ёқасини қўйиб юбордим-да, Федяга юзландим.

Бу маҳалда ташқаридаги қўриқчи йигитлар ҳам хонага кирган эди.

— Кўрпаси билан бирга кўтарамиз. Фақат эҳтиёт бўласизлар, — деб дераза ёнига бордим-да, парданинг бир бурчагини секин очиб, ташқарига қарадим.

Тўртта босқинчига кўзим тушди. Улар девор ёнидаги арчанинг орқа томонида ниманинг-дир маслаҳатини қилишаётганди. Чақирилмаган меҳмонларни ердан туриб кўришнинг имкони бўлмаса-да, улар юқоридан яққол кўзга ташланарди. Шунинг ўзиёқ келгиндиларнинг тажрибасизлигидан далолат берарди. Шу ҳолимда бир ўзим бемалол тўрт-бештасининг суробини тўғирлаб қўйишим мумкин. Агар улар бор-йўғи шунча бўлса, демак, ҳаммасининг. Бироқ қон тўкиб, қўлимни булғашни истамадим.

Федя ёнимга келди. У ҳам ташқарига қаради. Қуролланган ниқоблиларни кўриши билан шимига қистирилган тўшпончани қўлига олди.

— Шарт эмас, — дедим унинг қўлини тушириб, — бошқа йўли бор. Барибир, бу ердан кетишим керак, қон тўкиш ортиқча.

Ёнимиздаги хона, аслида, лифт. Ертўлага олиб тушди.

— Кўтаринглар Александр Абрамовични!

Йигитлар буйруғимга сўзсиз итоат этишди.

Мабодо хўжайин ҳозиргидек аҳволга тушиб қоладиган бўлса, унинг жонини сақлаб қолиш биринчи навбатда менинг вазифамга кирар ва бу пайтда бирорта ҳам қўриқчи йигитларнинг қаршилиқ қилишга ҳақи йўқ эди. Бу, албатта, ёзилмаган қонун. Аммо ёзилганларидан бир неча марта мустаҳкам ва бақувват эди.

Мен Федя билан бирга йўлакни қўриқлаб турдим. Бу пайтда йигитлар лифтли хонага шефни олиб киришди.

— Наташа қани?! — сўрадим саросималаниб қолган дўхтирдан.

— Ната... Наташа... Билмадим. Эй, ана! — дея йўлакда пайдо бўлган оқ халатли қизни кўрсатди у.

— Наташа, тезроқ, — дедим мен.

Қиз югуриб ёнимизга келди.

— Нима бўлаяпти? — сўради у саросималаниб.

— Ҳеч нарса. Сен дўхтир билан бирга хўжайиннинг ёнидан қимирламайсизлар. Тезроқ ичкарига ки-ринглар!

Дўхтир дарров ўзини эшикка урди. Наташа эса жойидан қимирламай, менга мовий кўзларини тикканча тура-верди.

— Анграйишнинг вақти эмас! — дея бақирди унга Федя.

— Лифтга кир!

Қиз ноилож унинг айтганини қилди.

— Федя, энди ҳовлидагиларга хабар бер, ҳаммаси ичкарига кирсин. Ер ости йўли билан чиқиб кетамиз. Уларни ташқарида қолдириб кетолмаймиз, бўл тез! — дедим.

Биродарим ёқасидаги тугмачага сўзлашдан олдин менга қараб олди. Кейин ҳовлидагиларга, эшик оғаларига, кузатув пунктидагиларга хабар етказди. Ортидан уларни кўзи ожизликда айблаб, сўкиб ҳам қўйди. Ке-йин менга тикилди.

— Балки бекор қилдикми?.. — дедим унга.

— Нега?

— Тирикмикан эшик пойлоқчилари?

Федя саросималанди. Тугмачага гапириш мақсадида бўйнини хиёл эгди-да, яна бирдан кўтарди.

— Ванянинг овозини бошқаларникидан кўра яхшироқ танийман. У билан гаплашдим, — деди.

— Яхши, унда зинанинг ёнига бор. Илдамроқ келиш-син, эшшаклар! — дедим.

Федя қурол ушлаган қўлини олдинга чўзиб, зина тарафга юрди. Мен эшикни қия очиб, лифтли хонага бошимни суқдим. Лифт ёнида икки қоровул йигит билан бирга дўхтир Наташани кўриб, жоним чиқиб кетди.

— Нимани кутаяпсанлар, ҳайвонлар?! — дея бақириб юбордим. — Лифтнинг тугмасини бос! Ертўлага туш!

Кўриқчи йигитлар шошиб қолишди. Бирдан иккаласи ҳам тугмага ёпишди. Бошқа пайт бўлганида, маза қилиб кулардим. Аммо уларнинг ҳозирги ҳолати баттар қонимни кўпиртириб юборди. Сал бўлмаса, уларнинг икковиниям дўппослаб юборай дедим. Бироқ охирги сонияларда ўзимни босиб, эшикни қарсиллатиб ёпдим-да, йўлакка қарадим.

Орадан икки сония ҳам ўтмасдан, йигитлар бирин-сирин пайдо бўла бошлади. Охирида Федя келди.

— Гап бундай. Бу ерда лифт борлигини ҳеч ким билмайди. Ер-тўлага тушамиз. Тўртта машина бор. Ҳовлиқмасдан ўтамиз-да, ер ости йўли билан дала ҳовли деворининг нариги томонидан чиқамиз. Биров ҳовлиқмасин, ортиқча ҳаракат қилмасин. Гапимга қулоқ солмаганларни аяб ўтирмайман!

Биз ертўлага тушганимизда, ҳаммаёқ зимистон эди. Биздан олдинги турганларнинг бирортаси ҳам чироқни ёқмабди. Аслида, ёқолмасди ҳам. Чунки бу ернинг қаерида нима борлигини мендан бошқа биров билмайди.

Иморатнинг барпо бўлганига беш йил тўлди. Мен қурилишда бор эдим. Назоратчи эдим. Навбатма-навбат сакизта бригада ишлаган. Ер ости йўлини эса экскаватор қазиганди. Тупроғи олиб кетилмаган, дала ҳовлининг ўзига ёйилган. Кейин ер ости йўлининг қурилишида қатнашган ишчиларни Александр Абрамович йўқ қилишни буюрди. Мен унинг худди мана шу буйруғига итоат этмадим. Мурдахонадан ўликлар олиб келиб, хўжайинга кўрсатдим-да, ишчиларни яширинча қочириб юбордим. Яна ҳаммасининг пулини қўлига тутқаздим. Ҳамма нарсадан хабардор бўлганим учун шеф менинг ҳам баҳримдан ўтса керак, деб ўйлагандим. Ҳартугул, у бундай ишга қўл урмади. «Мен сенга ўзимдан ҳам кўпроқ ишонаман. Керакли одамсан. Сендақалар ҳар доим ҳам топилавермайди», деди у қурилиш тугагандан кейин бир йиллар ўтгач. Бу: «Хавотир олма, сенга тегинмайман», дегани эди. Бироқ не бўлган тақдирда ҳам, мен унга ишонмас, хизматни аъло даражада ўташга, шунинг билан бирга ўзимнинг ҳам хавфсизлигимни таъминлашга ҳаракат қилардим.

Чироқни ёқдим. Машиналарга ўтирдик. Мен энг олдиндаги «Мерс»да эдим. Александр Абрамовични орқа ўриндиққа ётқиздим. Ҳарна ўзимнинг ёнимда бўлгани тузукроқ. Анали ландовурларга ишониб бўлмайди. Тўғри, шефнинг нобуд бўлиши энди менга ҳеч қанақанги хавф солмайди, қайтанга қутулиб кетаман. Бироқ кўпчиликнинг кейинги ҳаёти пароканда бўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Чунки бошқа тўдалар уларни гажиб ташлашади.

Мабодо ўзларига қўшиб олишса, менинг ҳаётим ҳам хавф остига тушади. Сабаби бошқа гуруҳларнинг раҳнамолари Александр Абрамовичнинг яқин одамларини ўзларига қўшмайди. Осонгина йўл тутишади. Яъни аввал обдан фойдаланиб, сўнг баҳридан ўтишади. Мен бундай воқеаларнинг нечтасига гувоҳ бўлдим. Шу боисдан нима бўлган тақдирда ҳам, шефнинг ҳаётини сақлаб қолишим шарт эди.

Машина ер ости йўлининг охирига бориб тўхтади. Мен эшикни очиб, пастга тушдим. Ўнг тарафдаги махсус хонага кирдим-да, стол устидаги монитorni ёқдим. У ташқарини кузатиб турувчи камерага уланган эди. Дарахтлар, майсалар ва ҳаттоки югуриб кетаётган қуённи ҳам кўрдим. Қуён юрибдими, қушлар дарахт шохида ўтирибдими, демак, хавф йўқ. Кўнглим хотиржам тортиб, машина бемалол сиғадиган эшикни очиш учун электрон тугмачани босдим. Хонадан чиқиб, машинага ўтиришим билан ҳайдовчи йигитнинг юзидаги табассумни кўрдим.

— Нега бунча хурсанд-сан? — сўрадим ундан орқа ўриндиқда кўзларини юмганча қимир этмай ётган шефга қараб қўйиб.

— Ер остини ёмон кўраман. Ўзим москваликман, лекин бирор марта ҳам метрога тушмаганман. Юрагим сиқилади. Чунки ер ости менга қабрга ўхшаб кўринади. Ҳали ёшман, ўлишга улгураман.

Унинг елкасига қоқдим:

— Хаёлимга келмаган экан. Энди газни қаттиқроқ бос, — дедим.

Машина бирдан олдинга сапчиди ва биз кўз очиб юмгунча ташқарида пайдо бўлдик. Ҳамма томонимиз қалин ўрмон билан қопланган, олдинда фақат битта машина сиққулик йўл бор эди.

— Икки қақирим юргандан кейин тўхтаймиз, — буюрдим ҳайдовчи йигитга.

У бошини қимирлатиб, «хўп» ишорасини қилди. Мен ҳар эҳтимолга қарши шефдан яна бир марта хабар олдим. Шунинг билан бирга ортимиздан келаётган уловларга ҳам кўз ташлаб қўйдим.

«Мерс» кўзланган манзилда тўхтагач, тушиб, Федяни ёнимга қақирдим. Қолганларга қўлим билан ишора қилиб, қимирламасликларини тайинладим.

— Қочиш йўли борлиги тушимга ҳам кирмаганди. Бўлмаса, ўтган йили нақ олти ой яшаганман, — деди ёнимга келган Федя.

— Дунёда менга ҳам номаълум бўлган жойлар кўп. Ҳозир шимолга юрамиз, яна битта дала ҳовли бор. Уни-си ернинг остида жойлашган, ёнидан пиёда ўтиб кетсанг ҳам, сезмайсан. Лекин бунинг учун ялангликдан ўтишимизга тўғри келади. Ўрмонлар оралиги қарийб йигирма дақиқалик йўл. Тезликни сусайтирмайсизлар. Ҳамма нарсасага тайёр туришимиз керак, осмонда пайдо бўлиши мумкин бўлган калхатларгаям.

— Шеф етиб бора оладими? — сўради Федя бошини қашлаб.

— Билмадим. Менимча, етса керак. Дўхтирга айт, менинг машинамга ўтирсин. Наташа минғирламаяптими?

— Йўқ, ҳозирча жим. Менимча, шўрлик қиз қўрқиб қолган.

— Бўпти, вақтни ўтказмайлик, — дедим-да, машинага ўтирдим ва бардачокдан компасни олдим.

Олмасам бўлмасди, чунки нариги ўрмон ичида машина бемалол юрса-да, махсус йўл йўқ. Адашиб кетиш ҳеч гапмас, чунки яширин уйга охириги марта икки йил олдин борганман. Кўздан кечириш учун. Ўшанда роса сарсон бўлгандим. Уйнинг устини ўт қоплагани ва томи ер билан баробар бўлгани боис одамнинг кўзини адаштиради. Ўзиям пишиқ-пухта қилиб қурилган ер остидаги иморатнинг, чангни ҳисобга олмаганда, бир жойига ҳам гард юқмаган эди. Саккизта ётоқ, чўмилиш хонаси, ҳаммом одам йўқлигидан зерикадиган аҳволга келиб қолган. Юмшоқ каравотлар, мебель қандай келтирилган бўлса, шундайлигича турибди. Овқатингиз бўлса, бемалол умргузаронлик қилишингиз мумкин.

Александр Абрамовичнинг ёнига омонатгина ўтирган дўхтирнинг рангида ранг қолмаганди. Яна лаби гезарган, тинимсиз қалтирарди.

— Ишқилиб, тирик қолишимга кафолат борми? — сўради у машина юриши билан.

— Йўқ. Биз ўласак, ўласан, — дея жавоб қайтардим унга дағаллик билан.

— Бунақасига келишмагандик-ку. Мен касални даво-

лайман, пулини оламан-у, кетаман. Ҳеч нарсага аралаш-майман. Мени олиб...

— Бас! — дедим унга қараб ўқраярканман. — Эҳтимол, биз тирик қолиб, сен нариги дунёга равона бўлишинг мумкин. Ҳатто вақтидан анча илгари. Шунинг учун миқ этмай кет.

Дўхтирнинг бирдан уни ўчди. Менинг эса иккала кўзим ҳам йўлда, ён атрофда эди. Ҳар бир дарахт, бутани кўздан қочирмасликка уринардим. Шунингдек, қўлимда тўппонча, кўрсаткич бармоғим тепки устида турарди. Ора-чора ҳайдовчи йигитга қараб қўярдим. У рулни сиқимлаб ушлаганча машинанинг олд тарафидан кўз узмаган ҳолда, қилт этмасдан кетарди. Чаккасининг томирлари эса бармоқдай бўртиб чиққанди. Демак, асабийлашаяпти. Тўғри, тезлик юқори, агар йўлга диққат қилинмаса, ҳар сонияда бирор-бир дарахтга урилиб кетиши мумкин. Шундай эсада, зўриқиш мумкинмас.

— Саша, газни сусайтир. Бардачокда сигаретинг борми? — дедим унга.

— Бор. Чексам, яхши бўларди. Роса хумори тутаяпти, — дея оний лаҳзада менга кўз ташлаб қўйди у.

Машина бирозгина секинлади.

— Менимча, орқамиздан тушган бўлишсаям, етишолмайди. Анча узоқлаб кетдик, — дедим Сашани ҳовуридан тушириш мақсадида.

Чунки бундай пайтда одам жудаям совуққон бўлиши керак. Акс ҳолда, кутилмаган, режадан ташқаридаги ишлар ҳам кўпайиб қолади. Уларнинг баъзиларини иш дейишдан, албатта, йироқман. Сабаби, ҳозирги ҳолатимизда ишдан кўра, фожиа бизга яқинроқ турар эди.

— Бироздан кейин ялангликка дуч келамиз. Газни охиригача босасан. Йўл текис, — дедим гўё ўзига ўзи гапираётган одамдай.

— Бирор мартаям машинани охириги тезликка чиқазмаганман. Бир маза қиларканмиз-да, — деб илжайиб қўйди Саша.

Мен иккала чаккамни бармоқларим билан сиқдим. Негадир бошим лўқиллаб оғрий бошлаган, юрагим ҳапқираётганди. Сашага осонроқ: сиқилса, сигарет чекади. Менинг кашандалик одатим йўқ. Ташвишга солган нарса

йўқолиб кетмагунча, қийналиб юравераман. Тўғри, гоҳ-гоҳида ароқ ичаман. Лекин бу ичимлик ўлгурни ҳар со-нияда ичиб бўлмайди-да.

Биз ялангликка чиқдик. Машина тезлиги соатига икки юздан оша бошлади. «Мерс» ажойиб улов-да. Ичкарида унинг чопқиллаётганини сира сезмайсан, бироқ ташқаридан қарасанг, шунақанги тез юрадики, бошинг айла-ниб кетади. Бунақанги ҳолни илгари фақатгина самолёт-ларнинг учишдан олдин шунақанги тезликка чиққанини кўрганман.

Секин ўгирилиб, ортимга қарадим. Биз билан изма-из келаётганларнинг оралиги олислабди. Жаҳлим чиқди. Қўл телефонимни олиб, Федяга қўнғироқ қилдим.

— Нега тошбақага ўхшаб имиллайсанлар?! — дея ба-қирдим.

— Юз тўқсондан нарига ўтолмаяпмиз. Машина торт-маяпти, — деди у.

Қизил тугмани босиб, деразадан осмонга қарадим. Ҳеч нима кўринмади. Ён-атрофга қарадим, ҳеч нарса йўқ. Аммо, барибир, қўнғлим хотиржам бўлмади. «Режамизни биров уқиши мумкинми? Бунинг учун жуда тез ўйлаши керак. Бундан ташқари, топқирлик ҳам зарур. Дала ҳов-лига кирган ниқоблилар лифтни дарров топишолмайди. Аслида, у ерда лифт борлигиям билинмайди. Чунки лиф-тнинг томи пол билан баробар тенгликда. Фақат хонага кираверишдаги чироқнинг ёнидаги тугмачани босишма-са бўлгани... Лекин Александр Абрамовичнинг калласи баъзи олимларникидан ҳам зўр ишлайди-да. Ўйлаб топ-ганини қаранг», дея хаёлимдан ўтказдим. Шу пайт қуло-гимга моторнинг гувиллаган овози эшитилди. Бирдан Сашага юзландим.

— Эшитаяпсанми? — сўрадим ундан.

— Бизнинг тулпор моторининг товушимаслиги аниқ, — жавоб берди у.

— Биламан. Лекин нима гувиллаяпти? — дея ортимга ўгирилиб қарадим.

Ҳавога кўтарилган чанг-тўзон орасидан келаётган улов-ларнинг учовиниям кўрдим. Табиийки, улар ёниб кетган тақдирда ҳам биз эшитмаймиз. Лекин ниманинг товуши чиқаяпти? Вертолёт бўлмасин тагин, деган хаёлда дарров

ойнани туширдим-да, бошимни таш-қарига чиқардим. Шамол тезлиги шунақанги кучли эдики, кўзни очиш ту-гул, бошни юлиб кетадиган шашти бор эди. Шундай эса-да, кўкрагимгача ойнадан ташқарига чиқиб, самога қарадим. Кўнглимдагидай бўлиб чиқди. Осмонда вертолёт пайдо бўлибди. Бирдан бошимни ичкарига тикиб:

— Бос! — деб бақирдим Сашага.

— Икки юзу қирқдамиз. Бирорта чуқурга тўғри келиб қолсак, ҳаммамиз ўлиб кетамиз! — дея қичқирди у.

— Босавер! — дедим унга ўкрайиб. — Оз қолди. Яна икки минут. Ўрмонга киришимиз билан тормозни ишга соласан!..

Қолган гапларим оғзимда қолди. Чунки машина учган ва яна гурсиллаб ерга тушган эди.

— Чуқурнинг катталиги камида бир метр келаркан, — дея мийиғида кулиб қўйди Саша.

Мен тўппончамни қўлимга олиб, ўқладим.

— Ўриндиқ тагида автомат ҳам бор, — деди Саша.

— Сен қаёқдан биласан, машинага биринчи ўтири-шинг бўлса?

— Ер ости йўлидан чиқаётганимизда кўр-гандим.

Орадан уч дақиқа ўтар-ўтмас, биз ўрмонга кирдик. Саша тормозни босди. Агар тагимизда немисларнинг машина-си бўлмаганида борми, нақ отилиб кетар, бирорта қайин дарахтига урилган бўлардик. Машина анча жойгача сир-паниб бориб тўхтади.

— Ҳайда! — деб бақирдим шу заҳоти.

Чунки ортимиздан келаётганларга тўхташимизни айт-маган эдим. Саша чаққонлигини намойиш этди. Турган жойида ортига тупроқ отган «Мерс» олдинга сапчиди. Шу билан биз тўқнашувдан қутулиб қолдик. Ўрмонга бироз ичкарилаб тўхтаганимизда, ортимиздан келаётган-лар етиб олишганди.

Машинадан тушиб, улар томонга юрдим. Ҳамма улов-ларнинг эшиклари очилди. Федя югурганча ёнимга кел-ди.

— Жонларингдан тўйдиларингми?! — деди у ҳовлиқиб.

Мен унга илжайиб қарадим-да:

— Машинада яна икки соатлик йўл . Лекин бир соату қирқ беш минутдан кейин тўхтаймиз. У ёғига яёв кета-

миз. Вертолёт ўрмон хўжайининикига ўхшади. Аммо, ба-рибир, катта тезликда кетаётган машиналар уларни шуб-ҳалантирмасдан қўймайди. Шунинг учун керакли жойга аллақачон хабар беришган бўлса керак. Ажабмас, ҳализа-мон бошқа вертолёт пайдо бўлса. Шунинг учун, Федя, бундан бу ёғигаям секин кетолмаймиз, — деб дўстим-нинг елкасига қўл ташладим. — Бундан чиқди, яна бир марта жонимиздан тўйишимизга тўғри келади. Энди яна ҳамма машиналарга ўтирсин.

Изимга қайтиб келдим. Саша моторни ўт олдирди. Мен ортимга ўгирилдим.

— Аҳволи қалай? — сўрадим дўхтирдан.

— Бунақада мен кафолат бермайман, — деди у менга ўқрайиб.

— Мен ҳам сенинг тирик қолишингга кафолат бер-майман. Бундан чиқди, шаҳарни кўриш сен учун орзули-гича қолади.

Йўл ялангликдагидан фарқли ўлароқ ўйдим-чуқур эди. Аслида, йўл деган нарсa мутлақо йўқ эди. Мен компас-дан кўзимни узмас, Сашага гоҳ ўнгга, гоҳ чапга бурили-шини айтиб кетардим.

— Яна битта чексам, майлими? — дея сўраб қолди бир маҳал Саша.

— Бошқа ҳеч нимани кўнглинг тусамаяптими? — дея уни жеркиб бердим.

Бечоранинг бирдан овози ўчиб қолди.

Орадан тахминан ярим соатлар ўтди. Олдинда қиялик бор эди. У ҳақда ҳали ҳамроҳларимга ҳеч нима демаган-дим. Ортиқча гап-сўз бўлмаслиги учун. Энди айтишнинг вақти келди.

— Бироздан кейин энишга дуч келамиз. Машинани илон изи қилиб ҳайдайсан. Шунда бошқариш осон бўла-ди, — дедим Сашага.

У менга қараб қўйди-да, бурнини тортди ва ўрнига яхшилаб жойлашиб олди.

Энишга етганимиздан кейин тўхтадик. Мен машина-дан тушдим. Осмонга қарадим. Бир-иккита ёмғир том-чиси юзимга урилди.

— Ҳализамон қуйиб берса керак. Ишқилиб, энишдан эсон-омон тушиб олайлик-да, — дедим ёнимга келган Сашага.

У сигарет чекар, оғзидан паға-паға тутун чиқармоқда эди.

— Муаммо бўлмайди. Муаммо яёв юра бошлаганимизда бўлади, — деди у.

— Баъзи-баъзида калланг ишлаб қолишидан хурсанд бўлиб кетаман, Саша, — дея ҳазиллашдим.

Гапим унга ёқмади. Ўқрайди. Унинг ўкра-йиши мен учун икки пул. Буни унинг ўзиям билади, шу боисдан миқ этмади.

Биз-ку, омон-эсон энишни ортда қолдирдик. Аммо Федя ўтирган машина жала бошлангани боис сирпаниб кетиб, ён томонини қайин дарахтига уриб олди.

Бечора Федянинг сўкинганини эшитсангиз эди. Қўрқиб кетди, шекилли. Неча марталаб оғир вазиятда бир туки қилт этмаган йигитнинг машина дарахтга урилишидан жигибийрон бўлиши одамнинг кулгисини қистарди. Шу боисдан машина тўхтагач, унинг ёнига бордим.

— Эшик озгина пачоқ бўпти, рангиям кўчибди. Шунга ўрмонни бошингга кўтаряпсанми? — дедим Федяни ҳовуридан тушириш учун.

— Биласанми бу машина неча пулга келганини? Мен ўзим бозордан сотиб олганман. Чўнтагимдан ўнта лимон чиқазганман. Шефга қанчалик ёққанини биласанми? У қанақа совга олишни билади! — деди у оғзидан кўпигини сачратиб.

— Шунақа дегин. Айтдим, нега бу бунча имиллайди деб... — дея кулдим.

— Қайси аҳмоқ икки юз тезликдан ошириб ҳайдайди машинани? Комфорт, ўқимаган, комфорт, зўр бу машина.

— Комфортмас, сенинг ўн мингнинг кетган, шунисига ачинапсан. Бўпти, ёмғир баданимгача ўтиб кетди. Болалар билан итарамиз, дарахтдан ажратиб олсак, у ёғига ўзи бемалол юради. Бундан бу ёғига мутлақо тўхтамай-миз.

Йўлга чиқишдан олдин Федядан инглизча шишани олиб қўйдим. У доим ўзи билан бирга энг тоза ароқни шу идишга солиб юарди. Бировга бермасди. Фақат ўзи ичарди. Ҳозир ҳамма кийимларим жиққа ҳўл бўлгани боис, озгина ароқ ичмасам бўлмасди. Шунинг учун ош-

нам икки қултум ютиб, энди шишанинг оғзини ёпаётганида, қўлидан тортиб олдим.

— Сендан улфат чиқмайди, — дедим кулиб ва «Мерс» тарафга кетдим.

Тўғриси айтиш, кўпи билан ҳисобласа, ярим пиёла ичдим. Аммо шугинаям бошимни айлантирди. Шу билан бирга баданим қизиди. Кўнглим озгина хотиржам тортгандай бўлди.

Ёмғир кучайгандан-кучайди. Бунинг натижасида машинанинг юриши қийинлашди. Саша иккаламизнинг ҳам нигоҳимиз олдинда, “Ишқилиб, омон-эсон етиб олайлик”, деб ўйлаймиз. Бир ҳисобдан ёмғир ёға бошлагани ҳам яхши бўлди. Изни ювиб кетади. Оптимиздан келаётганларни, эҳтимол, адаштириб юбориши мумкин. Балки келишмас, балки бошқа вақтга қолдиришар. Ёки иссиғида... Қизиқ, ким бўлдийкан ниқоблилар, ким?! Наҳотки портлашда бизни айбдор қилишган бўлса? Ахир Александр Абрамовичнинг жароҳатланганини қанчадан-қанчаси кўрди. Қолаверса, мен ҳам ҳушсиз йиқилдим ҳамманинг кўз ўнгида. Шошма, улар мени танимайди. Мен кўринмас одамман. Лекин кўринмаслик ортда қолганга ўхшайди. Чунки ўзимизникиларнинг ҳаммаси кимлигимни билиб бўлишди. Илгари, илгари билишмасди. Шунчаки шефнинг яқинларидан бири бўлса керак, деб ўйлашарди. Балки ҳозир ҳам шундайди... Қулоқ қоқмасдан буйруқларимни бажаришарди. Ҳатто кўп вақтдан бери қадрдонимга айланиб қолган Федя ҳам изимдан чиқмаяпти... Барибир, билишмайди. Федя ҳам билмайди. Шунчаки мен Александр Абрамовичнинг яхши тижорий ҳамкори бўлганим учунгина айтганларимга қулоқ тутиб юришибди.

— Криво лойга тўлганга ўхшайди. Юришимиз қийинлашарди. Ҳализамон мутлақо қимирломай қоламиз, — дея Саша менинг хаёлимни бузди.

— Ҳали борар еримиз анча олис, ёмғирда кетадиган бўлсак, Александр Абрамовични бой бериб қўямиз. Шунинг учун мумкин қадар ҳайда. Бирорта ўтли жой чиқиб қолса, тўхтайсан, гилдиракларни тозалаб оламиз, — дедим мен.

Саша бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қилди.

Шундан кейин ҳам қарийб ярим соатдан мўлроқ юридик. Охири Саша айтганидай, машина мутлақо юролмайдиган ҳолга келди. Тўхташга мажбур бўлдик.

Машина қаноти, гилдиракларни тозаладик. Орқадаги машинадагилар ҳам шундай қилишди.

То манзилга етгунча яна тўрт марта тўхташга мажбур бўлдик. Бахтимизга, ёмғир тинди. Энди бундан бу ёғига бемалол яёв кетиш мумкин эди-ю, лекин ернинг лойлиги, шох-шаббаларнинг ҳўллиги, барибир, юришни қийинлаштиришини айтиб турар эди.

Уловлар дарахт шохлари билан бекитилгач, йигитлардан иккитаси Александр Абрамовични кўрпанинг ўртасига ётқизиб, икки чеккасидан кўтариб олишди. Наташа эса менинг ёнимга келиб олганди.

Йигирма қадамча юргандик. Ҳа, худди шундай. Бир маҳал милтиқнинг гумбурлаган овози эшитилди. Ҳамма бирдан турган жойида қотиб қолди. «Наҳотки қувиб етишган бўлса», деган ўй яшин тезлигида хаёлимдан ўтди.

Йигитларга қўлим билан энгашинглар ишорасини қилдим. Ўзим эса дарахт ортига ўтиб, атрофни кузатдим. Аввалига ҳеч ким кўринмади, шунингдек, ҳеч бир шитирлаш, оёқ товуши ҳам қулоққа чалинмади. «Демак, улар озчилик: кўпи билан тўрт-бешта. Бизга кучлари етмайди. Бундан чиқди, тўхтатиб туришни режалаштиришган. Қолганлар етиб келгунча ушлаб туришади. Сўнг... Чучварани хом санабсанлар», дея хаёлимдан ўтказдимда, олд тарафдаги дарахтнинг ортига ўтиб яшириндим. Кейин наригисига... Шу тахлит йигитлардан ажралиб, анча нарига кетиб қолдим. Бир пайт кимнингдир сўкигани эшитилди. Секин ён-атрофни кузатдим. Агар эшитсангиз, сизнинг ҳам жонингиз чиқиб кетади. Ахир ўқ отган овчи экан. Аста яширинган жойимдан чиқиб, унга яқинлашдим. Овчи ерда типирчилаб ётган ёввойи чўчқани ўлдиролмасдан овора эди. Ҳайвон худди онглидай, овчи қайси тарафдан борса, шу томонга оёқлари билан бурилар ва типирчиларди. Қўлида йирик пичоги бўлган овчи эса жаҳли чиққан, икки гапининг бирида чўчқани сўкарди. У шунчалик газаб отига минган эдики, мен борганимни сезмай ҳам қолди. Мен тўхтаб, овчи билан чўчқани бироз томоша қилдим. Кулгим қистади.

— Ёрдам керакмасми? — дедим охири вақтим бекорга ўтаётгани учун.

Овчи ялт этиб менга қаради. Шу маҳал кўзлари ўйнаб кетди. Шунинг ўзиёқ унинг ноқонуний ов билан шугулланаётганидан дарак берарди. Қўйнимдаги қизил гувоҳномани унга кўрсатдим. Албатта, унинг ичида ҳеч нарса ёзилмаганди. Оппоқ қоғоз эди. Лекин овчининг бошидан ҳуши учганлиги боис гувоҳномани очиб қарашни хаёлига ҳам келтирмади.

— Мен... ҳалиги, — дея дудуқланиб қолди.

— Ҳа, сен ҳалигисан... Нега ўлдирдинг? Жаримасини ҳозирнинг ўзидаёқ ундирайми ёки бир-икки йил ўтириб чиқасанми?!

Дабдурустан қилинган пўписа овчини бироз бўлсада, ўзига келтирди.

— Бошлиқ, келишайлик. Мен сизга айтсам, хотиним ёввойи чўчқанинг гўштига бошқо-ронғи бўлган. Шунинг учун... Бўлмаса, икки кун сарсон бўлмасдан, беш-олтита куённи отиб кетаверсам ҳам бўларди...

У сўзлаб бўлиши билан қўйнига қўл тикиб, қопчигини олди.

— Йўқ, — дедим мен бошимни қимирлатиб, — пулинг ўтмайди. Ёмгирда қолиб кетдим. Кийимларим ивиб қолди. Шунинг учун ароқ берасан.

У гапимни эшитиши билан иржайди. Сал нарида ётган юк қопини очди-ю, ичидан деярли икки литр сигимли шишани чиқарди.

— Қўлбола, ўзим тайёрлаганман. Ҳозир дўконларга ишониб бўлмайди. Бир марта десангиз, оғайни, қорнимнинг мазасини қочириб қўйган. Шундан бери ўзимга ўзим тайёрлаб оламан, — де-ди-ю, бирдан менга тикилиб қолди. — Лекин сотмайман. Сотмайманми, демак, ўзим учун тайёрлашга ҳақим бор.

— Ким учун тайёрлаганингиз мени қизиқтирмайди. Ўзиям кўп гапираркансиз, идишингизни тўлдириб битта қуйинг, — дедим кулиб.

Овчининг юзига яна қон югурди. Тунука кружкасини ароққа тўлдириб, менга узатди. Унинг ароғи қанақалигини билмасдим. Нима қўшилганидан беҳабар эдим. Мендай эҳтиёткор, бир чўқиб, атрофига юз марта қарайдиган

одам дабдурустдан овчининг ароғини ичиши... Иккинчидан, маст бўлиб қолишим ҳам ҳеч гапмас. Ахир ичмайдиганлар хилиданман. Бундан озгина вақт муқаддам Федянинг шишасидан ҳам қултиллашиб ароқ ичганман. Бироз бошим қотди. Ароққа термилиб турдим-да:

— Овчилар билан тўқиштириб ичмаганман ҳеч, — дедим.

— Бошлиқ, бу гапингиз мутлақо бошқа бўлди. Очигини айтсам, зўрга чидаб тургандим, — дея овчи яна қопини ковлаштирди.

Бошқа бир куружка чиқарди, ароққа тўлдирди. Кейин иккаламиз тўқиштирдик. Ичдим. Ҳақиқатан ҳам, дўконнинг ароқларидан фарқ қиларкан. Одамнинг томоғидан силлиққина ўтади.

— Лекин ароқ билан қаноатланадиганлар хилидан эмасман. Овингнинг битта оёғи хотининг иккалангга бемалол етиб-ортади. Менга бер пичоқни!..

Унинг юзида норозилик аломати пайдо бўлди. Бироқ иложи қанча, тихирлик қиладиган бўлса, ҳеч вақосиз қолади. Мен уни ҳайдаб юбораман.

Ёввойи чўчқанинг юрагига тиг санчилгач, дарров жон берди. Кейин орқа оёғи кесиб олинди. Асосий гўшт сонда бўлади. Овчи насибасини олганидан кейин хафа бўлмади. Гўштини орқалаб, жўнаб қолди. Менга чўчқа этининг мутлақо кераги йўқ эди. Бироқ овчидан қутулишнинг бошқа йўли бўлмаганлиги боис шундай қилишга мажбур бўлдим.

Йигитлар ёнига қайт-дим. Улар мен нима қилаётганимдан аллақачон хабар топишган, шекилли, тўпланиб гаплашиб туришарди.

— Бунча қоп кетмасанг, — деди Федя яқинига борганимдан сўнг оғзидан паға-паға тутун чиқазиб.

— Сенга гўшт ундирдим. Ўзиям маза қиладиган бўлдинг, — дедим кулиб.

— Тўхтаб, дам оламизми?

— Кўнглинг бошқа нарсаням тусамайдими? Манзилгача кўтариб кетасан. Кетдик.

Ер ости қасрига кўзда тутилгандан йигирма дақиқалар кеч бордик. Ҳамманинг тинкаси қуриган эди. Айниқса, Александр Абрамовични кўтарганлар дармонсизланди. Ер

остига тушганимиздан сўнг Федя иккаламиз ҳаммани хоналарга бўлиб чиқдик. Киришдаги хона эса ўзимга тегди. Бу, бошқаларидан анча фарқ қиларди. Ташқаридан келадиган ҳаво ҳам аввал шу ерга кириб, сўнг бошқаларига ўтарди. Бундан ташқари, ер ости уйининг барча хоналари ва яна ташқарига ўрнатилган видеокамера шу ердаги учта мониторга уланган эди. Ток аккумулятордан келар, аккумулятор қувватсизланиб қолмаслиги учун ундан иккита сим чиқазилиб, бу ердан тахминан беш-олти чақирим наридаги дарёда махсус қурилма ўрнатилганди. Шу боисдан чироқ ёқиш, камераларни ишлатиш имконияти бемалол эди.

Тўғриси, жуда қаттиқ чарчаган эдим. Оёқ ки-йимимни ечдим-у, кийимим билан юмшоқ каравотга чўзилдим. Федя эса ётмади. Чиқиб кетди.

Ухлабман. Тушимга қора ниқоблилар кирди. Федя, Александр Абрамович ва бошқа йигитлар нозу неъматларга тўла стол атрофида ўтириб, еб-ичишаётганмиш. Шу пайт ҳарбий кийимдаги ниқоблилар хонага бостириб киришибди. Бироқ ҳеч ким ўрнидан турмабди. Айшу ишратини давом этказаверибди. Ҳарбийлар ҳам уларга тегинмабди. Фақат менга ташланишибди. Бир-иккисини уриб ағдарибман, кейин эшикдан ташқарига қочиб чиқибман. Кўй-нимдан тўппончамни олиб, ҳамла қилаётганларни отмоқчи бўлибман. Бироқ тепки сира босилмабди. Улар бўлса, қўлларидаги автоматларидан тариллатиб отармиш. Қулоғим остидан визиллаб ўтаётган ўқларнинг товушини эшитармишман, лекин бирортаси тегмасмиш. Шунда нақ икки қошимнинг ўртасига тўғри учиб келаётган ўққа кўзим тушибди. Уйғониб кетдим. Роса терлаб кетган эканман. Ўрнимдан туриб, стол устида турган графиндан стаканга сув қуйиб ичдим. Кейин яна каравотга чўзилмоқчи бўлганимда, эшик очилиб, На-таша кўринди.

Унинг келишини кутмаганим боис ажабландим.

— Мумкинми? — деди у.

— Бемалол, — дея каравотга ўтирдим.

— Безовта қилмоқчимасдим, лекин мажбурман, — деб, менга тикилди у.

— Хўш, ўша мажбур қилган нарса нима экан?

— Мен сизни Александр Абрамовичнинг ёрдамчиси эканлигингизни билмасдим.

— Шундоқ ҳам ёрдамчи эмасман. Худди сиз каби эркин инсонман. Александр Абрамович яқин танишим. Уч-тўрт марта менга ёрдам берган. Бошига иш тушганда, ташлаб кетгим келмади. Бор-йўғи шу.

— Мен уйимга кетишим керак... Ёрдам бераман, дегандингиз. Шунга келдим.

— Наташа, бошқа истаган нарсангни сўра, уудалашга ҳаракат қиламан. Лекин ҳозир... Менимча, аллақачон қоронғи ҳам тушган бўлса керак. Яна йўл...

— Аммо...

— Тушунаман, сен ҳам тушунишингни истайман.

Наташанинг боши эгилди. Зумда кўзидан ёш томчилай бошлади. Уни кўриб, юрагим эзилди. Қани энди имконим бўлса-ю, қўлимда даст кўтариб, уйига элтиб қўйсам.

Ўрнимдан турдим-да, Наташанинг ёнига бориб, сочларини силадим. Умрим бино бўлиб, ҳали бирорта қизнинг сочини силамагандим. Ҳар доим улардан ўзимни олиб қочардим. Руҳим, вужудим фақат Лола учун аталган, деб ҳисоблардим. Энди у менга бегона, энди у... Йўқ, бошқасини ўйлолмайман, чуқурлашиб кетаман. Ўзимни ўзим қийнайман. Чунки унинг бошқа бир йигит бағрида эканлигини тасаввур этиш мен учун азоб. Ҳозир ҳам кўз ўнгимда у пайдо бўлди. Тишимни тишимга босиб, кўзимни юмдим. Бу пайтда Наташа бошини кўтарган экан-у, мен сезмабман.

— Нима бўлди? — деди у майин овозда.

Мен уйқудан уйғонгандай чўчиб, кўзимни очдим. Кейин:

— Узр, хаёлга берилиб кетибман, — дедим жилмайиб.

— Сен менга ишон. Ҳаммаси ўтиб кетади. Одамнинг бошига ғам тушмайдиган пайтнинг ўзи борми?.. Имконият кўп ҳолларда чегараланади. Баъзан мана шундай пайтларда ҳам яқинларимизнинг ёнида бўлолмаймиз. Сен жудаям ажойиб қизсан. Энди менга айт-чи, йигитинг борми?

Азбаройи унинг хаёлини бошқа томонга буриш, кўнглини бирозгина юмшатиш мақсадида шундай дедим.

Наташа бирдан сергак тортди. Шоша-пиша кўзининг ёшени кафти билан артди.

— Нимаиди? — дея киприкларини пирпиратди.

— Сен саволимга жавоб бер, йигитинг борми, йўқми? Йўқ, десанг, ёлгон гапирган бўласан.

— Унда гапимга ишонмаскансиз. Йигитим йўқ. Сак-кизинчида ўқиётганимда бор эди. Хоккейчи эди. Ҳозир йўқ. Машгулот пайти музнинг устида йиқилиб, жон берган. Текшириб кўришса, юраги порог экан. Биз ҳали тузукроқ учрашишга ҳам улгурмагандик.

«Оббо, бу ёғи ҳам мотамга қараб кетди-ку», — кўнглимдан ўтказдим ва Наташа гуссага берилишга улгурмасдан, навбатдаги (балки унинг учун ёқимсиз, беўхшов бўлган) саволни бердим:

— Сени кўрган йигит борки, оёғинг тагига ўзини ташлагиси келади.

— Ана шунақалар менга ёқмайди. Самимият бўлмайди уларда.

— Кечирасан-у, ҳар-қалай, бўйи етган қизсан, турмушга чиқиш вақтинг...

— Агар сизга ўхшаган йигитлардан бирортаси таклиф қилса, йўқ демайман.

Очиғи, Наташанинг бундай дейишини сира кутмагандим. Шу боис озгина довдирадим. Қизнинг юзида табасум пайдо бўлди.

— Қани, йигит, энди менга берган саволларингизга ўзингиз жавоб беринг-чи. Ҳар қалай, сизнинг ёшингиздагилар ҳам аллақачон уйланган бўлиши керак-ку!

— Нима савол бергандим?

— Билмадим.

— Шунақанги пайтларда хотирам чатоқлиги панд бериб қолади-да, — деб кўзимни шунчаки олиб қочмоқчи бўлдим-у, беихтиёр мониторга назарим тушиб қолди.

Гарчи ташқари қоп-қоронғи эса-да, камера шарпа кезиб юрганини сезиб қолган эди. Дарров кўрсаткич бармоғимни лабим устига қўйиб, мониторга яқинлашдим. Наташа ҳам мен билан бирга юрди. Шарпа йўқолди. «Демак, изимиздан тушганлар шу ергача етиб келишган. Дарров эҳтиёт чорасини кўриш керак», дея кўнглимдан ўтказиб, эндигина хонадан чиқмоқчи бўлганимда, Ната-

ша қўлимдан ушлади. Унга ўгирилиб қарадим. Қизнинг мовий кўзлари чарақлар, алланималар деяётгандай эди. Бир муддат бизнинг нигоҳларимиз тўқнашиб тургач:

— Сенга ёқаманми? — дея сўради у.

— Ҳа, ёқасан. Ҳозир йигитларни огоҳлантириш керак.

Бирпасда йигитлар урушга тайёрланган жангчидай шайланишди. Мен Александр Абрамович ётган хонага кирдим. Чунки унинг кўзини очганини айтишган эди. Аввал мени сўроқлабди.

— Қаерда хатога йўл қўйдик? — деди у каравотининг ёнига стул қўйиб ўтирганимдан сўнг.

«Кўзинг қаёқда эди? Сенга ишонганим учунгина йигинга боргандим. Сен бўлсанг, ҳаммасини расво қилдинг», деган гап ётарди унинг сўроғи остида.

— Биз хатога йўл қўймадик, — дедим унинг кўзига тикилиб.

— Тушунаман. Федя қаердалигимизни айтди. Сиздан умид қиламан... Шуғулланинг.

Александр Абрамовичнинг калласи аввалгидек ишлаётган эди. Илгари ҳам у фақат шунақанги сирли гапирар, мазмун-моҳиятини топиш эшитган одамнинг зиммасида қолаверарди.

Хонамга бориб, мониторга тикилдим. Зимистондан бўлак ҳеч нима кўринмади. Ке-йин дўхтирни чақирдим. Шефнинг аҳволини суриштирдим.

— Бутунлай соғайиши учун камида беш-олти ой керак бўлади. Шунда ҳам ногирон бўлиб қолиш эҳтимоли кўпроқ. Лекин ҳозирги шароитда соғайишига ҳам кафолат йўқ. Германия клиникасининг зарурати туғилган, — деди у.

Унинг қарашлари, ҳаракатида бир олам норозилик аломатлари бор эди. Ана шу нарса менга ёқмади.

— Даволашингиз учун қанча беришди? — сўрадим ундан ўзимни гўлликка солиб.

— Ким?.. Қанақа? — деди дўхтир талмовсираб.

— Профессор, кўринишингиздан ниҳоятда ақли одамга ўхшайсиз. Бунинг устига, сиз қасамёд қилгансиз. Исталган пайтда ҳар қандай одамни даволайман деб. Агар у душманинг бўлган тақдирда ҳам... Шундайми, профессор?

Дўхтирдан садо чиқмади. У менга тикилганча қотган эди.

— Энди бораверишингиз мумкин. Германиядаги клиника масаласини эса ўйлаб қўрамиз.

У кетди. Мен хаёлан хўжайиннинг гапларини таҳлил қила бошладим. Охири шу хулосага келдимки, унинг мана шундай аҳволга тушиб қолишига мен айбдор эканман. Бир томондан фикри тўғри. Лекин иккинчи тарафдан, мен ҳам Худо эмасман, имкониятларим чегараланган-ку!.. Яна битта муаммо бор. Энди йигитларнинг деярли ҳаммаси менинг ким эканлигимдан хабар топишди. Муносабат ўзгариши ҳам ҳеч гап эмас... Биттагина ишончлиси Федя. У яхшилик қилмаслиги мумкин, лекин ёмонлик ҳам қилмайди. Демак, тезда ўз хавфсизлигим чорасини ҳам кўришим керак. Шеф, лозим бўлса, мендақаларнинг ўнтасидан ҳам воз кечиб юбораверади. Ўша ҳозир каравотда ярим жон бўлиб ётган Александр Абрамович шунақанги катта кучга эга. Германия... Германия. Ҳа, у ерда Тимофей бор. Қандолат фабрикасининг бошлиғи. Албатта, номига. Аслида, мана шундай лаҳзаларда у хизмат қилиши лозим. Ҳозироқ кўнгироқ... Йўқ, бу ерда имконият йўқ...

Юрагим сиқилди. Ўрнимдан туриб, хона бўйлаб қарийб ярим соат, Федя келгунча юрдим.

— Уйқунг келмаяптими? — сўради у ўзи учун ажратилган каравотга ўтираркан.

— Шунақага ўхшайди.

— Билсанг, вақтни ўлдиришнинг энг яхши усули — бирор жонона билан суҳбатлашиш, — дея иржайди ошнам.

— Жононани қаёқдан топаман?

— Осон. Наташага бир оғиз айтсанг, ёнингга югуриб келади. Бекорга у ҳам битта хонада бир ўзи сиқилиб ўтирибди. Чироғи ҳалигача ёниқ, демак, ухламаяпти.

Мен керакмас, дегандай қўл силтадим.

— Унда яна битта йўли бор. Буниси осонроқ. Яъниким, иккаламиз отамлашамиз. Нима дединг?

— Шу гапинг жўялироққа ўхшайди, — дея кулиб қўйдим мен.

Ичкилик таъсир қилдими ёки кўнглимда шундай хо-

ҳиш пайдо бўлдим, Наташанинг хонаси эшигини тақиллатганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Аввал гижирлаган, кейин оёқ товуши эшитилди. Сўнгра калит буралиб, эшик очилди. Қизнинг сочлари орқасига ёйилган эди. Тунги кўйлақда аввалгидан ҳам очилиб кетганди у.

— Рухсат берасанми? — сўрадим ундан.

— Барибир кирасан-ку. Шунинг учун қаршилиқ қилишга ҳожат бўлмаса керак, — дея у эшикни каттароқ очиб, ўзи четга ўтиб турди.

Мен сўл тарафдаги деворга тақаб қўйилган юмшоқ диванга ўтирдим.

— Нега келдинг? — сўради у.

— Боя гапимиз чала қолганди. Ўшани келган жойидан давом этказиш учун.

— Маст ҳолатингда гаплашиш бефойда. Ётиб дам олганинг маъқулроқ. Бунинг устига, жароҳатинг билан юрибсан. Бошқа ичма, сенга мумкинмас.

— Тушунарли. Малакамнинг йўқлиги панд берди, шекилли.

— Малакали бўлганингда, хонамга мутлақо киритмасдим.

Менинг кетишдан ўзга чорам қолмаганди. Хонамга қайтиб борганимда, Федянинг хуррак отиб ухлаётгани устидан чиқдим. «Бир шиша ароқ менга зигирчайм таъсир қилмайди», деган эди у. Аммо шиша яримламасдан маст бўлиб қолди. Қолганини бир ўзим ичдим. Ана шундагина хаёлимга Наташа билан гаплашиш келди. Чиқаётганимда Федя уйғоқ эди. Жуда тез қайтдим. Лекин у ухлашга улгурибди.

Безовталиқ тонггача мириқиб дам олишга қўймади. Уйғониб, мониторга қараганимда, ҳали тонг отмаган экан. Қўл соатим эса бу пайтда бешни кўрсатиб турганди. Дарров ювиниб, кийимларимни кийдим. Шунда миямга галати фикр келиб қолди. Ташқарига чиқиб, атрофни ўз кўзим билан кузатишни ўйладим. Фикр маъқул келиб, дарров зинадан тепага кўтарилдим. Қопқоқни очиш тугмасини босишдан аввал нафас ростладим. Бироз иккиландим ҳам. Мониторга қараб келиш керак, дея ўйладим-у, бироқ шу заҳоти ниятимдан қайт-дим ва тугмачани босдим. Ер юзаси овоз чиқазмасдан секин силжиди. Кўзимга юлдуз-

лар кўриниб, юзимга муздай ҳаво урилди. Бирдан танам яйраб кетди. Ташқарига чиқишдан олдин товушларга қулоқ тутдим. Одамнинг овози, оёқ товуши эшитилмади. Шундан кейингина бошимни кўтардим. Тонгги ўрмоннинг ҳолатини ҳамма билса керак. Ҳа, худди шундай: дарахтлар тубида булутлар каби оппоқ туман сузиб юаради. Кеча яхшигина ёмғир ёққанидан у жудаям қуюқ, шу боис икки қадам нарини кўз зўрга илғайди. Бир ҳисобдан, бу менинг фойдамга эди. Чунки ҳозир чиқаман, нарироқда яққол кўриши мумкин бўлганлар мени кўздан қочиришади.

Ташқарида бирор йигирма дақиқа айланиб юрганимдан сўнг этим жунжика бошлади. Лекин шу пайтгача бирорта одам тугул, шубҳали нарса учратмадим. Аммо тунда камера оқали шарпа кўрганим рост эди ва айни мана шу ҳол кўнглимга аёвсиз безовталиқ соларди. «Эҳтимол, чарчаганим боис бирорта дарахт кўзимга одам бўлиб кўрингандир», деган хаёлга бордим-да, секин ортимга қайтмоқчи бўлиб турганимда, дарахт шохининг қарсиллаб сингани эшитилди. Кичкинагина шохча. Демак, уни синдирган ким бўлишидан қатъи назар, шу яқин атрофда.

Мен жуда эҳтиёткорлик билан қадам ташлардим. Дарахт, новда, умуман, кўзга нимаики кўринса, ҳаммасини диққат билан кузатардим. Ана шу пайт чўққа кўзим тушиб қолди. Қип-қизил чўғ. Бор-йўғи уч-тўрт қадам нарида. Қайин дарахтининг остида. Секин энгашдим ва олдинга силжий бошладим. Кўрдим. Уч киши бир-бирига суяниб ўтирар, биттаси сигарет чекар ва, табиийки, фақат угина бедор эди. Ортга чекиндим. Рўпарасидан борсам, у мени кўриб қолади. Шунинг учун айланиб ўтишга қарор қилдим.

Дарахт остига кўндалангига ташланган ёғоч устида ўтирганларнинг бир-бирига мусичадай ёпишиб турганидан совқотаётганларини билиш қийин эмасди. Уларга ичим ачиб кетди. Шўринг қурғурлар бизни топиш илинжида шунча азобни бўйнига олганларига қойил.

Чеккада мудраб ўтирган «овчи» бирдан ерга қулади. Бўйинга арра усулда зарба бериб, душманни ҳушидан кетказишни мукамал ўргангандим. Ҳатто шунчалик уста

бўлиб кетган эдимки, озгина имкониятни ҳам қўлдан чиқармасдим. Мана бундай мудраб ўтирганлар-ку, эрмак эди.

Сигарета чекаётган йигит ўрнидан сапчиб турди. Тўғриси, озроқ қизиб олиш мақсадида атайин унга шу имкониятни бердим. У мен билан муштлашиш ўрнига ёғочга суяб қўйилган автоматини олмоқчи бўлди. Лекин улгурмади. Автомат камари таранглашиб, оёғим учида оний лаҳза тургач, қурол билан бирга йигитнинг ўзи ҳам нарироққа бориб тушди. Рақибим иржайиб енгини шимарди. У мендан қарийб бир ярим қарич узун, елкалари кенг йигит эди. Кўринишидан бир ҳамладаёқ тилка-пора қилиб ташлайдиган шашти бор эди. Бироқ бу шашт унча узоққа етмади. Тўғрироғи, яхшилаб қизишимга унинг ўзи имкон бермади. Сигарет чекишнинг касофати эди бу. Чунки ҳаракат секинлигининг бош омили мускуллар чарчаганига бориб тақалади.

Елкамдан ошиб ўтган рақиб ерга ўнғайсиз йиқилди. Тўғрироғи, кичкинагина ёғоч парчаси устига бели билан тушди. Омадсиз бўлса, мен нима қилай ахир?

— Белимни синдириб юбординг! — дея инграб юборди шўрлик.

— Йўқ, ҳали синишига анча бор. Балки, умуман синмас. Лекин бунинг учун ақлли бўлишинг керак, — дея унинг бошини силаб қўйдим-да, бориб автоматлардан бирини олдим.

Сўнг инқилаётган йигитни назардан четда қолдирмаган ҳолда, ҳушидан кетиб ётганларнинг қўлларини ўз камарлари билан маҳкам боғладим. Сўнг азобдан бироз қутулиб, оғриқли ҳансирашни бас қилган барзангининг ёнига бордим.

— Тур ўрнингдан! — дедим қатъий оҳангда.

У бир қўли билан белини ушлаганча менга қаради.

— Тур! — такрорладим мен.

— Нима қилмоқчисан? — сўради у ётган жойидан.

— Ҳозирча ҳеч нарсаси. Кейин ўйлаб кўрармиз. Исминг нима?

— Евгений, — дея жавоб берди у ва ўрнидан туришга ҳаракат қила бошлади.

Қийналди. Озгина ёрдам беришимга тўғри келди ва

шундай қилдим ҳам. Кейин ҳушсизларни ҳушига келтирдик. Сўнгра улар олдинда, мен ортда йўлга тушдик.

Улар ер ости қасрининг эшигини пулт билан очганимда, ҳайрон бўлиб, бир-бирларига қараб қўйишди.

— Афсуски, сирни кечроқ билдинглар. Хўжайинларингга етказишнинг энди иложи йўқ. Қани, марҳамат қилиб зинадан пастга тушинглар-чи.

Федя мени «тил» олиб келишимни мутлақо кутмаган экан, шу боис ҳангу манг бўлиб қолди. Айланиб, асирларнинг афт-ангорига бирма-бир қараб чиққач:

— Қаёқдан тута қолдинг? — дея сўради.

— Бунисини кейинроқ билиб оласан, ҳозир омборхонанинг чап томонидаги хонага қамаб қўй. Ҳа, бечоралар туни билан мижжа қоқишмаган. Бунинг устига, роса совқотишган. Йигитларга айт, кўрпа беришсин, қайноқ кофе беришсин, — дедим ва ўз хонамга кириб кетдим.

Орадан ўн беш дақиқалар ўтгач, Федя ёнимга келди. Унинг юзида алланечук хавотир бордай эди. Ҳар кимни кузатиш одат тусига киргани боис бунинг дарров илғадим.

— Шефнинг феъли айниб турганга ўхшайди, — деди у мен сўрамасимдан гап бошлаб.

— Тинчликми?

— Вертолёт чақирилганидан балки хабаринг йўқдир, — дея Федя менга тикилди.

— Бу ердан ҳеч қанақанги алоқага чиқиш мумкинмас-ку.

— Афсуски, мумкин экан. Унинг ўзи қўнғироқ қилибди. «Тил»ингни жойлаштириб қайтаётганимда чақириб қолди. Кирсам, шунақа дейди. «Ярим соат ичида вертолёт етиб келади. Тайёргарлик кўринг-лар», деди.

«Менга айтмаган. Демак, ишонмайди. Ишонмайдими, четга суриб қўяди. Шунчаки эмас. Кўринмайдиган қилиб. Бу ерда ҳар қандай ишни мен билан маслаҳатлашиб қилиши керак эди. Айниқса, ҳозирги аҳ-волида. Тушунарли, ҳурматли бойвачча-миллиардер...» дея хаёлдан ўтказдим мен.

Аввало, асирлар билан гаплашиб олишим керак эди. Улар нима мақсадда бизга дум бўлиб юришибди, хўжайини ким, қабилидаги саволларга жавоб топишим ва шундан сўнггина бирор қарорга келишим зарур.

— Сен ташқаридаги ишларни ҳал қиларкансан, — деди Федя асирлар ёнига бормоқчи бўлганимда. — Буйруқ шундай бўлди.

— Бундан чиқди, шеф мен билан ҳаттоки кўришишни ҳам истамаяпти, шунақами? — дедим Федяга еб қўйгудек тикилиб.

Бир неча йиллик қадрдоним елка қисди.

— Яхши. Унда мен ишга киришдим, — дедим жилмайишга уриниб.

Қўлга тушган йигитлар асирхонага киришлари билан ухлаб қолишибди. Афтидан, улар туни билан роса азобланишган. Безовта қилгим келмади. Изимга қайтиб, хонамга кирдим. Мониторга юзландим. Шубҳали нарса учрамади. Каравотимга ётмоқчи бўлиб турганимда, Наташа келиб қолди. Қўлида кружка, ундан ҳавога буғ таралаётган эди.

— Ҳали нонушта қилмаган бўлсангиз керак, — деди у жилмайиб.

— Топдингиз, хоним, лекин нонушта фақат қайнатишган сувдан иборат эканлигини билмас эканман, — дея ҳазиллашган бўлдим унга.

— Биринчидан, сув эмас, кофе. Иккинчидан, шошилмасангиз, қолганини олиб келардим.

— Ростини айтсам, очқаганимни сеза бошлаяпман.

У қўлидаги идишни стол устига қўйиб, ёнимга келди-да, бирдан бўйнимга осилиб, юзимдан ўпди ва шу аснода:

— Бу ердан эртароқ кетинг, — дея шивирлади.

Мен қизнинг юраги тез ураётганини дарров сездим. Демак, у менинг устимга бостириб келиши кутилаётган хавфдан огоҳ бўлган. Лекин бу қиз нега мени хабардор этди? Ахир бунинг ортидан бошига ташвиш орттириши мумкин-ку.

Наташа егулик олиб келиш баҳонасида дарров бўйнимдан қўлларини олди-да, чиқиб кетди.

Мен қаҳвали идишни қўлимга олдим. Озгина ичдим. Ёқимли. Айниқса, ҳиди. Бундай пайтда одам охиригача роҳатланиб ичгиси келади. Лекин, қанийди, иложим бўлса... Хонадан тезда чиқиб кетолмайман. Чунки хонамга яширин камера ўрнатилган бўлиши ва мени куза-

тишлари мумкин. Шубҳасиз, Наташанинг ҳам мени кучоқлаганини, лаблари қимирлаб бир нималар деганини кўришган. Агар ҳозирнинг ўзидаёқ қуён бўлсам, менга яхшилик қилган Наташани азоб исканжасида қолдираман. Бу эса менинг табиатимга мутлақо тўғри келмайди.

Кутдим. Сонияларнинг ўтиши оғир бўлди. Бироқ тишимни тишимга босиб кутишда давом этдим. Ниҳоят, эшик очилиб, Наташа қўлида патнис билан кириб келди.

— Лабларинг иккинчи юзимни хафа қилиб қўйди. «Нега мени ўпмади? Айбим нима?» деяпти, — дедим қиз кириши билан баланд овозда.

Қиз жилмайди. Қўлидагиларни стол устига қўйиб, яна бўйнимдан кучоқлади.

— Бирга кетамиз, — дедим унинг елкасига юзимни босиб. — Ҳозироқ. Ҳеч нарсадан хавотир олма.

— Йигитча, — деди Наташа менинг бағримдан чиқиб. — Эркаланиб кетдингиз. Ҳаммасига бирдан эришаман, десангиз, адашасиз. Йигитча, қани, нонуштангизни қилинг-чи. Бўлмаса, ҳозир қайтариб олиб кетаман. Сизга беш дақиқа вақт. Аскарлардай еб ташланг.

— Хўп, — дедим-у, стулга ўтирдим.

Шошиб овқатландим. Лекин, барибир, ҳаммасини ейишга улгурмадим. Вақт етишмади. Наташа кириб келди.

— Аскар йигит, улгурдингизми? — деди.

— Албатта, лекин идишларингиз шу ерда туриб турсин. Сизга айтадиган муҳим гапим бор. Севги ҳақидаги сўзларимни биров эшитишини сира хоҳламаганман. Чунки деворнинг ҳам қулоғи бор, дейишади-да. Шу боисдан йўлакка чиқсак, — дея ўрнимдан турдим-у, қизни қўлтиқлаб, ташқарига йўналдим.

Бизнинг ер ости қасримизга нур тушиб турарди. Эшик пульти иккита: бири менда, иккинчиси шефда. Тўғрироғи, иккинчи “калит”нинг қаердалигини у биларди. Демак, у очган. Демак, менга айтилмасдан кетиш тайёргарлиги бошланган. Демак, ҳализамон вертолёт келади.

Зинадан тепага чиқдим. Ортимдан Наташа эргашди ва мен галати воқеанинг гувоҳи бўлдим. Турган жойимдан эллик одимча нарида уч киши ер қазимоқда эди. Уларни бизнинг йигитлардан бештаси қўлларида автомат билан

кузатиб туришарди. “Шўрликлар. Ўзлари учун ўзлари қабр қазишяпти-ку”, деган ўй яшин тезлигида хаёлимдан ўтди ва беихтиёр улар томонга юрдим.

Асир олинган йигитларнинг кийим-боши лой эди. Улар газаб ва алам билан ер қазишарди. Гарчи (эҳтимол, ай-тилгандир) ер қазишлари сабаби айтилмаган эса-да, ўзлари буни сезиб улгуришган ва мана шу тахлит ўлиб кетишлари уларга алам қилаётганди.

— Вақт кетаяпти, тез бўлларинг! — дея бақирди бизникилардан бири мен яқинлашиб қолганимда.

Қазувчилардан бири қаддини ростлаб унга қаради.

— Ҳайвон! — деб ўқирди бизнинг йигит. — Ишла деяпман! Бўлмаса, ҳозир пешонангдан дарча очаман!

Унинг узоғи билан ўн дақиқалик умри қолган. Дарча ҳозир очилди нима-ю, ўн дақиқа ке-йин очилди нима? Бунақа пайтда ўладиган одамнинг қўрқishi даргумон. Балки кўнглида яшаб қолиш учун милт этган умид бўлса, қўрқар.

— Мен буларни сўроқ қилишим керагиди, — дедим бақироқ йигитга.

— Шефнинг буйруғи, — деди юзидан қаҳр ёғилиб турган йигит.

Ичимдан зил кетди. “Бирпасда кераксиз матога айлантириб ташлабди-да, ярамас. Аланга домидан олиб чиқмаганимда, на пулинг ва на обрўйинг сени кўмир бўлиб қолишдан сақларди”, дея кўнглимдан ўтказдим. Айни чоғда қайсарлигим тутди. “Ўзим буларни тутиб келдимми, ўзим энди ўлимдан олиб қоламан”, деб кўнглимдан ўтказдим ва Наташага юзландим.

— Нонуштанг мазали чиққан экан, — дедим жилмайиб.

Қизга нега шундай дедим, очиги, ўзим ҳам билмайман. Аниқроғи, қандайдир шама қилмоқчийдим. Яъниким, эҳтиёт бўл, мен ҳозир бир иш қиламан, зиён етиб қолишидан ўзинг-ни сақла, қабилидаги. Ўхшамади. Ҳеч вақони тушунмаган қиз жавоб бермади.

Энгашиб, янги кавланган тупроқни кафтимга олдим ва бироз эзгилаб, секинлик билан ерга тўкдим ва ўрнимдан туриш асносида ўзича буйруқ бериб турган йигитнинг биқинига чунонам туширдимки, бечора инграшга

ҳам мадори етмай, икки букилди. Шу заҳоти унинг қўлидаги автоматни олиб қўйиб, бошқаларига бақирдим:

— Бу ит сизларга нотўғри гапни айтибди. Шеф, аввало, менга айтади. Мен беҳабарманми, демак, у ҳеч қанақа иш буюрмаган. Душман вертолёти келиши кутилаяпти. Шунинг учун ҳамма тезда ер остига тушсин! Тез!

Қўриқчи йигитлар шошиб қолишди. Нима қилишни билмай, бир-бирларига қарашди. Худди шу пайт менинг омадим келди. Чунки вертолёт моторининг гуриллаган овози эшитила бошлаганди. Қўриқчи йигитлар биринкетин туйнук томонга югуришди. Яна озгина фурсатдан ке-йин ташқарида улардан бирортаси ҳам қолмади. Бикини сийланган йигит эса ўзига келолмай инграрди.

— Шефингга саломимни етказиб қўй. Мендан бир умрга қарздорлигини эслатиш ёдингдан қўтарилмасин, — дедим унга ва асирларга юзланиб: — Ўрмон ичига қочинглари! Ҳар ким ўз жонини ўзи асраб қолади! — деб бақирдим.

Асирлар ҳовлиқиб қолишди. Шоша-пиша ўрадан сакраб чиқишди-да, қочишга тушишди. Кутулганларига ўзларида йўқ хурсанд бўлиб, шаталоқ отиб югуриб кетаётганларни ортларидан томоша қилиш мароқли эди.

— Биз ҳам қочамизми? — деди Наташа шу пайт қўлимдан ушлаб.

— Кетдик, — дедим унга.

Бу маҳалда тепамизда вертолёт пайдо бўлганди.

Ҳаш-паш дегунча дарахтлар оралаб анча нарига кетиб қолдик. Кетиб бораяпман-у, Александр Абрамович билан илк марта учрашганим хотирамга келади. Ўшанда унинг қўли ҳозиргидай узун эмасди. Бойлиги ҳам кўпмас. Шаҳарда озчилик танирди. Мен бўлсам, ресторанда овқат ташувчи бўлиб ишлардим. Ўша куни ресторан одам билан тўлди. Хизматчиларнинг қўли қўлига тегмайди. Хўжайиннинг эса оғзи қулоғида. Тинимсиз бизни тергайди. “Ҳаракат қилинглари, югуринглари!” деб бақиради. Адашмасам, кечки ўнларга яқин Александр Абрамович келди. Ёнида бир сулув аёл ҳам бор эди. Мен улардан буюртма олдим. Егуликларини олиб келдим. Ярим соатлар чамаси еб-ичишди. Навбатдаги сафар ёнига борганимда, уларга хиралик қилаётган иккита барзангини

кўрдим. Барзангиларнинг иккиси ҳам ичиб олган эса-да, йиқиладиган даражада маст эмасди.

— Шарманда бўлишни истамасанг, ҳозироқ ресторандан чиқасан-да, чўнтагингдагининг барини чўзасан, — дерди барзангилардан бири Александр Абрамович томонга энгашиб.

— Кейин ўзинг афсусланиб қолмайсанми? — дея Александр Абрамович костюмини тўғрилаб қўйган бўлди.

— Мен шу пайтгача қилган ишларимнинг бирортасидан ҳам афсусланган одаммасман. Манави сенга огоҳлантириш!.. — деб барзанги шарбат тўла идишни олдида, хоними билан ўтирган Абрамовичнинг елкасидан куйди.

Тўғриси, бундан ортиқ шармандалик бўлмаса керак. Айниқса, анави кетворган жонона қаршисида.

— Қаерга боришим керак? — деди Александр Абрамович вазминлик билан.

— Ресторан ташқарисига... Йўқ, яхшиси, ҳожатхонага. Ахир костюмингизни тозалашингиз ҳам керак-ку, — дея иржайди барзанги.

Александр Абрамович ўрнидан турди ва барзанги таклиф қилган томонга юрди. Мен бир муддат олдинмакейин кетаётганлар ортидан қараб турдим. Кейин негадир эргашдим. Очиғи, ҳали-ҳануз ўшанда нега борганимни билмайман. Қандайдир ички бир куч мени уёққа етаклади. Борсам, барзанги Александр Абрамовичнинг ёқасидан бўғиб турибди. Яна ўзим учун тушуниксиз ҳолат рўй берди. Ресторандан бўш вақтларимда каратэга қатнашиб юрган бола эмасманми, барзангини бир мушт уришда Александр Абрамовичнинг оёқлари остига ағдариб ташладим. Кейин унинг шериги келди ва икки оғизгина сўкинишга улгурди. Сўнг ошнасининг устига йиқилди. Қаттиқ тепмадим. Фақат товоним жағига тегди.

— Кечирасиз, ноқулайлик бўлди, — дедим Александр Абрамовичга ва ҳожатхонадан чиқиб кетдим.

Бу ерда энди узоқ ишлаёлмаслигимни яхши билардим. Хўжайин қилиғимдан хабар топмаган эса-да, барзангилар ҳоли-жонимга қўймаслиги кундай равшан эди.

Эртасига пешингача бу ердан кетадиган бўлсам, қаерга боришимни, кимдан иш сўрашимни ўйладим. Ҳатто

қаҳрамонлик қилганимдан пушаймон ҳам едим. Қўлим ишга бормай қолди. Ана шундай кайфиятда юрганимда, Александр Абрамович келди. Тўғри хўжайиннинг ёнига кириб кетди. Улар нима ҳақда гаплашганлари менга қоронғи, аммо хўжайин хонасидан у билан бирга чиқиб, мени ёнига чақирди-да, Александр Абрамовични кўрсатиб:

— Бундан бу ёғига шу одамда ишлайсан, — деди ва елкамга қоқиб қўйди.

Унинг илжайиб турганидан билдимки, мен учун яхшигина ҳақ олган.

Наташанинг инқиллагани хаёлимни бўлди. У йиқилиб тушганди.

— Ҳеч қаеринг лат емадими? — сўрадим тўхтаб, уни тургазиш учун қўлидан тортарканман.

— Йўқ, шекилли, лекин оёғим қайрилиб кетди. Ҳали кўп югурамизми? — деди қиз пешонасига тушиб турган сочларини тўғриларкан.

Мен атрофга олазарак боқдим. Сўнг:

— Мошиналарга етишимизга оз қолибди. Агар улар жойида турган бўлса, яна ўн дақиқалардан кейин пиёда юрмайсан, — дедим қизга кулиб.

Наташа бошқа юролмади. Бир қадам босди-ю, “Вой!” деб ўтириб қолди. Унинг туфлисини ечиб, оёғига қарашга вақтим йўқ эди. Шу боисдан елкамга ортиб олдим. Юришдан сал тезроқ югурдим. Манзилга мўлжалимдагидан беш дақиқа кечроқ бордим. Кўзим шох-шабба тагида турган машиналарга тушиб, енгил тин олдим. Наташани оҳиста ерга туширдим-да, ўзим миниб келган машина устидаги ниқобни олиб ташладим. “Мерс” чопишга тайёр айғирдай турар эди. Ҳаммаёғи лой, чанг-чунг. Лекин шу ҳолатдаям одамни ўзига тортадиган даражадаги улов.

Машина осонгина жойидан қимирлади. Яхшики, спорт автомактабига қатнаган эканман, хийла баланд тезликда ҳам бемалол бошқардим. Дарахтларни четлаб ўтиш эса ажойиб машғулотга айланиб қолгандай бўлди. Шошишим керак эди. Чунки ҳализамон тепамда вертолёт пайдо бўлиши ва мен роҳатланиб ҳайдаб кетаётган машинани ўққа тутишлари мумкин эди. Александр Абрамовичнинг қандай одамлигини яхши биламан. У манфаати

йўлида ҳеч нарсадан тоймайди. Эшитишимга қараганда, у ўзининг синглисини нобуд қилишдан ҳам чўчимаган экан. Лекин негалигини ҳалигача ҳеч ким билмайди.

— Узоқ юрамизми? — сўради Наташа хавотирланиб.

— Унисини билмадим-у, лекин сен бош-қа пиёда юрмайсан. Ҳар қалай, шунга ҳаракат қиламиз. Лекин бу ўрмондан қанча тез чиқиб кетсак, шунча яхши.

— Нега улар сизни йўқ қилишмоқчи? Неча марта ўлимдан олиб қолдингиз-ку!

Мен Наташанинг саволига жавоб бермадим. Шунчаки қараб қўйдим-да, газни босдим.

“Менинг кимлигим, нима ишлар қилганимдан беҳабарсан. Хабаринг бўлганда, бунақа савол бермаган бўлардинг”, дея кўнглимдан ўтказдим.

— Агар дилингизни оғритиб қўйган бўлсам, мени кечиринг, — деди бир муддатдан сўнг Наташа.

— Хафа бўлганим йўқ. Оёғинг оғримаяптими?

— Йўқ. Баданимга озгина иссиқлик кирганидан кейин оёғим оғримай қолди, шекилли.

— Яхши унда, — деб, унга бирров кўз ташлаб қўйдим.

Орадан озгина ўтиб, ёнма-ён ўсган икки туп катта арча дарахтига дуч келдик. Шоҳлари атрофга тарвақайлаб кетгани боис битта машинани бемалол яширса бўларди. Уни кўришим билан, аввало, кўнглимга шу ўй келди ва яна бир марта Наташанинг юрагини ёриб, машинани тўғри дарахт томонга ҳайдадим. Қиз “Вой!” дея бақириб, кафтлари билан юзини бекитиб олди.

— Адашмаган эканман, — дедим моторни ўчириб, Наташага юзланарканман. — Мана, яширинишга тайёр жой.

Қиз эҳтиёткорлик билан қўлини юзидан олди-да, қўрқаписа машинанинг олд ойнасига тегиб турган шоҳларга қаради. Кейин:

— Олдиндан огоҳлантиришнинг иложи йўқмиди? — деб эркаланганча менинг елкамга уриб қўйди.

— Ҳазиллашгим келди.

У қўлимни кучоқлаб олди. Унинг ер ости “қаср”ида тортинмасдан юзимдан ўпгани, ҳозирги ҳолати, йигитлар билан аввалдан юриб, ўрганиб қолган қизларни эслатиб юборарди. Ваҳоланки, Наташа менга ҳали бирорта ҳам йигит билан юрмаганини, ҳаттоки бунақа истаги ҳам

бўлмаганини айтганди. Эҳтимол, чорасизлигидан шундай қилаётгандир. Ҳартугул, энди мендан бошқа биров ёрдам беролмайди. Александр Абрамовични қўлига тушиб қолса-ку, тамом, фақат ўлиб қутулади.

— Нима қиламиз? — сўради Наташа бир муддат жим ўтиргач.

— Кутамиз қоронғилик тушишини. Унгача шу ердан кимирамиз.

У илкис бошини кўтарди. Кўзларимга нигоҳлари қадалди.

— Кетолмаймизми? — деди ҳадиксираб.

— Афсуски, бизни кўз очиб юмгунча ушлаб олишади. Ё тепадан келиб, ёки пастда.

Наташа бўшашди. Пешонасига қўлини қўйиб, бошини эгди. Мен эса ўриндигимни ётқиздим-да, чўзилиб кўзимни юмдим. Зеро, кеч тушишига ҳали жуда кўп бор эди. Фақат ухлабгина вақтни ўтказиш мумкин эди.

— Мен қўрқаяпман, — деди қиз кўзим эндигина илинган маҳал.

— Нега? — сўрадим кўзимни очмай.

— Билмадим. Хаёлимда тўрт-бештаси келадиган, бизнинг қўлларимизни орқага қайириб машинадан суғуриб оладиган, ке-йин ерга ётқизиб тепкилайдигандай туйилиб кетаяпти.

Кулгим қистади. Секин қаддимни ростладим-да, унга қараб:

— Тўқишга уста экансиз, хоним. Улар шунча ишни қилишади-ю, биз қўл қовуштириб ўтираемизми? — дея кулдим.

Қиз менга юзланди ва кутилмаганда бирдан бўйнимдан кучоқлаб олди. Кейин юз-кўзларимдан, томоғимдан ўпишга тушиб кетди...

Бунақа ҳолатда вақт яшин тезлигида ўтиб кетаркан. Ҳаш-паш дегунча туш бўлиб қолибди. Тўғриси, Наташанинг аввалги ҳолати менга қоронғи-ю, лекин кўпи билан у ўпишишдан нари ўтмаган. Эҳтимол, бирортаси кучгандир ҳам. Бироқ бошқа ҳаммаси жойида экан.

— Нега бундай қилдинг? — сўрадим ундан кўксимга бошини қўйиб, хаёлга берилиб ётганида. — Чорасизликданми? Агар бош-қача шароит бўлганида, яқинимга ҳам йўламасдинг, шундайми?

У бошини кўтариб, менга бироз қараб турди-да:

— Йўқ. Сени шаҳарда учратганимда, агар таниш бўлганимизда... Сенга шунчаки ёрдам бермагандим. Қочишинг кераклигини айтдим-ку. Айтмасдан, ўша вертолётда бошқалар қатори шаҳарга қайтиб кетсам ҳам бўларди-ку, — деди у сенлаб ва тагин бошини кўксимга қўйиб олди.

— Дилингни оғритдимми?

— Йўқ. Сенга ўхшаган йигитни ич-ичимдан қидириб юргандим... Билмадим, яна ўзим сезмайдиган бошқа сабаблар ҳам бўлса керак... Агар мени омон қолиш учун туғилганидан бери авайлаб-асраб келган нарсасини топширди, деб ўйласанг, ҳозироқ қувиб солишинг мумкин. Шунда сенинг қутулиб кетишинг осон бўлади.

Мен унинг сочларидан силадим. Сўнг:

— Наҳотки шунақа одамга ўхшасам? Бундай олиб қарасанг, Александр Абрамович менга ҳеч ким эмас. Қайтанга, менинг олдимда унинг қарзлари кўпроқ. Ҳартугул, икки марта жаҳаннамдан олиб чиққанман. Яна қулдай хизматини қилдим. Бунинг учун у мени умримнинг охиригача ётқизиб боқса ҳам арзийди. Лекин бир марта бўлсин, тама қилмадим. Эвазига кўрсатган кароматининг гувоҳи бўлдинг. Сен бўлса, бундай ўйлаб қараса, мени қарздор қилиб қўйгансан, — дедим.

— Мен ҳам тама қилмайман, Амир. Тўғриси...

Унинг қолган гаплари ичида қолди. Чунки тепамизда вертолёт пайдо бўлган эди. Моторнинг қулоқни қоматга келтирадиган даражада гувиллашидан унинг жуда паст учаётганини сезиш қийин эмасди.

— Ана, хўжайин оромгоҳига кетди. У билан бирга шайтонваччалариям. Айтиш мумкинки, ўрмонда анави учта қочқоқ ва биз иккимиз қолдик.

— Кетаверсак бўларкан-ку.

— Кетолмаймиз. Биринчидан, вертолёт мўлжалимдан анча кеч учиб ўтди. Иккинчидан, ҳозир йўлларнинг бари берк... Шошма, наҳотки у менинг ортимдан одам жўнатмаган бўлса. Ҳар қандай шароитда ҳам машинанинг изи қолади... Кетишимиз керак. Шундай ҳоллар бўлганки, мен шохида юрсам, Александр Абрамович баргдан-баргга сакраган. Бўпти, сен ўтириб тур, мен ташқарини кўздан кечириб келай. Балки, кетишимиз мумкиндир.

Машина эшигини секин очиб, пастга тушдим. Арча шохларини бирма-бир кўтариб, унинг остидан чиқдим. Қушларнинг сайрашидан бошқа ҳеч нима қулоққа ча-линмайди. Бундай пайтда ҳеч нарсадан хавфсирашни ис-тамайсан. Бироқ мажбурсан.

Арча остига қайтиб кирдим ва бошқа тарафдан эмак-лаб чиқдим-да, сал наригача думалаб бориб, қайин да-рахти остига ётиб олдим. Беш, ўн, йигирма дақиқа ўтди. Менимча, машинада ўтирган Наташанинг юраги тамом бўлди. Ахир у мени алдаб ташлаб кетди, деб ўйлаши мумкин эди-да.

Назаримда, Александр Абрамович ортимдан одам қўймасдан, ҳамма йигитларни олиб кетгандай эди. Шу боис эндигина ўрнимдан турмоқчи бўлганимда, шитир-лаган товуш эшитилди. Ерга қайтадан ёпишдим-да, то-вуш келган томонга бутун диққатимни қаратдим. Орадан бир сония ҳам ўтмасдан, икки киши гаплашди. Гаплари аниқ эшитилмади. Секин бошимни кўтардим ва беш-олти қадам нарида менга яхши таниш бўлган икки йи-гитни кўрдим. Улардан бири Ваня эди. У автоматини елкасига қўйиб олган, эринчоқлик билан қадам ташлар-ди. “Куни кеча мен билан бирга бошқа томонга юрган-динг. Кечагина менга дўст эдинг. Бугун яна бир томонга кетаяпмиз. Яна изимдан келаяпсан. Лекин бугун бир-биримизга душманмиз”, — кўнглимдан ўтказдим.

Ванянинг эътибори фақат тўғрисига қаратилганди. Тўғрисида арча. Арчанинг остида машина бор эди. Шу боис секин ўрнимдан турдим. Энгашганча овоз чиқар-масдан юриб, рақибларимнинг ортидан тушдим. Ваня бироз юргач, машинани илғаб, юришдан тўхтади. Шери-ги ҳам тўхтаб, унга ўтирилди. Улар бир-бирларига яқин келиб, алланималарни пичирлаб гаплашишди. Кейин бош-ларини қимирлатиб, гапларини тасдиқлашди. “Нимани ният қилган бўлсанг ҳам, чучварани хом санабсан”, дея кўнглимдан ўтказдим ва қадамимни тезлатдим. Ваня унга етишимга бир қадамча қолганидагина ортидан келаётган хавфни сездди. Лекин жуда кеч бўлганди.

Уларнинг бир-бирларига яқин ўтиргани менга анча қулайлик тугдирди. Иккаласини бараварига тепишга ул-гурдим. Қўлидаги қу-роллари тушиб кетган йигитлар ерга

қулади. Аммо шу заҳоти ўринларидан туришга улгуришди. Аммо энди автоматларини олишнинг иложи йўқ эди. Чунки қайси бири энгашса, тамом, навбатдаги зарбани қабул қилиб оларди.

— Нега келдинглар? — сўрадим Ванядан.

— Бўйруқ, — жавоб берди у иржайиб.

— Онангни ўлдиришга жўнатишса ҳам борасанми? Бўйруқ деб, ўлдираверасанми?

— Сен онам эмассан-ку, — деб Ваня шеригига қараб қўйди.

— Тўғри. Демак, ўлдириш мумкин. Унда нега қараб турибсан?

У бурнини кафтининг орти билан артди. Сўнг ерда ётган қуролига кўз ташламоқчи бўлиб, бошини бироз эгди. Тўғрисини айтсам, у аҳмоқнинг ишини қилди. Ахир душманинг шундоққина рўпарангда турган бўлса, бундай маҳал бошни эгиш нариёқда турсин, киприк қоқиш ҳам мумкин эмас-ку...

Ваня шўринг қурғур чотини ушлаганча икки букилиб, ерда чўзилиб қолди. Унинг шериги эса бирдан иккала қўлини юқорига кўтарди.

— Мен ўлдирмоқчимасдим, шунчаки бирга келаётувдим. Мен бировни ўлдиролмаيمان. Қўлимдан келмайди! — деди у шошиб.

Бироқ унинг кўзи бошқа нарса деб турар, қолаверса, айнан шу йигит кимнинг ёстиғини қуритганини яхши билардим.

— Оббо, сен-эй, мени бошқа биров билан адаштириб юбординг, шекилли. Бирам мўмин, бирам оппоқсанки, сенинг олдингда ботқоқ ҳеч нарса эмас, — дея кесатдим.

У қўлини туширди ва шу заҳоти менга ҳамла қилмоқчи бўлди. Бироқ тўғрига чўзган қўли пастга эгилиб кетди. Кейин гавдаси букчайди ва у гурсиллаб ерга йиқилди. Шўринг қурғурнинг қўли остида қолиб синди. Суяк синиши ҳатто менга ҳам эшитилди.

У додлаб юборди. Кейин типирчилай бошлади. Бу маҳал Ваня огрикдан қутулди, шекилли, қақдини ростлашга уринди. Барибир менга кучи етмайди. Шундай бўлгач, огриқ қолган бўлса ҳам, бирпас кўзини юмиб ётмайди-ми? Унга тегинмасдим. Қайтанга, ўрнидан туришига ёрдам

берардим. Туриши, ўзини кўрсатиши, гўдайтиши керакмас эди. Унинг мана шу қилиғи баттар жаҳлимни чиқариб юборди. Оқибатда бир зарб билан яна ерга йиқитдим. Бу сафар оғзи-бурни қизариб кетди. Иккисининг ҳам қўлларини ўз камарлари билан банди этдим. Сўнг арчанинг остига олиб бордим. Наташа машинадан аллақачон тушиб, безовталаниб турган экан. Эҳтимол, мана-ви иккита гўрсўхта билан олишганимни ҳам кўргандир. Кўрмай қолармиди? Шундоққина арча шохини озгина четроққа суриб қараса, ҳаммаёқ аниқ-равшан кўринади. Лекин бир хил қизларга ўхшаб ўзича менга ёрдам берган киши бўлиб, югуриб бормаёқли иш қилибди.

— Боя кечгача зерикамиз, деяётганмидинг? Мана энди қуёш ботгунча бу икки тасқара билан бемалол гаплашиб ўтирамиз. Нима дединг? — дея Ванянинг елкасига қокдим.

У индамади-ю, ёнидаги йигит ингради.

— Исминг нима? — дея сўрадим ундан.

— Саша, — жавоб берди йигит афтини бужмайтириб.

— Менга қара, Саша, ўз қармоғингга ўзинг тушдинг, шунинг учун ўзингдан ўпкала. Энди инқилласанг ҳам, қий-қирсанг ҳам жойига тушмайди. Бунинг устига, бу ерда табиб ҳам йўқ. Шунинг учун оғриқ жонингдан ўтиб кетаётган бўлсаям, овозингни чиқазма. Бўлмаса, иккинчи қўлинг ҳам майдаланиб кетади. Шундай майдаланадики, дўхтиринг ҳам териб жипслолмайди. Уқдингми? — дедим дағдаға билан.

Афтидан, сўзларим Сашага яхшигина таъсир қилди, шекилли, дами чиқмай қолди.

— Ўтиринглар. Мана шу остингиздаги қоп-қора тупроқ — сизлар учун қора курси. Демак, суд бўлади. Мана, — дея Наташани кўрсатиб жилмайдим, — халқ маслаҳатчиси ҳам бор. Шундайми?

Наташа бошини қимирлатиб қўйди.

Йигитлар иккинчи марта азобланишни истамади, шекилли, индамай, ерга ўтиришди.

— Сизларга битта савол бераман. Ана шу саволга батафсил жавоб берсанглар, иккинчи саволга ҳожат қолмайди. Хўш, мақсад нимайди?

Ваня гапиришдан аввал Наташага қараб олди. У негадир шу ерга келгандан бери қизга тез-тез кўз ташлаб

қўяётган эди. Худди ундан нимадир умид қилаётгандай. Ҳам кўзларида ажабланиш бор эди. Чунки қизнинг мен билан биргалиги унга ғалати туйилаётганди-да.

— Бизга сени топиш ва зарарсизлантириш топширилган. Агар ишни эпложмасанглар, яхшиси, бир-бирларинг-ни отиб ташланглар. Қуруқ қўл билан қайтганларни ит азоби кутади, дейилган. Бор-йўғи шу.

Ваня гапираётганида унинг кўзига тикилиб турдим. У ёлгон сўзламади. Менинг тахминим ҳам шундай эди. Қолаверса, уларни кўрганим заҳоти ўйнагани келмаган-ликларини англаб бўлгандим.

— Жавобинг қониқтирмади. Айтганла-рингни сенсиз ҳам биламан. Сизларни ким бу ёққа жўнатгани, демоқ-чиманки, буйруқни айнан ким бергани ва вертолёт нега бунчалик кўп ушланиб қолгани мени жуда ҳам қизиқти-ряпти.

— Тарас буюрди. У шефдан шундай топшириқ олибди. Вертолётнинг нега анча вақт турганини билмайман. Мен ташқарида эдим. Менимча, керакмас бўлиб қолгансан. Вертолётда ҳўжайиннинг ошнаси москвалик Петя Ива-нов келувди. Яна беш-олтита спортчи йигитлар ҳам.

— Федя қаерда?

— У шеф билан бирга кетди. Замбилни вертолётга ортаётганини ўз кўзим билан кўрдим. Билганим шу.

— Тушунарли, — дедим унга тикилиб туриб. — Ваня, ишқилиб, бурнинг синмабдими?

— Билмайман. Лекин жудаям қаттиқ оғрияпти, — жа-воб берди у чуқур нафас оларкан.

— Қўлимдан келганча ёрдам бераман. Лекин мендан ортиғини сўрама, — дея бориб, машинанинг юкхонаси-ни очдим.

У ерда мен қидирган нарса йўқ эди. Бир яшик ароқ сафи бузилмай турарди. «Буларга бошқа нарса керакмас. Ароқ борми, демак, ҳаёт бор. Ягона мақсадлари фақат шу», кўнглимдан ўтказдим ва яшик ичидан иккита ши-шани суғуриб олиб, жабрдийдалар ёнига келдим. Ишо-насиизми, йигитларнинг кўзи ёниб кетди. Худди мен улар-нинг ярасига дори-дармон олиб келгандай.

— Шундан бошқа ҳеч вақо йўқ экан. Иложимиз қанча?.. — дедим кулиб.

— Ҳозирги аҳволимизда бошқа нарсанинг кераги ҳам йўқ, — деди Ваня қувончини яширолмай.

Саша кулмади. Синган қўли яна оғриқ бераётганга ўхшарди.

— Яраларингга қуя-мизми ёки...

— Ёкиси бўлаверсин, — деди бирдан Саша. — Қўлимнинг устидан қуйганинг билан фойдаси йўқ. Яхшиси, ичимга тушса, оғриқни босади.

— Майли, сизлар айтгандай бўла қолсин. Фақат битта шарт бор: қўлларингни бўшатаман. Навбатма-навбат бир кўтаришда шишани бўшатасанлар.

Бунақа таклиф уларнинг ҳар иккисига ҳам мойдай ёқиб тушди.

Орадан ярим соат ўтгач, йигитларнинг иккиси ҳам фирт маст бўлиб қолишди. Ахир ўзи бўладими, бир шиша ароқни бир кўтаришда ичишнинг. Яна газаксиз. Уларнинг оғирлиги тагин менга тушди. Чунки машинанинг орқа ўриндиғига ётқизиб қўйишим керак эди-да. Ахир шу йигитлар озми-кўпми, мен билан елкама-елка юрди. Энди мени ўлдирмоқчи бўлганига келсак, буниси бутунлай бошқа масала. Уларнинг кўнглида айнан шу нарса пайдо бўлмаган. Бошқа бировларнинг хоҳиш-истаги билан менинг ортимдан тушишган.

Қош қорайди. Ҳаво совиб, этни жунжиктира бошлади. Ҳар тугул, мен совқотдим. Эҳтимол, озгина иситмам чиққандир. Чунки Наташа совуқни мутлақо сезмаётганди.

Машинани арчанинг остидан олиб чиқдим. Шунда орқа ўриндиқда бир-бирининг елкасига бош қўйиб ухлаб ётган йигитларнинг овози эшитила бошлади. Улардан бири уйғонган эди.

Биламан, уларнинг кайфи тарқаса, менга ортиқча муаммо туғдириши мумкин. Шу боис яна юкхонани очишимга тўғри келди.

Кечаси ўрмон оралаб юриш кундузгига нисбатан ўн чандон оғир эди. Шу туфайли ҳеч нимани ўйламасликка, бутун диққат-эътиборимни йўлга қаратишга мажбур эдим. Менга қўшилиб Наташа ҳам миқ этмай, олдинга тикилиб борарди. Унга бир неча марта «Ўриндиққа суяниб ухлаб ол», дедим. Аммо айтганимни қилмади. «Сени ёлғиз қолдиргим келмаяпти», деди. «Ёлғизмасман. Ёнимда сен, орқада анави иккита гўрсўхта бор», дедим.

— Ухлагандан кейин, ёнингда бор-йўқлигимнинг нима фарқи бор? — дея жилмайиб қўйган Наташа юзимдан ўпди. — Фақат сен чарчамасанг бўлгани. Айтиб қўяй, йўлга чиқиб олсак, машинани мен бошқараман.

— Хўп, хоним.

Асфальт йўлга чиққунимизча қарийб икки соат вақт ўтди. Тўғриси, кўзим роса чарчади. Йўлга чиқдим-у, машинани тўхтатдим. Эшикни очиб, ерга тушдим. Кулочимни кенг ёзиб, муздай ҳаводан ўпкамни тўлдириб симиридим. Чарчоқ бироз тарқагандай бўлди. Наташа ҳам машинадан тушиб, ёнимга келди-да, белимдан қучиб, бошини елкамга қўйди.

— Бу ёғига оз қолди. Ярим кечага қолмай, шаҳарга етиб оламиз. Бунинг учун тез юришимизга тўғри келади. Машинани ўзим ҳайдаганим маъқул, — дедим унга.

— Ихтиёринг. Лекин биласанми, назаримда, мана шу дов-дарахтлар орасида бир умр қолиб кетадиганга ўхшайман. Худди шаҳарга бораман-у, шаҳар мени қабул қилмай қайтариб юборадигандек туйилипти, — деди у.

— Ол-а!.. Шаҳар қабул қилмасмиш. Қабул қилмай қаёққа борарди? Агар сени қабул қилмайдиган бўлса, бошқа ҳеч кимнинг у ёқда яшашга ҳақи йўқ. Мана, яна бардам бўлиб олдик. Энди, хоним, йўлга тушсак ҳам бўлаверади.

Орадан тахминан бир ош пишгулик вақт ўтди. Узоқдан йўл ёқасида ёниб турган чироққа кўзим тушди. Одамзод галати-да. Ҳамиша аввал ёмон нарсани ўйлайди. «Александр Абрамович атайин мени пойлаш учун йигитларини йўл ёқасига қўйган. Боришим билан тўхтатишадими», кўнглимдан ўтказдим ва шу заҳотиёқ юрагимда қандайдир ғашлик пайдо бўлди. Ён-веримга қарадим. Худди аскарлардай саф тортиб турган дарахтлар лип-лип этиб ўтиб кетаётганди. Наташа кўзини юмган, бир меъёрда нафас олаяпти. Ора-чора орқа ўриндиқдагиларнинг гўнғиллаши эшитилади.

Чироққа яқинлашиб қолганимда, йўлимни ёниб-ўчаётган ДПСларнинг таёқчаси тўсиб, тўхташга буйруқ берди. Тўхтасам, бир бало. Тўхтамасам, ортимдан қувишади. Валак-салакларга ярим кечаси кўчада бало борми? Ишингни шаҳарда қилавермайсанми? Бутун тун бўйи битта

машина ўтадими-йўқми... Шошма, бу тузоқ бўлиши ҳам мумкин. Ахир Александр Абрамович аҳмоқ одамлардан эмас. У пихини ёрган туллак. Бир гапни гапирётган маҳал иккинчи нарсани ўйлайди ва нима билан яқун топишини аниқ-тиниқ билади. У Ваня билан Сашага ишонмаган. Улар осонгина қўлимга тушишини олдиндан башорат қилган. Шу боисдан ҳам ДПС ниқоби остидаги навбатдаги тузоқни қўйиб қўйган. Бунақанги тузоқлардан бир нечта бўлса ҳам, ажаб эмас.

Машина тезлигини сусайтирдим-да, ДПС-чининг ёнгинасида тўхтатдим. Наташа шу заҳоти кўзини очиб:

— Нима гап? — дея сўради.

— Ҳеч нарса, шунчаки тўхтатишди. Сен бемалол ухлайвер, — дея унинг кўнглини хотиржам қилмоқчи бўлдим.

Лекин Наташа менинг гапимга ишонмади. Ишонмасди ҳам. Ишонадиган пайт эмасди.

ДПСчи мен ўтирган томоннинг деразасини тиқиллатди.

— Бошлиқ, — дедим эшикни очиб, битта оёғимни ерга қўярканман, — наҳотки қонунни бузган бўлсам?

— Хужжатлар текшируви, — деди милиционер машина салонига назар соларкан.

Мен пастга тушиб, «Мерс»нинг эшигини ёпдим.

— Хўш, ўртоқ фуқаро, ярим тунда бу ёқларда нима қилиб юрибсиз? Ёнингизда жонона бор экан, бу ёғи тушунарли. Лекин орқада ухлаётган иккови нима қилиб юрибди?

ДПСчининг юзи қандайдир менга таниш эди. Уни қаердадир кўрганман.

— Орқада иккита йигит. Яна бир аёл ва ҳайдовчи.

Бу сафар у кийимининг ёқасига гапирди. Энди ҳаммаси равшанлашганди. Демак, адашмаган эканман.

Биздан нарироқда турган оқ «Жигули»нинг тўртала эшиги бирдан очилиб, ДПС кийимидаги девдай тўртта йигит тушди. Бешу бир. Бундай пайтда жуда усталик билан иш қилмасанг, бошинг олиниб, совға сифатида Александр Абрамовичнинг оёқлари остига ташланиши мумкин. Меникининг ёнига Наташаники ҳам қўшилиши ҳеч гапмас.

— Машинанинг ҳужжатлари ёнингизда бўлса керак, ҳурматли ҳайдовчи? — сўради ёнимда турган милиционер туйқусдан.

— Албатта, ҳозирги замонда қоғозсиз юриб бўларканми? Бир-биримизга ишонмаймиз-у, қоғозга ишонамиз.

Шундай деб, аввал шимимнинг чўнтакларини ковлаш-тирдим. Сўнг қўйлагимнинг кўкрак киссасини пайпасладим. Мақсадим анави тўрттасини янада яқинроққа келтириб олиш эди. Шунда олишиш нисбатан осон кечади.

— Нима, гувоҳномасиз машина ҳайдаб келаяпсизми? — деди инспектор менга тикилиб.

Қоронғиликда унинг кўзининг оқи кўриниб турганидан хавотир олаётганини билиш мушкул эмасди.

— Шунақага ўхшайди. Анави кино бор-ку, «Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради» деган, ўша кинода...

Гапимнинг қолганини давом эттиришга вақт етмади. Чунки тўртта давангир бизнинг ёнимизга етган эди...

Тирсагимни силаб ўтишидан сўнг ёниб-ўчар таёқчаси ёрдамида машинани тўхтатган шов-воз гурсиллаб ерга қулади. Шу ондаёқ иккинчи сохта ДПС ходими энгашиб қолди. Унга оёғим теккан эди. Тўғрироғи, унинг қорнига ҳарбийлар учун махсус тикилган туфлимнинг учи текканди. ДПСчиларнинг учинчиси устимдан ошиб ўтиб, бели билан асфальтга тушди. Баттар бўлсин, шундай эмасми? Нима қиларди, мени муштуми билан урмоқчи бўлиб? Индамаса, мен ҳам тегинмайман-ку. Шундоққина лабимнинг ёнгинасидан қўли ўтиб кетди ва билаги менинг чанғалимга тушди. Қолганини осонлик билан бажардим.

Аммо тўртинчи йўлтўсар ортимдан мени қучоқлашга улгурди. Бешинчиси эса биқинимга мушт туширишнинг эпини қилолди. Фақат бир мартагина. Иккинчи марта-сига қўли ҳавога кўтарилди-ю, кетма-кет автомат тариллашидан кейин бироз қотиб туриб, гавдаси билан орқага кетди. Уни Наташа отиб қўйган эди. Ортимдан кучиб турган давангирни тирсагим билан биқинига уриб, икки буклаб қўйиш унчалик машаққат туғдирмади. Кейин аввал ерга йиқилганларни яна бир мартадан сийлашга, сўнгра уларнинг ДПС машиналарини бузиб қўйишга тўғри келди...

Наташа сира ўзига келолмас, нуқул титрарди.

— Ҳамма билан ҳам бунақа воқеалар содир бўлиши мумкин, ўзингни қўлга ол. Сен атайлабдан қилмадинг. Агар автомат тепкисини босмаганингда, ҳозир ёнингда ўтирмаган бўлардим. Ўзингни бос! — дея йўлда кетаётганимизда неча марталаб айтганимга қарамай, барибир, қалтирайверди.

Ҳатто тишлари бир-бирига тегиб, шунақанги такиллаган товуш чиқарардики, ҳар қандай одамнинг юрагини ўйнатиб юборарди. Охири машинани тўхтатиб, юкхонадан бир шиша ароқ олишга ва унга ичкизишга мажбур бўлдим. Шундан сўнггина у бироз ўзини босди. Шу билан бирга йиғлай бошлади.

— Мен ҳар доим одамларни ўлимдан сақлаб қолиш учун хизмат қилиб келганман. Уларнинг бирон жойлари оғриётганини билсам, ич-ичимдан эзилардим. Энди бўлса, ўз қўлим билан бир одамни ўлдириб қўйдим. Қўлимни қонга ботирдим. Қонга!.. — дерди у алам билан.

— Наташа, яна сенга айтаяпман. Сенинг зиғирча бўлсин, айбинг йўқ. Сен мажбурликдан, аниқроғи, ўзингни, мени ҳимоя қилиш учун шундай қилдинг. Энди бас, қўлингдаги шишадан яна озгина ич, миянг тозаланади.

Шаҳарга боргунимизча, Наташа маст бўлиб қолди. Ҳали менга суйкалади, ҳали «Машинани мен ҳайдайман», деб рулга ёпишади. Қўлларини кўрсатиб:

— Кўринаяптими? Кўринаяпти, тўғрими? Ҳа, қон кўринмай қолмайди. Энди-чи, одамлар мени қўлларини бигиз қилиб кўрсатиб: «Ана қаранглар, қотил келяпти!» дейишади. Ё Худойим, шундай деганларини эшитганимда қандай аҳволга тушаман? Амир, сен мендан кўрқмайсанми? Ахир отиб қўйишим мумкин-ку. Билмасдан тепкини босиб юбораман. Кейин айтаманки: «Менинг айбим йўқ, ҳаммаси эҳтиётсизлик туфайли содир бўлди. Бошқалар каби мен ҳам адашдим...»

У сўзлашдан тўхтади. Нималарнидир узоқ ўйлаб қолди. Сўнг менга ўгирилиб:

— Амир, мени ташлаб кетма. Мени сев, эркала. Эртага никоҳингга ол. Менинг уйимда яшаймиз. Ҳозир у бўм-бўш. Ҳеч ким йўқ, ҳувиллаб ётибди. Мени кутади, ойимни кутади. Мен қўлимни қонга ботириб бораман. Ойим эса мутлақо боролмайди...

Бу ёғига чидаб бўлмасди. Шунинг учун ҳам юзига тарсаки тортиб юборишдан ўзимни тиёлмадим. Ахир дийдиёсини қачонгача давом этказади? Ҳамма нарсанинг чек-чегараси бўлади-ку. Унинг сочлари баттар тўзиб кетди ва кафти билан юзини бекитиб олди. Шу бўйи шаҳарга киргунимизча миқ этмади.

Мен йўлимизда яна бирорта тўсиқ бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Ҳартугул, чиқмади. Шунисидан кўнглим хотиржам тортиб, биринчи чорраҳадаёқ машинани тўхтатдим.

— Сочларингни тўғрилаб ол. Машинани шу ерда қолдириб, қолганига таксида кетамиз, — дедим Наташага.

У ён-атрофга разм солди. Сўнг ойнага қаради.

Мен ҳали хавфдан тўла қутулиб кетмаганимизни ич-ичимдан сезардим. Шу боисдан безовта эдим. Кўчадан тахминан юз қадамча наридаги иморат, унинг ёнидан ўтиб кетаётган икки ўспирин, уларнинг ортидаги киши диққатимни тортди. Гарчи ўспиринлар нима ҳақдадир баҳслашиб кетаётган эса-да, барибир, уларнинг ярим тунда юриши хавфсирашимга сабаб бўлди.

Йўлда машина озлигидан талай муддат туриб қолдик. Муздай ҳаводан анчагина ўзига келган Наташа қўлимни қучоқлаб, елкамга юзини босиб олган эди. Мен эса тинмай ўйлар эдим. Александр Абрамович навбатдаги тузоқни қаерга қўйгани мени безовта қилаётганди.

Ниҳоят, сариқ «Волга» тўхтади. Наташа уйининг манзилини айтди. Биз орқа ўриндиққа ўтирдик.

— Бойларга ҳеч нарса!.. — деди орадан бир муддат ўтиб ҳайдовчи. — Шундай «Мерс»ни кўчага ташлаб кетишибди. Бизга ўхшаб ит азобида пул топса, кейин кўрардим аҳволини. Машина тугул, оддий велосипедини ҳам авайлаб-асраб уйига киритиб қўярди.

Ҳайдовчининг ёши тахминан олтмишлар атрофида эди. Бошига кепка кийиб олганди. Машинага ўтираётганимда эътибор қилдим. Мўйлови ҳам оқариб кетган экан. Қизиги, унинг «Мерс»га эътибор бергани. Унинг диққатини тортибдими, демак, бошқалар ҳам қизиқади. Айниқса, қаровсиз қолган машиналарнинг эҳтиёт қисмларини ўғирлаш билан шуғулланувчилар. Уларни шаҳарнинг ҳар жойидан топиш мумкин.

— Бизнинг давримизда ҳеч ким бунақа қилмасди, — гапини давом этказди ҳайдовчи. — Умуман, у даврда қиммат, эркатой машиналар қерда дейсан? Зўри «Волга-24» эди. О-о, шуниям қанчалик авайлаб-асрар эдик. Ҳозир бўлса, бутун бошли «Мерс» кўчада турибди. Сизлар ўтирган жойларингдан сал нарироқда янги меҳмонхона очилган. Эшитишимга қараганда, казо-казолар ўзларига у ерни ишратхона қилиб олишибди. Бир танишим шундай деди. Биласизларми, бир суткада, янаям аниқроғи, бир оқшомда индамай беш юз кўкини ташлаб кетишармиш. Мана, бизнинг пуллар қаёққа кетаяпти? Агар менга қўйиб беришганда, ҳаммасини деворга тираб қўйиб, пешонасидан отардим.

Наташа безовталаниб менга қараб қўйди.

— Кечирасиз, сиз бизниям ўша ердан чиқиб келаяпти, деб ўйлаяпсизми? — дедим ҳайдовчига.

— Сизларми? — деб кўзгу орқали бизга кўз ташлаб қўйди ҳайдовчи. — Йўқ, сизларни у ердан чиққансизлар, деб ўйламайман. Биринчидан, кийим-бошларинг меникидан сал қимматроқ, балки арзонроқдир. Иккинчидан, пиёда юрибсизлар. Ҳа, бойваччаларнинг тансоқчилари ҳам бўлади.

— Кечаси билан таксичилик қиласизми? — сўрадим ҳайдовчининг хаёлини чалғитиш учун.

— Баъзида шундай бўлиб қолади. Ўзим билан бирга қаҳва олиб юраман. Хотиним — Валентина Сергеевнадан яшириб опчиқаман уйдан. Кўриб қолса, олиб қўяди. Соғлигингга тўғри келмайди, дейди. Нима соғлигимга тўғри келиши, нима тўғри кemasлигини ўзим яхши биламан.

— Қўрқмайсизми кечаси ёлғиз юришга? Ҳар қалай, ҳозир ҳар хил одамлар кўп.

— Бе-е, қўрқиб нима қилдим? — дея ҳайдовчи ҳиринглаб кулди ва қўйнига қўлини тиқиб, кичкинагина тўппонча чиқарди. — Мана шу бор экан, биров менга бир нима деёлмайди. Шартта «пақ-пақ» этказиб отиб ташлайман.

«Шундайлар борки, қўйнингга қўл тиққунинг-ча ишингни тўғрилаб қўяди», дея хаёлимдан ўтказиб, кулиб қўйдим.

— Лекин, — дея гапини давом этказди ҳайдовчи, — бу матоҳ ҳам иш бермаслиги мумкин. У ёғи Худодан. Ёшим

етмишга яқинлашиб қолди. Бу ҳаётдан оладиганимни олиб бўлдим. Битта ўғил ва битта қизни вояга етказдим. Икковиям Моск-вада. Оилали. Набираларим бор. Ўзи-чи, хотиндан қутулишнинг энг яхши йўли ўлиш экан. Бўлмаса, қутулолмайсан. Ўлмасанг, кунинг дўзах азобида ўтади. Ёшинг ўтиб, белингдан қувватинг кетгани сайин бошингга чиқаверади. Охири бутунлай ўтириб олади.

Биз Наташа билан кўз уриштириб олдик.

— Кечирасиз, орамизда хоним ҳам бор. Агар шундай ёмонлайверсангиз, бу ҳам дод-вой солиб қолади.

— Эсим қурсин. Қаричилик-да, қизим. Сен эътибор қилма.

Шундан кейин ҳайдовчининг овози ўчди. У йўлдан кўзини узмаган кўйи алланималарни ўйлаб кетди. Мен эса роса чарчаган эканман, кўзим юмилиб кетаверди. Манзилга етганимизни ҳам сезмай қолибман. Наташанинг:

— Шу ерга тўхтатинг, — деган овозидан сергак тортидим ва дарров деразадан атрофга қарадим. Йўлдан бирор эллик қадамча нарида баланд-паст иморатлар бор эди.

Ҳатто улардан бирининг пештоқидаги «ГАСТРОНОМ» деган ёзувга ҳам кўзим тушди. Айни шу дўконнинг ичкариги чироқлари ёниқ эди. Одамлар ҳам бор эди. Беихтиёр чўнтагимни пайпасладим. Ҳар қалай, тўрт-беш рублим бор. Бирон егулик харид қилса бўларди. Лекин иложи йўқ. Гарчи такси ҳайдовчиси қоронғиликда яхши илғамаган эса-да, кийим-бошимизнинг роса расвоси чиққан эди. Бу аҳволда дўконга кирсанг, ҳайдаб солишлари турган гап.

Машинадан тушганимиздан кейин:

— Озроқ юрсак, кинотеатрга дуч келамиз. Унинг орқасида бизнинг уйимиз. Учинчи йўлакнинг иккинчи қава-тида, — деди Наташа.

Унинг кўзлари чироқ ёруғида ялтиллаб турарди. Шундан билдимки, онасини эслайпти. Ҳаяжон босаяпти. Ҳали уйига кирганидан кейин нима аҳволга тушади? Тўғри, жуда оғир. Лекин на илож?

У мени қўлтиқлаб олди. Мен елкасидан кучдим. Негадир кўнг-лим безовта эди. Тез-тез атрофга кўз ташлардим. Зимдан ҳар-ҳар замонда ёнимиздан ўтиб қолувчи

одамларни кузатардим. Аслида, улар жуда кўп эмасди. Бор-йўғи иккита одам ўтди. Бирининг ёши ўтиб қолган, иккинчиси тахминан мен тенги. Иккови ҳам роса ичган экан, ёнимиздан ўтиши билан юзимга гуп этиб ароқ ҳиди урилди.

Назаримда, уларнинг мутлақо ғам-ташвиши йўқдай эди. Ичади. Ухлайди. Туриб яна ичади. Кейин нимадир юмуш қилган бўлиб, озгина кўчада сандирақлаб юришади. Сўнг яна ўша аҳвол такрорланади. Бунақаларнинг анчасини кўрганман.

— Кинотеатрни айланиб ўтмай, ёнидаги йўлакдан юрганимиз маъкул, — дея хаёлимни бўлди Наташа.

— Бу ерларни сен яхши биласан. Йўлакдан юришимиз тўғри бўлса, демак, йўлакдан юрамиз, — дедим ва уни маҳкамроқ қучдим.

Иккита пиёниста кўнглим хижиллигини анча йўқотган экан. Кинотеатр ёнидан ўтаётганимизда, ўша ғашлик яна пайдо бўлди. «Иш-қилиб, омон-эсон Наташанинг уйига кириб олайлик-да», дея хаёлимдан ўтказдим.

Ниҳоят, тўрт қаватли иморатнинг киришимиз лозим бўлган йўлаги тўғрисиغا етдик. Мен тўхтадим. Қизни ҳам тўхтатдим.

— Йўлакнинг эшиги ёпиқ экан. Аввал мен кираман, хўпми? — дедим.

У бошини қимирлатди. Секин эшикка яқинлашиб, ичкарига қулоқ тутдим. Жимжитлик. Демак, бемалол кираверса бўлади, деган хаёлда секин эшикни очиб, ичкарига қадам босишим билан пешонамга тўппонча тиралди.

Мен Наташадан мутлақо буни кутмаган эдим. Рост-да, ўй-хаёли дўхтирликдан нарига ўтмаган қиз кутилмаганда шундай гапни қандай топиши мумкин? Бу маҳалда у додлаши, кимсасиз йўлакдан кимларнидир ёрдамга чақириши керак эди. Ҳар қалай, бундай ўйлаб қарасангиз, шундай бўлиши лозим эди. Аммо Наташа бошқача йўл тутди.

— Бунча пулнинг ҳаммасини сизга беролмайман, — деди.

Гўё менинг пешонамга тўппонча тираганларни кўрмагандай, гўё ҳеч қанақанги хавф йўқдай, сирли гап айтаётгандай бошини бироз эгиб, шундай деди.

Юзларига ниқоб кийганлар уч киши эди. Иккитаси кириш эшигининг икки ёнида, бири рўпарада зинага чиқаверишда турар, учаласининг ҳам тўппончасининг тепкиси босилишга шай эди. Ҳаммаси фақат менга қаратилганди.

— Вой, сизлар кимсиз? — деди Наташа бир муддат ўтказиб.

— Овозингни чиқарма, пулингнинг бир қисминиям энди бу ололмайди, — деди сўл тарафимда турган ниқобли.

Унинг овози менга таниш эди. Шу боисдан ҳам у Александр Абрамовичнинг одами эканлигини дарров англадим.

— Наташа, буларга пулни берма, — дедим атайин вақтни ўтказиш мақсадида. — Беролмайсан ҳам. Кодни фақат мен биламан.

— Пул қўпми? — деди зинадаги босқинчи Наташага.

— Ўн миллион. Кўкида. Қаждан ҳам бунга ўзинг қўлаб қўя қол, дебман. Ҳозир ярмидан ошиғини берасан, деб келаётганди. Аслида, пулларнинг ҳаммаси меники.

— Вой, аблаҳ, шеф сендан бекорга кечмаётган эканда, — деб ўнг томонда турган ниқобли елкамга мушт туширди.

Зарба гўё жон-жонимдан ўтиб кетгандай инграб елкамни ушлаб қолдим.

— Хоним сабаб умринг яна ярим соатга чўзиладиган бўлди. Хоним, уйингизга бошланг. Йўлакда ортиқ туролмаймиз, — деди зинадаги йўлтўсар.

Ичимда унинг устидан маза қилиб кулдим. Ахир улар лақма эди. Мана шу лақмаликлари сабаб, янаям аниқроғи, бойликка ўчлиги боис умрини хазон қилаётганди. Албатта, ҳозирча буни билмайди. Билганларида эса кеч бўлади. Эҳ, Александр Абрамович, наҳотки менинг ҳар қандай гапимга ишонмасликни тайинламаган бўлсангиз? Кимларга юмуш буюриб юрибсиз? Бу аҳволда узоққа боролмайсиз-ку. Майли, шундай қилиш лозим деб ўйлаган экансиз, ҳаммаси сиз айтганингиздай бўла қолсин.

Наташа олдинда йўл бошлади. Мени эса ниқоблилардан иккитаси икки қўлимдан ушлаб судрашди. Ортимда учинчи йўлтўсар тўппончасини тираб келаётганди.

Наташа эшикни очиб, ичкарига кирди. Кейин биз кирдик. Қиз менинг нимадир қилишимни кутаётганди. Шунинг учун ҳам шошилмасдан оёқ кийимини еча бошлади.

— Имиллама! — деб бақирди менинг ортимда турган ниқобли. — Биз сенинг уйингга меҳмонга келганимиз йўқ! Қачондан бери уйингга оёқ кийимингни ечиб кирадиган бўп қолдинг?

У менинг кимлигимни унутиб, олдинга ўтди. Менга ахир мана шу керак эди-да.

Ёнимдагилар бошлари билан тўқнашиб кетишди. Албатта, озгина ёрдам бериб юбордим. Миллионлар умидида ёнаётган буйруқбоз, яъниким олдинга ўтган йўлтўсарнинг эса тўппонча ушлаган қўли қайрилиб, қуроли ерга тушди. Кейин бурни синди. Керакли нозик аъзоси ҳам жабр тортди. Шу билан ўзи ҳам ҳушидан айрилиб қолди. Албатта, ёнимдагилар ҳам яна озгина дард чекишга мажбур бўлишди. Бунинг учун тирсакларим меҳнат қилишига тўғри келди.

Бунақанги пайтда, барибир, кимнингдир овози чиқади. «Оҳ» дейди, «воҳ» дейди. Ё бўлмасам, «ўлдим» дейди. Шунинг учун эндиликда полга узала тушиб ётган шоввозларни Наташа билан бирга ичкарига судраб киришимизга тўғри келди.

— Афсуски, — дедим ҳамма иш якунига етганидан кейин, — бугун ҳам ухлаш насиб этмайдиганга ўхшайди.

Қиз менинг кўзларимга термилди. Ке-йин бирдан бўйнимдан қучиб, кўксимга бошини қўйганча йиғлаб юборди.

— Нега менинг тақдирим бунақа? Мен бировга ёмонлик қилмаганман-ку. Онамдан айрилдим. Яна ўзимнинг жоним ҳам қил устиди. Нега? Нега? — деди.

— Сиқилма, ҳаммаси жойида бўлади. Ҳаммаси изига тушиб кетади. Яхши бўлганини ҳаттоки ўзинг ҳам сезмай қоласан. Энди ки-йимларингни алмаштир. Чўмилиб чиқсанг ҳам ёмон бўлмасди. Бу ердан кетишимизга тўғри келади, — деб унинг пешонасидан ўпдим.

Наташа хўрсинди. Сўнг бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қилди-да, бағримдан чиқиб:

— Аввал ўзинг яхшилаб чўмилиб ол. Унгача мен кий-

имларимни танлаб тураман. Узр, сенга кийишга ҳеч нима беролмайман, — деди.

— Ростини айтсам, қорним очқаб кетган. Аввал бирон нима еб олмасам, ҳаттоки чўмилишга ҳам ярамайман.

Қиз мийиғида кулди ва ошхона тарафга йўналди.

Наташа мен ўйлаганимдан-да чаққон қиз экан. Ҳашпаш дегунча егулик тайёрлади. Унгача мен уч-тўрт дақиқа ухлаб олишга улгурдим. Киприкларим бир-бири билан тутшиб кетавергач, ноилож шундай қилишга мажбур бўлдим.

Мен шошилиб овқатландим. Чунки бу ерда кўп қололмаслигимизни яхши англаб турардим. Бунгаям сабаб Александр Абрамовични яхши билишим эди. У бир ишга бел боғладими, қандай шароитда бўлишидан қатъи назар, амалга оширмагунча тинчимайди. Ҳаттоки ҳозирги ҳолатида ҳам (ахир бир умр майиб-мажруҳ бўлишига бир қадам қолганди-да).

Наташа ювиниб-чайиниб, овқатланиб бўлгач, қўлга илингулик (у ҳам бор-йўғи беш-олти рубль ва озроқ тақинчоқлар эди, холос) нарсаларни олиб, уйни тарк этдик. Борадиган еримиз Наташанинг дугонасининг уйи эди. У шаҳарнинг бошқа томонида яшаркан. Наташа ҳали уйдалигимизда дугонаси ҳақида оғиз очмоқчи бўлувди. Мен уни гапиртирмадим. Ахир деворнинг ҳам қулоғи бор-да. Анави учови тўла ҳушидан кетиб ётибди, деган бемаъни хаёлга боролмайман-да.

— Қалин дугонам, мактабда бирга ўқиганман. Кейин улар кўчиб кетишди. Лекин биз доим гаплашиб турамиз. Ҳатто медтехникумда битта йўналиш бўйича ўқиганмиз. Хуллас, ишончли қиз, — деди у ташқарига чиққанимиздан кейин.

Мен ундан дугонаси эрга теккан-тегмаганини сўрамоқчийдим. Чунки эрли аёлнинг уйига бундай маҳал бориш одамга жуда ноқулай. Бироқ сўрашга улгуролмадим. Кундузи серқатнов бўладиган йўлда кун ботар томондан катта тезликда бизга яқинлашиб келаётган машинага кўзим тушди. Дарров Наташанинг кўлидан ушлаб, уни юришдан тўхтатдим.

— Дугонангникига боришимиз вақти бироз чўзиладиганга ўхшайди, — дедим.

У менга савол назари билан қаради. Лекин назарига жавоб бермадим. Ён-веримга кўз ташладим. Беш-олти қадам изимизга қайтсак, танаси икки қулоч келадиган дарахт бор. Шунинг ортига ўтиб, бемалол яширинса бўлади. Фақат тезроқ яшириниш лозим эди.

Адашмаган эканман. «Жип» бизнинг тўғримизга етиши билан қаттиқ тормоз бериб тўхтади ва бир-икки сония тўхтаб тургач, тезликда биз яширинган дарахтнинг ёнгинасидаги йўлакка бурилди. Наташа менга ёпишиб олган, юрагининг гупиллаб уришини бемалол эшитиш мумкин эди. Қўлимда, чўнтақларимда тўппонча бор. Бемалол чақирилмаган меҳмонлар билан олишишим мумкин эди-ю, лекин негадир безовталанаётгандим. Ичимда эса: «Ишқилиб, кўрмай ўтиб кетсин», дея тез-тез такрорлардим.

Ният қилганимдай машинадагиларнинг кўзи бизга тушмади.

— Эртароқ йўлнинг нариги томонига ўтиб олишимиз керак, — дея Наташанинг қўлидан ушлаб югурдим.

Қарийб ўн қадамдан сўнг югуриш асносида ортимга қарадим ва кўзим «Жип»нинг тўхтаганига тушди.

— Падарингга лаънатилар, ойна орқали кўришибди, югур тезроқ! — деб Наташага бақириб юбордим.

Менимча, ўшанда қизнинг бўлари бўлди. Мункиб кетди. Беш-олти қадамдан кейин эса додлаб юборди.

— Оёғим! — деди додлаш ортидан.

Мен тўхтаб, аввал «Жип»га кўз ташладим. У шитоб билан бизга яқинлашиб келмоқда эди. Шунда тўппончамни ишга туширишга мажбур бўлдим. Ҳайдовчининг олд ойнаси чил-чил синди. «Жип» бошқа томонга йўл олиб, ўзини дарахтга урди. Эҳтимол, унинг ёнидаги жароҳатлангандир, аммо орқа ўриндиқдагиларга ҳеч нарса қилмагани аниқ. Чунки машина тезлиги ҳали паст эди.

Ёшлигимдан сезгим ҳеч қачон менга панд бермаган. Ҳозир ҳам у мени алдамади. «Жип»-нинг биз томондаги орқа эшиги очилди. Тушунаман, ўша эшикни очган йигитга ҳам қийин. У ҳам бировнинг қўлидаги одам. Агар мени тутиб бормаса, жонсиз қолишга мажбур бўлади. Аммо ўзимни, Наташани ҳам ўйлашим керак. Чунки мен ҳам ҳали яшашни, агар тақдиримда бўлса, яхши кунлар-

ни кўришни истайман. Шу боисдан тўппонча тепкисини икки марта кетма-кет босдим. Эшикка осилиб қолган гавда кўрингач, Наташанинг белидан қучиб ўрнидан тургаздим-да, суяганча катта йўл бўйига кета бошладим. Иккала кўзим ҳам машинада эди. Лекин ундан бошқа одам чиқмади.

Шу сафар такси тез келди. Бу ҳам олдингиси каби ҳеч нарсага эътибор бермасди, ҳатто борилажак манзилни сўрамади.

— Ўтиринглар, — дея бирровга кўз ташлаб қўйди.

Одамзод ғалати бўларкан. Узоқ муддат итдан ҳам, битдан ҳам шубҳаланавергач, шуни ўзига одат қилиб оларкан. Ҳозир ҳам таксига ўтиргач, ҳайдовчи диққатимни ўғирлади. Ҳатто унинг талай жойга етгунимизча манзил сўрамагани кўнглимдаги гулгулани икки ҳисса оширди.

— Оғайни, — дедим сал қаддимни ростлаб, — қаерга боришимни кўзимдан аниқлаштириб олдинг, шекилли.

— А-а, узр, оғайни, хаёлга берилиб кетибман. Қаерга обориб қўяйин? — деди у худди уйқудан уйғонган одамдай чўчиб тушиб.

— Биринчи чорраҳадан ўнгга бурил, қолганини йўлмай йўл айтиб кетавераман, — дея Наташага ўғирилдим-да: — Яхшимисан? — дея сўрадим.

Қизни сўроққа тутиш ҳам вазиятдан чиқиш учун баҳона эди. Наташа ҳам буни дарров англади, шекилли.

— Яхши, — дея қисқа жавоб бериб қўя қолди.

Такси ҳайдовчиси машинани тўхтатди. Чорраҳадан бурилиши билан ундан шуни илтимос қилгандим. Кейин у ухлаб қолди. Тўғрироғи, ухлашига озгина ёрдам бердим. Қулоғининг орқасини бармоғим билан қаттиқроқ босувдим, дарров бўйни бир томонга қийшайди.

— Балки шу ишни бекор қилгандирсан, — деди Наташа мендан андак ранжиб.

— Бошқа иложим йўқ. Лекин унга ортиқча озор ҳам бермадим. Шунчаки тун бўйи машина ҳайдайвериб, тинкаси қуриган. Агар ухлатиб қўймасанг, орқаси ўриндиққа ёпишиб қолса ҳам, кўзини ишқалаб юраверади. Худо кўрсатмасин, рулда ухлаб қолса борми... — дея эшикни очдим.

Бу ёғига Наташа йўл кўрсатиб кетадиган, мен уловни

бошқарадиган бўлдим. Масофа анчагина узоқ экан, қарийб йигирма дақиқача юрдик. Кейин таксини йўл четида қолдириб, ўзимиз Наташанинг дугонасиникига кетдик.

Албатта, тонг отар-отмас келган меҳмон бировни хурсанд қилмайди. Жумладан, уйқутираб эшикни очган Верани ҳам. Сарик сочли, бўйи Наташага тенг келадиган тунги кўйлактаги қиз киприкларини пирпиратиб бир муддат турганидан кейин:

— Наташ, ўзингмисан, осмондан тушдингми, нима бало? — деди.

Наташанинг кўнгли бўшаб кетди. У дугонасининг бўйинидан кучоқлаб йиғлаб юборди.

— Тисс, бўлди, жоним, бўлди. Хабарим бор, қани, аввал ичкарига кир-чи...

Икки дугона сал бўлмаса мени унутиб қўяёзди. Мени остонада қолдириб, ўзлари кириб кетишди. Фақат орадан бир муддат ўтиб, Вера югуриб чиқди.

— Сиз нима қилиб турибсиз, бемалол кираверинг, — деди жилмайиб.

Торгина мўъжаз ошхонага кирдик. Ўртадаги стол атрофига тўртта стул қўйилганди. Вера бизни ўтиришга таклиф қилиб, ўзи ювинишга кириб кетди.

— Оёғинг қандай? — сўрадим Наташадан.

— Боя билинмай қолганди. Ҳозир яна зир-қираяпти. Ишқилиб, чиқиб кетмаган бўлсин.

— Ўрмонда ҳам шу оёғинг қайрилганмиди?

— Ҳа, лекин унда дарров оғриқ қолганди. Ҳечқиси йўқ, дугонамнинг ўзи дарров боғлаб қўяди.

Вера хийла хушчақчақ қиз экан. Бизнинг ёнимизга келиши билан Наташанинг юзини чимдиб:

— Писмиқ. Йигитинг борлигини нега яширдинг? — деди.

— Ўзим ҳам ҳали йигитимми-йўқми, шуни аниқ билолганим йўқ. Лекин ишончли шеригим эканлиги аниқ.

— Ҳозирча ишончли шерикми, демак, яқинда йигитинг, ундан сўнг эринг бўлишига шуб-ҳаланмайман. Дарвоқе, бу маҳал нима қилиб юрибсан?

Наташа дугонасига жавоб беролмай, унинг кўзларига мўлтирабгина термилди.

— Йўқ. Ҳеч нарса дема, кейинроқ. Сал ўзингга келиб ол. Қара, рангингда ранг қолмабди. Яна йигитингнинг ҳам юзида жароҳат излари бор... Тўхта, яна сенинг дилингни яралаб қўйишим мумкин. Ҳозир мен сизларга қаҳва дамлаб бераман.

Шундай деб у газни ёқди. Кейин Наташа иккаламизни ёлғиз қолдириб, ўзи чиқиб кетди.

— Ҳақиқатан ҳам, яранг ҳали тўла битмаганди, — деди Наташа менга ачиниб қараркан. — Сен нам ҳавода юрдинг. Ишқилиб, газак олмаган бўлсин. Оғримаяптими ҳозир? — дея Наташа юзимни эҳтиёткорлик билан силди.

— Оғримаяпти. Лекин дугонанг бизга қаҳва тайёрламагани маъқул эди. Ундан кўра, ётадиган жойни кўрса-тиб қўйса, очигини айтсам, ҳозир тахтанинг устида ҳам ухлайверардим.

— Қаҳва ичганинг билан, барибир, ухлайсан. Ичингга озгина илиқлик кирсин. Сендан битта нарсани сўрамоқчи бўлиб юрибман. Албатта, қўнглингга оғир олмасанг.

— Бемалол, — дея нигоҳимни қизга қададим.

— Сени нега ўлдирмоқчи бўлишди? Мен уларнинг ҳаракатларига сира тушунолмаёпман.

Мен гарчи жилмайиб қўйган эсам-да, ичимдан зил кетди. Кўз ўнгимда ёнаётган, тутаётган бино, унинг ичида саросимага тушиб, у ёқдан-бу ёққа югуриб юрган одамлар ва ҳаётимни хавф остига қўйиб, аланга ичида қолган ертўлага тушганим, Александр Абрамовични топганим ва уни кўтариб олиб чиққаним эвазига оёқ-қўлларим, юзимнинг куйгани келди.

— Александр Абрамович куйиб кетиши керак эди, — дедим бир муддат ўйга толиб турганимдан кейин. — Ўшанда ҳаммаси жойида бўларди. Энг катта хатом шу бўлди. Бекорга болалардан қанчаси жабрланаяпти. Бу яна қанча давом этади, Худо билади.

Наташа бир қўли билан сочимни силаркан:

— Сиқилма, — деди.

— Нималар деяпсан? Мен сиқилишдан анча кейин туғилганман.

Шу пайт Вера ошхонага кириб келди. Унинг ортидан келаётган йигит эса ювиниш хонасига кириб кетди.

— Ким? — деди Наташа кўзи билан ювиниш хонасига ишора қиларкан.

Вера бошини ортига буриб қараб қўйди-да, жилмайди:

— Мен ҳам ҳозирча унинг менга ким бўлиши мумкин-лигини...

Қизлар енгилгина кулиб қўйишди.

— Ҳозирча фуқаролик никоҳидамиз. Таништириб қўяман. Ўлгудай яхши бола.

— Ўлгудай?.. — дея унинг гапини такрорладим. — Бунақасини сира эшитмаган эканман.

— Эшитмаган бўлсангиз, кўрасиз. Толик билан бирга ишлаймиз. Тўғрироғи, у врач. Менинг бошлигим, — дея Вера чойнакни қўлига олди.

Унинг Толиги келгунча, биз Наташа билан бирга қаҳвадан икки мартадан ҳўплашга улгурган эдик. Йигит (йигитликдан ёши анча ўтиб қолганга ўхшарди. Сочи оқариб, сийраклашиб қолган, юзига беш-олтита ажин тушишга улгурган эди) елкасида сочиқ билан кирди-да:

— Ҳали тонг отмасдан бизни уйғотишга ҳадди сиққанлар шуларми? — дея жилмайди Толик деганлари.

Мен у билан саломлашиш учун ўрнимдан турдим.

— Анатолий, Худо хоҳласа, Веранинг эриман, — деди у қўлимни кафти орасига олиб.

— Мени Амир деб чақаришади. Сизгайм шундай чақариш қийинчилик туғдирмаса керак? Наташа билан дўстмиз...

— Шу холосми? — дея гапимни бўлди Наташа. — Наҳотки? Мен бунақа деб ўйламаётгандим.

Очиғи, дув қизариб кетдим. Ҳали бирор марта ҳам бунақанги аҳволга тушмагандим. Шу боисдан тилим калимага келмай қолди. Вазиятдан чиқмоқчи бўлиб илжайгандим, эплаёлмадим. Назаримда, юзим тиришиб, хунуклашиб кетганга ўхшарди.

Наташа бирдан ўрнидан турди. «Орамиз очиқ. Мен сени, сен мени танимайсан, кетавер», деса керак, деган ўй хаёлимдан ўтди.

Адашган эканман, унақанги гаплар қизнинг оғзидан чиқмади. Бунинг ўрнига, у чашкасидан қаҳва ичди.

— Аввал дўстлик, ке-йин фуқаролик никоҳи, ундан кейин ҳақиқий эр-хотинлар, — деди Толик менинг ёним-

ни олиб. — Мен бунақанги танишув учун бажонидил озгина шампань виносини ичардим-у, аммо ҳали саҳар бўлгани учун кечгача ўзимни тутиб туришга мажбурман. Сиз ҳақингизда, — дея у Наташага юзланди, — Вера жуда кўп гапириб берган эди. Лекин гўзаллигингиз таърифини қиёмига етказолмаган экан.

— Толик, менимча, иккаламиз ҳам кўп гапириб, меҳмонларга нонушта тайёрлашни ҳам унутиб қўйдик. Булар шундай пайтда бизникига келибдими, демак, туни билан ухлашмаган. Буни уларнинг кўзлари ҳам айтиб турибди. Даров қоринларини тўйгазайлик.

Наташа менга қараб жилмайди. Худди сенинг кўнглингдани айтди, дегандай.

Учта тухум ошқозонимга урвоқ ҳам бўлмади-ю, лекин ухлаш олдидан шуниси кўпроқ маъқул эди. Хонадон эгалари билан деярли гаплашмадик. Кўпроқ биз овқатландик, улар қараб ўтиришди.

Вера жой ҳозирлагач, юмшоққина тўшакка ўзимни ташлаганим заҳоти донг қотиб ухлаб қолибман. Буни қарангки, тушимга Лола кирди. Мени сарсон-саргардонликка гирифтор қилган, ўлим билан олишишга мажбур этган Лола. У нуқул кулар ва қўли билан кимнидир кўрсатарди. Мен эса қуюқ туман ичида ҳеч кимни кўрмаётган эдим...

Уйгонганимда, ёнимда кимдир ётганини сездим. Унинг қўли кўксимдан ўтган эди. Секин кўзимни очиб қарасам, Наташа. Бир меъёрда нафас олганча ухламоқда эди.

Секин қўлини ёстиқ устига қўйдим-да, бошимни қўтариб, иягимга кафтимни тираганча ҳавас билан унга термилдим: фариштанинг ўзгинаси. Ҳақиқий гўзаллик тимсоли. Уни фақат томоша қилиш керак. Бошқа ҳар қандай ҳаракат бекор. Унинг бу ҳолатини ўзгартириш мумкин эмас. Ўзгарса, бутун бир мўъжиза йўқолади. Ана шу ҳайрат мени қарийб ярим соат жойимдан қимирлашга йўл қўймади. Ниҳоят, ўрнимдан турдим. Бунга Наташанинг ўзи ёрдам бериб юборди. У бошқа томонига ўтирилди.

Аслида, ёшлигимдан таом тайёрлашни хуш кўраман. Қандайдир ташвишлардан чалғийман. Дам оламан. Шу боис ювиниб бўлишим билан ошхонага кириб, аввал чой

қўйдим. Ке-йин стол устидаги қоғозга кўзим тушди. Унда шундай ёзилган эди: «Наташа, ниҳоятда чарчаган экан-сизлар. Иккаланг ҳам ухлаб қолдинг. Шунинг учун сизларни безовта қилмасдан, ишга кетдик. Уйғонгач, ўзинг нонушта, балки тушлик, эҳтимол, кечки овқатни тайёрлаб оларсан. Сени ўпаман, яхши кўраман. Вера».

Хатни ўқиб бўлгач, кулиб қўйдим-да, деворда чиқиллаб турган соатга қарадим: кундузги учни кўрсатиб турарди. «Афсус, Верахон, бизнинг уйғониш вақтимизни тополмабсиз. Шундай экан, ўзимиз истаганча овқат тайёрлаймиз».

Ҳаш-паш дегунча ўзимизнинг қишлоқчасига димлама тайёрлаб ташладим. Ҳиди бирам зўр эдики, оғзингдан сўлагинг оқади. Менинг онам, узоқларда боласининг йўлига кўзи тўрт бўлиб кутаётган онам овқатни шундай тайёрлар ва мен ундан ўрганган эдим. Қишлоғим хотирамга келиши билан деворга суяниб, кўзимни юмдим. Жаҳлдор отам, онам... Улар ҳали ёш эдилар. Гоҳ-гоҳида уйимизда қувноқликлар бўлиб турарди. Айниқса, туғилган кунлари. Менимча, қишлоғимизда фақат бизнинг уйдагина туғилган кун нишонланарди. Отам илгаридан шундай анъанани бошлаган экан. Тўғрироғи, мен туғилганимдан кейин. Лолага: «Уйимизга келин бўлиб борганингдан кейин сен ҳам бизнинг одатни бошлайсан», дердим. У уяларди. Икки юзи ним пуштига айланар, жилмаярди. Кейин ҳазиллашган бўлиб: «Менинг ўзим қонунқоида яратаман-да, сизни шунга ўргатаман», дерди. Бирам чиройли, бирам истарали сўзлар эдики, эриб кетар ва беихтиёр унинг оппоққина узун бармоқларини ушлагим келарди. Лекин ушлолмасдим. Кўрқардим. Ана шу қиз ҳозир бегонанинг бағрида. Бегона унинг ўша оппоқ қўлларини ҳеч тап тортмай ушлайди. Мен эса... Мен эса...

Наташанинг оёқ товуши эшитилди. Менинг хаёлим бузилиб, у келаётган томонга ўгирилдим. У эшик кесакисига суянди-да, менга қараб жилмайди.

— Уйғотмабсан, — деди.

— Сен жудаям ширин ухлаётгандинг, безовта қилгим келмади, — дедим кулиб.

Шунда унинг нигоҳи стол устидагиларга тушди.

— О-о-о, нонуштамиз тайёр-ку. Ҳозир... таъмини бир кўрайлик, — дея стол ёнига яқинлашганида, уни тўхтатдим.

— Хоним, аввал юз-қўлингизни ювинг-чи. Олдин қандай одатингиз бўлганини билмайман-у, лекин бундан бу ёғига эрталаб турганингиздан кейин саломлашишдан ҳам аввал ювинасиз.

Наташа жилмайди. Сўнг бўйнимдан маҳкам қучоқлаб, бир-икки дақиқа тургач, қўйиб юборди-да, ювиниш хонасига кириб кетди.

Доим нима биландир банд бўлиб юрганим боис, бекорчилик дарров юрагимни сиқа бошлади. Хаёлимни Александр Абрамовичнинг кўрсатган ва кўрсатаётган кароматлари эгаллаб олди. Унга бўлган нафратим тобора ортиб бораверди. Менинг бу тахлит ўйчанлигим Наташани бироз безовта қилди.

— Биз ёлғиз қолсак, тўйиб-тўйиб гаплашамиз, бир-биримизга болалигимиз ҳақида гапириб берамиз, деб ўйлагандим. Сен бўлсанг, хаёл суришдан нарига ўтмаяпсан, — деди.

— Менга эътибор берма. Шунчаки қиладиган ишларим бор эди, шуларни режалаштираётгандим, — дея ўзимни оқлаган бўлдим.

— Бугун ҳамма ишларингни орқага ташлайсан. Мен бошқа нарсани мўлжаллаб қўйибман. Бу сенга ҳам ёқади. Тахминан ярим соатлардан кейин Толик билан Вера келади. Кейин биз аёллар пишир-қуйдир билан шуғулланамиз. Эркаклар эса супермаркетдан байрамона дастурхон учун керакли нарсалар олиб келишади. Сўнг тўрталамиз байрам қиламиз.

— Даҳшат. Сенга уч юз фоиз қўшиламан. Ўзим ҳам бугунги кунни байрамдай ўтказсак, ёмон бўлмасди, деган хаёлда эдим. Лекин бунинг учун биз томондан ҳам озми-кўпми сарф-харажат зарур бўлади. Мен ўзимникини олишимга энди кеч бўлди. Чунки банк ёпилиб қолди.

— Мен уйга борганимда, ҳамма бойликларимни олгандим-ку. Улар орасида пуллар ҳам бор. Бундан буён орамизда сеники-меники бўлишини истамайман. Бир марта уялтирганинг этади. Иккинчи марта уялтиришингни истамайман. Толик бемалол Верани «бўлажак хотиним» деса-ю, сен...

Бўлди, — дея жилмайиб, бирдан иккита қўлимни ҳам юқорига кўтардим. — Бундан бу ёғига хатога йўл қўймасликка ваъда бераман.

— Жиннивой, — дея Наташа эркаланиб, сочларимни силаб қўйди.

Бўлажак эр-хотинлар кутилганидан биров кеч келишди. Кўп эмас, бир чой қайнагулик вақтдан сўнг эшик кўнғироғи жиринглади. Эшикни очгани кетган Наташанинг хурсанд ҳайқиригидан сўнг билдимки, Толик билан Вера келган.

Шу куни кичкина хатога йўл қўйдим. Аслида, ҳозирги ҳолатимда мутлақо хатога йўл қўймаслигим керак эди. Ўзимни озгина эркин қўйдимми ёки шуни кўнғлим тусадими, ҳар қалай, мени яхши танийдиган дўконга Толик билан бирга бордим. Сотувчи мени кўрганидаёқ саросималаниб, у ёқ-бу ёққа кўз ташлади. Ана шундагина кўнғлимга шубҳа оралади. Ана шундагина у мени таниши хаёлимга келди. Толикни расталар орасига киритиб юбориб, ўзим бошқа ёққа юрган киши бўлдим-да, дарров изимга қайтиб, сотувчининг ёнига келдим.

— Сени сўраб келишди, — деди у паст овозда ҳали савол бермасимдан бурун. — Ўша доим ўзинг билан бирга келадиган Боря.

— Қачон? — дедим номига растадан қўлимга олган қутичани айлантриб (тўғриси, шу қути ичида нима борлигини билмасдим. Умуман, аҳамияти ҳам йўқ эди).

— Бугуннинг ўзида икки марта келди. «Кўришинг билан менга хабар бер», деб телефон рақамини ташлаб кетди.

У сўзлаш асносида чумчуқдай ҳар томонга кўз ташларди. Кўрқаяпти. Шу бечорага ҳам қийин.

— Сен нима қиласан? Мени кўрдинг...

— Ҳеч нимани кўрмаган, билмаган бўлсам, омон қоламан. Бунинг учун тезроқ кетишинг керак.

— Ақллисан. Ҳозир мен билан бирга келган кишини кўрдинг. Унга кўнғлим айниганини, шунинг учун ҳеч нарсга олмасдан, ташқарида кутаётганимни айтиб қўй.

Сотувчи бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қилди.

Ташқарига чиқдим. Шундай пайтлари чекувчиларга яхши-да. Биринчидан, хумори ёзилади, иккинчидан, би-

ровни шубҳалантирмайди. Учинчидан, вақт ўтади. Мен бўлсам, қўлимни орқамга қилиб, бирон нимани қаттиқ ўйлаётган одамдай, у ёқдан-бу ёққа юраяпман. Онда-сонда зимдан дўкон ичкарасига кўз ташлайман. Бўйи икки метрдан зиёд бўлган деразадан харид учун териб қўйилган мингдан ортиқ маҳсулотлар яққол кўзга ташланади.

Ниҳоят, Толик ташқарига чиқди.

— Нима бўлди сенга? — деди хавотирланиб юзимга қараркан.

— Айтарли ҳеч нарсa. Назаримда, кечаги чарчоқ ҳали чиқмаганга ўхшайди. Бирозгина безовта қилди, — жавоб бердим кулишга ҳаракат қилиб.

— Уйга боргандан кейин манави билан яхшилаб чарчоғингни ёзиб қўяман, — дея у қўлидаги целлофанга солинган ароқни кўрсатди.

Биз энгил кулишдик ва унинг уйи томон йўл олдик.

Уйга кирганимизда хонимлар жуда бошқача кутиб олишди. Иккаласи ҳам сўнгги урфда кийинишган, қўйлакларининг этаклари тиззаларини ёпарди-ю, лекин икки ёнидан кесилганди. Яна шунча узун қўйлакни елкадаги ингичкагина ип ушлаб турарди. Жодудай эркак кишини ўзига мафтун этадиган кўкракнинг маълум қисми очиқ эди. Тагин бўянишгани аёлларнинг хуснини ўн чандон ошириб юборганди. Очиғи, Наташанинг шундай кийиниши ва бўяниши гашимни келтирди. Чунки фақат менда эмас, Толикда ҳам кўз бор. У ҳам мен кўрганларни кўради.

— Хонимлар бизникими? — деди кутиб олиш учун йўлакка чиққан аёлларга бир-бир назар солган Толик.

— Менимча, уларнинг ўзи бизни ажратиб олишади.

Шу куни ҳақиқий байрам бўлди. Тўкин дастурхон атрофида ўтириб, еб-ичдик. Рақс тушдик. Четдан қараганларга биздан-да бахтлироқ одам йўқдай эди. Бироқ ҳар қандай кўнгилхушликнинг ўзига яраша акс томони ҳам бор эканки, бунга мен эртасига гувоҳ бўлдим. Аввало, ўша кеча Толик иккаламиз харид қилган супермаркет ёнида турган одамлар эътиборимни тортганида, бунинг дастлабки белгиларини илғадим.

Тунни шодликда ўтказган Наташа тонг отиши билан

маъюсланиб қолди. «Ўзимни тайёрладим. Шунинг учун ичдим. Дилимдаги губорлардан қутулиш учун яйрадим. Лекин ҳеч вақодан қутулолмадим. Аняни эсласам, дунё кўзимга қоронғи бўп кетаяпти. Уни холам олиб кетганига ишончим комил, лекин барибир... Онамни қаерга кўмишганини билмайман. Тушунаёпсанми, онам кўмилган. Лекин мен унинг қабри қаердалигини билмайман. Шармандалик эмасми бу? Майли, мени ўлдиришларига розиман, лекин эртагаёқ, аввал Аняни — синглимни қидириб топаман. Кейин онамнинг мазорига бораман. Агар шу вақт оралигида муштумзўрлар мени топиб, ўлдиришса, менга унисиниям фарқи йўқ», деди Наташа.

Мен, албатта, кўлимдан келганча Наташани юпатдим. Сўнг у билан бирга ташқарига чиқдим ҳамда ўша супермаркет ёнида турган тумонат одамни кўрдим. Яна у ерда йиғи товуши ҳам эшитилаётган эдики, кўнглимнинг гашлиги икки ҳисса ошиб кетди.

Тўпланганларнинг ёнига бориб, энг охирида турган кишидан:

— Нима бўпти? — дея сўрадим.

— Сотувчини гум қилиб кетишибди, ярамаслар. Яхши бола эди. Икки марта менга текинга нон бериб юборган. Ярим соат олдин тирик эди. Ўз кўзим билан кўргандим. Бир айланиб келгунимча ўлдиришибди. Кўрганларнинг гапига қараганда, ўқ нақ икки қошининг ўртасидан тегибди. Бу профессионалнинг иши.

Ичимдан зил кетди. Сотувчининг ўлимида ўзимни айбдор сеза бошладим. Уни ким ўлдирганини ҳам тахминан билардим. «Мен учун бир бегуноҳ ўлди. Энди унинг хунини олмасам бўлмайди», дея кўнглимдан ўтказдим. Нарироқда кутиб турган Наташанинг ёнига бориб:

— Кетдик, — дедим.

— Нима бўпти? — сўради у юзимга тикилганча.

— Сотувчи инфаркт бўлибди. Одамнинг жони шунақа қилдай, бирпасда ўлиб қолади. Бўлмаса, инфаркт нима деган гап? Бундай ўйлаб қарасанг, оддий шланканинг узилиши. Бизнинг тиббиёт бўлса, шуниям улаш йўлини тополгани йўқ. Бу ёғи ойга чиқиб, картошка-партошка етиштиришмоқчи-ю, арзимаган ишнинг уддасидан чиқишолмайди. Садқайи олим кет...

Мен атайин Наташа ортиқча хаёлга бормасин деб, унга ёлгон гапирдим. Кўнгли оғриб турибди. «Ўлимига биз сабабчи эмасмизми?» деган хаёлга бориши ҳеч гап эмас.

Биз гала-говурдан узоқлашдик. «Ортимиздан тушмадимикан?» деган ўй шу заҳоти хаёлимдан ўтди ва туфли-си сиқаётган одамдай энгашиб, ортга кўз ташладим. Бирор эллик қадамча орқада икки нусха изма-из келарди. Улар менинг энгашганимни кўриши билан тўхтаб, бири-бирига нималарнидир тушунтираётган бўлишди. «Бунчалик осон топасизлар, деб сира ўйламагандим. Лекин на-чора, сизлар билан гаплашиш менга ҳам зарур бўлиб турибди», кўнглимдан ўтказдим.

— Туфлингга нима қилди? — сўради Наташа менга тикилиб.

— Айтарли ҳеч нарса. Хаёлимда сал сиқаётгандай. Бўйларимиз Толикники билан бир бўлса ҳам, оёқларимизда фарқ борга ўхшайди. Ҳечқиси йўқ, пулимиз кўпай-са, ўзимга сотволаман. Дарвоқе, машинада кетсак, нима дейсан? Ҳар қалай, автобусда одам анча сиқилади. Умуман, автобуснинг юриши унмайди.

— Анчадан бери жамоат транспортида юрмаганинг шундоққина кўриниб турибди. Майли, такси тўхтатиб қўя қол, — дея жилмайди Наташа.

Қаддимни ростлаб, теварак-атрофга разм соларканман, юрагим янада безовта ура бошлади. Демакки, ортимдан кузатиб келаётганлардан ташқари яна кимлардир... Нега олдинроқ ўйламадим шуни? Йўлакдан чиқишим билан супермаркет ёнидагиларни кўргандим. Нега у ерга яқинлашдим, ҳайронман. Дарвоқе, Толик билан Вера нима бўлди?

— Наташа, дугонангнинг уйида ҳамёним қолиб кетибди, — дедим юзимга жиддий тус бериб.

— Менда пул бор. Иккаламизга етади.

— Етмайди, борадиган жойимиз кўп бўлади ҳали. Пул ишлаб топгунимизча ҳали анча бор.

— Амир, мени тўғри тушун, оғриган оёқ билан шу ергача зўрға етиб келдим. Яна ортга қайтадиган бўлсак...

— Сени тушунаман. Лекин, барибир, бормасак бўлмайди!

Қаттиқроқ гапириб юбордим, шекилли, Наташанинг киприклари пирпиради.

— Нима бўлди, тўғриси айт? — деди унинг ранги бироз ўчинқираб.

— Тўғриси? Тўғриси, дугонанг билан Толикдан хавотирдаман. Ҳозир озгина юрамиз, ҳов анави жойгача, — деб кўзим билан одамлар кириб чиқаётган иморатни кўрсатдим. — Сени ичкарига киритиб қўяман. Ўша ерда қоласан. Ўзим бўлса, дугонангдан хабар олиб келаман. Ишон, азбаройи кўнглимни хотиржам қилиш учун. Балки ҳеч нима бўлмагандир...

Наташанинг кўнишдан ўзга иложи йўқ эди. Шу боис, ҳам бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қилди.

Биз борган жой идора экан. Қандайдир каттароқ ташкилотники бўлгани боис, у ерга кириб-чиқувчилар кўп эди. Наташа билан бирга ичкарига кирдим-у, иккинчи қаватга кўтарилдим ва уни йўлак бошида қолдириб, изимга қайтдим. Чиқиш эшиги ёнгинасида ортимиздан кузатиб келаётганларга дуч келдим.

— Мен бошқа жойга боришни ихтиёр этиб қолдим. Агар сизлардай забардаст йигитлар ҳамроҳлигида борсам, бежавотирроқ бўларди, — дедим уларга қулиб.

Йигитлар бир-бирига иржайиб қараб олишди.

— Қилиқ қиламан деб ўйламагин. Ортиқча ҳаракат қилсанг, ўзинг-га ёмон бўлади, — деди улардан бири.

— Майли, ихтиёрларинг. Қолаверса, куппа-кундуз одамлар кўз ўнгида бирон нима қилиб, кейин ортимдан милиса қувласинми? Кечирасизлар, мен ҳам тинчлигини ўйлайдиганлар хилиданман. Сизларни қувиб юрганларинг камлик қилмайди. Хўш, кетдик.

— Ҳозир ортингга қайтмасдан тўғрига кетасан. Юз қадамча юргач, чапга қайриласан. Бузиладиган иморат бор, шунинг ичига кирасан.

— Хўп.

Тўғриси айтсам, ичимдан хурсанд бўлиб кетдим. Ахир ўзим ҳам худди шунақанги жойни қидираётган эдим-да. Ҳар қалай, бегона кўздан нари.

Бироз юргач, ортимдан келаётган йигитлардан сигарета сўрадим.

— Сен билан келишдик, шунинг учун жимгина кетавер. Қолаверса, сен чекмайсан, — деди улардан бири дўриллоқ овозда.

— Ўйнагани кетмаётган бўлсам керак. Қолаверса, ўн дақиқадан сўнг тирик қолишимга ўзим ҳам ишонмайман. Шундай экан, дунёнинг бир лаззатидан баҳра олмасдан кетавераманми?

— Бўпти, ортингга ўгирилма.

Шошилмай қутидаги сигаретадан бир дона олдим. Бири гугурт ёқди. Мен тамакини тутатдим ва йўлимда давом этдим. Одамлар бу матоҳни қандай чекаркан, сира тасаввур қилолмайман. Бирам аччиқ, бирам бадбўйки, қўнглинг айнийди. Шундай эса-да, тутунни оғзимга солиб, чиқазиб кетавердим.

Ниҳоят, биз манзилга етдик. Қадамимни секинлаштириб, ортимдан келаётганларга яқинлашиб олдим. Қўлимдаги сигаретани ерга ташладим-у, сўл тарафимдагининг кўксига шунақанги қаттиқ тепдимки, ҳали йиқилмасидан қовурғалари синиб кетди. Иккинчиси мени отиб ташлаш учун тўппончасини олаётган экан, қўлига уриб, қуроллини ерга туширдим. Сўнг:

— Қолганлар қаерда? — дея сўрадим.

У ўшшайди.

— Қолганларни нима қиласан? Сени бир ўзим ҳам суробингни келтириб қўяман, — деди у.

Унинг оёқларим остида чўзилиб қолишига бирор икки дақиқа кетди. Ҳар қалай, уришишни биларкан. Фақат оддийроқ одамлар билан. Лекин мендай профессионалга ҳали-бери рўпара бўлмагани маъқул эди.

Сочини гижимлаб тортдим-да, бошини юқорига қўтариб:

— Мен чиққан уйда ҳозир кимлар бор?! — дедим пўписа билан.

— Билмайман! — деди у аввал инграб олганидан кейин.

— Яхши, унда ҳаётинг билан видолашиб қўя қол. Бошқалардай азоб бермайман. Ўлганингни ўзинг ҳам сезмай қоласан! — дея унинг бўйнини қайира бошладим.

— Имм! Имм! Майли, айтаман! Бешта йигит кетган машинада. Агар квартирасини топган бўлса, ўртоғинг жаҳаннамга равона бўлди!..

Қўнглимдан айна шу нарса ўтганди. Қидириб юрганларнинг айғоқчиси мен пайдо бўлганим ҳақидаги хабар-

ни етказгач, улар сотувчини гумдон қилишган. Сўнг ҳамма ёқни кузатишган. Қаердандир мен чиқиб келишим мумкин эди-да. Ҳа, шу сафар улар адашмади. Мен кўриниш бердим. Лекин қизиқ томони, нега ортимдан икки кишини жўнатишди? Бунинг ўрнига, ўша беш йигит изимдан тушганда яхшимасмиди?

Кулоғи орқасига зарба текканидан кейин йигит хушидан кетди ва мен югурганча кўчага чиқиб, йўлнинг қарама-қарши томонига ўтдим. Чунки ўша ерда машина тўхтаб турар, эгаси сигарета тутатганча ким биландир гаплашарди.

— Илтимос, машинангизни икки дақиқага бериб турунг, дарров қайтариб олиб келаман, — дедим «Жигули» эгасига.

— Бошқа ҳеч нарса керакмасми, йигитча? — дея ўшшайди у.

Тўғриси, у билан гаплашиб туришга вақтим йўқ эди. Шунинг учун қорнига бир тушириб, чўнтагидан калитни олишимга тўғри келди.

Веранинг уйи йўлагига етишим билан йўлак тўғрисида турган қора «ЖИП» жойидан қимирлади ва оний лаҳзада катта тезлик олди. Мен газни қаттиқроқ босдим. «Жигули» эскироқ эди. Бироқ ҳали анчагина тузук экан, олдинга отилди.

Қарасам, «ЖИП» тобора узоқлашиб кетаяпти. Етишнинг иложи йўқ. Шу боис машина чироғини ёқиб-ўчира бошладим. Олдиндагилар парво ҳам қилмай, илдамлаб кетаверишди. Шунда олдиндан айланма йўл чиқди. Албатта, уни кесиб ўтса ҳам бўларди. Бироқ машинанинг остки қисми унча баланд бўлмаган бетонга тегиши ва «Жигули» тўхтаб қолиши мумкин эди. «ЖИП» айланишга кетди. Бошқа иложим қолмаганидан, машинани сўлга бурдим. Бирдан қасир-қусур бўлиб, улов сакради. Сал қолса, жойимдан учиб чиқиб кетаёздим.

Икки машина бир-бирига қарама-қарши туриб қолди. Бирининг ҳайбати иккинчисини мажақлаб ташлайдиган даражада, иккинчиси эса «Кичкина деманг бизни...» деб турибди. Тўқнашув бўлса, «Жип»дагилар омон қолиши мумкин, лекин «Жигули»да ўтирганлар соғ қолмаслиги аниқ.

Машинани яшин тезлигида ортга бурдим-да, газни охиригача босдим. «Жигули» бўлса ҳам, жони бор экан, бир зўриқди-ю, олдинга интилди. Лекин, барибир, керакли тезликни олишга улгурмади. Орқадан қуюндай учиб келаётган «Жип» қарсиллатиб урди. Зарба кучли эди, шу боис рулга қапишиб қолдим. Ҳар қандай шароитда ўзни йўқотмаслик ҳадисини олганим фойда берди. Яна газни босдим. Орқа филдиракка нимадир тиқилиб, машина ўчиб қолди. Энди тўхтаган «Жип»дагилардан биронтасининг келишини кутишим лозим эди ва шундай қилдим. Машинадан тушган юпқа футболкали, бўйнига қалин занжир таққан барзанги шиддат билан мен томонга келаркан, йўл-йўлакай шимининг орқасига қистирилган тўппончани олди. Унинг важоҳати даҳшатли эди. Шу юришини кўрган ҳар қандай одам орқасига қарамай қочиб қоларди. Фақат мен бундай қилмадим.

Мен ҳам секин тўппончамни олдим-да, барзангининг янада яқинлашишини кутдим. У тўппонча ушлаган қўлини олдинга чўзди. Назаримда, ёнимга келади-ю, пешонамни мўлжалга олади. «Чучварани хом санабсан», дея хаёлимдан ўтказдим. Кейин режамни амалга оширишга киришдим. Тиззасидан яраланган барзанги олдинга мункиб кетди. Қўлидаги қуроли эса ерга тушди. Албатта, суякнинг синиши одамга қанчалик азоб беришини ҳамма билса керак. Бундай маҳал ҳеч нимани ўйлаёлмайсиз. Кучингиз етмайди ўйлашга. Иродангиз қанчалик мустаҳкам бўлмасин, кўзингиздан ёш тирқираб оқади. Барзанги ана шундай аҳволда эди.

Агар ишимга профессионал ёндашмасам, танам илматешик бўлишини илгаридан билардим. Шунинг учун зигирча имкониятдан юз фоиз фойдаланиб қолишга ўргангандим. Эшикдан отилиб ерга тушганимда, ётиб олиб дод-вой солаётган барзанги «Жип»дагилардан мени яширди. Мен эса қимматбаҳо машинанинг филдирагини битта ўқ билан тешдим. Ҳаракатнинг тезлиги қолган душманларни саросимага солиб қўйганини яхши анлаганим боис ҳужумга ўтдим. Аввалига визиллаб учаётган темир парчаларидан мени «Жип»нинг олд тарафи сақлаган бўлса, кейин ҳайдовчи томоннинг эшиги қалқон вазифасини ўтади.

Рақибларим икки кишидан айрилди. Кейин жонлари омон қолиши учун асирларни қўйиб юбориб, қуролларини ташлашди (Воқеани батафсил баён қилишдан чекланаман. Тўғри тушунасиз, деган умиддаман).

Кейин уларнинг чўнтакларидаги бор пулларни олиб қўйдим. Четдан қараганда, босқинчининг ўзгинаси эдим. Аммо вазият шуни тақозо этарди. Ахир бир бечоранинг машинаси пачоқланганди. Уни тузатиш учун яхшигина сарф-харажат қилишга тўғри келади.

Наташанинг дугонаси юзимга қарамади ҳам. Толик ўқрайиб қўйди. Биз таксига ўтириб, ортимизга қайтганимиздан кейин анча муддат улардан садо чиқмади.

— Мен сизларга ҳаммасини тушунтириб бераман, — дедим охири жимликни бузиб.

— Мен оромимиз бузилишини истамайман. Шунинг учун ҳар қандай муаммоларингни ўзларинг ҳал қилларинг, — деди Толик.

— Нималар деяпсан? Наташани ташлаб қўямизми? — дея унга эътироз билдирди Вера.

— Ўша Наташангни деб, сал бўлмаса, ўлиб кетардику! — деб кутилмаганда бақириб юборди Толик.

— Лекин ўлмадинг. Тириксан. Сени озод қилишди. Ўзинг зўравонларга озгина бўлса ҳам, қаршилик қилдинг. Амир қайтиб келмаганида қандай аҳволга тушардик?!

— Вера, жоним, мени тўғри тушун. Биринчидан, биз уларга ҳеч нима қилмаганмиз, айбимиз ҳам йўқ. Оборадиган жойига обориб...

— Кейин адашибмиз, деб қўйиб юборишади. Ҳатто сизлар кўрган маънавий зарарни ҳам тўлашади, — дедим Толикнинг гапини бўлиб.

— Эҳтимол. Лекин сенинг хатти-ҳаракатингни мутлақо тушунмаяпман, — деди Толик газабланиб.

— Оромингизни бузганимиз учун минг бор узр. Биз шундай бўлишини истамагандик.

— Нима бўлаяпти ўзи? Нега энди қандайдир барзангилар қўлларимизни орқага қайириб, машинага босиб олиб кетаркан? Ким ўзи улар?!

— Толик! — дея бақириб юборди Вера. — Бас қил!

— Нега бас қилишим керак?! Нега биров учун жонимни ҳовучлаб юришим керак?!

Вера қизариб кетди. Киприклари пирпиради. Орқа томондаги кўзгу орқали уни кўриб турарканман, ўзимни айбдор ҳис этдим. Аслида ҳам шундай эди. Аслида, булар менинг касримга қолганди. Нафақат булар, балки Наташа ҳам.

— Машинани шу ерда тўхтатинг! — деди Вера бўлажак эрининг гапларига ортиқ бардоши етмай.

Ҳайдовчи ҳам жанжалга тоби йўқ, шекилли, дарров тормозни босди.

— Толик, сен туш, боравер ишингга. Мен бугун ишга бормайман. Ишдан тўғри ўз уйингга бор. Сени бугун кўргим келмаяпти. Эртанги кунни эса ўйлаб кўраман.

Толик тарашадай қотиб қолди. Уларнинг жанжалига аралашингга ҳаддим сизмади.

Бир муддат хотинига жаҳл билан қараб турган йигит эшикни очди-ю, пастга тушар-тушмас қарсиллатиб ёпди. Эшик гўё менинг юзимга урилгандай бўлди. Ҳайдовчининг ҳам кўзи олайди. Бироқ на мен ва на у бирон нима деди. Иккимиз ҳам орқа ўриндиқда ўтирган қизни аядик. Азбаройи унинг ҳурмати учун ўзича аччиқ қилган кимсани жазосиз қолдирдик. Эҳтимол, ҳайдовчи бошлаб сўкиб қўйгандир. Лекин сўкишини тилига чиқармади. Шунинг ўзиёқ унинг яхшигина маданият соҳиби эканлигини кўрсатиб турарди.

— Вера, мен бунақа бўлишини истамагандим, — дедим машина бироз юргач.

— Ҳечқиси йўқ. Унинг ўзи икки кундан бери миямининг қатигини чиқариб юборганди. «Булар бизникида нима қилиб юрибди? Нега дугонанг ўртоғини ўз уйига обормайди? Наташанинг йигити ичкиликни хуш кўрмаскан. Бунақанги одамлар хавфли бўлади. Айт, эртагаёқ чиқиб кетишсин. Мен эркин яшашга ўрганиб қолганман. Ҳар куни тасқараларни кўриб, асабимни бузишини истамайман...»

Вера гапини шу ерга етказганида, мен унга ўгрилиб қарадим.

— Ҳали ярмини ҳам айтиб бўлганим йўқ, — деди у жилмайиб.

Афт-ангоридан ҳо-зиргина жанжаллашган одамга сира ўхшамасди. Сўзлаш асносида кўнглидаги губорларни ҳам чиқариб юборганди гўё.

— Унда ўзим ҳақимдаги ҳақоратларни ҳали кўп эшитарканман-да, — дедим ярим ҳазил, ярим чин билан.

— Йўқ. Шу ерга келганда нуқта қўямиз. Наташа қаерда?

— Ундан хавотир олмасанг ҳам бўлади. Мен шунчаки ортга қайтгим келувди. Майли, қолганини кейин гаплашамиз.

Вера бошини қимирлатиб, «хўп», деди.

«Жигули»нинг эгаси иккита милиционер билан турар, қўлини ҳавода қимирлатганча уларга алланималарни тушунтирарди. Шунинг учун таксини улардан бироз ўтгач, тўхтатдим. Сўнг чўнтагимдан ундирилган пулларни (бир сиқим доллар эди) олиб, орқа ўриндиқ томонга ўтирилдим-да:

— Битта илтимос қилсам, бажарасанми? — дедим Верага.

— Бемалол, — жавоб берди қиз мендан кўзини узмай.

— Манави пулларни милиционерлар билан гаплашиб турган одамга обориб берсанг. Бояги машина уники эди. Рухсатсиз олиб кетгандим. Мени танимайсан. Оддий йўловчисан. «Бир одам йўлимни тўсиб, шу пулларни сизга бериб қўйишимни илтимос қилди. Ўзингизга бошқа машина оларкансиз», дейсан, — дедим.

— Бу пуллар жудаям кўп-ку, — деди Вера қўлидаги валютага тикиларкан.

— Арзийди. Фақат тезроқ. Наташа сабрсизроқ, бирон жойга кетвормасин.

Вера кулиб қўйди-да, машинадан тушди.

Ҳайдовчи сигарета тутатди. Тутунни чуқур-чуқур ичига ютгач:

— Кўринишинг одамбашара, лекин гапларинг, хатти-ҳаракатларинг бандитларникига ўхшайди, — деди.

— Бандитлар шунақа ҳаракат қилишини қаердан била қолдингиз? — дедим унга кулиб боқарканман.

— Ҳа, энди... Сўнгги пайтларда падар лаънатиларнинг уруғи кўпайганга ўхшайди. Бир яхшилаб тозалашганди. Яна аста-секинлик билан пайдо бўлаяпти.

— Ўзингиз айтгандай, бандит бўлсам, очикдан-очик ҳақорат қилаяпсиз...

Ҳайдовчи бурнини тортди-да, менга қараб қўйди, сўнг яна тутунни ичига чуқур ютди.

— Сенинг бандит эканлигингга ишонгим келмаяпти, — деди ва чирт этказиб очиқ деразадан ташқарига тупурди.

Мен орқага бурилиб, Верани кузатдим. У милиционерлар билан турган «Жигули» эгасининг ёнига борган ва мен айтган гапларни уларга такрорлаб, қўлидаги пулни бераётган эди. «Яхши», дея кўнглимдан ўтказдим ва ҳайдовчига:

— Ортга булинг. Верани олиб ўтамиз, — дедим.

— Мен бошимга йўқ жойдан муаммо орттириб олмоқчимасман. Номеримни кўрган милиционерлар кейин ҳоли-жонимга қўйишмайди.

Чўнтагимдан бир дона юз долларлик чиқазиб, ҳайдовчининг кўкрак чўнтагига тиқиб қўйдим-да:

— Бўлиши мумкин бўлган оворагарчиликлар учун... Қани, ҳайданг, — дедим.

Буни қарангки, таксичи дарров иржайиб, машинани юргизди.

Вера ақлли иш қилди. Милиционерлардан озгина ўтиб, мен ўтирган таксига қўлини кўтарди.

— Ақлли қизсан, — дедим кўнглим бир қадар хотиржам тортиб, сўнг ҳайдовчининг елкасига уриб қўйдим-да: — Хавотирга ўрин йўқ, — дедим мамнунлигимни билдириш учун.

Шўринг қургур таксичи эса менга киприкларини пирпиратиб қараб қўйди. Ахир ҳозиргина унинг чўнтагига кирган юз «кўки»дан айрилиб қолиш хавфи бор эди-да.

Наташани йўл бўйида учратдик. У хавотир билан икки ёнига тез-тез қараганча тоқатсизланиб турарди.

— Нега бунча қолиб кетдинг? — сўради машинадан тушишим билан.

— Озгина ушланиб қолишимга тўғри келди. Лекин, мана, дугонангни олиб келдим. Энди зерикмайдиган бўлдинг, — дея кулдим.

Гарчи уларнинг хайрлашганига ҳали унча кўп бўлмаган эса-да, бир-бирини қучиб кўришишди. Кейин Наташа Верага бошдан-оёқ қараб чиқди.

— Сендан роса хавотир олдим, — деди ранги бироз оқариб.

— Хавотиринг ўринли экан. Яхшики, йигитинг вақти-

да етиб борди. Бўлмаса, билмадим, Толик иккаламизга нима бўларди... — деди Вера.

— Толик қани?

— Йўқ. Келмайди. Балки бошқа сираям кўрмассан уни.

— Нега? — деди баттар ҳайрон бўлган Наташа.

— Кейин ҳаммасини батафсил айтиб бераман. Бугун эса бутунлай бўшман. Хўш, қаерга борамиз?

Аняни топиш қийинчилик туғдирмади. Наташа башорат қилганидай, уни холаси олиб кетган экан. Шаҳар биқинидаги қишлоққа. Мен ўша ерга борганимиздан кейингина ўзимни эркин ҳис эта бошладим. Ҳаво ҳам одатдагидан тозароқдай туйилди. Тунда ҳам маза қилиб ухладим. Наташа ёнимга кирмоқчи бўлганида қўймадим: «Авал никоҳ ўқитамиз. Шунчаси етар, бу аҳволда иккаламиз ҳам дўзахнинг тубига равона бўламиз. Мен шаҳарнинг шимоли-шарқида масжид борлигини биламан. Му-сулмонлар масжиди. Қишлоқдан чиқиб, тўғри шу ёққа борамиз, никоҳ ўқитамиз. Ана ундан кейин, керак бўлса, менга фарзанд ҳам туғиб берасан».

Наташа кўп гапларимга тушунмади.

— Нима қилибди? Бирга ўтказган тунигимизда унақа демагандинг-ку. Ёки бирданига расмий никоҳдан ўтамизми? — деди.

— Мен ўзимдан туғилажак боланинг ҳужжатида «отаси» деган жойи озгина бўлсаям, бошқача ёзилишини ис-тамайман. Шунинг учун уни ҳам вақтида тайёрлаб қўямиз.

Наташа гапларимга тушунди. Бироқ жаҳли чиқди. «Вера пайдо бўлганидан бери бошқачасан», деди кутилмаганда. Мен ҳанг-манг бўлиб, унга жилмайиб боққанча:

— Бунақанги гапларни қўйсанг-чи, у мен учун сенинг дугонангдан бошқа ҳеч ким эмас. Кейин менинг у шохдан бу шохга сакраб юрадиган одатим йўқ. Яна бир нарсани иккала қулогингга ҳам қуйиб ол: сени учратгунимча, кўнгил хушлаш учун минглаб имкониятлар бўлган. Бироқ бирортасидан ҳам фойдаланмаганман. Ўзимга ишонч билан айтаманки, хавотиринг ўринсиз, — дедим.

Ўзи аёл зоти ғалати махлуқ бўларкан. Ўта жиддий масалаларга юзаки қарайди-да, қаёқдаги арзимас нарсалардан ҳам қайгуга ботади. Албатта, рашк қилиш керак,

лекин ҳеч курса, асос бўлиши лозим эмасми? Шу боисдан ҳам Наташа кетгач, кулгим қистади ва тўшакка чўзилдим.

Аня, ҳақиқатан ҳам, жуда ширин қизалоқ экан. Айниқса, гаплари шунақанги жарангдорки, жонингни ҳады қилиб юборгинг келади. Уни кўргач, ўзимнинг сингилларим, укаларимни хотирлашга уриниб кўрдим. Афсус, хотирам анча панд берди. Жигаргўшаларимни кўз ўнгимда яққол жонлантиролмадим.

Эртасига Наташанинг онасининг қабрини зиёрат қилдик. Буларнинг ғалати одати бор. Бошига қайғу тушса ҳам, шод кунда ҳам ароқ ичишади. Ҳар сафар шундай одатга дуч келганимда, бошқача бўлиб кетаман ва бирор баҳона топиб, ўша жойдан узоқлашаман.

Наташа қабристонда ичди. У ёқдан қайтиб келиб, холасининг уйида ичди. Йиғлаб-сиқтади-да, яна ичди ва маст бўлиб қолди. Холанинг эри тушмагур ҳам хўп ичувчилардан экан. Гўё Наташанинг қайғусига шерик бўлдию, ҳаш-паш дегунча икки шиша ароқнинг бўшашига улкан ҳиссасини қўшди. Ноилож бир қадаҳгина ичганим боис мендан хафаям бўлди. Аммо роса дилкаш одам экан. Бирпасда Наташа ва ўз хотинининг кўнглидаги губорни тозалаб қўйди.

Шу куни кечга бориб зерикдим. Наташа кўпроқ хола-си билан гаплашиб вақтини ўтказди. Ёнимга яқинлашмоқчи бўлган Верадан эса мен ўзимни олиб қочиб юрдим. Шундай эса-да, қуёш ботар чоғи у мени қўлга туширди. Ташқарида кечки столда ўтиргандим, келиб ёнимга чўкди.

— Эркакларни пасткаш бўлади деб сира ўйламагандим, — деди бирдан.

— Нега бунақа деяпсан? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Ишонасанми, мен Толикни мард одам бўлса керак, деб ўйлаб юргандим. Албатта, бунга асосим ҳам бор эди. Бир сафар шаҳарда катта тўқнашув рўй берди. «КамАЗ»-нинг остига енгил машина кириб кетибди. Воқеа унинг кўз ўнгида рўй берди ва у ҳеч иккиланмай, машина ичидагиларни бирма-бир тортиб олди. Сўнгги жабрланганни тортиб олаётганида машина ўт олади. Лекин у ярадорни ташлаб кетмайди. Машина портлашидан чўчимайди. Жо-

нини хатарга қўйиб бўлса-да, бечорани қутқариб қолади. Кейин ўзи уни операция қилиб, иккинчи марта жонини сақлаб қолди. Билсанг, ўшанда у кўзимга дунёдаги энг мард, энг виждонли одам бўлиб кўринганди. Кейин эса шунақанги номардлик қилдики... Ўзинг ҳам эшитдинг. Ахир Наташа менинг энг қадрдон дугонам. Унинг бошига ташвиш тушганда, мен четда туролмайман. Шунга ақли етмади-я бефаросатнинг?

— Ҳамма одамда ҳам ўзига яраша камчилик бор. Кўри-ниб турибди, уни жудаям яхши кўрасан. Йўқса, ҳозир менга куйиниб гапирмасдинг. У машинадан тушиб қолганидаёқ эсингдан чиқарган бўлардинг. Балки кўнғироқ қиларсан. Ҳар қалай...

— Йўқ, ҳеч қачон, — дея бирдан менинг гапимни бўлди Вера. — Негадир эсимга тушиб кетгани учун гапирдим. Мен уни қайтиб кўрмайман. Мана, сен Наташа учун ҳамма нарса қилиб юрибсан. Сира ёлғиз қолдирмаяпсан. Йигитлар сендай бўлгани маъқул. Менга ҳам айнан сенга ўхшагани керак.

Унинг гапига кулдим. Уйдан чиққан Наташа эса дугонасининг сўнгги сўзларини эшитибди.

— Бир кундаёқ мендан олиб қўймоқчимисан? — деди у ярим ҳазил, ярим чин оҳангда.

— Бегона бўлганингда олиб кўярдим. Дугонамсан, агар бу одам Толикнинг ишини қилса, ўзим суробини тўғри-лаб кўяман, — деди Вера жилмайиб.

— Холам: «Мотам тугади. Сизларнинг чарчаганларинг шундоққина кўриниб турибди. Шунинг учун кечки овқатни бошқача, байрамона қиламиз», деди. Поччам ҳам ҳозир уйқудан уйғониб қолади. Шунга, Верахон, сиз ошхонага, Амир, сен ўтин ёр. Болтани ертўладан оласан, — деди.

Мен уни дугонаси билан тортишиб қолса керак, деб ўйлагандим. Ҳартугул, бундай бўлмади. Шунисига хурсанд эдим.

Ҳаш-паш дегунча кеч кирди. Ташқаридаги кечки стол ноз-неъматлар, егуликлар билан тўлди. Аркадий Иванович (Наташанинг поччаси) кўлбола ароқ тайёрлаган экан. Ўзиям қаердан топган, билмайман, нақ икки литр келадиган шишада. Аччиғи оғизда унчалик билинмагани би-

лан томоқдан ўтаётганида куйдираркан. Албатта, биринчиси шундай таъсир қилади, қолганларини сувдай ичиб юборасиз. Тез маст қилмайди. Кайфиятингизни кўтаради. Аёллар, Аркадий Иванович роса қўшиқ айтишди. Мен илгари бунақанги қўшиқларни фақат телевизор орқали эшитган эдим. Уларга тикилиб ўтиравердим. Хаёлимда эса Александр Абрамович. Ҳа, уни бир ёқли қилмасам, менга тинчлик йўқ. Ҳали у касал. Эҳтимол, аллақачон пешонасига ногиронлик тамғаси босилгандир. Шу ҳоли билан мана шундай кароматлар кўрсатаётган экан, соғайса, ундан нималар кутиш мумкинлигига ақл бовар қилмайди.

«Ҳозир Александр Абрамович Германияда даволанаётган бўлса керак. У ҳаммадан, ҳатто пулларида ҳам жонини кўпроқ яхши кўради. Аслида, бу икки нарса унинг учун бир-бири билан чамбарчас боғланган. Миллиардлаб пуллари бўлса-да, ҳали-ҳануз уларни янада кўпайтириш билан овора. Албатта, бунинг учун жони ҳалак... Шошма, унинг учун энг аввал пул туради-ку. Жон... Жон ўша пуллари топиш учунгина керак. «Ярамас, ўлсанг, кимга қолади ўша пуллари? Нима қиласан ўзингни ўтга-чўққа уриб? Яхшиси, банкларга тиқиб ташлаган пуллариңнинг фоизини олиб (билсангиз, ундан келаётган бир кунлик фоизнинг ўзи ақлни шоширади), умрингни айшу ишратда ўтказмайсанми?» Йўқ, менинг дунёқарашим билан уники орасида ер билан осмонча фарқ бор. Шунинг учун ҳам ҳар доим шунча миқдордаги муллажирингнинг унга нима зарурати борлигини билолмайман... Тўғри, менинг ҳам пулларим ҳозир оз эмас. Ҳисоб рақамимда олти рақамлилардан учтаси бор, албатта, «қўк»ида. Унинг ҳаммасини Александр Абрамович... Шошма, ахир у муттаҳам пулим борлигини, қайси банкда сақланишини яхши билади. Демак, унга менинг мутлақо керагим йўқ. Фақатгина ўша пуллари қўлга киритса бўлди. Яъники, ўзи берганини ўзи тортиб олса, етади... Аммо у пуллари пешона терим билан топганман. Шундай экан, бировга бериб қўйиш ниятим йўқ...»

— Нимани ўйлаб қолдинг? — деди Наташа куйлашдан тўхтаб, биқинимга туртаркан.

Очиғи, чўчиб тушдим.

— Нимани... Ҳеч нимани... — дея кулдим.

— Наташа, — деб бурнини тортиб, ёнимда ўтирган қизга термилди Аркадий Иванович, — қанақа йигит топгансан, ҳайронман. Йигит бўлса, менга улфатлик қилсин. Биласан, олифталарни жиним суймайди.

— Хавотир олманг, сиз билан яна икки кун турса, сизниям ортда қолдириб кетади, — деди Наташа кулиб.

— Худди шундай, қани, қадаҳларни тўлдирайлик-чи, — деб шишани қўлимга олдим.

Александр Абрамовичга нисбатан ҳужум қилиш керак, деган фикр хаёлимга келди. Шу хаёл билан бўлиб, ўз қадаҳимни ароққа тўлдириб юборганимни сезмай қолибман.

— Амир, сенга нима бўлаяпти? — сўради Наташа хавотирланиб. — Нега бунчалик ўйга толдинг?

«Наташа, унинг дугонаси шу ерда қолиши керак. Улар менга фақат халақит беришади», дея кўнглимдан ўтказдим.

— Бирон жойинг оғриётган бўлса, айт, — деди Наташа хавотирланиб.

— Хоним, ҳаммаси жойида. Шунчаки одам эркин бўлса, маза қилиб ҳовлида мана бундай одам билан отамлашсанг... — деб Аркадий Ивановичнинг елкасига қўлимни қўйдим. — Ишонгинг келмайди. Шуни ўйлаб ўтирган-дим.

— Сен бола, — деди Аркадий Иванович, — менга аста-секин ёқиб қолаяпсан. Бундан бу ёғига яна камида эллик йил яшайман. Ана шунда доимий улфат бўламан. Қани, ол, ичгандан кейин орқасидан шўр бодринг есанг, бошқача-да.

Эртасига саҳарлаб уйғониб, йўлга тушдим. Уйдагиларга ҳеч нима демай, ҳатто уларга сездирмасдан чиқиб кетдим. Фақат Наташага бир парчагина қоғоз қолдирдим. Унда шундай ёзилган эди:

“Жоним, мендан сира хавотир олма. Икки кунда қайтиб келаман. Зарур ишни битирмасам бўлмайди. Сени олиб кетишининг иложи йўқ. АМИР”.

Эрталабки электричкага улгурдим. Ўзиям жўнаш арафасида экан. Чиқишим билан эшиги ёпилди.

Александр Абрамовични тахминан қаердан топишни

биламан. Фақат у Москвага ёки Европа давлатларидан биронтасига кетиб қолмаган бўлсин. Лекин унинг уйига киришнинг ҳам ўзи бўлмайди. Шунақанги қўриқланадики, унинг яқинидан ҳатто чивин учиб ўтиши ҳам даргумон. Бироқ ҳар тўқисда бир хато бўлади. Александр Абрамовичнинг энг катта хатоси — қоровулларни тез-тез алмаштириб туриши. Улар ҳаммани ҳам танийвермайди. Аслида-ку, бу сақланишнинг яхши усули. Чунки менга ўхшаб душман бўлиб қолганлар уй қўриқчилари билан тил топишишга улгурмайди. Демакки, улар ҳам бошқалар каби бошдан-оёқ текширилади. Аммо ўша ернинг ўзида имкон бор. Яъни қўриқчиларга яқинлашиб олиб, кутилмаган ҳамла билан уларни сафдан чиқариб, ичкарига кириш мумкин. Албатта, бу жуда қалтис усул. Чунки Александр Абрамовичнинг қўриқчилари тўртта махсус ўқув марказидан келишади. Уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида хорижликлардан жангарилик санъатини ўрганишади. Биринчи куни Александр Абрамовичнинг уйига келган қўриқчи иккинчи сафар келмайди. Улар бошқа жойларга, яъни заводлар, бошқа майда ишлаб чиқариш корхоналари ва Москвадаги савдо дўконларини қўриқлаш учун жўнатилади. У ерларда ҳам одам алмашиши жуда тез рўй беради. Мен булар ҳақида фақат эшитмаганман. Албатта, Александр Абрамовичнинг ёнида кўп бўлардим. Аммо у сира ўзининг ўргимчак тўри ҳақида гапирмасди. Эҳтимол, бошқаларга ҳам лом-мим демас. Шунга қарамай, махсус яқинлари борлигига шубҳам йўқ эмас. Фақат ана шуларгина Александр Абрамовичнинг нечта заводи ва бошқа ашқол-дашқоллари борлигини билишар. Чунки Александр Абрамовичнинг бир ўзи шунча кўп жойни бир вақтнинг ўзида бошқариши ақлга сиғмайди. Бунга ёш боланинг ҳам фаросати етади. Иккинчи томондан, ҳеч бир одам унинг қанча мол-мулки борлигини билмайди, ҳатто ўша маслаҳатчилар ҳам. Тағин бир нарсани сизга айтиб ўтишим керак, яъни Александр Абрамовичнинг хотинлари ҳақида. Ҳужжатларни титкиласангиз, у мутлақо бўйдоқ бўлиб чиқади. Лекин менинг аниқ билишимча, унинг хотинларининг сони бешта. Иккитаси Москвада яшайди. Биттаси Санкт-Петербургда, қолган учаласи чет элда. Аниқ қайси мамлакатда экан-

лигини айтолмайман. Чунки қўлимда маълумот йўқ. Билганим уларнинг ҳар биридан Александр Абрамовичнинг фарзандлари бор. “Умримнинг қанчалигини билмайман. Муҳими, болаларимнинг келажақда тўкис яшаши. Итдай ишлашим мумкин, лекин улар ҳаловатда умргузаронлик қилишади. Бунга ишончим комил”, деганди у бир сафар кайфияти чоғлигида. Мен ана шундай пулдор, ҳар томонлама бақувват одамга кутилмаганда душман бўлиб қолдим. Агар фақат жисмоний кучимга ишонадиган бўлсам, бир куни, албатта, елкам ерга тегади ва у мени мағлуб этгач, тантана қилади. Албатта, очиқча эмас, ичичидан. Тўғри, бундай ўйлаб қарасангиз, мен фил қаршисида турган қумурсқаман. Лекин у озгина бўлса-да, зарарим тегишини истамайди. Зарарим тегдими, дили оғрийди, бир-иккита ишларининг битиши салгина чўзилади. Ўша салгина унга жуда кўп. Шунинг учун ҳам қумурсқанинг мағлуб этилганидан шодланади у.

У яшайдиган кўчага етганимда, пешин бўлганди. Қуёш одатдагидан кўра кўпроқ қиздирди, шекилли, пешонамда тер пайдо бўлди.

Тўғридан-тўғри уйининг ёнига боришга жазм этмадим. Узоқдан қасрдай кўзга ташланиб турган иморатнинг салобати босдимми ёки ўзим ҳам билмайдиган бошқа сабаб халақит бердимми, ҳар қалай, кўча бошидаги дўконга маънисиз кирдим. Расталар оралаб юарканман, сотиш учун териб қўйилган бир-биридан бежирим ва чиройли қутиларни шунчаки олиб томоша қилдим. Дарвоқе, бу дўкон шаҳар прокурорининг хотининики. Бироқ арзанда хоним кўпи билан бу ерга бир ёки икки марта келган. Айтишларича, у ўзига бино қўйган, олифта аёлмиш. Бунинг устига, табиат унга шунчалик гўзаллик ато этган эканки, эрига неча марталаб хиёнат қилган бўлса-да, эри уни ҳар сафар кечиравераркан. Йўқ, аввал: «Ўлдираман», дейди. Тўппончасини ўқлайди. Тепкини босишга тайёрлаб қўяди. Бироқ хотинчаси кўриниши билан тиззалари қалтираб кетади. “Наҳотки шундай жононани ўлдириш қўлимдан келса? Ахир усиз яшолмайман. Уни отадиган бўлсам, ўзимни ҳам гумдон қилишим керак”, деб ўйлайди. Кейин ўрнидан туради-да, стол тортмачасида ишга тушишга шай турган қуролини эсидан чиқариб, бориб

хотинини қучоқлайди. “Азизим, сени шунчалик соғиндимки, айтишга тил ожиз”, дейди хотини эркаланиб ва эрининг юзидан чўлпиллатиб ўпиб қўяди. Ваҳоланки, ўзи ҳозир “Берёза” меҳмонхонасидан бошқа бир одамнинг кўнглини овлаб қайтган бўлади...

Бир сафар Александр Абрамович худди шундай, яъни ўзи кўргандай, гувоҳи бўлгандай гапириб берганди. Мен таажжублангандим. Хўжайиннинг гапига ишонмагандим. Шунинг учун ҳам дўконга тез-тез келиб турар, у-бу нарса харид қилган киши бўлардим-у, қулогим сотувчию харидорларда бўларди. Чунки прокурорга кўп ишим тушиб туради. Ишимни осонгина битириш учун эса унинг кичкинагина айбини топиб қўйишим керак эди. Аммо қанчалик уринмай, хушхабар эшитмадим. Прокуроргайм, унинг хотинигаям қўл силтаб қўйдим. Мана, ҳозир ҳам дўконга кириб, шу тўғрида ўйлаб турибман. Супермаркет ичида антиқа ҳид ҳукмрон эди. Одамга қандайдир хушқайфият бағишлайди. Нималарнидир сотиб олгинг келади. Лекин бу ердан нимаям олишинг мумкин? Олганингда қаерга олиб борасан?

— Сизга бирон нима керакми? Ёрдамлашиб юборайми? — деди бир маҳал ёнимга келган чиройли қиз нозик табассум билан.

— Пиво олмоқчийдим, лекин сира танлаёлмаяпман, — дея жавоб қайтардим қизга.

Қизнинг юзи жиддийлашиб, қошлари чимирилди. Кейин бирдан уларнинг ўрнини табассум эгаллаб олди.

— Сиз ширинликлар растаси ёнида турибсиз, — деди у.

Тўғриси, биринчи марта бунақанги аҳволга тушишим. Илгари ҳар қанча хаёлга берилмай, қаерда турганим, ён-атрофимда нималар борлигини яхшигина билардим.

— Тушунаман, — деди қиз доводи раётганимни кўриб. — Юринг, ўзим бошлаб бораман.

Қўлимда пиво идиши. Соатга қарадим: ўндан беш дақиқа ўтибди. “Пиёнисталар ҳам бу пайтда ичишмайди. Лекин бошқа томондан қарайдиган бўлсак, сахардан пиво ичиб кетаётганларнинг нечтасини кўрганман”, дея ўйладим-да, ўзимга ўзим қулиб қўйдим. Аммо, барибир, пивони ичолмадим. Ташқарига чиқиб, ахлат қутисига таш-

ладим. Ташладим-у, бирор ўн қадам юрар-юрмас, ортимга ўгирилиб қарасам, пивонинг кушандаси етиб келибди. У узоқлашишга ҳам сабри чидмай, ахлат қутисининг ёнгинасида шишани кўтариб ичишни бошлаб юборди. Ўўлнинг нариги томонида эса бошқа биттаси:

— Қолдир! Қолдир деяпман, ярамас! — дея бақирар ва қопини орқалаганча югурарди.

Ахийри сабри чидамади. Қопни ерга ташлаб югурди. Бироқ насиб қилмаса, барибир, қийин экан. Катта тезликда қуюндай келаётган “Жип” уни уриб юборди. Бечора (бомж) қарийб беш метрлар узоққа учиб тушди. Ерга тушди-ю, икки-уч марта ағдарилгач, қимирламай қолди. Машинадагилар жуда инсофини еганлардан эмас экан, уловни тўхтатишди. Ҳамма эшиклари бараварига очилди. Тўрт йигит бомж ётган жойга югуриб келди. Худди шу пайт мен машинани таниб қолдим. У Александр Абрамовичники эди. Демак, йигитлар ҳам унга қарашли. Бундан чиқди, бирортаси мени кўриб қоладиган бўлса, аҳвол чатоқ. Жемперимнинг ёқасини кўтардим-да, фалокат жойидан кўзимни узиб, илдам юриб кетдим.

Кўп ўтмай, ёнгинамдан ўша “Жип” зувиллаб ўтиб кетди. Улар мени таниб қолмаганига ишончим комил эди. Агар сал олдин одам уриб юбормаганларида танишарди. Жа танишмаганда ҳам, эътиборга тушардим. Чунки ҳозиргидай асабий ҳолатда бўлишмасди-да. Мен эса ич-ичимдан бомжга ачинаётгандим. Шу савил қолгур пивони ташлаб юбормасдан, ўзим ичганимда, ўша фалокат рўй бермасмиди... Бомж бўлса-да, танида жони бўлган бир одам бевақт ўлмасмиди? Эсиз.

Мен бораётган томонда собиқ хўжайинимнинг уйи бор. Тахминан икки юз қадамдан сўнг унинг ҳудуди бошланади. Кўча бўйида будка. Будканинг ичида эса иккита мелиса ўтирибди. Улар бегоналарни тўхтатиб, ҳужжатларини текширишади. Шу ернинг ўзидаёқ расмга тушириб, компьютер орқали унинг кимлигига янада аниқлик киритишади. Худди шу тариқа машиналар ҳам кўриқдан ўтади...

Изимга қайтишга мажбур бўлдим. Чунки ўйлаб қарасам, боришимдан маъни йўқ экан. Бекорга жонимни

хатарга қўярканман. Лекин кечгача қаерда юраман? Ана шу муаммо мени қийнаётган эди. Дунёда энг ёмон кўрганларимдан биттаси зерикиш, бекорчилик эди. Айни чоғда машина уриб кетган бомжни бориб кўриш ҳам қизиқтираётганди.

Атрофига дарров беш-олти киши йиғилибди. Марҳумнинг дўсти эса изиллаб йиғлар, бирон нима дейишга тили бормай, ошнасининг ёнида ўтирганча йиғилганларга кўз югуртирарди. Узоқ туролмадим. Кетишга мажбур бўлдим. Чунки ҳадемай милиционерлар етиб келишади ва гувоҳларни бирма-бир сўроққа тутишади.

Шаҳар ичкарисисидаги дўкондан битта газета олиб, тушлик қилиш мақсадида қаҳвахонага кириб, газетанинг биринчи бетига қарашим билан ўша фалокат жойидан кетиб, тўғри иш қилганимга амин бўлдим. Биринчи саҳифада катта қилиб расмимни чоп этишибди-да, тагига “Бир неч-та хавфли жиноятларни содир этган жиноятчи қидирилмоқда. Уни сиз суратда кўриб турибсиз. Мабодо унга дуч келсангиз ёки қаердалигини билсангиз, қуйидаги телефонга қўнғироқ қилинг”, деб ёзилган эди.

Дарров газетадан кўзимни олиб, ён-атрофимга қарадим. Беш-олти столда ҳўрандалар ўтиришарди. Лекин уларнинг бирортасининг ҳам олдида газета кўринмасди.

Орадан бир дақиқа ҳам ўтмасдан:

— Нима буюртма берасиз? — дея сўраган официант қиз мени саросимага солишига озгина қолди.

Мен ундан овқат турларини сўрадим. У эринмасдан бирма-бир айтди. Сўнг:

— Негадир кўзимга жуда иссиқ кўринаяпсиз. Сиз билан бирон жойда кўришмаганмизми? — деди майин жилмайиб.

— Билмадим. Мен Москвадан бугун келдим. Эҳтимол, кимгадир ўхшатаётгандирсиз, — дедим кулиб. — Менга битта суюқ овқатингиздан, кейин бир шиша пиво олиб келсангиз.

— Сизга ортиқча савол берганим учун узр. Буюртмангизни ҳозироқ олиб келаман.

Қиз овқатни олиб келгунича бўларим бўлди. Хаёлимда орадан бир неча соат ўтгандай, бу вақт оралигида у милиционерларга хабар беришга улгургандай эди. Шу боис

қиз келганда, унинг кўзига бирровга нигоҳ ташладим. Шубҳам ўринсиз эди. Қизда ҳеч қандай безовталиқ аломати сезилмади. Шу боис аввал пивони, сўнг овқатни шошилмасдан ичдим. Эндигина ўрнимдан турмоқчи бўлганимда, эшикдан кириб келган милиционерларга кўзим тушди. Дарров стол устида турган газетанинг орқа томонини ўгириб, ўзимни берилиб ўқиётган одамдай кўрсатмоқчи бўлдим. Валак-салак милиционерлар ёнимга келишди-да:

— Ортингиздаги стол бўшми? — дея сўрашди.

Икковини ҳам ҳозирнинг ўзида бир ёқли қилишга кўзим этади. Аммо ортиқча шовқин кўтаришни истамайман. Тинчгина бу ердан чиқиб кетганим маъқул.

— Бўш бўлса керак. Официантлардан сўранг, — дедим газетадан кўзимни узмай.

— Ўтиравер, ҳеч ким йўғ-у, — деди милиционернинг шериги.

“Хайрият, танишмади”, дея кўнглимдан ўтказдим.

Орт томонимдаги столга жойлашган навбатдаги хўрандалар секин гапга тушишди:

— Роса овора бўлдик. Қасам ичиб айтишим мумкин-ки, у шаҳардан аллақачон кетиб бўлган.

— Федерал қидирув эълон қилиш керак унақаларга.

— Менимча, ортиқча шов-шув кўтаришни ишташмаяпти.

— Демак, ўзларининг ҳам хоми бор.

— Менимча ҳам, шундай. Битта одам бир вақтнинг ўзида шаҳарнинг икки томонида қандай қилиб қотиллик қилиши мумкин?

— Бошқаларникиниям унинг бўйнига ағдаришмоқчида.

— Назаримда, бойнинг қўли борга ўхшайди бу ишда.

— Сен нима деб ўйлагандинг? Албатта, унинг қўлисиз бу шаҳарчада бирон иш қилинмайди. Мэрнинг ўзиям ўтир деса, ўтиради, тур деса, туради.

— Шошма, бойнинг аҳволи оғир экан-ку.

— Ҳа-а, ўрмондаги зўравонлар йиғилишида ёнаётган уйнинг ичида қолиб кетган.

— Ахир у тўшақда ётган бўлса, кўнглига шунақанги ишлар сиғармиди?

— Бой аллақачон Германияга кетди. Ўзим унинг машинасини аэропортгача кузатиб қўйдим. Бу унинг атрофидагиларнинг иши...

Икки милиционернинг суҳбати узилиб қолди. Чунки уларнинг ёнига официант қиз келган эди. Бечора изқуварлар юравериб, роса тинкалари қуриган, шекилли, битта от еса бўкиб қоладиган даражада кўп буюртма беришди. Яна икки шиша ароқ ҳам.

— Кечгача шу ерда ўтираман, — деди официант қиз кетгач, бири иккинчисига. — У ёғи нима бўлиши билан ишим йўқ.

— Керак бўлса, бойнинг одамлари ўзлари қидиришсин. Улар биздан кўра яхшироқ билади... ўша... оти нимаиди?

— Оти билан нима ишим бор? Икки марта телевизорда кўрсатишди. Кейин газетадаям расмини беришибди. Кўрсам танийман, тамом-вассалом.

Унинг гапига ичимда кулиб қўйдим: “Кўрсам, танийманмиш. Ҳозиргина мен билан гаплашдинг-ку, хумпар. Танимадинг-ку. Лекин танимай яхши қилдинг. Менгаям, ўзинггаям тинч”.

Сибирдаги кичкинагина шаҳарнинг ҳуқуқ посбонлари айтган кейинги гапларнинг менга қизиғи йўқ эди. Улар қизлар тўғрисида сўзлашишарди. Яна тунги клублардаги фоҳишалар тўғрисида. Бундай ўйлаб қарасам, уларнинг шу ерда ўтирганлари дуруст экан. Чунки биров мендан шубҳаланмайди. Бемалол бирон нима еб-ичиб, вақтни ўтказишим мумкин экан. Шунингдек, режа ҳам тузиб олишим керак. “Демак, Александр Абрамович йўқ. Бу ерда унинг садоқатли лайчаларигина қолган. Бундан чиқди, назорат бўшашган. Шу кечанинг ўзидаёқ анча-мунча ишимни енгиллатиб олишим мумкин”, дея ўйладим.

Хизматчи ортимда ўтирганларнинг буюртмаларини олиб келганидан сўнг ҳаял ўтмай, уларнинг алмойи-алжойи гаплари эшитила бошлади. Демакки, ичишни бошлаб юборишган. Яна чарчоқ ёзиш учун қадахларини тўлдириб сипқараётган бўлишса, ажаб эмас. Яшаворларнинг, хўрозлар...

Ўрнимдан турганимда, милиционерларнинг иккаласи ҳам маст бўлиб улгурган эди. Уларга эътибор ҳам бер-

май, официант қизни чақирдим. У ёнимга келиб, юзимга тикилди-ю, киприкларини пирпиратди.

— Сиз ҳозиргина телевизорда кўрсатишган одамга роса ўхшаркансиз, — деди.

— Балки ўхшарман. Лекин жиноятчига ўхшамасам керак? — дея энсамни қотирдим.

— Йў-ў-қ, — дея бошини қимирлатди официант.

— Исмингиз нимаиди? — сўрадим ундан.

— О-о-оля...

— Оленка! Ҳар қандай одамдан шубҳаланавериш яхши эмас. Сиз мижозларингиздан бирининг кўнглини оғри-тиб қўйяпсиз. Ваҳоланки, мен, — дея алжираб ўтирган Сибирнинг кичкинагина шахрининг иккита ҳуқуқ посбони томонга қарадим ва уларни нигоҳим билан кўрсатдим, — бутун бошли милиционерлар билан ёнма-ён ўтирдим. Агар жиноятчи бўлганимда, улар аллақачон мени тутиб, олиб кетган бўлишарди.

— Ҳа-а, шундай, — дея мен узатиб турган пулни қўлла-ри қалтираб олди официант.

— Ҳой қиз, — дея бақирди шу пайт алжираётган икки шоввоздан биттаси. — Бизга газак олиб кел!

— Ана энди, хонимча, дарров уларнинг айтганларини бажо келтиринг. Йўқса, жанжал кўтаришади.

Қизнинг гапиришга тили бормади. У бошини қимирлатиш билангина чегараланди.

Мен бу ердан эртaroқ қорамни ўчиришим лозим эди. Акс ҳолда, ҳали-ҳамон ўзига келолмаган қиз бошқа из-куварларни чақирishi мумкин.

Автобусга чиқмаслигим керак. Такси ҳайдовчилари ҳам дарров шубҳаланишлари мумкин. Пиёда юриш ҳам хавфли. Падар лаънати-лар, хўп йўлини топишибди. Лекин начора, ўзимни оқлаб олишим керак. Бўлмаса, аҳвол чатоқ. Ҳақиқатан ҳам, бу шаҳардан қочи-б қолишимга тўғри келади.

Қаҳвахонадан бироз узоқлашгач, тўхтадим. Хаёлимда ниманидир унутиб қолдирганга ўхшардим. Чўнтакларим-ни пайпаслаб кўрдим. Ҳаммаси жойида. Ҳа, топдим: га-зета қолиб кетибди. Қайтиб бориб олишим... “Кераги йўқ ўша газетнинг”, дея хаё-л қилиб энди-гина беш-олти қадам босган эдим ҳамки:

— Тўхта, отаман! — деган овоз эшитилди.

Ўгирилиб қарасам, боягина ортимдаги столда ўтирганлардан бири тўппончасини ўқталиб турибди. Ўзиям роса ширакайф, шекилли, турган жойида тебранар эди. Шу аҳволда у мени қўлга олмоқчи. Қочсам, отмоқчи. Қарасам, ён-атрофда одам кўп. Улар ҳам мен каби тўхтаб, зўрға оёқда турган тўппончали ментга қараб туришибди. “Падар лаънати, бу аҳволда бирортани ярадор қилади”, дея кўнглимдан ўтказдим-да, унинг ёнига яқинлаша бошладим.

— Ҳе, ҳе Ван! Ваня! Елкамиздаги юлдузларга яна битта юлдуз қўшиладиган бўлди! Мен уни ушладим! — қичқирди у.

Тўхтаганларнинг ҳаммаси менга қараб туришгани боис безовталандим. Ахир улар мени таний бошлаган эдиларда.

— Ерга ёт! — деди пиёниста оралиқ масофа бор-йўғи бир қадам қолганида.

— Ҳозир ётаман, — дедим унга ва тез ҳаракат билан куролини қўлидан тортиб олдим-у, бақирдим: — ичкарига кир, алкаш! Онанга яна мен жавоб бераманми?! Шарманда қилдинг! Садқайи мундир кетсин сенга!

Ҳартугул, томошатаблар сўзларимга ишониб, йўлла-рида давом этишди. Эҳтимол, гира-шира қоронғилик тушгани боис улар мени яхши таниёлмай, оёғида зўрға турган изқуварнинг қариндошларидан бири деб ҳисоблашгандир.

Биз кириб борганимизда, қаҳвахона ичкарисидagi хўрандадан тортиб ошпазларгача қараб туришарди. Қизил бўйинбоғ таққан, сочини силлиқ тараган қора костюшимли кишининг эса кўзи косасидан чиққудек олайиб кетганди. Афтидан, у шу қаҳвахонанинг бошлиғи бўлса керак. Ахир ким ҳам ўзининг емакхонасида тўполон бўлишини истайди?

Қўли орқасига қайрилган изқуварни тепишимга тўғри келди. Чунки у бақира бошлаганди.

— Ўзинг мундирли бир одам бўлсанг. Бунақанги ичишга бало борми? Яна хизмат маҳали, ўта хавфли жиноятчини қидириб юрганингда. Бу аҳволда касбдошларингнинг об-рўсини бир пул қиласан-ку, ярамас.

Лекин умбалоқ ошиб кетган изқувар бу нарсаларни хаёлига ҳам келтирмасди. Шу боисдан ҳам, бошини столга қўйиб, хуррак отиб ухлаётган шеригининг оёқлари остига ётганича кўзларини юмди.

— Англашилмовчилик! — дедим ҳайкалдай қотиб менга қараб турганларга ва қаҳвахона бошлигининг қўлидаги газетани тортиб олиб, юқорига кўтардим-да, ҳаммага кўрсатдим.

— Бу суратдаги одам менга ўхшайди. Лекин асло мен эмас. Ўзим ҳам биринчи марта кўрганимда ҳайрон бўлгандим. Кейин яхшилаб қарасам, бир қулоғи сал қийшиқ экан. Қаранглар, қулоғим қийшиқми?! Қолаверса, дунёда бир-бирига ўхшайдиганлар қанча?!

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Ўша-ўша бир тўда ҳайкаллар киприк қоқмай, менга термилиб туришарди.

Газетани улоқтириб юбордим ва менга хизмат қилган официант қизнинг ёнига бордим. Унинг юзида бутунлай қон қолмаганди.

— Яхши қиз, хўжайинингизга айтмагандим. Лекин энди айтишга мажбурман. Сиз мендан беш юз рубль кўп ҳақ олдингиз, — дедим.

— А?! — деган овоз чиқди ён томонимдан.

Шубҳасиз, бу қаҳвахонанинг бошлиғи эди. У томонга ўгирилдим.

— Куппа-кундуз куни уялмай-нетмай одамларнинг чўнтагига тушаяпсизлар, бунинг учун қанча беришларини биласизларми?!

— Оля! — қичқириб юборди шу заҳоти бошлиқ. — Қайтариб бер! Ҳозироқ ишдан ҳайдалдинг!

— Керакмас! Кейинги сафар текинга овқатланаман.

— Хўп. Текинга... Бемалол! — довдиради бошлиқ.

Мен қаҳвахонани тарк этганимда, ўзимда йўқ хурсанд эдим. Чунки, биринчидан, кимки мени кўриб, шубҳаланган бўлса, адашганига иқрор бўлади. Иккинчидан, изқуварлар камида ишдан ҳайдалади, шунингдек, сотқинлик қилган официант қиз ҳам. Мен эса бугун кечаси ўзимга таниш одамлар билан ҳисоб-китоб қиламан. Мана шуниси оғир, мана шунисида жон хавф-хатар остига қўйилади.

Кўча худди кундузгидек ёп-ёруғ эди. Фақат кун совуқ,

одам кам, машиналар эса ҳали кўп эди. Физиллаб у ёқдан-бу ёққа ўтиб туришарди. Александр Абрамовичнинг уйи жойлашган кўчада ҳам худди шундай ҳолат. Ҳозир қулай пайт. Агар озгина кутилса, кечикиш мумкин. Машиналар қатнови сийраклашса, йўловчиларни текшириш осонлашади. Шошилишим керак.

Бир муддатдан кейин таксига ўтиришим кераклигини тушундим ва йўловчи машиналарга қўл кўтардим. Биттаси тўхтади. Ранги қора эди. Чет элники. Яқин кунлардан бери шунақанги машиналар ҳам таксичиликка ўтиб кетди. Одамлар кўпроқ қизиқади, деб ўйлашади, шекилли. Манзилни айтиб, орқа ўриндиққа ўтирдим. Ҳайдовчи кўзгу орқали менга қараб қўяркан:

— Кўзимга иссиқ кўринаяпсиз. Биз таниш эмасмизми? — деб сўради.

— Йўқ, танишмасмиз. Лекин мен бугун, кеча телевидорда кўрсатишган, шаҳар газетасининг муқовасида сурати чоп этилган жиноятчига жудаям ўхшайман. Шунинг учун кўзингизга иссиқ, балки совуқ кўринаяпман. Бугуннинг ўзида бешта жойда сиз берган саволларга жавоб бердим. Кейин ички ишлар бошқармасида ҳам паспортимни обдан титкилаб кўришди, — дедим жаҳл билан.

Ҳайдовчи кулди. Сўнг:

— Сира хафа бўлманг, энди одамлар шунақа-да, дарров қизиқишади, — деди.

— Менга қаранг. Ақлингизни ишлатиб кўринг. Агар жиноятчи шунча қотилликларга қўл урган бўлса, кўчада бемалол «Мана, мени кўриб қўйинглар», деб юрадимми? Ҳеч қачон. Агар ўша қотил мен бўлганимда ҳам бундай қилмасдим. Жуфтакни ростлардим. Россия жуда кенг, ҳатто бир шаҳарда бўлаётган воқеаларни иккинчи шаҳарнинг милиционерлари ҳам билишмайди.

— Қўйинг, асабийлашманг. Дарвоқе, менда пиво бор, ичасизми? Асабларни тинчлантиради.

— Ичмайман. Йўқ, яхшиси, ичаман. Бугун ичмагандим. Шунинг орқасидан битта одам бевақт оламдан кўз юмди. Тагин ичмасам, кутилмаганда бирортаси ўлиб қолмасин, — дедим ва деразани озгина очиб қўйдим.

Ҳайдовчи бардачоғини очиб, пиво олди-да, менга узатиб:

— Сен мени ҳайрон қолдираяпсан, — деди.

Мен кулиб қўйдим. Зеро, ёлгон гаплар баъзида одамларни қай даражада довдиратса, рости ҳам шу аҳволга солиши мумкин. Қизиқ, бу фалсафамикин ёки шунчаки гап?

— Тушга яқин эди. Негадир пиво ичгим келди. Дўкондан сотиб олдим. Кейин бирдан ичгим келмай қолди. Кўзимга балодай кўриниб, дарров ахлат қутисига ташладим. Бомж мени кузатиб турган экан, югуриб келди-ю, ича бошлади. Йўлнинг нарёғида бошқа бир бомж унинг пиво ичаётганини кўриб қолди. «Менгаям қолдир!» деб бақирди. Шериги шундай нарсани бериб қўярмиди? Бермайди, албатта. Йўлнинг нарёғидаги шериги буни сезгани боис югурганча кўчани кесиб ўтаётганида...

— Мошина уриб кетди, — дея гапимни бўлди ҳайдовчи.

— Худди шундай... мошина уриб кетди. Яна такропланмаслиги учун, мана, ичаяпман.

Ичимга муздай ачимсиқ суюқлик кирди.

— Гази ўтқир экан, менга шуниси ёқади.

— Шошма, сен Ворошилов кўчасида нима қиласан? Ҳозир у ёққа бориш хавфли.

— Нега хавфли бўларкан? Анави бойни назарда тутаяпсанми? Билсанг, мен уни ўлдиргани кетаяпман.

Ҳайдовчи хоҳолаб кулиб юборди. Унга қўшилиб мен ҳам кулдим. Кейин у бирдан жимиб қолди-да, менга қаради.

— Ўша жинойтчи сен эмаслигингга ким кафолат беради? — деди.

— Ҳеч ким. Ҳатто ўзим ҳам кафолат бермайман. Чунки худди унинг ўзидан, — дедим ҳайдовчига жиддий боқиб.

У эса иржайди ва кўрсаткич бармоғини юқорига қилиб қимирлатди-да:

— Жуда ҳазилкаш экансан. Билсанг, шунақанги одамлар менга ёқади. Агар учраб қолса, бирон жойга олиб кираман-да, битта яримтани майдалаб, маза қилиб гаплашиб ўтираман, — деди.

— Лекин менинг ҳозир вақтим йўқ-да. Ворошилов кўчасига бориб, миллиардернинг уйига киришим, унинг аб-

лаҳлиги учун пешонасидан «пақ-пақ» этказиб отиб ташлашим керак.

Ҳайдовчининг юзидаги табассум яна бирдан йўқолди. У култ этказиб ютинди-да:

— Жиддий гапираяпсанми? — деди.

— Жиддий бўлганда қандоқ? Менинг расмим газеталарда чоп этилганидан кейин жиддий гапираман-да. Лекин сенга тегинмайман, хавотир олма. Чунки сен билан ўртоқ бўлиб қолдим. Ўртоғимга ҳеч қачон зиён етказмайман.

Ҳайдовчи томоғини қириб, бошини қимирлатиб қўйди.

— Яна бир нарсани айтмоқчиман. Тўғрироғи, сендан сўрамоқчиман. Менга яхшилаб қара...

Ҳайдовчи бирровга ўгирилиб қўйди.

— Ошна, бунақаси кетмайди, аввал мошинани тўхтат. Тормозни бос, четроққа ол, — дедим овозимни баландлатиб.

— Сен бола жонимга тегдинг. Менга майнавозчилик қилаяпсан. Йўлкиранг бўлмаса, айтмайсанми эртароқ? Лекин-чи, аҳмоғинг йўқ! — деди ҳайдовчи ва машинани йўл четида тўхтатди. Сўнг мен томонга ўгирилиб: — Эшитдингми, аҳмоғинг йўқ! Мен ҳар куни сендақалардан юзтасини кўраман. Керак бўлса, бемалол муштлаша оламан. Ҳали кучдан қолмаганман. Тушундингми?.. Энди пулингни кўрсат! — деди.

Мен жилмайдим ҳамда қўлимни чўнтагимга тиқиб, битта юзталиқ «кўк»ини олдим-да, унинг бурнига яқин олиб бордим:

— Шу етадими ёки кўплик қиладими? Мен майнавозчилик қиладиган одамга ўхшайманми? Мен сени ўзимга яқин олиб, қанча гапни айтиб ташладим. Сен бўлсанг, ўзингни овсарликка соласан. Бу аҳволда уришиб қолиб, иккаламиз ҳам манзилга етолмаймиз. Мен аниқ биламан, сени уйингда хотининг, болаларинг кутиб ўтиришибди. Мени бўлса, ҳеч қаерда, ҳеч ким кутаётгани йўқ. Ҳайда мошинангни, садқайи шунча гап...

Шундан кейин биз жим кетдик. Мен ўз хаёлларим билан банд бўлдим, у ўзиники билан. Очигини айтишим керак, режам анча қалтис эди. Шунинг учун, эҳтимол, ҳайдовчи билан ўчакишгим, унга бўлар-бўлмас гапларни

айтиб, ҳовуридан тушгим, ҳаяжонимни босгим келгандир. Нима бўлганда ҳам, натижани ўйламаслигим керак. Қачонки қиладиган ишимнинг оқибати хусусида бош қотирсам, ишим ўнгидан келмайди.

Биз Ворошилов кўчасига бурилдик. Тушгача бўлганим супермаркет ёнидан ўтдик. Ўша машина туртиб кетган бомжни эсладим. Шўрликнинг ҳамма ёғи қонга беланиб ётган эди. Мени четдан билганлар бағритош, ҳис-туйғусиз одам деб ўйлашади. Ваҳоланки, ҳар сафар қонга кўзим тушганда, ҳар сафар жабрдийдани кўрганимда ич-ичимдан эзилиб кетаман. Бўлмаса, бомж менга ким бўпти? Умримда бир марта бўлсин, ёнидан ўтмаганман.

— Бойнинг уйининг тўғрисида ташлаб кетасан, — дедим ҳайдовчига йўлдан кўзимни узмаган ҳолда.

Шу пайт йўл-патруль ходими қўлидаги ўчиб-ёнаётган таёғи билан йўлимизни тўсиб чиқди.

— Ўзингга ўзинг жавоб берарсан, — деди ҳайдовчи менга қарамасдан.

— Хавотир олмай, бемалол тўхтайвер.

Патруль хизматчисининг кайфи борлигини унинг туришиданоқ билиш мушкул эмасди. Бунинг учун синчков бўлишнинг ҳожати йўқ эди. Шундай қарасангиз бўлди, тебраниб турган хизматчини кўрасиз. Хаёлингиздан «Обдан ичибди-да», деган ўй ўтади.

— Омадимиз келди, — дея ўшайди ҳайдовчи тормозни босаркан.

Машина тўхтатувчи маст деразадан калласини тикди.

— Қаерга? — деди гўдайкиб.

— Оғайни, ўтишимизга тўғри келиб қолди. Шу йўл...

— Қиммат туришини биласанми? — дея деразадан калласини суғуриб олди патруль хизматчиси.

— Рози қиламан.

— Шошма, — дедим уларнинг гапига аралашиб, — мен шаҳар мэрининг ёрдамчисиман.

Кўлимдаги қизил гувоҳномага кўзи тушган патруль хизматчисининг киприклари пирпиради.

— Ҳали сен бу ерда туриб, пул ишлаш билан оворами-сан? Александр Абрамовичдай обрўли зот яшайдиган кўчада-я? Бу нимаси, ярамас?!

Хизматчи бир қадам ортга тисарилди.

— Яна хизмат пайти ичволиб...

— Мени афв этинг, бошқа такрорланмайди. Мен адашиб...

— Ҳайда, бу ит билан эртага гаплашаман!

Машина бир депсиниб жойидан қўғалди. Мен секин ортимга ўтирилдим. Хизматчи қўл-ларини чаккасига тираганча қотиб турарди.

— Бопладинг. Қойилман сенга. Менинг хаёлимга бундай гап келмаган бўларди. Бунақаларни шундай жазолаш керак, — деди ўзида йўқ хурсанд бўлган ҳайдовчи.

— Ҳозир мен айтган жойда тўхтайсан. Кейин бирдан газни босасан, токи машинангнинг рақамини кўрмай қолишсин. Манавини эса ҳозирдан олиб қўй, — деб ҳайдовчининг кўкрак чўнтагига бояги пулни тиқиб қўйдим.

Таксичи дарров жиддий тортди.

— Балки нарироққа бориб кутиб турарман, — деди озгина жимликдан сўнг.

— Омон бўлсак, сен билан яна учрашамиз, — дея унинг елкасига қоқдим.

Кутилганидек, дарвоза ёнида бирорта ҳам қўриқчи кўринмади. Бошқа пайти камида тўрттаси қўққайиб турган бўларди. «Сулаймон ўлди, девлар қутулди, бўлибдида бу ёғи», дея кўнглимдан ўтказдим.

Машина катта тезликда мен турган жойдан узоқлашгач, ҳайҳотдай келадиган дарвоза ёнига яқинлашдим.

— Кимсан?! — деган дағдағали овоз келди бирдан.

Овознинг қаердан чиққанини билиш қийин эди. Дарвозанинг бир нечта жойига камера ўрнатилган, ёнида овоз чиқариш мосламалари ҳам жойлашган эди.

— Муҳим хабар олиб келдим. Мол келаяпти! — дедим худди ўзимни шошаётган одамдай кўрсатиб.

Аниқ биламанки, ичкарида мониторга қараб турган йигитлар ёнларидаги стол устига қўйилган менинг сурагимга қарашмади. Қараганларида дарров таниган ва дарвозани ҳам очмай, яширин жойга ўрнатилган қуролни ишга солган бўлишарди. Улар бўлса, мени сўроққа тутишди:

— Қанақанги муҳим гап?! Сени ким юборди?..

— Федя. Федя Твардовский.

Албатта, бу хаёлимга келган биринчи исм-фамилия эди.

Мен шундай исмли одам бор-йўқлигини ҳам билмас, умуман, таваккалига оғзимга келган отни айтган эдим. Биргина умидим ичкаридагиларнинг овсарликларидан эди ва шундай бўлиб чиқди ҳам. Эшик зулфи шиқир-шиқир этиб очилди. Бўйи мендан тахминан бир қарич узун, гавда тузилиши шунга яраша катта бўлган барзангига ҳеч нарса ёзилмаган оддий қоғозчани узатдим. Барзанги ҳайрон бўлмади. Қоғозчани олиши билан нигоҳини унга қаратди. Мен аввал унинг оёқлари орасига, сўнг қулоқларининг орқасига зарба бердим. У олдинига икки букилди. Сўнг қулоқларининг ости қаттиқроқ сийлангани боис ўзини остонага ташлаб юборди. У мажбурий уйқуга кетганди. Албатта, уч-тўрт соатга. Кейин уйғонади. Боши оғрийди. Лекин ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади. Бунгача мен ишимни битириб оламан.

Биринчи дарвоза ишғол этилгач, иккинчи ва энг муҳим бўлган нав-батдаги ёпқичдан ўтишим керак. У бомба портласа ҳам тешилмайдиган махсус металлдан ясалган эди. Немислар ўрнатиб кетишган. Ўзиям битта дарвозага икки ой вақт сарфлашган. Бахтимга икки дарвоза оралиғида турган учта қўриқчи уйқусираб ўтирган экан. Айнан уларнинг олдидаги столда монитор турарди. Демакки, ташқаридаги камера унга уланган.

Мени кутиб олишга чиққан барзанги жуда тез қулагани боис уч қўриқчи эсанкираб қолди. Тўғрироғи, улар нима бўлаётганини дарров англашолмади. Албатта, бундан унумли фойдаланиш кераклигини яхши билганим боис икки ҳатлашда ёнларида пайдо бўлдим. Қўл жанги мен учун энг севимли машғулот эди. Айниқса, рақиб қаршилиқ қила олса. Бироқ бу қаршилиқ ҳам узоқ давом этмади. Уйқусираш панд берди уларга. Шу туфайли дастлабки иккитаси зарбаларимни ўтказиб юборди. Муштимни мўлжалга аниқ теккизиш устида жуда кўп ишлаганман. Ҳатто туни билан мижжа қоқмай, қумга тўлдирилган қопни дўппослаб чиққанман. Ахир буларнинг бари бесамар кетмаган-да. Зарба нафақат мўлжалга аниқ етиб борар, балки текканидан кейин кўз олдингизда юлдузчалар пайдо бўлишида муҳим роль ўйнарди ҳам. Лекин савил қолгур учинчи қўриқчи икки марта ўзини олиб қочиб, бир сафар нақ белимга тепишга эришди. Кейин-

ги зарбаси ҳам тегди. Фақат тўла-тўқис эмас, шундоққина бурнимни силаб ўтди. Аммо кейин ўзининг оғзидан иккита тиши учиб кетди. Ҳавода айланаётганимда тепган эдим. У гурсиллаб йиқилиши билан дарвоза тепасидаги қизил чироқ чийиллаб қолса бўладими? Бундай пайтда унинг кичик табақаси автоматик равишда ёпилар ва ундан ўтишнинг сира иложи йўқ эди. Яхшиям биринчи дарвозани маҳаллий усталар тайёрлаган. Бўлмаса, қамалиб қолишим ҳам ҳеч гап эмасди. Ундан кейин шифтга ўрнатилган қуроллар ишга тушар ва мени илма-тешиқ қилиб ташларди. Албатта, мен билан бирга қўл жангида иштирок этганлар ҳам соғ қолишмасди. Қурилма шундай ўрнатилган. Автоматик равишда ишлайди.

Стол устидаги бир сиқим газетани гижимлаб олдим-у, ташқарига югурдим. Фақат сўнгги сонияда биринчи дарвозанинг кичик табақаси охиригача ёпилишига озгина қолганда қутулиб кетишга улгурдим.

Ҳали дарвоза ёнида турганимда қулоғимга автоматларнинг тариллагани эшитилди. Ичимдан зил кетди. Тўртта навқирон (эҳтимол, ҳали уйланмаган), забардаст йигитлар ҳушига келишга улгурмай, нариги дунёга равона бўлишди. Ўша миллиардер, каззобни деб. Унинг уйини қўриқлайман деб, нобуд бўлишди. Аламим бўғзимга тикилди ва тўрт-беш марта дарвозани муштлаб урдим. Фақат шундан кейингина ҳашаматли иморатдан узоқлашдим. Тўғрироғи, қочдим. Лекин бу қўрқиш белгиси эмасди. Хун олиш учун шундай қилишим зарур эди. Қоним қайнаган айни ҳолатимда дарвоза ортида изимдан қувиб чиқадиганлар билан юзма-юз олишишга ҳам тайёр эдим. Бироқ у ҳолда ўзим соғ қолмайман. Буниси аниқ. Вақтинча кўздан йўқолганим дурустроқ.

Йигирма қадам ташлашга улгурмасимдан рўпарадан катта тезликда келаётган машинага кўзим тушди. Дарров ўзимни четга олдим. «Навбатчи машинага хабар берилганга ўхшайди», деган ўй яшин тезлигида хаёлимдан ўтди. Аммо адашган эканман. Мени шу ергача олиб келган такси кетиб қолмабди. Чиқишимни кутибди. «Нима қилардинг кутиб? Дарров қўлга тушасан-ку...» дея хаёлимдан ўтказдим.

Машина тўғримга келгач, қаттиқ тормоз берилганидан

гилдираклари остидан (йўл четларига ўрнатилган чироқлар ёруғида бемалол кўринарди) тутун чиқариб тўхтади. Чи-йиллаган овоз қулоқни қоматга келтираёзди. У шиддат билан ортига ўгирилиб олгач, орқа эшикни очдим-у, ўзимни салонга отдим. Ҳайдовчи бирдан газни охиригача босди. Уловнинг мотори ўкириб юборди ва машина олдинга сақради.

— Сен бу ерда нима қилиб юрибсан?! — дея бақирдим ҳайдовчига.

— Томошага келдим. Кейин яна битта юз долларлик ишлаб олгим келди, — дея ҳазиллашди ҳайдовчи.

— Жонинг керакмасми?

— Ўзингники-чи?

Қарасам, у мен билан анча тортишадиган. Шу боис гапни йиғиштириб, ортга ўгирилиб қарадим.

Айтсам, ишонмайсиз. Умуман олганда, ишонадиган гап ҳам эмас-да. Бирин-кетин бешта «Жип» худди замбаракнинг ўқидай дарвоза томондан отилиб чиқди. Биттасининг бошқарувчиси тажрибасизроқмиди ёки мўлжални нотўғри олдим, қайрилишга улгурмай, йўлнинг бошқа томонидаги иморатга қарсиллаб урилди. Қолган тўрттаси бизнинг ортимиздан тушди.

— Маҳоратингни кўрсатасан, оғайни. Бўлмаса, тўртта «Жип» мажақлаб ўтиб кетади, — дедим ярим ҳазил, ярим чин.

— Сен ёнимда экансан, ҳеч нарсадан қўрқмайман... Биласанми, нега сени кутиб тургандим? Ҳозир тирик қолишим амри маҳол бўлиб турганида, айтиб қолайин...

— Ҳозирча эшитишга вақтим бор. Гапиравер, — дея орқа ўриндиққа бошимни қўйдим.

— Ўша Саша билан ёшликда заводда бирга ишлаганмиз. Яшин тезлигида бойиб кетди. Бир марта ёнига ёрдам сўраб борганимда... Бунгача икки марта заводда ўғрилиқ қилувди. Мен яширганман. Иккинчисида унинг айбини бўйнимга олиб, беш йил ўтириб чиқдим. Хуллас, турмадан чиқиб, ёнига бордим. «Менга бирорта иш топиб бер», дедим. Мараз нима қилганини биласанми? Эсла-сам, ҳозир сочларим тикрайиб кетади. «Бирга ов қиламиз», деб ўрмонга олиб борди. Сўнг итларига қувлатди. Ҳозиргача тирик қолганимга ишонмайман. Шунинг учун

уни пақиллатиб отиб ташлайман, деганингда хурсанд бўлиб кетдим. Ҳолбуки, бундай қилиш сенинг қўлингдан келмаслигини билсам ҳам. Энди сенинг жонингни сақлаб қолсам, бирон нима қилармиз икковимиз.

— Тушунарли, сен фақат гап билан овора бўлиб, машина ҳайдаб кетаётганингни эсдан чиқарма. Ҳадемай, серқатнов йўлга келамиз. Эҳтиёт бўл, бирортасига урилиб кетма, — дедим ортга назар ташлаб олгач.

— Хафа қилаяпсан, қария. Машина ҳайдашни менга чиқарган. Мен ёшлигимда мусобақаларга қатнашганман. Ҳатто бир марта Россия биринчилигида тўртинчи ўринни олганман. Тасаввур қилаяпсанми шундай улкан давлатда тўртинчи ўринни олишни?

— Лекин биринчи бўлолмабсан-ку. Шунинг учун эҳтиёт бўлганинг маъқул.

Биз серқатнов йўлга етишимиз билан таксичи қаттиқ тормоз берди-ю, рулни сўл тарафга бурди.

Мен бу ерларни яхши биламан. Агар йўлдан тўғри кетсак, шаҳар тугаб, ўрмон бошланади ва хатар икки ҳисса ошади. Чунки қуваётганларнинг машинаси билан бизники орасида ер билан осмонча фарқ бор. Тўғри, остимиздаги тойчоқ ҳам юқори тезликка чиқа оладиган «Тойота». Бироқ салоннинг ичи эскирганига қараганда, ёши анчага бориб қолган. Демакки, чарчаган. Ортимиздаги машиналар эса яп-янги. Демак, ҳали чопқирлигини йўқотмаган, тўғри йўлда бемалол етиб олади.

— Қаерга кетаётганимизни билсанг керак?.. — сўрадим таксичидан.

— Бўлмасам-чи. Сени тушириб қолдирганимдан кейин иккита ошнамга қўнғироқ қилганман. Жой тайёрлаб қўйишибди. Фақат орқамиздан келаётган итларни яқинлаштирмасак бўлгани.

Мен навбатдаги марта ортимга ўтирилдим.

Бизнинг қочиб кетолмаслигимиз деярли аниқ бўлиб қолганди. «Жип» шунчалик яқин келгандики, ҳатто ортимиздан сузаман деб турарди.

— Ўзингни эҳтиёт қил. Бошингни озроқ пастга тушир. Йўлни кўрсанг, бўлди, — дея чўнтагимдаги тўппончани чиқариб, ўқладим.

— Хавотир олма, — деди ҳайдовчи худди ўзи билан

гаплашаётган одамдай. — Атайлабдан етишига йўл қўйиб бердим. Энди бу ёғига ҳақиқий томошани кўрасан.

У гапини охирига етказиши билан гурсиллаган товуш эшитилиб, мен олдинги ўриндиққа бошимни уриб олдим. Яхшики, ўриндиқлар юмшоқ, йўқса, пешонам ёрилиши ҳеч гап эмас.

— Нимани кутаяпсан?! — дея бақриб юбордим ўзимни ўнглашим билан.

— Манави томошани... — деди таксичи ва рулни сўлга — йўлнинг ўртасига шунақанги тез буриб, тормозни босдики, эшикка ёпишиб қолдим.

Кейин машинанинг бир томони кўтарилиб кетди. Лекин тўнтарилмади. Кўтарилган гилдираклар яна ерга тушди.

Энди битта машина ўтиб кетган, бироқ рўпарамизда учтаси бор эди. Ҳайдовчи газни босди, мен эса ойнадан қўлимни чиқардим ва босиб-янчиб кетишни ният қилган «Жип» томон кетма-кет икки марта ўқ уздим. Унинг битта чироғи чил-чил синди. Аммо бошқа ҳеч жойига ҳеч нарса қилмади. Таксичи машинани янада ўнгроққа олди. Лекин бунинг фойдаси йўқ эди. Чунки юк машинадай келадиган уловлар йўлни тўлдириб турганди. «Наҳотки битта аҳмоқни деб ўлиб кетсам?.. Наҳотки ўч олиш қиёматга қолган бўл-са», деган ўй яшин тезлигида хаёлимдан ўтди.

Йўқ, ҳартугул, таксичи ўйлаганимдан анча чаққонроқ экан, машиналар тўқнашишига оз қолганида, уловини йўлакка олиб ўтишга муваффақ бўлди. Биз томонга ўнлаб темир парчалари физиллаб учди. Ҳайдовчи ўриндиқ билан тормоз оралиғидаги бўш-лиққа кириб олган эди. Мен ҳам оёқ қўядиган жойга тушиб олгандим. Шунинг учун темир парчалари бизни қидириб топишолмади. Фақат рулни ушлаб турган таксичининг қўли жароҳатланди, холос. Қисқа муддатли бундай хавотирли яшириниш жонимизга ора кирди. Жойига ўтириб олган ҳайдовчи яна газни босди.

Икки юз метрча юргач, аввал уловлар йўлига, сўнгра кўп қаватли уйлар орасидаги йўлакчага бурилдик. Таксичи бу ерларни яхши билар экан, шу боис уч-тўрт қайрилишдан сўнг таъ-қибчиларни адаштиришга муваффақ

бўлди. Мен чуқур нафас олиб, унинг елкасига қоқдим-да:

— Биродар, ҳали танишмадик ҳам. Исмлари нимаиди? — дедим.

У жавоб беришдан олдин жароҳатланган қўлини ҳавода силкиди.

— Хотиним ўқимаган бўлса ҳам, дўхтирликни боплайди. У мени эркалаганда, доим Васка, Васинка дейди. Бошқа пайтларда эса Василий Радионович деб чақиради, — деб менга қараб қўйди.

— Менинг исмим Амир. Ҳамма шундай номлашни хуш кўради. Ҳатто Наташа ҳам. Шунинг учун бировнинг эркалаганини сезмайсан.

— Сендақаларни эркалаб бўлмайди, Амир. Чунки ҳазил гапинг билан жиддий гапингни ажратишнинг ўзи бир олам муаммо.

Иккаламиз ҳам кулдик.

Кўп қаватли бинолар оралиғида тахминан ярим соатча санқиб юрганимиздан сўнг Василий таъқибчиларнинг ҳаёлига ҳам келмайдиган йўл билан машинани уйи томон ҳайдаб кетди. Йўл-йўлакай:

— Чол қурмағурнинг калласи ишлаган экан... Машинани менга амаким совға қилган. Етмиш беш ёшида ўлиб кетди. Бой-бадавлат яшарди. Лекин оиласи йўқ эди. Аёл зотини хушламасди. Айтмоқчиманки, улар билан битта уйда яшолмасди. Аммо неча-нечаси билан дон олишган. Шунақаси ҳам бўларкан-да. Мен уйланаётганимда, “Василий, гирт аҳмоқлик қиляпсан”, деганди кулиб. Хуллас, ўзидан бирорта ҳам меросхўр қолдирмади. Балки бордир. Бироқ борлигини ўзи ҳам билмайди. У мана шу машинани менга ишонч қоғози билан берганди. Хафа бўлгандим. Чунки унинг яп-янги иккита «Мерс»иям бор эди-да. Шу битта эски машинасини менинг номимга ўтказганида, бир жойи камайиб қолмасди. Лекин у узоқни кўра оладиган ақлли одамлигини энди билдим. Энди ор-қамиздан қувган ярамаслар машина эгасини қидириб, мозорга боришади.

Василий гапини тугатиши билан хахолаб кулди. Бир муддатдан сўнг кулишдан тўхтади. Юзи жиддий тортди. Сўнг яна хахолади-да, рулни бир-икки марта уриб қўйди.

Биз тун ярмидан ошгандагина Василийнинг танишларидан бирининг гаражига етиб бордик. Шоввозлар кута-кута ухлаб қолишибди. Гараж дарвозасини эса ичкаридан қулфлаб олишибди. Василий бечора қарийб беш дақиқача дарвозани данг-дунг қилиб урганидан кейингина битта хўппа семиз калбош шарақлатиб қулфни очди.

— Ўлиб қолдингми, Саша? — деди Василий унга бақриб.

— Яна озроқ кечикканингда умуман очмаган бўлардим, ношукур банда, — дея Саша деганлари Василийни четлаб ўтиб, машина ёнига келди-да, бошини сарак-сарак қилиб: — Абжагини чиқариб ташлабсан-ку. Буни тўғри металлмга олиб боравер энди, — деди.

— Бекор айтибсан. Бу тойчоқ мени нақ жаҳаннамнинг ичидан олиб чиқди. Металломга топшир, эмиш. Яхши-си, ўзингни топшираман, ҳеч вақога ярамай қолибсан, — дея қовоғини уйди Василий.

Саша мийиғида қулганча бошини эгди-да, менга қаради:

— Сен нима қилиб ўтирибсан? Жаҳаннамдан олиб чиққан бўлса, хизматини бажариб бўлибди. Туш пастга.

Унинг дағаллиги ўзига ярашарди.

Машинадан тушиб, қаншаримни қашлаб турганимда, Саша рулга ўтирди-да, иномаркани юрғазиб, гаражга олиб кирди.

— Икки ҳафтада онадан янги туғилгандай қиламан. Келиб олиб кетаверасан, — деди Саша машинани сақлаш жойига қўйиб бўлганидан кейин пастга тушиб, чўнтагидан сигарет оларкан.

— Барибир, энди тойни миниб юролмайман. Кўзга тушиб қолди. Шунинг учун бўлақларга бўлиш керакми...

— Қазидим, — дедим бирдан Василийнинг гапини бўлиб.

Икки ўртоқ бирдан аввал менга, сўнг бир-бирига қарашди.

— Нима у қазидим? — деди Василий ҳайрон бўлиб.

— Тойнинг гўшtidан қазидим тайёрланади. Шунақанги овқат бор бизда. Ўзиям роса кучли бўлади. Есанг, мазаси оғзингга қолади, — дедим илжайиб.

— Машинага унинг нима алоқаси бор? — сўради Саша.

— Ўзларинг машинани той деяписизлар-ку. Той бўлга-

нидан кейин бўлақларга бўлсанг, ундан яхши қазӣ тай-ёрласа бўлади-да.

Улар гапларимга яна тушунишмади.

— Ҳазил, — дея қўлимни силтадим, — бўлақларга бўлиб, эҳтиёт қисмга айлантириб, сотиб юбориш керак, тамом-вассалом. Шунӣ айтмоқчийдим.

— Василий, бу болани қаердан топа қолдинг? Жуда антиқаи дейман?

— Бу ҳаммаси эмас, қилган ишларини кўрсанг... Лекин биз яхшигина ўртоқ бўлиб олдик... Жуда кўп гапириб юбординг. Ичишга ҳеч бало йўққа ўхшайди, а? — деди Василий Сашага норози қиёфада боқиб.

— Менда-я? — дея ўшшайди Саша. — Менда бирор марта ичкилик бўлмаганини кўрганмисан? Ҳеч қачон. Ейишга ҳеч вақо топилмаслиги мумкин, лекин ичадиган нарсa ҳамиша топилади. Юр бу ёққа.

Биз гараж охирига бордик. У ерда тўртта ёғоч қути тўнтарилган ҳолда турарди.

— Калитлар сақланадиган яшиқнинг ичидагиларни стол устига қўйиб тур, мен эшикни ёпиб келаман, — деб Саша ортига қайтди.

Василий икки шиша ароқ ва бодринг тузламасини олиб, ўртада турган қути устига қўйди. Кейин кафтларини бири-бирига уриб ишқалади-да:

— Мана бу бошқа гап. Бодринг тузламаси билан ароқнинг қандай кетишини биласанми? — деди кўзлари ёниб менга қараркан.

— Ростини айтсам, ичкиликни кўпам ёқтиравермайман. Ҳар-ҳар замон оз-оздан отиб тураман. Лекин орқасидан қувиш йўқ. Бунинг устига, бир ойга қолмасдан туппа-тузук одамни алкаш қилиб ташлаши...

Василий қўлини силтаб, мени гапиришдан тўхтатди. Кейин бурнини тортиб қўйиб:

— Илтимос, шу гапни сен айтма. Ўзи ҳар сафар хотиним минғирлайвериб, қулоқ-миямни еб бўлган. Сен айтётган нарсa эски қўшиқ. Худди эски касбдай. Эски касбнинг нима эканлигини билсанг керак?

— Биладан.

— Васка, ҳаммасини ичиб қўймадингми? — деб бақирди Саша дарвозани қулфлаб бўлиб, қўлларини бири-бирига уриб қоқаркан.

Иккимиз бирдан унга қарадик.

— Томинг кетиб қолганми сенинг?! — деди Василий энсасини қотириб. — Ҳали очишга ҳам улгурганим йўқ-ку. Қанақа қилиб ичиб қўярканман?!

— Энди айтиб бўлмайди-да. Тунов куні Максимни ёлғиз қолдириб кетгандим, — дея Саша ёнимизга келди ва ароққа зўр иштаҳа билан боқаркан: — Эшак, уйдан келгунимча бир шиша ароғимни ютиб қўйибди. Шундан бери занғарни бировга ишониб топширмайдиган бўлганман... Ҳақиқатан, ҳали очмабсан ҳам, — деди.

Икки ошна роса нашға қилишди. Уларнинг кўнгиллари учун мен ҳам бир стакан отишга мажбур бўлдим. Шишалар бўшагач, ўрнимиздан турсак керак, деб ўйласам, Саша аллақасқдан битта гитара кўтариб келса бўладими? Бир маҳал кўшиқ қуйлаш бошланиб кетди. Булар ҳали-бери ўрнидан қимирламайдиганга ўхшайди, деган хаёлда машинага кириб, ўриндиқни ётқиздим-да, устига чўзилдим. Дарров тош қотиб ухлаб қолибман. Ахир ўтган кун саҳардан бери ором нималигини билмагандим-да. Бунинг устига, бу ароқ деган жонивор (уйку дори қўшилганми, нима бало?) одамнинг кўзини дарров элитади.

Бир маҳал Василий уйғотди. Қарасам, кўзлари қизариб кетибди. Ўзиям оёғида зўрга турибди. Оғзидан шунақанги бадбўй ҳид келардики, одам зоти чидаб бўлмайди.

— Керосин ичдингми, нима бало? — дедим ўрнимдан туриб, юзимни ишқаларканман.

— Бир ярим литрли барматўхани уриб ташладик, ҳийқ, — дея ўшшайди у. — Анави бор эди-ку...

Василийнинг афти гижимланиб кетди. Унинг хотираси панд бераётгани шундоққина кўриниб турарди.

— Топдим, — деди у бирдан кўрсаткич бармоғини юқорига кўтариб, хурсанд бўларкан, — Мария. Ҳа-а, менинг хотиним.... Хотинимнинг оти Мария. Мария Сергеевна. Топ... ҳийқ, ҳийқ. Оббо, менга қара, сен болакай менинг уйимни биласанми?

— Тушунарли. Демак, уйингга оборишим керак. Мария Сергеевнадан сенинг ўрнингга гап эшитишим керак. Хўш, ҳалиям ўлиб қолмабсан. Бунақанги ичишда қандай тирик қолганингга ҳайронман, — дея жаҳлим чиқиб, машина эшигини очдим-да, паст-га тушдим.

— Сен, — деди Василий кўзларини зўрга очаркан, — менинг хотинимни танийсанми?

— Йўқ, танимайман. Қаёқдан таний?

— Унда, ҳийқ, нега уни биласан?

— Томинг кетиб қолдими? Билмайман, танимайман, деяпман-ку.

— Уришини айтдинг-ку. Уришини, ҳийқ... ҳийқ... Уришини...

Василий бошқа гапиролмади, гавдаси билан бирга ўзи ҳам эгилиб кетаверди. «Ярамас, сен камлик қилиб тургандинг, — дея хаёлимдан ўтказдим унга қараб туриб.

— Энди сени уйингга қандай олиб бораман?»

Василий йиқилаётганида, суяб қолдим. Сўнг секин ерга ўтқазиб қўйдим-да, машинани очиб, бардачоғини титкиладим. Ҳартугул, Василийнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси шу ерда экан. Дарров варақлаб, яшаш манзилени топдим. Кейин ташқарига чиқдим. Куёш бир терак бўйи кўтарилган, ҳаво хийла исиб қолган экан. Бир қатор қилиб терилган ўн беш-ўн олти гараждан беш-олтитасининг эшиги очиқ эди. Аллақердан тақиллаган овоз ҳам эшитиларди. Гаражларнинг орқа томонида қад кўтарган бир-биридан баланд кўп қаватли уйларнинг етти-саккизтаси салобат тўкиб турарди. Кеча қайси йўллар билан бу ерга келганимизни хотирлаётганимда, йигирма қадамча нарида қизалогини етаклаб келаётган аёлга кўзим тушди. Қизалоқ йиғлар, онаси унга алланималар дер, лекин бола — бола-да, сира кўнай демасди. Уларга ҳавас билан термилдим. Бир пайт қарасам, у тўғри менинг ёнимга келаяпти. Дарров улардан кўзимни олиб қочиб, яна кечаги воқеаларни, бу ерга қандай келиб қолганимизни хотирлай бошладим. Шу пайт:

— Кечирасиз, Сашанинг гаражи қайси бири? — дея сўраб қолди яқинимга келган жувон.

— Қайси Саша? — дедим Василий билан майхўрлик қилган одам ёдимдан кўтарилиб.

— Шу ерда Саша деган бир нуханинг гаражи бор. Уйинг куйгур, куну тун гаражидан чиқмайди. Эримнинг ошнаси. Эрим қачон уйга келмаса, шу билан бирга эрта-лабгача ичади. Алкаш! Пиёниста! Шу пайтгача бирор марта ҳам келмагандим. Ўзи борарди. Бу сафар ошириб юборган, шекилли, ҳалигача дараги йўқ.

Сариқ сочли, кўзлари шаҳло, киприклари узун истарали жувоннинг сал чўзинчоқ юзи қизариб кетган эди.

— Эрингизнинг исми нима? — дея сўрадим, ишқилиб, бошқа бўлсин, деган хаёлда.

— Васка.

Тамом. Василий, қўлга тушдинг. Энди бошингда нақ ёнғоқ чақади, дея кўнглимдан ўтказдим-да:

— Шу ерда озгина кутиб турунг. Манави гаражда бир ўртоғим нар-да ўйнаб ўтирганди. Буни қарангки, унинг ҳам исми Василий. Лекин ўйлайманки, у сизнинг эрингиз эмас, — дея шоша-пиша ортимга бурилиб, дарров дарвозани қия очдим-да, гараж ичкарисига кирдим. Васка — Василий машинага суяниб ўтириб, уйқуни ураётган эди.

— Вася, хотининг келди. Тур тез! — дея унинг ёқасидан ушлаб силтадим.

— Имм, одамга ўхшаб дам олишимга қўйсанг-чи.

У гапини охиригача етказмасдан, яна пишиллаганча уйқуга кетди.

— Хотининг келди, деяпман сенга! Қўлида ўқлови бор!

Василий бирдан кўзини очди. Менга бир муддат тикилиб тургач, бир нималар деб гўлдиради. Сўнг тагин уйқуга кета бошлади. Мен нима қиларимни билмай қолдим. Ошнамнинг бу аҳволини хотини кўрса борми, нақ ўлдиради.

— Турсанг-чи, ярамас, одам шунақаям ичадими?! — дея унинг ёқасидан олиб кўтармоқчи бўлганимда, қулогимга аёл кишининг:

— Бундан баттар ҳам ичади. Озгина бўш қўйсанг, озгина эркалатсанг, босар-тусарини билмай қолади! — деган товуши эшитилди.

— Йўғ-э, унчаликмас. Кечаси Сашага мотор тузишга ёрдамлашганида, чарчоқ ёздига бир пиёла ичувди. Шунга ухлаб қолган-да, — дедим мумкин қадар Василийни оқлаш учун.

— Кўяверинг, ҳозир ўзим тургазаман. Шундай тургазаманки, — дея жувон секин юриб ёнимга келди ва машинага қаради. — Нима бўлди? — деди лаблари титраб.

У қараётган томонга кўз ташладим. Ҳайдовчи томондаги эшикнинг юқори қисми илма-тешик бўлиб кетганди.

Бу сафар жувоннинг овози қалтираб чиқди:

— Нима бўлди?

— Ҳеч нарса, биз Василий билан бирга келаётгандик, ёнимиздан шағал ортган юк машинаси ўтиб қолди. Борти очилиб, майда тошлар...

— Майда тошлар машинани тешиб ташладими?! “Нима бўлди?!” деб сўраяпман. Телевизорда ҳар балоларни кўрса-тиб ётибди. Кечаси отишма бўлганлиги тўғрисидаям гапиришди, — дея бақириб юборди жувон ва энгашди-ю, эрининг юзига қарсиллатиб ура кетди.

— Шошманг, шошманг...

Гапларим ҳавода қолди. Эрини тарсакилаш аёлни қониқтирмади, шекилли, тепишга тушиб кетди. Шу билан бирга аёвсиз қаргарди. Буниси камлик қилгандай, ташқарида қолган қизалоқ ҳам бор овозда йиғлаётган эди.

— Бас қилинг! — дея бақириб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Жувон шу заҳоти эрини калтаклашдан тўхтаб, ҳайрон бўлганча менга қаради. — Машинани шу аҳволга мен солганман. Миниб туришга олгандим. Отишмага тўғри келиб қолдим. Тамом-вассалом. Василий гараждан ҳеч қаерга чиққани йўқ! Ўрнига янги машина олиб бераман. Гап тамом, — дедим.

Аёлнинг кўзи ёшга тўлди. Бир муддат менга тикилиб тургач, энгашди. Эрининг сочини силади.

— Ўзимнинг соддагина Васкам. Соддалигинг қолмади-да. Доим одамлар сендан фойдаланиб келишган. Мана, яна фойдаланишяпти. Олиб бераман, дейди. Обериб бўпти. Ўзимнинг жоним, тур ўрнингдан, уйга кетамиз... Мен аламдан ичганингни билмабман-да. Мени кечир, жоним.

Калтаклар зарбидан ошнам ўзига келиб, кўзи мошдай очилиб кетганди. Шу боис бурнини тортиб қўйди-да, машинага суянганча ўрнидан туришга ҳаракат қила бошлади. Унинг кайфи икки ҳисса ошиб кетганди. Шунинг учун гарчи ўрнидан турса-да, юриши даргумон эди. Бунга сезган аёл дарров қўлтиғига кирди. Аммо шу заҳоти афтини буриштирди. Чунки ҳали айтганимдай, Василийнинг оғзидан таралаётган ҳидга унча-мунча одамнинг чидаши даргумон эди.

— Мария Сергеевна, ўзим ёрдамлашаман. Сиз бема-
лол йўл бошлаб кетаверинг, — дедим жувонга.

Аёл шу заҳоти менга еб қўйгудек тикилиб:

— Машинани-ку, дабдала қилибсиз. Энди навбат уй-
имгами? Раҳмат илтифотингиз учун, — деди аччиқ қилиб.

Василий зўрга кўзини очиб турган бўлса-да, ҳартугул,
каллasi ишлаётган экан.

— Мар... Мария. Бу, — деди у чайқалиб, — зўр одам.
Зўрлигини кейин айтаман. Уй... ҳийқ... ҳийқ... уйга бор-
син.

— Машинамизнинг аҳволига бир қара. Шундан кейин
ҳам бу ярамасни зўр одам дейсанми? — деди жувон йиг-
ламсираб.

— Зўр... Зўр... — деди Василий бошини эгиб, қўлини
ҳавода силкитар экан.

— Зўрлигини кейин кўрамиз, юр уйга, — деб жувон
эрини судради.

Бироқ беш-олти қадам юриб, ундан нарига ўтолмади.
Чунки бундай бақувват одамни олиб кетиш учун аёл
нозиклик қилар эди. Шундан кейингина мен ёрдамга
бордим. Ҳартугул, бу сафар Мария менга эътироз бил-
дирмади.

Кўп юрмадик. Василийнинг уйи тўққиз қаватли имо-
рат орқасидаги тўрт қаватли бинода экан. Яна бахтимиз-
га биринчи қаватда. Лекин ўтиб қайтаётган одамларнинг
кўз ўнгиди уни суяб кетишнинг ўзи бўлмади. Кўрган
борки, афтини бужмайтиради. Айниқса, кампирлар. Баъ-
зилари қовоғини уйганча:

— Ҳали булар бутун шаҳарни сотиб, ичиб юборишади.
Шуларнинг пиёнисталиги боис мана шунақанги қиммат-
чилик бошланиб кетди, — дейи-шарди.

Албатта, Мария Сергеевна ҳам қараб тургани йўқ.

— Гапирмаган сенлар қолувдинг! Хавотир олманглар,
шаҳарни сотиб ичиб бўлгунича сенлар нариги дунёда
ўзларинг-га ўхшаганлар билан ғийбатлашиб ўтирасанлар,
— деди.

Чўмилиш хонасига кирган Василийнинг бошидан сув
қуйилиши билан у иккала қўлини икки томонга ёйиб:

— Мария, мен сени севаман! — дея қичқириб юборди.

Эри муҳаббат изҳор қилгач, жувоннинг юзиди табас-

сум пайдо бўлиб, янада очилиб кетди. Хайрият-эй, дея хаёлимдан ўтказдим чуқур нафас олиб ва ювиниш хонасидан чиқдим.

Рости, кетмоқчи эдим. Чунки энди бу ерда қиладиган ишим қолмаганди. Аммо аёл мени тўхтатиб қолди.

— Сиз ошхонага кириб ўтира тулинг, мен дўстингизни чўмилтириб бўлганимдан кейин бораман. Ҳа, бемалол чой қўйишингиз мумкин, — деди у.

Бирдан кетиб қолиш ўзимга ҳам ноқулай эди. Шунинг учун унинг айтганини бажаришимга тўғри келди.

Ҳали чой қайнашга улгурмасидан тагин жувоннинг овози эшитилди.

— Илтимос, менга ёрдам бериб юборсангиз, Васкани жойига ётқизиб қўяйлик, — деди у.

Василийнинг боши ёстиққа тегиши билан хуррак ота бошлади. Меҳрибон аёли шу заҳоти устига кўрпа ёпиб қўйди.

— Уйларинг бежиримгина, саранжом-сарипшта экан, — дея хушомад қилдим ошхонага қайтиб келганимиздан сўнг.

Жувон жилмайди:

— Василий гарчи ҳар-ҳар замонда оёқда туролмайдиган даражада ичса ҳам, қўли гул. Яна яхши топади. Бор-йўғи учта хонани тозалаш эса менга чўт эмас... Сиз мендан хафа бўлманг. Машинани кўрганимдан кейин жуда кўрқиб кетдим.

— Аксинча, мен сизнинг олдингизда ноқулай аҳволдаман. Ҳартугул, мен сабаб шундай машинадан айрилдинглар. Ҳа, Сашанинг айтишига қараганда, икки ҳафтада худди аввалгидай қилиш мумкин экан.

— Саша айтаверадиям, қайтаверадиям. Эрим нега у билан ош-қатиқ бўлиб олганига ҳайронман... Вой, хаёлимдан кўтарилибди, — дея жувон дарров ўрнидан турди-да: — Нима ичасиз, чойми, кофе? Лекин ароқ бермайман, умид қилманг, — деди.

— Кофе бера қолинг, — дедим кулганча.

— Бу ерликка ўхшамайсиз, — деди Мария шкафдан идиш оларкан.

— Ҳа, осиеликман.

— Лекин тоза гапирар экансиз. Кўринишингизни айтмаса, сизни ҳеч ким осиелик демайди.

— Келиб қолганимга анча бўлган. Ўз тилимда гаплашмаганимга ҳам. Шунинг учун бўлса керак.

— Оилангиз борми? — сўради Мария чашкага қайнаган сув қуяркан.

— Нима десам экан? Ҳали оила қурмаганман.

— Шунақами? Эркаклар ғалати. Бирига қарасанг, ўн саккизга ҳам кирмай уйланиб олади. Бошқасига қарасанг, тепакал бўлиб қолсаям, бўйдоқлигича юраверади.

— Лекин мен ҳали тепакал бўлганимча йўқ.

— Бўласиз-да, — деб қошни қоқиб қўйди Мария. Сўнг: — Мен ҳозир, — деганча чашкани узатиб, ошхонадан чиқиб кетди.

Қайноқ қаҳва танамни яйратиб юборди. Кайфиятим кўтарилиб, миям тиниқ ишлай бошлади гўё. «Қўлинг дард кўрмасин, Мария. Қаҳвани бопларкансан», дея кўнглимдан ўтказиб, кичкинагина ошхонани томоша қила бошладим. Ҳамма жиҳоз шунақанги тартиб билан жойлаштирилганки, ҳатто телевизор ҳам сиғиб кетган. Ҳа, анча-мунча аёл бундай саранжомлик қилолмайди, деб ўйлаб, қаҳвадан яна бир ҳўплашим билан Мария қайтиб келди. У бошқа кўйлақда эди. Сочлари ҳам қайтадан таралган. Ҳаттоки кийиниб-тараниб, атир сепишни ҳам унутмабди. У эшикдан кириши билан юзимга хушбўй ҳид урилди. Жувоннинг кўйлагининг ёқаси аввалгисига қараганда кенгроқ очилганига кўзим тушди. Алланечук бўлиб кетдим.

Аввалги кийимлари ҳўл бўлиб, баданига ёпишиб кетганди. Агар эркак кишининг кўзи билан қарайдиган бўлсангиз, ҳозиргига нисбатан қонни кўпроқ жўштирарди. Мен хаёлимдан ҳиссиётни қувиб солдим. «Шамоллаб қолмаса яхшийди. Бечора, эрини чўмилтиргунча ўзининг ҳам бўлари бўлди», деб кўнглимдан ўтказдим. Айнан шу хаёл бошқа нарсалар тўғрисида ўй суришимга тўсқинлик қилди. Энди эса аёл атайин эҳтиросга етакловчи қўйлагини кийибди. Йўқ, шошма, нималар ҳақида ўйлаб кетдим? Василий менга ўз жигаримдай бўлиб қолди. Ҳа, қисқа вақт ичида мен унинг самимий дўст бўла олишини англадим. Энди унинг мастлигидан фойдаланиб, хотинига бошқача назар солишим керакми? Ҳеч қачон! Мен ундай қилмайман. Ҳатто ўйламайман ҳам.

— Нима ҳақида гаплашаётувдик? — дея сўради жувон жилмайиб.

— Сизнинг ишлаш-ишламаслигингиз тўғрисида, — дедим атайин гапни бошқа томонга буриб.

— Э, қойил сизга. Ўзингизни олиб қочишни биларкансиз. Лекин менинг хотирам жуда яхши ишлайди. Ҳар доим хотирамнинг зўрлиги билан бошқалардан устун бўлиб келганман. Демак, сиз ҳали уйланмагансиз. Уйлашни режалаштиргунингизча тепакалга айланасиз.

— Сиз мутлақо ҳақсиз. Агар Наташани яхши кўрмаганимда, уни учратмаганимда...

— Наташа? — дея ҳайрон бўлиб, қошларини чимирди Мария.

— Ҳа, Наташа. У ажойиб қиз. Мен сизни таништириб қўяман.

— Сиз унга уйланмоқчимисиз?

— Менимча, охири шу билан тугайди. Агар дайдиликларим ҳалақит бериб қолмаса.

— Тушунарли. Сиз эркаклар аввал аёлларнинг қўнглини эгаллаб олиб, кейин сангийсизлар. Бизнинг кўзимиз эса соатда. «Қачон келаркан? Нима қилиб юрган экан? Бирортасига илакишиб қолмадимикан?» деган ўй-хаёллар гирдобида асабийлашиб, бошимизни чангаллаб ўтирамиз.

— Браво! — дея чапак чалдим. — Роса зўр нутқ бўлди! Мария жилмайди:

— Қойил, айбларинг айтилганда, вазиятдан чиқиб кетиш йўлиниям биласизлар. Хўш, Наташахон билан қачон таништириб қўймоқчисиз?

Мен деворга осиглиқ соатга қарадим:

— Фақат бугун эмас. Бошқа сафар. Айтганча, мен кечга қоляпман. Шунинг учун рухсатингиз билан ўрнимдан турсам...

— Демак, рухсат бермасам, турмайсиз.

Жувон менга ишва билан боқди. Бундай пайтда ҳар қандай эркакнинг хаёлига нима келса, менинг ҳам миёмамни шу фикр эгаллаб олди. Албатта, жуда оз муддатга. Ўша оз муддат ичида ҳатто ўзимни ўзим ҳақоратлашга ҳам улгурдим.

— Афсуски, барибир, кетишим керак, — дедим бошимни чайқаб.

Мария мендан олдин ўрнидан туриб, столни сал орқа-роққа суриб қўйди-да:

— Мендан хафа бўлманг. Эримнинг дўстларини, айниқса, у “зўр” дея таъриф берганларини мана шу усулда синаб кўраман. Агар синалувчи эримнинг бугунгидай аҳволидан фойдаланса, демак, Василий жуда қаттиқ адашган бўлади, — деди.

— Албатта, гапларингиз маънили. Лекин, тўғриси айтсам, ҳеч вақога тушунмадим.

— Ўзингизни гўлликка солманг. Кийимимни алмаштириб келиб, сизга ноз билан қарашим, бунинг устига, фақат ишқий мавзуда гапирганим...

— Шошманг, — дея дарров уни тўхтатдим. — Бунақа одатингиздан воз кечинг. Ахир ҳар қандай шароитда ҳам суҳбатдошингизни хафа қилиб қўясиз-ку... Энди менга иккита тухум қовуриб беринг, кечадан бери туз тотганим йўқ.

— Сиз кетмоқчи эдингиз-ку...

— Ўйлаб кўрсам, ҳали вақтим бор экан.

Мен ич-ичимдан Марияга қойил қолган эдим. Эрининг атрофида юрганларни у синайди... Шошма, баҳо беришга бироз шошилмадимми? Балки у мени илинтиролмагач, ўзини оппоқ кўрсатиш мақсадида шундай дегандир... Умуман олганда, менга фарқи йўқ. Фақат агар шунақанги хиёнаткор бўлса, Василийга ачинаман... Лекин мени синамоқчи бўлган бўлса, албатта, ҳақиқатан ҳам... Йўқ, бошқачароқ усул ўйлаб топгани маъқул эди. Ҳартугул, эркакнинг эҳтиросини кўзғовчи қўйлак кийиши, барибир, яхши эмас.

Қорним тўйгач, Мария билан хайрлашиб, уларнинг уйидан чиқиб кетдим. Талай вақтгача бундан кейин нима иш қилишим ҳақида бош қотирдим. Охири Наташанинг ёнига қайтиб боришим керак, деган фикрга келдим. Биринчидан, кўчада кўрган одам борки, менга шубҳа билан қарайди. Иккинчидан, агар Александр Абрамовичга қилган ишларим тўғрисида хабар етиб борган бўлса (бунисига шубҳам йўқ. У уйда чивин учини ҳам билади. Икки дарвоза оралигида тўрт қўриқчи нобуд бўлади-ю, хабарсиз қоладими? Албатта, ҳозир унинг бош муаммоси — соғлиғи. Мени тутиш ҳам унинг учун кейинги масала.

Ваҳоланки, кейинчалик қарама-қаршилиқ ҳаддан ошса, ўша авайлаб-асраётган соғлиғи яна ёмонлашиши мумкин), у мен билан сулҳ тузиш режасини айтади. Эҳтимол, газета ва телевизорда бошқача хабар ҳам бериб қолиниши мумкин. Демакки, ҳозир Наташанинг ёнига боришим ва аччиқдан-аччиқ сўзларини эшитишим зарур.

Мария, барибир, ақлли аёл экан. Уйидан чиқаётганимда, қора кўзойнак тутқазди қўлимга. «Мен ҳам телевизор кўраман. Бир одамга жудаям ўхшаб кетар экансан. Лекин мен телевидениедагиларга ишонмай қўйганимга анча бўлди. У ерда ишлайдиганларнинг деярли ҳаммаси лаганбардор. Ким чойчақасини тўлаб қўйса, шу чалган куйга рақс тушишади. Кейин том тепасида ўтирганларниям... У ёғига гап кўп. Мана шуни олиб қўйсанг, ёмон бўлмасди. Кўчада кўзи тушганлар ортиқча хаёлга бормгани маъқул», деганди. Дарров тақиб олдим. Назаримда, синчиклаб тикилмаган одам мени таниёлмайди. «Барака топ, Мария», дея кўнглимдан ўтказдим. Сўнг автобус бекатига бордим. Одам унчалик кўп эмасди. Узоғи билан беш-олтита. Уларнинг иккитаси қария бўлса, биттаси гўзал қиз, қолганлари эса ёш болалар эди.

Гўё автобус келишини биладиган одамдай билагимдаги соатга қараб, бошимни сарак-сарак қилдим. Шу пайт қиз ёнимга яқинлашди. Қизиги, унинг кўзини ҳам кўриб бўлмасди. Менга ўхшаб қора кўзойнак тақиб олган экан.

— Кечирасиз, сизда гугурт топилмайдими? — сўради у мийиғида кулиб.

Дарров чўнтақларимни пайпасладим. Албатта, бунақанги матоҳ менда бўлмайди. Лекин қизнинг илтимосини ҳам ерда қолдиргим йўқ.

— Чекмайсизми? — деб сўради у мендан.

Қизнинг юзидаги табассум аломатлари бирдан йўқолди. Мен эса жуда ноқулай аҳволга тушдим. Ҳаттоки юзимдан олов чиқиб кетди. Умримда биринчи марта чекмаслигимдан афсусландим.

— Мени кечирасиз, — дедим.

— Ғалати... Дунёда чекмайдиган одамлар қолибди-да... Ҳойнаҳой, спортчи бўлсангиз керак. Катта-катта мусобақаларда қатнашарсиз?.. Чекишнинг сизга қанчалик заррлигини англаб турибман.

— Жа унчаликмас. Лекин қандайдир... Ўрганмаган эканман-да.

— Мен бўлсам, кеча кўпроқ пиво ичгандим. Ҳозир сигаретнинг хумори роса тутаяпти. Сизни кўришим билан хурсанд бўлгандим.

— Хоҳласангиз, топиб беришим мумкин, — дея ён-атрофга алангладим.

Йўлнинг нариги томонида ойнаси қорайтирилган «Жи-гули» турибди. Унда одам бор-йўқлиги билинмайди. Ҳа, топдим, йигирма қадамча нарида бир эркак киши келаяпти. Оғзида сигарет. Қидирганимни топганимдан хурсанд бўлиб, у томон юрдим. Ундан сигарет сўрадим. Нотаниш одам менга хўмрайиб қаради. Кейин четга чирт этказиб тупурди-да:

— Сўраб чекадиганлар хилиданмисан? — деди.

Сўнг чўнтагини ковлаштириб, қутисига «Астра» деб ёзилган филтрсиз сигарет чиқарди-да, ундан бир донасини қўлимга тутқазди.

— Тутатиб олсам бўладими? — дедим ҳожатимни чиқараётган эркакка илжайиб.

У лабига қистирилган тамакисини берди. Қизиги, буниси филтрли эди.

— Ўзинг билан олиб юрмаганингдан кейин мана шунақа аччиғини чекишга мажбурсан, — дея ҳиринглади ҳожатбарор менинг қизиқсиниб, филтрли сигаретга тикилиб турганимни кўриб.

Очиғи, изза бўлдим. Бир хаёл “бор-э” деб берган матоҳини отиб юбормоқчи бўлдим-у, аммо бекатда турган қизни ўйлаб, ниятимдан қайтдим.

Изимга қайтганимда, бекатда автобус тўхтаган, бояги жононадан бўлак бекатдагиларнинг ҳаммаси битта-битта уловга чиқаётган эди.

— Мана, — деб тутаб турган «Астра» донасини қизнинг қўлига бердим.

— Фу! — деди бирдан у. — Шунақасини чекармикан?!

— Энди мени кечирасиз. Бунақанги касбим бўлмаганидан кейин қайсиниси яхши-ю, қайси бири ёмонлигини билмайман, — дея автобус томонга юришим билан қиз қўлимдан тутиб қолди.

Мен ҳайрон бўлганча унинг юзига қарадим.

— Бир дақиқа шошмай тулинг, илтимос. Кейинги автобус ҳам дарров келади, — дея илжайиб, сумкасини титкилай бошлади у.

— Лекин мен кечикаётгандим.

— Ҳали бирор марта ҳам эркаклар илтимосимни рад этмаган. Ҳа, ҳар қандай шароитда ҳам, — дея у сумкасидан ингичка узун сигарет олди-да, лабига қистириб, «Астра»ни улоқтириб юборди.

Мен тоқатсизланиб, юра бошлаган автобусга қараб кўйдим.

— Кўриб турибман, ҳақиқатан шошаяпсиз. Лекин шошиб қаёққача борардингиз? Шошиб-шошиб шу ергача келдингиз. Мен бўлсам, ҳеч қачон ҳеч нимага шошилмайман. Ҳаттоки эрга тегишга ҳам, — деб у оғзидан тутун чиқарди.

Аёл киши чекмасин экан. Тўғриси, бирам хунук кўри-нарканки, одам жирканади.

— Аммо чекишга шошилибсиз-да, — дедим гап топилганидан хурсанд бўлиб.

— Асло. Мактабда ўқиётганимда, дугоналарим чекишарди. Мен эса гимнастикага қатнашардим. Қарасам, бўлмайдиган. Нозик баданларим қийналиб кетди. Кейин “бор-э” деб спортни йиғиштирдим.

У кўзойнагини олди. Киприкларининг узунлиги, кўзининг ҳаво ранглиги оппоқ юзига жуда ярашар экан.

— Хўп, бу ёғи тушунарли. Менга нима демоқчи эдингиз? — дедим унинг ёнидан мумкин қадар тезроқ узоқлашиш мақсадида.

Қизнинг юзи бирдан жиддийлашди. Узун қоп-қора киприкларини пирпиратди. Кейин бармоқлари орасидаги сигаретни ерга ташлаб, товони билан эзди.

— Биласизми, бошимга ташвиш тушиб қолди. Шунга бирорта сизга ўхшаган хушқомат йигит ёрдам бериб юбормаса, аҳволим чатоқ, — деди у йиғламсираб.

— Бемалол уялмасдан, тортинмасдан, гапираверинг.

— Хўп, — дея у бошини қимирлатди.

Шу заҳоти унга нисбатан кўнглимда шубҳа уйғонди.

— Биласизми, мени йигитим ташлаб кетди. Ҳа, ташлаб кетди, ярамас!

Унинг юзига ёш думалаб тушди.

— Буниси, ҳақиқатан ҳам, чатоқ. Чиндан ҳам оғриқли, — дея бошимни сарак-сарак қилдим-да, секин юриб, қизнинг орқа томонига ўтдим. У менга ўтирилди. Шунда кўрдимки, йўлнинг нариги чеккасидаги «Жигули»нинг қора ойнаси очилибди. «Бу ерда бир гап бор», деган ўй яшин тезлигида хаёлимдан ўтди.

— Демак, — дедим қизга илжайиб боқарканман, — сизни бир аблаҳ ташлаб кетган. Сиздай офатижон, кетворган, йигитлар жонини беришга ҳам тайёр бўлган жоннани!

Қизнинг юзида безовталиқ аломатлари пайдо бўлди. Зеро, у энди машинага орқа ўтириб қолган эди. Шунга қарамай, ўзини ниҳоятда эзилган кўрсатиш мақсадида кўзларидан оқаётган ёшни узун бармоқлари билан артиб:

— Мана, сиз тушунган йигит экансиз, — деди.

— Бўлмасам-чи, — дея бирдан унинг гапини бўлдим, — тушунган йигитлигим шундоққина кўриниб турибди. Анави сизни ташлаб кетган йигит эса ғирт аҳмоқ ва ҳоказо ҳақоратларга лойиқ экан. Ишонаверинг, чин сўзим. Яна бошқалар ҳам.

Қиз таажжубланди.

— Тушунмадим. Нега бошқалар? — деди ҳайрон бўлиб.

— Бошқаларми? Бошқалар масаласи анча нозик. Дунёда сен билан мен ўйламайдиган, хаёлимизга ҳам келмайдиган ишлар шунчалик кўпки, уларни кўра туриб, қўл силтагинг келади. Худди ҳозирги аҳволингдаги каби.

— Ростини айтсам, алмойи-алжойи гапираяпсиз.

— Менинг ўрнимда бўлганингда, сен ҳам шундай гапирган бўлардинг... Бекатнинг орқасига ўтайлик.

— Нега?

— Сени ўпмоқчиман. Ҳойнаҳой, ўша сени ташлаб кетган йигитга мени кўрсатмоқчисан. “Сен бўлмасанг ҳам, мен қийналмайман. Дарров бошқасини топиб оламан ва у билан фуқаролик никоҳида яшайман. Қара, чекмайди, ичмайди, кечалари санғимайди”, дейсан. Агар мен шу гапларингга мос равишда ҳаракат қилмасам, гапларинг ишончсиз чиқиши мумкин.

Бу пайтда «Жигули»нинг очиқ деразасидан қандайдир қоп-қора нарса чиқа бошлаган эди. Айнан мен кутган нарса. Бу ярамаслар қизни ҳам аяб ўтиришмайди. Менга

қўшиб бемалол отиб, ташлаб кетаверишади. Буни, кош-ки эди, манави қиз билса. Билмайди-да, топшириқни бажариш мақсадида мени чалғитмоқчи бўлаверади. Шу билан ўзи нобуд бўлганини ҳатто сезмай ҳам қолади. «Бекатнинг орқасига ўтиш учун бор-йўғи икки қадам ташлаш лозим, кейин орқага ўтиб кетилади. Бунгача анави ярамас матоҳини ишга туширишга улгура олмайди. Ул-гурганда ҳам шошади. Демакки, уста бўлсагина нишон-ни аниқ олиши мумкин», дея хаёлимдан ўтказиб, қиз-нинг қўлидан ушладим-да:

— Жонинг керак бўлса, юр бу ёққа! — дея бақириб, уни тортқиладим.

Ҳа, биз улгурдик. Қочишга муваффақ бўлдик. Овоз чиқармайдиган қуролдан отилган ўқ бекат деворига тегди.

Мен деворга суяниб, чўнтагимдан тўппончамни чиқардим-да:

— Менга қўшиб сени ҳам ўлдириб юборишарди, аҳмоқ! — дея бақирдим қизга.

Шу пайт қулогимга машина моторининг овози эшитилди. «Жигули» турган томонга секингина мўраладим. У жойидан силжий бошлаган эди. Демак, яқинлашишга журъатлари етмаган, деган ўйда қизнинг ақлини яхшилаб киритиб қўйиш мақсадида у томонга ўтирилсам, кичкинагина тўппончасини менга ўқталиб турибди.

— Сен қизнинг ақлинг жойидами? — дедим унга жаҳл билан.

— Бу ёғи билан ишинг бўлмасин. Мен вазифани бажаряпман, — дея жавоб берди у жилмайиб.

— Ўзинг-ку, бир ўлимдан қолдинг. Яна жонингни хатарга қўймоқчимисан?

— У ёғи менинг ишим.

— Бўпти, сен билан келишиш мумкинми?

— Қанақанги келишиш? Аллақачон келишиб бўлинган. Сени ўлдираман-у, чет элга учиб кетаман.

— Эй, шошма, мен сени танидим. Адашмасам, москваликсан. Александр Абрамовичнинг Париждаги модалар уйида ишлайсан. Моделсан, — деб кўрсаткич бармоғим билан пешонамга уриб қўйдим.

— Нафақат модель...

— Бу ёғи аниқ энди. Хўш, куппа-кундузи, одамларнинг кўз ўнгида қотилликка қўл урмоқчимисан?

— Ҳали бекатга ҳеч ким келгани йўқ.

— Ана, эр-хотин етаклашиб келаяпти, — дея унинг сўл томонига қарадим.

Қиз мен кўрсатган томонга ўгирилмади. Бироқ кўзининг қорачиқлари бир марта шу тарафга бориб қайтди. Қарабсизки, мен унинг қўлидаги қуролини тортиб олишга улгурдим.

— Одамлар! — дея бақриб юборди шу заҳоти у. — Ўлдиришмоқчи!..

Унинг башарасига бирдан шапалоқ туширдим. Сўнг:

— Мен шундоғам қотилман. Ўнтанинг ёнига яна биттани кўшиб қўйишим ҳеч нимани ўзгартирмайди! — дедим унга ўқрайиб қарарканман.

Қизнинг бирдан дами ичига тушиб кетиб, ранги оқарди.

— Аппаратчани чўз бу ёққа! — дедим унга.

— Нималар деяпсиз? Қанақанги аппарат?

— Митти микрофонни чўз бу ёққа. Бўлмаса, кекирдигингни узиб оламан!

Қизнинг бериш нияти йўқ эди. Бу унинг шундоққина афти-ангоридан кўриниб турарди. Яна унинг кўзи нажоткорларини кутаётганди. Менинг эса вақтим йўқ, эртароқ оладиганимни олиб, бу ердан куён бўлишим керак. Шу боис унинг сумкасини тортиб олдим. Бироқ мен қидирган нарсая йўқ эди. Бу пайтда бекат сари келаятган эр-хотинлар яқинлашиб қолганди. Улар бир-бирига бизни кўрсатиб, алланималарни гапиришарди.

Тўппончани қизнинг қорнига тирадим:

— Учгача санайман, берсанг, бердинг, бўлмаса, сен кутаётган одамлар ўлигинга эга бўлишади.

У кофтасининг битта тугмасини ечиб, қўлини тикди ва гугурт қутисидай келадиган қоп-қора бир нимани олиб, менга узатди.

— Барибир, тирик қолмайсан. Ҳамма бекатда одамлар туришибди, — деди соддалик билан.

— Маълумот учун ташаккур, шундай бўлишини ўзим ҳам кутгандим. Хайр, — дея тез-тез юрганча унинг ёнидан узоқлашдим.

Орадан беш дақиқача вақт ўтди. Мен хийла нари кетгандим. Лекин етган жойимдан ортда қолган бекат бемалол кўринарди. Бир маҳал томидаги чироқларини ёқиб ўчириб, сирена чалиб, иккита милиция машинаси ўша бекатнинг ёнгинасига тўхтади. Агар улар овоз чиқармаганида, мен ортимга бурилмаган, уларни кўрмаган бўлардим. «Аҳмоқлар, жинойтчини ҳам шунақа қилиб тутадими?» дея хаёлимдан ўтказдим. Кўзойнагимни олиб, устимдаги жемперни ечдим-да, битта бармоғимни тиззамга тирадим. Жемперимнинг ярмини шимимнинг ичига тикиб, юзимга тупроқ суриб, сочимни тўзғитиб, оқсоқланганча кета бошладим. Навбатдаги бекатгача бирор эллик қадамча бор эди. Етиб олсам, изқуварлар кўздан йўқолгунча тиланчилик қилишим керак эди. Албатта, режам бўйича. Бироқ иш тиланчиликкача етиб бормади. Иккита машина ёнимдан сирена чалганча ўтиб кетди. Бекат ёнида тўхтади. Ўша ерда турганлардан ниманидир сўради. Машинадан тушган одам мен томонга бир-икки қараб қўйди. Сўнг яна машинага ўтирди.

“Боппладинглар. Сендақалардан яна бештаси бўлса, одамларни қўриқлайдиганнинг ўзи қолмайди”, дедим ўзимга ўзим ва юришимни ўзгартирмаган кўйи йўлимда давом этдим.

Аммо бекатга етмасимдан тўхташга мажбур бўлдим. Тўғрироғи, мени тўхтатишди. Аввал йўл ёқасига оппоқ «Тойота» тўхтади. Ундан иккита йигит тушди. Бири паст бўйли, иккинчиси новча, ориқ.

— Бир нарса сўрасам майлими? — деди новча менга яқинлашиб.

— Сўра, — дедим оғзимни қийшайтириб ҳирингларканман.

— Жиннидан ниманидир сўраймиз, деб сира ўйламагандим, — деди калта бўйли ижирганиб.

— Менга қара, шу ердан қадди-қомати келишган бир йигит ўтмадими? — деди новча менга бошдан-оёқ назар солиб.

— Ҳе, қадди-қомати келишган дедингми? Ҳе, қизларнинг қадди-қомати келишган бўлади. Яримтага пул берасанми? — дедим «оқсоқ» оёғимга бутун гавдамни ташлаганча бурнимни жийириб.

— Ҳов, ит, сендан сўраяпман! — деди бирдан жаҳли чиққан новча чўнтагидан пичоқ чиқариб.

Мен олдин машинага кўз ташладим. Унинг ойнаси худди «Жигули»ники каби қорайтирилган эди.

— Мен бир бечораман! — дея дарров тиззалаб ўтириб олдим-да, шу аҳволда юрганча новчага яқинлаша бошладим. — Ногиронман. Охирги марта икки кун аввал ароқ ичганман. Йўқ, барматуха. Худо хайрингни берсин, машиналаринг даҳшат экан. Ҳеч кимни кўрмаган бўлсам ҳам, тўрт-беш рубль бериб кет. Биттагина вино олайин.

— Алексей, — деб калта бўйли новча шеригининг елкасига қоқди, — шу ипирисқидан бирон нима билмоқчимисан? Юр, кетдик.

Новчанинг шунчаки кетгиси йўқ эди. Афти-ангоридан мени, ҳеч бўлмаганда, бир мартагина тепгиси келаётгани шундоққина кўриниб турарди. У шундай қилмоқчи ҳам бўлди. Бироқ калта бўйли қўймади.

Улар машина ёнига етганларида, орқа ўриндиқнинг қора ойнаси очилди.

— Бомжни машина юкхонасига ортинглар, — деди у ерда ўтирган одам.

У газаб билан баланд овозда гапиргани боис ҳамма сўзларини эшитдим.

Мана буниси мен учун ҳақиқий омад эди. Кўриб турибман, новча билан пакана овсарнинг ўзгинаси. Демак, улар билан бирга машинанинг орқа ўриндиғида ўтирган шеф ҳам менга «тил» вазифасини ўтаб беришади.

Хўжайинларидан керакли кўрсатма олган зўравонлар ортга қайтишди. Иккови икки томонимдан ушлаб силтаганча ўрнимдан турғазишди. Сўнг машина томонга судрашди. «Тойота» эшигининг ёнгинасига борганимизда эса иккови ҳам букилиб қолди. Албатта, менинг ёрдамим билан. Тўғри, чотга теккан ҳар қандай зарба одамга ёмон азоб беради. Инграшга, афтингни бужмайтиришга мажбур бўласан. Қоринни силаган мушт бўлса, нафас олишни қийинлаштиради. «У-у-у», дея шолғомдай қизариб кетганингни ўзинг сезмай қоласан. Кейин инсон зоти кўчқормас-да, сузганда жин ҳам урмайдиган. Бунақаси сира бошимга тушмаган-у, лекин кўздан ўт чиқиб кетса керак, деб ўйлайман. Икки шоввоз рўпарама-рўпара

тўқнашмади-ю, ҳар қалай, чаккалари билан яхшигина сузишди. Сўнг иккови икки томонга ўзини ташлаб юборди. Мен эса «Тойота»нинг орқа эшигини очдим. Ташқаридаги воқеанинг гувоҳи бўлган хўжайин тўппончасини олишга уринаётган экан, бироқ улгурмади. Вақт қисқалик қилди. Кўлини қа-йириб, қуролини тортиб олдим-да:

— Сиз билан жуда яқиндан танишмиз. Шунинг учун ўзингизга жабр қилмасдан, жим ўтиринг, — дедим.

Биз бир-биримизни кўзимиз тушган заҳоти таниган эдик. Ҳа, унутиб бўларканми? Ахир у билан бирга нима ишлар қилмаганмиз? Албатта, катта хўжайин Александр Абрамовичнинг манфаати учун. Тўғри, мен фақат унга соқчилик қилганман ва унинг нималарни дўндирганидан бехабарман. Билганим шу эдики, қайсидир ташкилотга фирромлик ишлатилди ва ўша ташкилот инқироз кўчасига кириб қолди.

Мен орқа ўриндикда ўтирган шефлик вазифасини бажараётган Анатолий Райни олдинга ўтқаздим. Унинг муборак жойига эса узун-қисқалар устма-уст ётқизилди.

— Анатолий Гаврилович, эсингизда бўлса, мен сизга жуда кўп маротаба ҳайдовчилик қилганман. Келинг, шу сафар бу қутлуғ вазифани ўзингиз бажарсангиз, — дедим жилмайиб.

Анатолийнинг юзини сепкил босганди. Ёшлигида ҳуснбузарлар доимий равишда ҳужум қилиб турганидан юзи чўтир бўлиб кетганди. Бақбақаси осилган, ёши олтмишга яқинлашиб қолганди. Яна Александр Абрамовичнинг асосий маслаҳатчиларидан бири ҳисобланарди. Молия соҳасини миридан сиригача сув қилиб ичиб олган бу одам найрангбозликдан тап тортмасди. Ҳа, молиявий найрангбозликка устаси фаранг эди.

— Мен фақатгина Александр Абрамовичдан ортда қолишим мумкин. Бошқа ҳар қандай молиячи менинг олдимда тиз чўқади, — деганди у бир сафар ресторанда ичиб олиб.

— Шаҳарнинг ташқарисига ҳайдайсиз. Ўрмонга кириб, битта яримтани майдалаб, маза қилиб суҳбатлашиб ўтирамиз. Дарвоқе, сиз аёллар деса, ўзини томдан ташлайдиганлар хилидансиз. Хотинингиз битта, лекин аёл-

ларингиз сони, менимча, ўндан ошиб қолган. Қўрқманг, суҳбатимиз ўртада сир бўлиб қолади, — дедим Анатолий Гавриловичнинг ёнидаги ўриндикда ўтириб, тўппончамни тиззамга артарканман.

— Балки бошқа ёққа борармиз?.. Ҳамма ёқда мелисалар, қидирув... — деди у менга қараб қўйиб.

— Сизни билмайдиган одамга шу гапни айтганингизда, яхшироқ бўларди. Зеро, бу машинани тўхтатишга бировнинг ҳадди сиғмаслигини яхши биламан. Қани, ўйла-масдан газни босинг.

Райнинг айтганимни бажаришдан ўзга иложи қолма-ганди. Шу боис машинани юргизди.

— Александр Абрамовичнинг соғлиқлари яхшими? — деб сўрадим бироздан сўнг.

— Сенга унинг нима кераги бор? — дея саволимга савол билан жавоб берди Анатолий Гаврилович.

— О-о, нималар деяпсиз? Шундоқ одамни унутиб бўларканми? Ахир унинг қанча хизматини қилганман. Қолаверса, озмунча мурувват кўрганманми ундан?.. Де-макки, соғлигини сўрашга ҳақим бор.

— У Германияда. Айтишларича, оёққа туриб кетади. Иккита операцияни бошидан ўтказди. Анча озиб қолган...

Кўз ўнгимдан ўша кунги воқеалар бирма-бир ўта бош-лади. Портлаш, ёна бошлаган иморат, тутун пуркаётган ертўла, одамларнинг қий-чуви, ҳушидан кетиб ётган Алек-сандр Абрамович... Агар ўшанда уни қутқариб қолмага-нимда, нима бўларди? Эҳтимол, ҳозирги сичқон-мушук ўйини бўлмас, эҳтимол, эмин-эркин яшаётган бўлардим. Балки, қишлоғимга — ота-онамнинг, қариндош-уруғла-римнинг ёнига қайтиб кетган бўлармидим?.. Унда Ната-шани учратмасдим. Ўзимизнинг қишлоқдан содагина бир қизга уйланган бўлармидим?.. Ичикдим. Чуқур на-фас олдим. Кетгим келди. Ҳа, бу ерни ташлаб, ҳамма нарсага қўл силтаб кетгим келди.

— Сенинг қочиб юрганингга ҳамма ҳайрон. Қайтиб боришинг, илгаригидай ишлашинг керак. Биз ўша кунги портлашни ким уюштирганини аллақачон топганмиз. Александр Абрамовичнинг соғайишини кутаяпмиз. Агар у соғайиб, қайтиб келса, хунрезликларни уюштирганлар жазоланиши аниқ. Сенинг ишинг ҳам тайин.

— У мен учун чўт эмас. Шу ҳам иш бўлибдими? Билсангиз, мен тиниб-тинчимайдиганлар хилиданман. Бир жойда гум-гурс, миқ этмасдан ётолмайман.

— Биз мўлжаллаган ишда ҳам кўп югур-югур қиласан. Кейин даромадиям анча яхши. Сенинг хабаринг бўлмаса керак. Албатта, келишувга бор-йўғи икки кун аввал эришдик. Билмаслигинг аниқ. Аввал салоҳиятимизни ҳисоблаб чиқдик ва дунёга кўриниш вақти келганини тушуниб етдик. Бунга Александр Абрамович шахсан ўзи бош-қош бўлишини айтди. Тўғри, фикр бизники. Лекин эзгулик йўлида ҳар қандай идеал фикрдан воз кечишимни яхши биласан.

— Хўш, нима экан ўша фикр? — дедим атайин ўзимни гўлликка солиб.

— Англиянинг «Фулхем» футбол клубини сотиб олмақчимиз. Бунинг учун керакли сармоя ажратилган.

— Кечирасиз, Анатолий Гаврилович... Бу дейман, Роман Абрамович билан Александр Абрамовичнинг қариндошлиги йўқми?

Албатта, кесатиш эди. Буни ёнгинамда ўтирган Анатолий Гаврилович жуда яхши англаётганди. Бироқ, нима қилсин, қўлимда тўппонча, сал ортиқча гап айтса, пешонасидан дарча очиб қўйишим мумкин. Шу боис гапимга аниқ-тиниқ жавоб беришга мажбур.

— Йўқ, менинг биродарим...

Оҳ, сўзларнинг жарангдорлигини қаранг: «Менинг биродарим». Аблаҳ, жойи келса, қизингга куёв қилишдан ҳам тоймайсан. Майли, сайрайвер-чи...

— Йўқ, менинг биродарим, — такрорлади у менга бир қараб қўйиб, юзимдаги табассумни кўргач, — уларнинг фақатгина оталарининг исмлари бир хил.

— Менимча, мавзудан анча четлашиб кетдик. Англия клубини сотиб олиш-олмасликларингга менинг ҳеч қанақанги дахлим йўқ. Мен анавиндақа жанжалли, ишқалли ишларга керак бўлсам керак, шундайми?

— Мен сенга айтсам, ҳақиқатан ҳам, исталган зўравоннинг бурнини ерга ишқаб қўйишга кучинг етади. Бироқ шу сафар сенинг ўзингга алоҳида бизнес очиб бермоқчимиз.

Унинг гапи менга ёқмади. Қолаверса, майнавозчилик

ҳам меъёрдан ошиб кетган эди. Шу боис у томонга ўгирилиб, ўшқирдим:

— Йиғиштир ўйинни. Мени ёш бола десанг, адашасан, хумпар. Яхшиси, «Гўр қазиб қўйибмиз, ўша ерда ётиш сенинг ишинг», де. Индамаса, ҳадингдан ошяпсан!..

Мен бундай пайтларда мутлақо қизишмасдим. Ўзимни босиб, рақибим устидан қулиб кетаверардим. Аммо ҳозир негадир жоним чиқиб кетди. Ғазабим қайнади.

— Машинанинг тезлиги саксондан ошмасин. Хўш, мени ўлдириш кераклигини биринчи бўлиб ким айтди?!

Анатолий Гаврилович мени ашаддий каллакесар деб биларди. Ҳолбуки, у бировни ўлдирганимни кўрмаган. Эҳтимол, эшитгандир. Лекин эшитгани ҳам нотўғри. Чунки ҳар қандай шароитда ўзганинг жонига қасд қилмаганман. Менинг номимга тиркалган қотилликлар ҳам, аслида, бошқалар қўли билан ижро этилган. Ана, куни кеча Александр Абрамовичнинг дарвозалари оралигида тўрт киши жон таслим қилди. Бу қотилликни менга тақиб қўйиш мумкинми? Албатта. Ким ҳам инкор этади?

Райнинг ранги оқарди. Рулни ушлаган қўли ҳам қалтирай бошлади.

— Саволимга жавоб ололмадим. Машинани бирон жойга уриб, мендан бутунлай қутуламан деб, хомтама бўлманг. Мен-ку, барибир, омон қоламан. Аммо сизнинг тирик қолишингиз даргумон. Хўш, менинг тирик юрганам кимга халақит берди?!

— Хабаринг бор, сизлар ўрмонда юрганларингда, мен шаҳардан ҳеч қаерга чиқмаганман. Демакки, Александр Абрамовичнинг ёнида бўлмаганман...

— Йиғиштир эртагингни, кимдан чиқди бу?! Тирик қолишни истасанг, эрга тегиш умидида юрган қизингни яна кўришни хоҳласанг, айтасан. Йўқса, индамай қўяқол. Сен айтмасанг, бошқалар сайрайди. Гапир!

— Генерал... Ҳа, у шундай деди. Дмитрий Андреевичнинг хотини ролини бажариб юрган аёл Анастасия Евдокимовна билан чақчақлашиб юрганингни ҳамма кўрган. Портлашдан олдин Дмитрий Андреевич ва Анастасия Евдокимовна базмни тарк этган. Дмитрий Андреевич махсус мажлисга умуман бормаган. Бундан чиқди, сен улар

билан тил бириктиргансан. Ёки портлаш бўлиши мумкинлигини сезиб туриб, бу ҳақда Александр Абрамовични огоҳлантирмагансан. Айни пайтда портлашдан кейин шефни ажал домидан олиб чиққансан. Бу билан сен унга ўзингни янада яқинроқ кўрсатишга урингансан. Шунингдек, унинг пулларига ҳам эга чиқмоқчи бўлгансан. Мана шу мулоҳазалардан кейин генерал сени орадан олиб ташлашга қарор қилди ва бунга Александр Абрамовични ҳам кўндирди. Сен ўрмондан қайтмаслигинг керак эди. Лекин омадинг бор экан...

Генерал — Александр Абрамовичнинг отаси. Америкада яшайди. Икки марта дуч келганман. Икки сафар ҳам қовоғи солиқ ҳолда кўрганман. Тўғриси, унинг сўхтаси шунчалик совуқки, кўзинг тушиши билан этинг жимирлаб кетади. Ўғли энг муҳим масалаларда фақат у билан маслаҳатлашади. Ва фақатгина унинг айтгани бўйича иш тутади.

— У Абрам Моисеевич — генерал. Наҳотки унинг кўзи заррага тушган бўлса?.. Майли, мени ишонди деб қабул қил. Телевидение, газета мен тўғримдаги маълумотларни қаердан олди? Тўғрироғи, уларнинг бонг уришини ким истади? Ўша генералми? — деб сўрадим Анатолий Гавриловичга еб қўйгудек тикилиб.

— Бунисидан хабарим йўқ. Москвага кетгандим. Ҳисобкитоб масаласида... Агар иложи бўлса, битта чектирсанг, сигарет бардачокда, — дея бир қўли билан бошини силади.

Биз талай муддат жим кетдик. Анатолий Гавриловичнинг башараси қайғули тус олганди. Унга ичим ачиди. Шунинг учун ҳам индамадим. Айни чоғда Александр Абрамовичнинг кейинги режаси нима бўлиши мумкинлиги ҳақида бош қотираётган эдим. Албатта, унинг мен учун ажратиши мумкин бўлган вақти жуда оз. Бироқ ҳадеганда қўлга тушавермаганимни эшитгач, гимирлаб қолади. Кўпроқ вақт ажратишга мажбур бўлади. Айниқса, унинг уйига киришга бўлган уринишим Александр Абрамовични озми-кўпми кўрқитиб қўйган. Шунинг учун бўлса керакки... Йўқ, ҳозирча ишларнинг ҳаммасини Абрам Моисеевич ўз қўлига олган. Бундай пайтда у ўғлини безовта қилмайди. Эҳтимол, у ҳозир она ватанига кел-

гандир. Агар шундай дейдиган бўлсак, кўчада соқчилик қилаётган қўриқчилар хушёр туришарди. Демак, у бу ерда эмас. Москвада. Райнинг Москвага бориб келгани рост бўлса, у генерал билан учрашган. Бундан чиқди, улар фақат молиявий масалалар юзасидан гаплашмаган, орага бошқа муаммо — мен ҳам аралашганман. Йўқса, бу эски тулкининг ўзи қармоқ олиб кўчага чиқмаган бўларди. Ҳозир ҳаяжонланыпти. Ҳатто сигарет ҳам унинг ҳаяжонини босолмаяпти. Бундан чиқди, у қўрқаяпти.

— Сенга тегинмайман, — дедим унга қараб қўйиб. — Лекин ҳисоб-китоб қилиб қўйишимиз керак. Машинани тўхтат.

У уловни йўл четига олиб, тормозни босди. Сўнг менга ажабланганча ўгирилиб:

— Қ-қанақа ҳисоб-китоб? — деди.

— Эсингдан чиқишини билардим. Сен нафақат бошқаларнинг, балки шефнинг ўзини ҳам икки марта чув туширгансан. Бу ҳақда мен сенга айтгандим. Илтимос қилувдинг. «Ярми сеники», девдинг. Ўша қарзни ҳозир оломоқчиман.

Анатолий Гавриловичнинг ранги бўздай оқариб кетди. У қулт этиб тупугини ютди-да, киприкларини пирпиратди.

— Ҳозир ёнимда пул йўқ, — деди лаби гезариб.

— Шунақами? Унда орқа ойна остидаги портфелни олиб қўя қоламан.

— Унда ҳужжат...

— Сен, жойи келса, ўзингни ҳам алдаб кетасан. Бу оддий ҳақиқатни инкор этолмайсан, албатта. Машинадан туш-да, портфелни узат. Қочиб қолишни хаёлингга ҳам келтирма. Чунки мен бехато отаман.

Ҳар қалай, жонини пулдан афзалроқ биларкан, у портфелни олиб келиб, қўлимга тутқазди.

— Яхши, анча фаросатли бўлиб қолибсан, — дея портфелни очдим.

Унинг ичи валютага тўла эди.

— Қанча? — дея сўрадим Райга қарамасдан.

— Икки юз минг, — жавоб берди у.

Унинг овози титраб чиқди.

— Қарзингни, барибир, тўла узолмас экансан. Бу ерда

ярми. Майли, мен кўнгли кенг одамман. Вақти келгунча бемалол кутишим мумкин. Дарвоқе, телефонингдан фойдалансам майлими? Ҳар қалай, сен портфелда ҳужжатлар бор, дегандинг. Бироқ ундай бўлиб чиқмади. Сен алдандинг. Бунинг учун телефонингдан фойдаланишга рухсат беришинг шарт.

Мурдашўй шимининг чўнтагига қўлини тикди.

— Менга наригиси керак. Фақат шефга ишлайдигани, — дедим унинг қўл телефонини айлантириб, томоша қиларканман.

— Портфель... Портфелнинг чўнтагида, — деди зўрға тили айланган Рай.

— Иккаласини қўшиб ҳисоблаганда ҳам нархи минг доллар чиқмайди, — дея телефонларни бир-бирига урдим.

Биттаси синди. Буни кўрган Анатолий Гавриловичнинг кўзи чиқиб кетай деди.

— Буни қара-я, шу матоҳниям жуда мустаҳкам яса шаркан, — дея қўлимдаги телефонларни куч билан ерга улоқтирдим.

Иккаласи ҳам майда-майда бўлиб кетди. Ундан сўнг ҳалигача ўзига келолмаган новча билан пакананинг телефонларини ҳам майдалаб ташладим. Кейин Райни хушидан кетказдим. Шундай бўлгани маъқул эди. Чунки машина яп-янги экан, унинг бирон жойини бузиб қўйгим келмади. Бузган тақдиримда жони бир марта хатарга тушган ҳамда пулидан айрилган, ўзини жуда бечора кўрсатишга устаси фаранг, аммо ўта маккор Анатолий Гаврилович ортиқча ҳаракатга тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

Портфелни кўтариб, тўғри Василийнинг уйига бордим. Мария ташрифимни мутлақо кутмаган экан. Дастлаб ҳайрон бўлганча тикилди. Сўнгра уйига киритди. Мен Васяни сўрадим. Аёл афтини бужмайтирди.

— Мен Сашани бир ёқли қилиб қўяман. Шунақаям ичирадим одам? Кетганингдан кейин нақ уч марта қайт қилди. Ҳозир боши огриганидан каравотда у ёқдан-бу ёққа думалаб ётибди, — деди.

— Уйғоқ бўлса, у ётган хонага киришим мумкинми? — сўрадим жувонга жиддий қиёфада боқарканман.

— Ҳа, ҳа, бемалол. Қизиқ, бу ердан портфелсиз чиқиб кетгандинг, — дея қўлимга қаради у.

— А, топиб олдим. Бирор кунимга яраб қолар, деб кўтариб келавердим.

— Наташанинг ёнига бормадингми?

— Борарман. Иш чиқиб қолди, — дея Марияни четлаб ўтиб, Василий ётган хонага кирдим.

Дарҳақиқат, у бошини рўмол билан боғлаб олган, юзини ёстиққа босиб ётган экан.

— Қаҳрамонни бу аҳволда кўраман деб, сира ўйлама-гандим, — дедим кулиб.

У зўрға бошини кўтариб, кўзини йириб очди-да:

— Сўрама... Ўлганим маъқулроқ эди, — дея жавоб қайтарди ва яна пешонасини ёстиққа тиради.

Мен ортимга бурилдим. Эрининг аҳволидан ғазаб оти-га минган Марияга бошдан-оёқ қараб чиқдим-да:

— Сенга битта илтимос айтсам, бажарасанми? — де-дим.

— Айт, — дея хўрсинди жувон.

— Юз граммгина ароқ бер.

— Нима?! — деди Мария кўзлари каттариб. — Яна ароқми?!

— Ҳозир дорининг ҳам фойдаси йўқ. Сен хавотир олма, у маст бўлиб қолмайди.

Василий ингради ва ёнбош ётганча:

— Худонинг зорини қилаяпман. Бу аёлнинг менда қасди борга ўхшайди, бермаяпти, — деди нолиб.

— Яхши. Лекин бошқа сўраб умидвор бўлмаларинг...

У кетди. Мен Василий ётган каравотнинг бир чекка-сига ўтирдим.

— Ошна, айтсам ишонмайсан, лекин зўр иш бўлди. Агар шу ишда сен ҳам қатнашганингда, қувончдан ёри-либ кетардинг, — дедим.

— Ҳозир ҳеч нима сигмайди бошимга. Кейинроқ ай-тасан. Сенинг келганинг мен учун зўр иш. Ҳар қалай, азобдан қутуламан.

Мария тез қайтди. Унинг қўлидаги стакан ароққа тўла эди. Василий қўли қалтираганча амаллаб идишдаги су-юқликни ичди, сўнг афтини бужмайтириб:

— Ярми сув экан, — деди.

— Ҳа-а, ўлгур, дарров биласан-а нима қўшилганини? Фирт алкаш бўлиб қолибсан, — дея жаврай бошлаган Марияни мен тўхтатиб қолдим.

— Ҳамма билади. Ҳартугул, сен ҳам сув билан ароқнинг фарқига борсанг керак. Муҳими, бизга Василийнинг тезроқ ўзига келиши. Майли, хоним, сиз аччиққина бирон нима тайёрлаб туринг, биз икки оғиз гаплашамиз-у, борамиз.

Жувон менга ҳўмра-йиб қараб қўйди-да, ортига бурилди. Василий бўлса, бошини гижимлади.

— Қани энди, бу оғриқдан қутулсам, — деди ингроқ товушда.

— Беш дақиқада ўтиб кетади. Кўпам ваҳима қилаверма. Камроқ ичиш керак эди. Менимча, Сашанинг аҳволи ҳам сеникидан кам бўлмаса керак.

— Сен, яхшиси, хотинимни бирон ёққа жўнатиб юборгин-да, тозасидан олиб кел. Мариянинг одатини биламан, шу бир стакан сувга икки томчи ароқ ҳам аралаштирмаган. Илгаридан шундай қилади у, — дея ёзғирди Василий.

— Кетмайди, барибир. Ундан кўра озгина чида, ўтиб кетади.

— Бундан ортиғига бардошим етмайди. Шу битта илтимосимни ерда қолдирма.

Ноилож ошхонага кирдим. Мария эндигина музлаткичдан гўштни олган экан, мени кўриб, қошларини чимирди.

— Мария, тез қайтиб келганимнинг сабабини сўрамадинг, — дедим гўё ўпкалаган киши бўлиб.

— Ўзинг дўстингнинг ёнига шошдинг-ку.

— Сен сир сақлай оласанми?

— Бўлмасам-чи.

— Аёлларга ишониб бўлмайди-ю, лекин сен бошқачасан. Биласанми, мен Василий билан бирга ичмагандим.

— Бу мен учун сир эмас.

— Биламан. Лекин бугунги омадли кун учун озгина ичмасам бўлмайди. Менга йўқ демассан?..

— Қанақанги омадли кун? Умуман, сенга хўжайинлик қилишга ҳақим йўқ. Лекин Наташангни кўрсам, ўзим яхшилаб таълим бериб қўяман.

— Бўпти, унгача имкониятим бор экан, — дея рухсатсиз музлаткични очдим.

Мария кўрса ҳам индамади. Эҳтимол, ўзи шундай қилишимни кутган бўлса керак.

— Фақат, — деди у эшикдан чиқар маҳалим, — менга-ям қуйишни эсингдан чиқарма.

Василий, ҳақиқатан ҳам, ярим стакан ароқ ичганидан кейин ўзига келди. Ҳатто кулишга ўзида куч топди. Мен унга портфель ичидаги пулларни кўрсатдим. Боёқишнинг кўзлари ола-йиб кетди.

— Илтимос, жиноятнинг натижаси дема, — деди пуллардан кўзини узмаган ҳолда.

— Қандай тушунсанг тушун, лекин бу пуллар, ҳақиқатан ҳам, меники. Тадбиркорлик натижаси бу. Тўғрироғи, аждаҳонинг оғзидан олинган емиш. Мен сенинг олдингда қарздор эдим. Бутун бошли машинанг йўқ бўп кетишига сабабчи бўлдим. Шунинг учун олиб келдим.

— Қизиқсан-а, Амир, бунча пулга менинг машинамдан ўнтасини беради. Хўш, қандай қилиб шунча давлатга эга бўлганингни айтарсан... Ёки жудаям сирми?... Ҳа, олдиндан огоҳлантириб қўйин, Марияга кўрсата кўрма. Яхшиси, нима қилмоқчилигингни айт.

— Кундузи шаҳарда юриш мен учун оғир экан. Ҳар қадамда Александр Абрамовичнинг одамлари изғиб юрибди. Айниқса, шу атрофда. Битта машина топиб келсанг, биргалашиб Наташанинг ёнига борардик. Марияниям олиб кетамиз, боланг билан бирга. Мен шаҳардан кетишимга тўғри келяпти. Балки сен ҳам шундай қилишинг керакдир, ҳартугул, бу ерда қолиш хавфли.

— Тўғриси, бошим қотиб қолди. Нима де-йишгайм ҳайронман. Марияга кутилмаганда бу ҳақда айтиш... Қолаверса, у ишлайди...

— Ўзинг ҳал қил. Аммо менга машина керак.

— Бўпти, бу ёғини тўғрилайман.

Портфелни Василийнинг ётоғида қолдириб бўлмасди. Шу боис уни ўзим билан олиб, ошхонага кирдим. Мария мен томон қараб қўйди. Бу сафарги қарашида бир олам шубҳа борлиги сезилиб турарди.

Биз овқатландик. Ҳеч ким чурқ этмади. Ҳамма коса-сидаги насибасини ейиш билан овора бўлди.

— Мана, — деди ов-қатини еб бўлган Вася, ниҳоят, орадаги жимликни бузиб, — энди айтса ҳам бўлаверади. Мария, мен билан кетасанми?

Жувон ажабланганча аввал эрига, кейин менга қаради.

— Қаёққа? — деб сўради шу алпозда.

— Ҳозирча билмайман. Россия бепоеён. Шаҳарлари жудаям кўп. Одамлари ундан-да бисёр. Хуллас, бир жойга.

— Васка, мен сенга сира тушунмаяпман. Нима бало, тушингга кириб чиқдим?

— Сенга ҳаммасини кейин тушунтираман. Оленкани кийинтириб, тайёр бўлиб тур. Амир ҳам сизлар билан бирга ўтира туради. Мен унгача битта улов топиб келаман. Саша эскироқ машина бор, деяётгандай бўлувди.

— Лекин бизда пул йўқ-ку.

— Бор, Маренка, бор. Сен айтганларимни бажар.

Василий нақ бир соат деганда қайтиб келди. Мария қайсар кўринса-да, эрига итоаткор экан. Жомадон тайёрлади, қизини кийинтирди. Ўзига оро берди. Мен эса телевизор томоша қилиб ўтирдим.

Йўлга чиққанимизда, ўз-ўзидан кўнглим ғашланди. Василий машинани неча пулга, қандай қилиб сотиб олгани тўғрисида оғзи тинмай сайраб, мен эса нуқул Наташани ўйлардим. Хаёлимда унга бир нима бўлганга ўхшарди. Шу боис Василийнинг ора-чора берган сўроқларига «ҳа» ёки «йўқ» дея қисқа жавоб берардим.

Кўнглим қурғур ёмон-да. Безовта бўлсам, албатта, бирор дилхираликнинг устидан чиқаман. Нега шунақа, ўзим ҳам ҳайронман.

Хавотирларим бекорга эмаслигини шаҳар ташқарисидаги қишлоқчага борганимиздан ке-йин билдим. Қоронғи тушиб қолганди. Шу боис Василийдан уйдан нарироқда тўхташни илтимос қилдим. Кейин машинадан тушдим-да, қолган йўлга яёв кетдим.

Қорайиб турган иккита чет эл машинасини ўн-ўн беш қадам наридан бемалол кўриш мумкин эди. Улар айнан Наташанинг холасининг уйи тўғрисида турарди. Демак, очикчасига бориб бўлмайди. Қоронғи бўлгани учун машина ёнига сездирмасдан бориш имконияти кўпроқ эди. Шу боис машиналарнинг орқа томонига ўтиб, озроқ энгашидим-да, тез-тез қадам ташлаб, биринчи фургонли уловнинг ортига яшириндим. Салон ичкарасига қулоқ тутдим: ҳеч вақо эшитилмади. Аслида, эшитишнинг иложи ҳам йўқ эди. Биринчидан, ичкаридаги товуш ташқарига эшитилмайди. Иккинчидан, салонда кўпи билан бир киши, у ҳам бўлса, ҳайдовчи ўтирган бўлиши мумкин.

Ёшлигимдан ҳайвонларнинг овозини ўхшатишга қизиқардим. Ҳали мушук, ҳали ҳўкиз, ҳали от, ҳали чумчуқ ва яна қанчадан-қанча ҳайвону паррандаларнинг товушини ўхшатаман деб, кунни тунга улардим. Бир-икки марта шу қилигим боис отамдан дакки эшитганман. Дакки ҳам майли, ҳатто калтак еганман. Албатта, бекорга эмас. Бир куни қўшнимиз Остонақул ака отамни сўраб келган экан, қайтиб кетаётганида, йўлини пойлаб, гўзапоя гарамининг орқасига бекиндим. Айни ёнимга келганида: «Миёв! Миёв!» дея бор овозда бақирдим. Шўрликнинг юраги чатоқ экан, ранги докадай оқарди-ю, ўзини ташлаб юборди. Уни ўзига келтиргунча отам ҳам бир ўлимдан қолаёзди. Ахир мабодо Остонақул ака жон таслим қилса, ё мен, ё отам панжара ортига равона бўларди-да... Отам роса урган, ор-қамдан отган тоши елкамга тегиб, қандай оғриқ берганини ҳали-ҳануз эслайман.

Дастлабки миёвлаш ҳеч қанақанги натижа бермади. Машина салонидан қимирлаган товуш ҳам эшитилмади. Ҳар эҳтимолга қарши яна бир марта мушук бўлишимга тўғри келди. Шунда қулоғимга:

— Толстий, анавининг овозини ўчир, эндигина пинакка кетгандим. Ярамас, қайси гўрдан пайдо бўлди? — деган овоз эшитилди.

Орқа ўриндиқнинг эшигини очган шоввоз пешонасига мушт тушишини билмасди. Билмагани учун ҳам, бирдан «Воҳ!» дея башарасини икки қўллаб бекитди.

— Мен сенга озиш керак, деб неча марта айтганман?! — деб бақирди унга шериги. — Бунақада яқинда бошингни бутунлай мажақлаб қўясан.

Толстий деганлари менинг учун яхшигина яшириниш воситаси бўлиб хизмат қилди. Унинг ортида турганим боис шериги мени сезмади... Юмшоққина биқинга мушт текканидан кейин улкан гавда нариги ёғига ағдарилиб, машина салонига киришимга жой очиб берди.

— Ҳўкиз! — дея бақирди ҳали-ҳануз нима бўлаётганини сезмаган шериги. — Агар семиз бўлмаганингда, мен одамга ўхшаб...

У қолган гапини айтолмади. Чунки томоғига тиф қадалганди.

— Нариги машинада ҳам одам борми? Фақат пичирлаб айт, — дедим унга.

— Бор... Икки киши, — деди аранг тутилиб.

— Яхши, энди озгина дамингни олиб тур.

Қулоқ остидаги махсус нуқтага зарбам қаттиқроқ теккани боис у ҳушидан кетди. Кейин семизни ҳам тинчи-тишимга тўғри келди. Фақат ўлмайдиган қилиб. Шунчаки узоқроқ, айтайлик, тонг отгунча мизғишига кўмаклашдим, холос.

Сигарет тутатдим. Биринчи бўлиб пинакка кетган шоввознинг чўнтагидан олгандим. Ўзи сигаретни жинимдан баттар ёмон кўраман. Лекин ҳозир шундай қилишим керак эди. Гарчи тутунни ичимга ютмаётган эсам-да, оғзимга солиб чиқарардим. Бундай бемалол юрганим нариги машинадаги йигитларда шубҳа уйғотмас ва мени ўз одамлари деб ўйлашга мажбур этарди.

Бироқ шу сафар ўйлаганим оби-тобида бўлмади. Қўшни машинага яқинлашишим билан унинг олд эшиги очилди.

— Кимсан? — дея сўради дағал овоз эгаси.

— Бу ерда биздан бошқа ит ҳам бўлмайди, — жавоб бердим унга.

— Нима?

Оралиқ масофа узоғи билан беш қадамча қолган эди. Шу боис жавоб бериб ўтирмасдан, ўнг оёғимни ишга солдим. Туфлимнинг учи билан унинг иягини «силаб-сийпаб» қўйдим. Кутилмаган ҳаракат одамга жуда кўп имкониятлар эшигини очиб бериши мумкин. Мана, масалан, ҳозиргидай. У менинг тепишимни етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди. Шундан фойдаландим. Агар озгина довдирасам ёки бирор нима деб уни чалғитмоқчи бўлганимда, у, албатта, менга қарши ҳозирланар, ҳеч бўлмаганда, ўша биринчи зарбамга чап беришга улгурарди. Хуллас, буниси ҳам тинчигандан сўнг «тил»ни асир туширдим. Унинг бир қўлида пиво, иккинчисида сигарет бор экан. Ойнани очди-да:

— Нима гап? — деб сўради.

Шу пайт у ўтирган томоннинг эшигини очдим. Ишонасизми, мени овлашга келган одам маст эди.

— Сенга нима керак? — деди.

Мен уни шу заҳотиёқ танидим: Александр Абрамовичнинг энг яқин маслаҳатчиларидан бири Лазаревнинг эр-

катой ўғли. Эндигина йигирмадан ўтган. Шунга қарамай, ичкиликка муккасидан кетган эди. У ҳамма нарсага панжа ортидан қарарди. Ҳеч нарсага қизиқмас, ҳаётини шунчаки кайфу сафода ўтказишни хуш кўрарди. Отаси уни вақти келиб гиёҳвандларга қўшилиб қолмасайди, деб кўрқарди. Бу кетишда, албатта, бундан баттари ҳам бўлиши мумкин.

— Лёха, мени танимадингми? — дедим ундан кўзимни узмай.

— Овозинг таниш. Шошма, наҳотки сен Амир бўлсанг?.. — деди у ҳайратланиб.

— Худди ўзи. Нарироқ сурил, қўлингдаги пивомми? Бирга ичамиз, — дедим.

У бажонидил менга жой бўшатиб берди.

— Хўш, эркатой бола, бу ерда нима қилиб юрибсан? — дея сўрадим ундан қўлидаги шишани оларқанман.

— Менми?.. Мен ўйнагани келдим. Қаёққа бораётганимизни суриштириб ўтирмадим. Сўраганимда ҳам айтишмасди. Шунинг учун машинага ўтирволдим. Ҳеч ким мени тушириб юборолмайди. Ўзинг... Шошма, сени қидиришаяпти-ку.

Мен унга жавоб беришдан олдин қулқуллатиб пиво ичдим.

— Ростданми? — дедим кейин ўзимни гўлликка солиб. — Наҳотки қидиришаётган бўлса?.. Ким ўша қидираётганлар?

— Ким кимни қидиради, нега қидиради, билсанг, менга бунинг мутлақо қизиғи йўқ. Муҳими, маишат қилсам бўлгани.

— Тушунарли. Кимлар билан келдинг бу ерга?

— Дмитрий Зайцевни ҳисобга олмаганда, ҳаммаси югурдаклар. Манави уйга кириб кетишди, — дея у қўли билан Наташанинг холасининг иморатини кўрсатди у. — Анча бўлди. Сира чиқай дейишмайди. Улар кириб кетгандан бери уч шиша пивони тугатдим.

Дмитрий Зайцев Лазаревни кўришга кўзи йўқ. Гарчи иккаласи ҳам бир одам учун хизмат қилса-да, тез-тез бир-бири билан айтишиб қолишарди. Ҳеч қачон бири иккинчисининг гапини маъқуллаган эмас. Агар Александр Абрамович ораларида бўлмаганида, иккисидан бири

аллақачон нариги дунёда юарди. Ваҳоланки, улар бирга катта бўлишган. Эшитишимча, ёшликларида жуда иноқ бўлишган, ораларидан қил ўтмаган. Кейин ёшлари улғайгач, Анна исмли қизни бараварига яхши кўриб қолишади. Қиз тушмагур иккисига ҳам йўқ демайди. Бир вақтнинг ўзида ҳар икковининг ҳам кўнглини олади. Вақти келиб, улар бундан хабар топишади. Ана шунда келишмовчилик бошланади. Дўппослашиш, афт-башарасини қонга белаш бора-бора пичоқлашишга айланиб кетади. Буни қарангки, неча марта бир-бирига пичоқ билан ҳамла қилмасин, барибир, ҳар иккиси ҳам омон қолаверди. Тўғри, гоҳ қўллари, гоҳ оёқлари жароҳатланарди, бироқ бу ўлимга олиб бормасди. Битта қиз учун шунчаликка боришади деб, сира ўйламайсан киши. Охири Анна Лазаревни танлади. У билан турмуш қурди. Кейин манави эркатой дунёга келди. Айримларнинг гапларига қараганда, у икки томчи сувдай Зайцевга ўхшар эмиш. Лекин мен ўхшатолмадим.

— Ҳақиқатан ҳам, машинага ўзинг миниб олдингми ёки Зайцев айтдими? — дея сўрадим.

Лёха менга ўгирилиб, қўлимдаги шишани олди.

— Тўғри, Зайцев «Юр, ўйнаб келасан», деганди. Лекин ярамаснинг ўзи нариги машинада келди, — дея Лёха бурнини тортиб қўйди.

— Уларнинг бу ерга нега келганларини биласанми?

— Билмайман. Умуман, билганимда нима?.. Менимча, кимнингдир уйини куйдиришмоқчи бўлса керак. Аммо бекор келибман. Оля ўн марталар кўнғироқ қилди. «Сенсиз зерикиб қолдим», деди. Унинг ёнига борганимда маза қилардим.

— Лёха, ичкарига бирга кирмаймизми? Кўрардинг ярамаслар нима қилишаётганини. Айтганча, отанг Зайцев билан биргали-гингни биладими?

— Билганда, жўнатармиди?

— Мен билан борасанми?

— Бўпти.

— Сўтак, — дея сўкинди у машинадан тушгач, ерда чўзилиб ётган шоввозга кўзи тушаркан. — Онасининг уйида ётгандай оёқларини узатиб олибди. Сенинг ишингми?

— Чарчабди шўрлик. Индама, ётаверсин, — дедим унинг саволини жавобсиз қолдириб.

Биз ичкарига хавф йўқдай бемалол кириб бордик. Олдинда Лёха эди. У ҳар икки қадам босганида, қулқулла-тиб пиво ичиб қўярди. Уй эшигини ҳам у тақиллатди. Ичкаридан «Ким?» деган овоз келди.

— Менман, Лёхаман! Ўлиб қолдиларингми, нима бало?! Қорним очқаб кетди. Нега ўзи сизлар билан бирга келдим-а? — дея қич-қирди Лёха.

Ичкарида кимдир тўнгиллади. Тўғрироғи, сўкинди. Лёха менга қараб илжаркан, кўзини қисиб қўйди. Чироқ ёруғида унинг юзи қандайдир сарғиш кўринарди. Яна унинг қиёфасидан мамнунлик уфуриб турарди.

Оёқ товуши эшикка яқинлашди. Шарақ этказиб кимдир эшик зулфагини туширди. «Шу ергача отнинг юрагидай юрак билан келганлар ичкарига кирибоқ қуёнга айланиб қолишибди-да», дея кўнглимдан ўтказдим ҳамда Лёханинг қулоғига:

— Сен озгина четроқ тур, — дедим шивирлаб.

Эшикни очган кимса мени кўраман деб сира ўйламаган экан, қўлидан тортишим билан мен томонга гуп этиб тушди ва қорни тиззамга урилди-ю, инграганча икки букилиб қолди. Кейинги зарба эса уни ерга қулатди.

— Амир! — деган овоз келди ичкаридаги хоналарнинг биридан. — Хомтама бўлма. Яна қилиқ кўрсатадиган бўлсанг, менинг рўпарамда ўтирган хонимчалар билан бирга шу уйнинг соҳибларини ҳам фақат мурдасини кўрасан.

— Мендан нима истайсан? — дедим тишимни тишимга босиб.

— Орамиздаги англашилмовчиликни тинч йўл билан ҳал қилиш учун шунчаки сулҳ тузишни хоҳлайман. Бошқа ниятим бўлганида, ўзим келиб ўтирмасдим. Бу уйнинг кулини аллақачон кўкка совуриб, эгаларини унинг ўтида куйдирардим.

— Яхши. Унда ўзинг кўриниш бер. Югурдакларинг уйдан чиқиб кетсин. Мен уларга тегинмайман. Ҳа-а, уларинг ҳам жонидан умиди бўлса, қилиқ кўрсатишмасин. Мени биласан, аяб ўтирмайман.

— Келишдик.

Хонадан бирин-кетин тўрт йигит чиқди. Улар мени кўришлари билан ўқрайиб қарашди. Бутун диққатимни ҳар биттасининг хатти-ҳаракатига қаратдим. Чунки бу югурдаклар қандай кўрсатма олганини билмасдим.

— Ўйинчоқларингизни полга ташланглар, — дедим уларга.

Улар бир-бирига қаради.

— Айтганини қилинг-лар, — дея Зайцев ичкаридан овоз берди.

Йигитлар шу заҳоти белларига қистирилган тўппончаларни полга ташлашди. Мен Лёхага қарадим.

— Оғайни, сенга бир илтимос чиқиб қолди. Агар оғир бўлмаса, анавилар ташлаган ўйинчоқларни йиғиштириб, менга олиб келиб берсанг. Йўқ, яхшиси, ўзингда тура турсин. Отангга бу ҳақда айтишни, албатта, кўнглингга тутиб қўйсанг керак...

Мен атайин Зайцевнинг қитиқ-патига тегиш учун шундай дедим. Гарчи уни ҳозир кўрмаётган эсам-да, тахминан башараси қандай тусга кирганини тахмин қилаётган эдим. Зайцев менинг гапларимга қарши ҳеч нима демади.

Йигитлар ёнимдан ҳўмрайиб ўтиб кетишгач, мен Зайцев ва у асир қилган одамлар ёнига бордим. Албатта, Лёха мен билан бирга эди. Зайцев уни кўрганида, қошлари бир-бирига туташиб кетди. Юзи қаҳрли тусга кирди.

— Сен ит нима қилиб бу билан бирга юрибсан?! — деди дағдага билан.

— Бу билан юрдимми ёки сенинг итваччаларинг биланми, нима фарқи бор? Умуман, кўнглимга нима ёқса, шуни қиламан. Кўлидан ҳеч вақо келмайдиган югурдакларингнинг ёнида қолдирмаслигинг керак эди, — деди Лёха ва чўнтагидан сигарет олиб, лабига қистирди.

Зайцев асабийлашганча бошини сарак-сарак қилди. Менинг кўзим Наташада эди. Бечоранинг қўлларини орқасига боғлаб ташлашибди. Юзи қизарган, сочлари тўзгиганди. Қолганларида деярли ўзгариш йўқ эди. Лекин ҳаммасининг қарашларида кўрқув аломатлари бир олам эди. Ўзиям бу зўравонлар нақ юракларини ёраёзганга ўхшайди. Бироқ шунга қарамай, Веранинг нигоҳида қандайдир

мамнунлик аломатлари бор эди. Ана шу нарса мени таажжубга солди. Бироқ ҳозир унга ортиқча эътибор беришнинг вақти эмасди.

— Лёха, ўғил бола, — дея ёнимдаги йигитчанинг елкасига қоқдим. — Сенинг олдинда яна қарздор бўлиб қола-япман. Қара, бу ярамаслар аёллигига ҳам қарамасдан, Наташанинг қўлларини боғлаб қўйишибди. Шуни ечиб юборсанг.

Наташа бирдан бўйнимдан кучоқлаб, йиглаб юборди. Шунда унинг юраги гупиллаб ураётганини сездим.

Зайцевнинг қовоқ-тумшуғи осилиб кетган эди. У, иложи бўлса, шу ердагиларнинг ҳаммасини ямламай ютишга тайёр эди.

— Қутулдингми? Энди хонани бўшатиб қўй, биттангнинг ҳам қорангни кўрмайин бу ерда, ярамаслар! — деди.

Бу билан Зайцев мени сариқ чақага олмаслигини, керак бўлса, ҳозирнинг ўзидаёқ суробимни тўғрилаб қўйиши мумкинлигини хонадон аҳлига кўз-кўз қилмоқда эди. Шунингдек, келиб-келиб, мана шу жинқарчага ишониб ўтирибсизларми, деган фикр ҳам йўқ эмасди унинг миясида.

Наташа нажот истаб, менга қаради.

— Ғаламиснинг айтганини қилинглар, — дедим кулиб.

Зайцев ўрнидан туриб кетди. Лаблари пирпиради. Қўли чўнтагига кирди. Бундай ҳаракатдан билдимки, унинг киссасида қуроли бор.

— Фақат ташқарига чиқиб кетманглар, ҳовлида қашқирлар тишларини қайраб туришибди, — дея Наташанинг пешонасидан ўпиб қўйдим.

— Ошириб юбормадингми? Ҳаддингдан ошаяпсан, — деди Зайцев иккаламиз қолганимиздан кейин.

— Саломга яраша алиқ олишни хуш кўраман, ҳурматли маслаҳатчи, — дедим киноя билан. — Энди гапни чувалаштирмасдан, мақсадингизни айтинг.

У дарров сўзламади. Шошилмасдан чўнтагига қўлини тиқиб сигарет олди-да, бир донасини лаблари орасига қистириб, тутатди. Кейин гугурт чўпининг орқа томони билан тишларини ковлай бошлади.

Мен бундай руҳий синовдан ўтиб кетганимга анча бўлган эди. Ҳозир мен эмас, Зайцевнинг юраги сиқилиб

кетаяпти. У эртароқ ичидагиларни ташқарига чиқаргиси, мен билан бир битимга (албатта, мабодо кўнглида шунақанги истаги бўлса) келса-ю, бош-қалар битиролмаган ишни силлиққина, ҳеч бир талофатсиз битирганидан гўдайиб, гумашталарининг ёнига кетса, кейин генерал жанобларига кўнғироқ қилиб: «Ҳеч кимнинг қўлидан келмаган ишни хамирдан қил суғургандай осонгина битирдим. Яқинда чурвақанинг бошини ўз қўлим билан сизга топшираман», деб хожасининг олдида ўз обрўсини яна бир поғона кўтариб олса.

— Йигитларингиз жудаям бўш, — дедим охири сукунатни бузиб.

— Нега энди? — дея менга қараб ўқрайди Зайцев.

— Машинадагиларнинг ҳаммаси чўзилиб ётишибди. Қолганлари ташқарида «Нима бўларкан?» дея кутиб туришибди. Бундан кўра ишга киришганларида...

— Менга қара, кимга қарши тураётганингни билаяпсанми ўзи? Агар сенга ўхшаган ўғлим бўлганида, аллақачон баҳридан ўтган бўлардим. Яхшиси, ўзинг идорага бошингни эгиб бор. Хато қилдим, мени кечиринглар, де. Балки шундагина жонинг омон қолар.

— Шунга айтиш учун бу ерга келганман, десангиз, ишонмайман. Ундан кўра, мақсадга кўчинг.

— Антон Гавриловичдай жуда катта иқтисодчига ҳамла қилгансан. Бунинг учун нафақат биз, балки юқоридагилар ҳам сени ҳоли- жонингга қўймайди. Сенинг олдингда ягона йўл турибди. У ҳам бўлса, кечирим сўраб боришинг ва аввалги хизматингни давом эттиришинг. Агар шундай қиладиган бўлсанг, мен ўзим орага тушаман. Тўғри, аввалгидай хуфия бўлолмайсан. Аммо бошқа ишлар ҳам тиқилиб ётибди. Чет элга кетасан. Янги очилган компанияда ишлайсан. Очигини айтсам, унақанги ишга ҳаммани ҳам олаверишмайди. Дарвоқе, битта янгилик: Александр Абрамович жарроҳлик операциясидан жуда яхши ўтди. У сени эслади.

— Маккорликда сизга тенг келадиган одам йўқлигини ҳамма билади. Лекин ҳозирги гапларингизга боғча боласини ҳам ишонтиролмайсиз. Бошимни эгиб борадиган бўлсам, мени нималар кутиб тургани кундай равшан. Жаноб, яхшиси, бўладиган гапни гаплашайлик. Майна-возчиликнинг нима кераги бор?

— Демак, сен тинчликни истамайсан. Биз билан ўлгу-нингча курашмоқчисан. Афсус, нима ҳам қилардим? Биз бундан бу ёғига ўзимизнинг тижорат билан шуғулланамиз. Сени эса бошқаларга топширамиз ва бунинг учун уларга яхшигина ҳақ тўлаймиз.

— Қўрқитмоқчимисиз?

— Нега энди? Сен қўрқадиганлар хилиданмассан. Ай-тиб қўймоқчиман, холос. Чунки майда-чуйда ишлар билан шуғулланишга бизнинг мутлақо вақтимиз йўқ. Бу ёғини ўзинг яхши тушунасан.

— Келишолмадим деб ҳисобланг ва ўзингиз айтган махсус одамларга топшириб юборишингиз мумкин. Лекин менинг мўлжалим бўйича сизнинг оилангиз, қолаверса, Лёха ва унинг отаси ҳам урушдан четда қолмайди. Албатта, иштирок этишади. Ахир бусиз уруш жудаям зерикарли бўлиб кетади.

— Сен менинг оиламга тил теккиза қўрма.

— Лекин сиз аллақачон меникига тил теккизиб бўлдингиз. Ундан кейин Лазаревнинг она сути оғзидан кетмаган ўғлини бу ерга етаклаб келиш шартмиди? Бундан Лазаревдан кўра боланинг онаси кўпроқ хафа бўлади. Билсангиз, ўша аёл билан бир марта учрашганман. Албатта, хизмат юзасидан. Ростини айтсам, гўзаллигига гап йўқ. Ҳозир у шунчалик мафтункор экан, ёшлигида қандай бўлганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Мен сизга айтсам, дидингиз чакки бўлмаган экан. Лекин омад сизни четлаб ўтибди. Начора...

Зайцев қизариб кетди. Томоқ тугмасини ечди. Сўнг чуқур нафас олди-да:

— Бунга сенинг мутлақо дахлинг йўқ. Ўзингни сақлаб қолишни ўйла, — деди.

— Унда гапимиз тамом. Сиз бориб бемалол урушга тайёргарлик кўраверинг.

Зайцевнинг бардоши охирги нуқтасига етган эди. Шу боис у бирдан чўнтагидан тўппончасини олди-да, менинг пешонамга тўғрилади.

— Афсуски, — дедим ўзимни мутлақо хотиржам тутиб, — ўқланмаган қуролни кўтариб келибсиз.

Зайцев оний лаҳза ичида қуролига кўз ташлади ва хатога йўл қўйди. Мен шу заҳоти тўппончасини тортиб олдим.

— Сиз бениҳоя улуг одамсиз. Сиз қўлингиз билан эмас, бошингиз билан уришишингиз керак. Нега энди ҳамма нарсага етган ақлингиз шунга қолганда оқсайди? Ўйлайманки, бундан кейин хатога йўл қўймайсиз. Чунки бунга сира имконият бўлмайди. Негаки ўликлар ҳаракатланмайди-да. Тўғрими?

Зайцевнинг ранги бўздай оқариб кетди. Унинг кўзларидаги олдинги қаҳру газабдан асар ҳам қолмади.

— Лекин сен ҳам тирик қолмайсан. Уйни тўла миналаштириб қўйганмиз. Яна беш дақиқадан кейин чиқмасам, портлаш юз беради ва сен осмонга учиб кетасан, — деди у қўллари қалтираб.

— Дмитрий Радионович, сиздан бу гапни кутмаган эдим. Мен сизнинг олдингизда ёш боламан. Аммо бу мени уят дейишимдан қайтариб қололмайди. Наҳотки ўлимдан шунчалик қўрқсангиз?.. Бир ҳисобдан қўрққангиз ҳам дуруст. Ахир озмунча маблағ йиғиб қўйдингизми? Бунинг устига, худо сизни фарзанддан ҳам қисиб қўйди. Молу давлатингизни кимга ташлаб кетасиз? Агар соғлом фикрласангиз, қанчалик боши берк кўчага кириб қолганингизни ва бу кўчадан фақатгина ўлим орқали чиқиб кетишингизни англаб етасиз.

— Балки майнавозчиликни йиғиштирармиз, — дея Зайцев стол устидаги қутидан яна бир дона сигарет олиб тутатди ва тутунни ичига чуқур ютди.

— Тўғри айтасиз, — дея мен энди унинг пешонасига тўппонча тирадим. — Ишни ҳал қилиб қўя қолайлик.

Шундай дейишим билан йўлак томондан шовқин эшитилиб қолди. Лёха кимнидир сўқди. Наташанинг инграгани эшитилди. Вера нималардир деб қарғанди.

Мен нима бўлганини билиш учун йўлак тарафга юрдим. Атайлабдан кўзимни Зайцевдан олдим. Чунки унинг ҳаракатини билишим лозим эди. У мендан нигоҳини узмаган кўйи нимадандир умид қилиб ўтирди ва мен ҳам биринчи марта алданиб қолдим. Чунки бутун диққатимни йўлакка қаратиб, Зайцевда яна битта тўппонча борлигини унутган эдим.

Лёха ташқарига чиқиб кетганлардан ундирган тўппончалардан бирини Наташанинг томоғига тираб турар ва нуқул иржаярди.

— Лёха, сенга нима бўлди? — дедим гўё унга ачинган бўлиб.

— Айтдим-ку сенга, саргузаштларни ёқтираман деб. Бунинг устига, агар сени қўлга олишда қаҳрамонлик кўрсатсам, бошқаларнинг ҳурматига сазовор бўламан. Отам ҳам менга лапашанг, қўлидан бир иш келмайдиган маишатпараст деб қарабини бас қилади. Чўнтагимни пулга тўлдириб беради.

— Жиннилик қилма, Лёха, сен бошқаларга ўхшамайсан. Қўлингни қонга ботирма, — дея бир қадам босиб унга яқинлашдим.

— Лёха! — деган овоз келди шу пайт орқа томондан. — Бўшашма, ўғлим! Сен билан фахрланаман.

Мен ўгирилиб овоз эгасига қарадим ва Зайцевнинг қўлида тўппонча кўрдим. У менга қаратилган эди.

Тўғриси, бунақанги аҳволдан тирик чиқиш даргумон. Ҳар қанча чаққон, уддабурон бўлмагин, пешонангга мўлжаллаб отилган ўқдан омон қололмайсан. Айниқса, масофа бор-йўғи уч-тўрт қадамни ташкил этиб турганда. Ноилож тақдирга тан берасан. Ноилож ўтган умрингни шу оний лаҳзада хаёлингдан ўтказасан. Қалбингда бир олам афсус, армон пайдо бўлади. Лекин буларнинг бари сариқ чақага ҳам арзимаёди. Боягина Зайцев ҳам шу аҳволга тушган ва худди мен каби азобланган бўлса, не ажаб. Ҳаммасидан ёмони, мени деб бир бечора айбсиз қиз ҳам қурбон бўлиш арафасида турибди. Ҳеч бўлмаганда, уни сақлаб қололганимда, ҳартугул, кўнглим таскин топган бўлармиди?.. Бекор қилдим. Ҳа, худди шундай. Наташани ўзимдан узоқлаштирганимда, ортиқча ҳиссиётларга берилмаганимда, ҳозиргидай виждон азобида қийналмаётган бўлардим. Қолаверса, жонимни сақлаб қолиш учун имконият кўпроқ бўларди. Албатта, ёлғиз ўзимни ушлаб олиш мушкул. Кўп ташвиш келтираман буларнинг бошига. Бироқ Наташа ёнимда экан, уларнинг иши анча осонлашади. Энг ёмон томони, мен Наташага яқинлигимни сездириб қўйдим. Мана шу энг катта хатом бўлса, ажаб эмас.

— Ўғлим?! — деди кутилмаганда бақириб юборган Лёха. — Сен тирриқ мени “ўғлим” дедингми?!

У аввал Наташани итариб юборди ва Зайцевга қарата

кетма-кет икки марта ўқ узди. Бу пайтда мен ўзимни полга ташлашга улгурган эдим.

Дмитрий Радионович орқаси билан қулади. Қўлидаги тўппончаси эса отилиб кетди. Шўринг қурғурга тепкини босиш насиб этмади. Ёши ўтиб қолганлиги чаққон ҳаракат қилишига ҳалақит берди.

— Тур ўрнингдан! — дея бақирди Лёха менга. — Сенларнинг ҳаммангни бир ёқли қиламан! Ҳаммангни гўрга тикаман! Мени ким деб ўйлагандиларинг? Лапашанг, қўлидан ҳеч вақо келмайдиган такасалтанг, пиёниста! Шундайми?!

Шу пайт Наташа унинг қўлига ёпишди. Лёха тинимсиз тепкини босарди. Лекин унинг ҳамма ўқлари деворга бориб тегаётган эди. Дарров Наташага ёрдамга шошилдим. Ҳартугул, улгурдим. Лёханинг қўлидан қуролни олиб, башарасига мушт туширишга мажбур бўлдим. Шундай қилмаганимда, унинг бошқа қилиқлари ҳам чиқар, етти ухлаб, тушга кирмайдиган ташвишлар келтириши мумкин эди. Худди ҳозиргидай. Ахир мен унга ишонгандим. Нима бўлган тақдирда ҳам, бетайинликка қўл урмайди деб ўйлаган эдим. Аммо бу ишратпараст йигитча одам ўлдиришни хоҳлаб қолди. Яна келиб-келиб, мени танлади. Эҳтимол, Зайцев эҳтиётсизлик қилиб қўймаганида, мақсадига ҳам етар ва унинг ўрнида мен қонимга бела-ниб ётган бўлардим.

Бирин-сирин уйга бостириб кирган Зайцевнинг югурдаклари кеч қолишган эди. Чунки мен аёлларни аллақачон яқиндагина ўзим Дмитрий Радионович билан бирга ўтирган хонага жўнатиб, ўзим эшик ортида пойлаб тургандим.

— Қандай уришамиз? — дедим бостириб кирганларга тўппонча ўқталиб. — Менинг имкониятим сизларникидан кўп. Бошлиқларинг қўлимда, у ҳали ўлгани йўқ. Лекин ўлиши мумкин. Айни сизларнинг бефаросатликларинг туфайли. Бу ярамаснинг тиригидан ўлиги қимматлигини мендан кўра яхшироқ билсанглар керак.

Босқинчиларнинг иккитаси қурол ушлаб турарди. Бироқ улар шунчалик юрак олдириб қўйганидан ҳатто қўллари қалтирарди. Сабаби улардан камида биттаси мени танирди. Танимаган тақдирида ҳам, каминанинг ортидан бўлган

гап-сўзлар шовқини уларни кўрқитган бўлса керак.

Улар бир-бирига қаради. Аммо ҳеч биридан садо чиқмади.

— Гап бундай. Мен сизларга имкон бераман. Хўжайинларингни оласанлар-да, беш минутга қолмасдан даф бўласанлар. Шунда ҳеч ким ҳеч қанақа жабр кўрмайди. Энди қуролларни туширинглар. Мана, мен ҳозир чўнтагимга соламан. Ўйлайманки, уни қайтариб олишимга ҳожат қолмайди.

Улар айтганимга кўнишди. Зайцевни кўтариб, ташқарига чиқиб кетишди. Бироздан сўнг ташқаридан машина моторининг гуриллаган товуши эшитилди. Бунгача хонадон аҳли қимир этмади. Ҳаммаси бирдай мени ёмон кўриб ўтирганини билардим. Лекин начора, ҳар уйилган қовоқ рўпарасида ўтиришга мажбур эдим.

— Мени кечиринглар, — дедим машиналар кетгач. — Бунақа бўлиши тушимга ҳам кирмаган экан.

— Ҳимм, — дея бошини қимирлатди Наташанинг поччаси, — сенинг тушингга ҳам кирмаган. Лекин биз ўнгимизда, сал бўлмаса, инфаркт бўлаёздик. Аслида, кимлигингни айтиб берарсан. Уйимизга қанақанги жиноятчи кирганини, Наташани қандай қилиб йўлдан урганини билишимиз керак-ку!

— Амир ҳеч қанақанги жиноятчи эмас. У мени йўлдан урмаган.

Наташа гўё ўзига ўзи сўзлаётгандай нигоҳини полдан узмаган кўйи гапирди. Шунга қарамай, унинг овозида қатъият бор эди. Яна алам ҳам.

— Унда ўзинг айтиб берарсан уйимизга кимни бошлаб келганингни? Ёки милицияга хабар бериб, «Уйимизда жиноятчи яшириниб ўтирибди», дейликми? Телевизорда кўрсатишганида, “Икки томчи сувдай ўхшаркан”, девдинг. Хўш, энди-чи?

Аркадий Иванович ўрнидан туриб кетди. Уни дастлаб кўрганимда, менда бутунлай бошқача таассурот қолдирганди. Бунақанги одамлар мард бўлади, деб ўйлагандим. Лекин унинг ҳозирги қарашлари бутунлай бошқача мазмун берарди. Эҳтимол, унинг ўрнида бошқа биров бўлганида ҳам, шундай қилар эди. Ахир ким ҳам тинчи бузилишини истайди?

У хонадан чиқиб кетди-да, икки дақиқа ҳам ўтмасдан, қайтиб келди. Қўлида бир шиша ароқ билан стакан бор эди.

— Кетинглар. Мен қолган умримни осо-йишталикда ўтказмоқчиман.

Шундай дея у стаканни тўлдириб ароқ ичди. Бундай пайтда одамнинг афти бужмаяди, ҳеч бўлмаганда, бурни-ни ишқалайди, лабини артади. Аркадий Иванович эса худди сув ичгандай эди.

Мен эшик томон йўналдим.

— Шошма, — дея қўлимдан ушлаб қолди Аркадий Иванович, — озгина олиб кет. Асабийлик ортга чекинади.

— Раҳмат, муҳтожмасман. Бу ердан кўчиб кетишларингга тўғри келади. Иложи борица тезроқ. Рост, мен бундай бўлишини билмагандим.

Бошқа гап айтмадим. Ташқарига чиқиб, муздай ҳаводан ўпкални тўлдириб нафас олдим. Лёха изимдан чиққан эди. Унга ўгирилдим-у, юзига шапалоқ тортиб юбордим.

— Мен сенга ёрдам бердим-ку! Нега урасан? — деди у овози қалтираб.

— Эртароқ йўқол, ярамас. Бўлмаса, ўлдириб қўяман! — дея бақирдим.

Шунга мажбур эдим. Агар уни қувиб юбормайдиган бўлсам, яна анча-мунча ташвиш келтириши мумкин эди. У бошини эгди. Бурнини тортиб қўйди. Сўнггра:

— Ҳозир борадиган жойим йўқ. Эрталабгача шу ерда қолсам майлими? — дея рухсат сўради.

— Бунга мендан эмас, Аркадий Ивановичдан сўра. Ҳа, ҳозир унга улфат сув билан ҳаводай зарур. Озгина хушомад қилсанг, шишасидаги ароғидан қуйиб беради, — дедим.

Сўнг Наташанинг чиқишини кута бошладим.

Шаҳарнинг гарбида тахминан ўттиз тош узоқликда Александровка қишлоғи бор. У ерда Нормурод исмли чол яшайди. Ёши етмишдан ошган. Бир пайтлар унинг отасини шу ерга қулоқ қилиб жўнатишган. У кейинроқ оиласини ҳам олиб келган. Шу-шу, ўтроқ бўлиб қолишган. Рус қизига уйланган Нормурод тўрт фарзанд кўрган.

Икки қиз, икки ўғил. Ўғиллари гўдаклигида nobуд бўлган. Қизлари эса турмушга чиққан. Ҳозир чол-кампир бири-бирига суяниб яшайпти. Улар билан танишганимга беш йилдан ошди. Ҳар гал уйларига борсам, базм бўлиб кетади. Кампир тушмагур мени еру кўкка ишонмайди. Нормурод отанинг жаҳли чиқади. «Ўғил болани бунчалик эркаламайди!» деб бақиради кампирига. Кампир: «Сенинг ишинг бўлмасин. Болам бечора дам олиш нималигини билмаганидан озиб кетибди», дейди чолига жавобан. Уларни кузата туриб, ота-онамни эслайман. Кўксимда алланима туриб қолади. Чол-кампирга эса ҳавасим келади.

Василийга кета-кетгунча қишлоқ йўлини кўрсатиб бордим. Хаёлимга бир нарса келганди: «Ахир анави ярамаслар мени йўлда пойлаб турган бўлишлари мумкин-ку». Ке-йин дарров бу хаёлни қувиб солдим. Сабаби Зайцев оғир аҳволда эди. Елка ва билагидан қон сизиб чиққанини ўзим кўргандим. Бундай жароҳат билан яшаб қолиш мумкин, фақатгина вақтида касалхонага етказилса. Акс ҳолда, кўп қон йўқотиш натижасида жони узилиши ҳам ҳеч гап эмас. Ўйлайманки, унинг атрофида юрганлар бошлигини ўлдириб қўядиган даражада аҳмоқ эмас.

Машина бир текис кетиб борарди. Мен мумкин қадар кўпроқ ҳордиқ чиқариш мақсадида кўзимни юмиб олгандим. Ахир чол билан кампирнинг ёнига борганимдан кейин ҳам камида икки соат ухлай олмайман.

Вақт алламаҳал бўлганида манзилга етиб келдик. Нормурод отанинг чироғи ёниқ эди. Парда тутилмаган деразадан унинг эгилиб тураётгани — намоз ўқиётгани кўришиб турарди. Одатда, бундай маҳалда намоз ўқилмайди. Аммо чол... Майли, ниманидир билса керакки, ўқияпти.

Машинадан тушганлар деразага қараганча тўхтаб қолганимни кўриб, ҳайрон бўлишди.

— Бу ерда ҳам нотинчликмикан? — деди Василий мени туртиб.

— Йўқ, ҳаммаси жойи-да. Чол намозини ўқиб бўлгунча кутишимиз керак.

— Шунақами? — дея бурнини тортиб қўйди Василий ва чўнтагидан сигарет чиқариб, лабига қистирди.

У ҳеч вақони тушунмаган эди. Шундай бўлса-да, жид-

дийлашганимдан чол қандайдир масъулиятли амални бажараётган бўлса керак, деган ўйга борди.

Биз қарийб ўн беш дақиқа ташқарида турдик. Наташа пинжимга тикилган, унинг синглиси Анна бўлса, опасининг оёқларини қучоқлаб олган эди.

Ниҳоят, Нормурод ота қаддини ростлади. Жойнамозини қўлига олаётиб, ташқарига нигоҳ ташлади ва бизни кўрди.

— Ким? — деди деразанинг битта табақасини очиб.

— Нормурод ота, мен — Амирман, келдим, — дея илжайдим.

Талай муддатдан бери биринчи марта она тилимда сўзлаётган эдим, шу боис тилим озгина тутилгандай бўлди.

— Амир! — деди чол овозини бироз баландлатиб ва бир муддат тикилганча туриб қолди. — Амир... Амир, нима қилиб турибсан? Ўйга кир... Ҳозир чиқаман.

Нормурод ота менга бағрини очди. Одатдагидай кўксимга юзини босиб ҳидлади.

— Барибир, мендан кейин келгансан. Барибир, сендан ҳалигача тупроғимнинг ҳиди келиб туради, — деди яна ҳар галгидай.

Кейин бошқалар билан кўришди. Фақат қўл бериб.

Ичкарида унинг аёли бизни кутиб турган экан, у ҳам дарров жилмайиб, лабини пешонамга босди. Соғиниб кетганлигини айтди. Кейин дарров таом тайёрлашга тушиб кетди. Мария билан Наташа унга кўмаклашишларини айтишди. Вера эса роса чарчаганини, асаблари жойида эмаслигини, ухлашни истаётганини айтганида, ҳеч ким ажабланмади. Хонадон бекаси:

— Юр, тўнғич қизимнинг каравоти неча вақтдан бери бўш. Ётиб би-ир иситиб бер, — деди мулойимлик билан.

Овқатдан кейин эркаклар алоҳида, аёллар алоҳида хонада ўтиришди. Мен Нормурод ота билан деярли тонг отгунча суҳбатлашдим. Шўрлик гоҳ-гоҳида тўлиқиб кетар, шундай пайтларда йиғлаб юбормаслик учун кўзларини маҳкам юмиб оларди. У она юртининг тупроғини соғингани. “Қишлоғимнинг тупроқ кўчаларида ёш боладай югуриб ўйнашни тусайди кўнглим. Лойқа сувда чўмилишни хоҳлайман. Кейин иссиққина балчиққа беланиб ётсам, дейман. Бунинг учун жудаям қарилик қила-

ман. Лекин ич-ичимдан шуни хоҳласам, нима қилай?” дейди у. У гапиргани сайин қишлоғимни хотирамда тиклайман, мен ҳам ичикаман. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу ерлардан қочиб кетгим келади. Аммо мен билан Нормурод отанинг гапларини Василий тушунмайди. Албатта, биз унинг ҳурмати учун рус тилида гаплашардик. Бироқ, барибир, тупроқ кўчада оёқяланг юриш, ҳамсояннинг ўриги устига чиқиб, довучча териш, бундан олам-олам завқ олишни у ақлига сиғдиrolмасди. Шунинг учун дарров зерикди. Бунинг устига, ароқ ҳақида оғиз очиши билан Нормурод ота газабланиб:

— Тавба қила бошлаганимга ўн беш йилдан ошиб кетди. Битта сенинг кўнглингни оламан, деб шунча қилган тоат-ибодатимни ҳавога совурмоқчи эмасман. Кейин намоз бир кунда беш маҳал ўқилади. Лекин ярим кечада ўқиладиган намоз йўқ. Бу ҳар кимнинг ўз ихтиёрига берилган. Мен ҳар оқшом деярли икки соат ибодат қиламан. Бунинг сабабини сен тушунмайсан. Мен эса тушунтиришни истамайман. Аёлим ҳам намоз ўқийди. Ароқ деган нарсани бошқа тилинг-га олма. Тамом-вассалом, — деди.

Василийнинг бирдан дами ичига тушиб кетди. Унинг роса ичгиси келаётгани юз-кўзидан кўриниб турарди. Аммо чидашдан ўзга чораси йўқ эди. Шу боис кўп ўтиролмади.

— Неча йиллардан бери биринчи марта ичкиликсиз кун ўтказдим. Қойил, энди менга рухсат берсанглар, ухласам. Ҳар қалай, ҳайдовчиман. Эртагаям анча йўл бошишга тўғри келади, — дея ўрнидан турди.

У кетгач, Нормурод ота:

— Сени охирги пайт-ларда қайгули кўраяпман. Қачон қарама, нимадандир бошинг қотган, — деди.

— Йўғ-э, балки сизга шундай кўринаётгандир. Яхшиман, фақат иш кўплигидан чарчаб қолаяпман, шекилли.

— Йўқ. Сен чарчайдиган ёшга етганинг йўқ ҳали. Сен билан келганлар кимлар ўзи? Нега уларни эргаштириб юрибсан? — дея сўради Нормурод ота кўзимга тикилиб.

— Нима десам экан? Умуман олганда, бегоналар эмас. Қолаверса, шу пайтгача сизга ёлгон гапирган одам эмасман. Биттаси қайлиғим. Қолгани таниш-билишлар...

— Қайлиғим дединг-ми? — дея гапимни бўлди чол. — Никоҳ ўқитилганми?

— Йўқ, энди шу қизга уйланмоқчи бўлиб юрибман.

— Уят бўлсаям, сўрайин. У билан битта хонада қолганмисан?

Нормурод отанинг нима демоқчилигини англаб, иккала юзим ҳам қизариб кетди. Дарров ундан кўзимни олиб қочдим.

— Тушунарли, — деди чол бошини сарак-сарак қилиб. — Ҳов бола, мен ёшлигимда шундай иш қилганим учун ҳалигача ўзимни кечиролмайман. Уям падар лаънати ароқнинг орқасидан бўлувди. Сен туппа-тузук йигитсан. Ёшинг ҳам кичкина эмас. Сен тенгиларнинг камида учтадан боласи бор. Ўттизга кирган йигитнинг ўтин терар ўғли бўлсин, деган гап бекорга айтилмаган. Бошингни иккита қилиб олиш ўрнига ҳаром-хариш ишлар билан шуғулланиб юрибсанми? Ўтган сафар келганингда: “Атрофиндагилар яхши одамлар эмас, улардан узоқроқ юр”, дегандим. Сен бўлсанг, гапларимни сариқ чақагаям олмабсан-да. «Ота-онам узоқда, билган нағмамни чалиб юравераман», дебсан-да...

Нормурод ота гапиргани сайин бошим эгилиб кетаверди. Очиғи, ўзимни нима деб оқлашни билмасдим. Чунки ота уч юз фоиз ҳақ эди.

— Мендан хафа бўлма, — деди чол бироз танаффусдан кейин кутилмаганда юмшаб. — Сен билан битта тупроқдан бўлганим учун, ичим куйганидан гапираяпман. Менку, шу ерда бир умр қолиб кетдим. Ватанимда мени танийдиган одамнинг ўзи йўқ. Керак бўлса, ўша тупроққа бегоналашиб кетдим. Сен ҳам менинг аҳволимга тушиб қолмагин, деяпман-да. Иттифоқ даврида минг хил баҳоналар билан отамни юртга қўйиб юборишмади. Аввал онам, кейинроқ отам, акам, иккита синглим ўлди. Ҳаммасини шу ерда тупроққа топширдим. Энди уларни ташлаб кетолмайман...

Ота кўзидаги ёшини ортиқ ушлаб туролмади. Бошини эгди. Тирсагини столга тираб, кафти билан пешонасини уқалади. Қулт этказиб икки марта ютинди. Шу билан жимиб қолди. Талай муддат шу тахлит ўтирди. Мен унга халақит бериб қўйишдан чўчиб, қимир этмасдим.

— Энди бор, дамингни ол. Ҳар қалай, бир умр меникида яшаш учун келмаган бўлсанг керак, — деди чол бироздан сўнг.

Мен ётоққа кирганимда, бошим хумдай шишиб кетганга ўхшарди. Танам оғирлашган, ўзимни жуда ёмон ҳис қилардим. Бундай маҳалда ухлай олмайдиган одатим бор эди. Бироқ шу сафар пинакка кетдим. Ўзиям бошим ёстиққа тегиши билан қотиб қолибман.

Уйгонганимда қуёш терак бўйи кўтарилган экан. Бошқалар аллақачон уйқудан туриб, нонушта қилишга ҳам улгуришибди. Ноқулай бўлди. Шунинг учун ташқарида бир муддат айланиб юрдим. Уйга кирдим. Наташа қулогимга шивирлаб:

— Зўр янгилик бор, — деди.

Ҳайрон бўлиб, унинг юзига термилдим. Хаёлимдан «Наҳотки оғироёқ бўлиб қолган бўлса?» деган ўй яшин тезлигида ўтди. Шунга қарамай, ҳатто жилмайиб қўймадим. Буларнинг одати бўйича агар ҳозир мени ўйлантирган каби янгиликни эр томон сезиб қолса, албатта, жилмайиши ва ўзига фарзанд ато этмоқчи бўлган жувоннинг юзидан ўпиб қўйиши лозим эди. Менда эса хавотир пайдо бўлганди. Чунки ҳали никоҳимиз йўқ. Никоҳсиз туғилган боланинг тақдири эса, албатта, мақтагулик бўлмайди.

— Бизга миқ этмади, — деди гугурт қутисини стол устида юмалатиб ўйнатаётган Василий.

— Сиз-ку, майли, мен энг яқин дугонаси бўлсам ҳам, яширди. Менимча, дугоналигимизга дарз кетганга ўхшайди.

Наташа жилмайди:

— Ҳаммасини ўз вақтида билганларинг яхши, шошилманглар. Ҳозир айтиб қўйсам, қизиғи қолмайди.

Ҳартугул, хушxabар экан, дея хаёлимдан ўтказдим. Кўнглим равшанлашди. Шу боис иштаҳа билан нонушта қилиб, ташқарига чиқдим. Нормурод отанинг ҳовлиси хийлагина кенг. Олхўриси, олмаси бор. Ток ҳам эканди. Бироқ ҳозир уларнинг бирортасида ҳам мева йўқ. Ҳадемай совуқ тушиб қолиши боис бари аллақачон тегиб олинганди. Боғ ўртасидаги ўриндиққа ўтириб, тоза ҳаводан симирдим. Кўп ўтмай, ёнимга Наташа келди. У

елкамга бошини кўйиб, бир-икки марта ўксик нафас олди, сўнг:

— Амир сендан кўрқдим, — деди.

— Нега? Наҳотки шунчалик кўрқинчли бўлсам? — дея жилмайдим.

— Сенинг бир неча марта уришганингга гувоҳ бўлдим. Лекин ҳеч қачон охиргисидай юзинг кўрқинчли тус олмаган. Менимча, Зайцевнинг югурдаклари ҳам қаҳринг зўрлигидан айтганингни қилишди. Илтимос, энди бундай қилма.

— Жиннивой, нималар деяпсан? Жуда ювошлигимни биласан-ку. Кел, бошқа нарса тўғрисида гаплашайлик. Ҳа, мендан нимани яшираяпсан?

— Яна бир марта сўрасанг, айтиб қўяман. Яхшиси, озгина кут. Уй эгалари қайтиб келсин. Ана шундан кейин ҳаммаси ўз-ўзидан равшан бўлади.

— Демак, унгача ичим куйиб ўтирарканман-да, — дедим гўё хафа бўлган кишидай.

— Иложинг қанча? Биласанми, сенинг фақат менга кучинг етмаслигидан бошим осмонга етади.

— Бунинг учун ўзим ҳам хурсандман. “Ҳар қалай, дунёда мени мағлۇб этадиган куч бор-ку”, деб ўйлаб юраман. Дарвоқе, Вера хафа кўринадими?

— Билмадим. Балки эри бўлишига озгина қолган дўхтирини соғинаётгандир.

— Унда, балки...

— Айтиб кўрдим. Унамади. “Мен уни бир умрга унутаман. Сенинг йигитингга ўхшаган инсон керак менга. У эса қасддаги латта. Фақат ўзини ўйлайдиган одам билан яшолмайман”, деди.

Пастқамгина ёғоч дарвозадан Нормурод ота, унинг аёли ва яна бир киши кириб келгач, суҳбатимиз бўлинди. Бегона одамнинг бошида салласи бор эди. Яна устига чопон кийиб олганди. Уларни кўрган Наташа ўрнидан туриб кетди. Сўнг мен ҳам турдим. Шу ондаёқ Наташа қандай янгилик айтмоқчи бўлганини дарров тушундим. Демак, бегона одам мулла. Ҳақиқий мусулмон муллasi. Мен билан Наташага никоҳ ўқиб қўяди.

Адашмаган эканман. Ўйлаганим тўғри чиқди. Нормурод ота масжидга бориб, мулла етаклаб келган экан. Ни-

ятини уйдан чиқаётганида фақат хотинига айтган, у эса ўз навбатида Наташани огоҳлантирган-у, ўзлари келгунларича ҳеч кимга чурқ этмасликни тайинлаган. Эри билан бирга чиқиб, қишлоқ четидаги дўконга борган. У ердан у-бу харид қилган. Қайтишда энг яқин дугонаси Мая Ульяновнанинг уйига кириб, уни ўзи билан бирга олиб келган. Буларни у қайтиб келганида, Василийнинг хотини Марияга айтиб бераётганида эшитдим.

Никоҳнинг расм-русуми худди ўзимизникидай бўлди. Мулла аввал мендан Наташани хотинликка олишга розилигимни сўради. Кейин Наташанинг розилигини олди. Қолган удумлар ҳам мусулмончасига бўлди. Фақат ме-нинг юрагим сиқилди. Ахир мен уйланаётганимда, ота-онам ёнимда бўлиши, қариндош-уруғлар тўй ташвишида югуриб-елишлари керак эди-да.

— Бугун ҳеч қаёққа кетмайсизлар, — деди Нормурод ота маросим тугагач. — Кичкинагина бўлса ҳам, тўй қиламиз.

Унинг гапини эшитган Наташа йиғлаб юборди. У шуям бўлмайди, деб ўйлаган экан-да.

Аёллар ҳаш-паш дегунча бог ўртасидаги унча узун бўлмаган стол устини турли хил егуликлар билан тўлдириб ташлашди. Василий машинада қаёққадир кетди-да, беш-олтита ароқ топиб келди.

— Нормурод ота кўрмасин. Хотинингга айт, шарбатга аралаштириб, графинда столга қўйсин, — деб унга шип-шитиб қўй-дим.

Йўқса, у талтайиб, шишани стол ўртасига тўқиллатиб қўйишга тайёр эди.

Лекин Нормурод ота, барибир, сизди. Аммо ўзини сезмаганга олди. Шу билан бирга узоқ ўтирмади ҳам. Мен билан Наташани чин дилдан ҳам рус, ҳам ўзбек тилида табриклагач, бир пиёла чой ичди-да, ўрнидан турди. Сўнг хотинига имо қилиб, уни ҳам жойидан қўзғалишга мажбур этди. Ана шундан кейин ҳақиқий байрам бошланди. Қадахларнинг тўқнашишидан жаранглаган овоз эшитиларди. Аёллар қийқиришарди. Мен эса қишлоғимни ўйлайман. Агар қишлоқда уйланганимда, атрофимни тўлдириб, ошна-оғайниларим ўтирарди. Бу ёғи танишбилиш, қариндош-уруғ — камида уч-тўрт юз одам тўпла-

нарди. Ҳозир эса олти киши ўтирибмиз. Мени қўшиб ҳисоблаганда, шулардан иккитасигина эркак. Шуям тўй бўлди? Шуям уйланиш бўлди? Аламдан кетма-кет икки-уч қадаҳ ароқ ичдим. Миям қизиди. Ҳаммаси, ҳатто муаммоларим ҳам бир муддат унутилгандай, бундан бу ёғига фақат яйраб яшайдигандай эдим. Шунинг учун ҳар доим ўзим билан бирга олиб юрадиган эҳтиёткорликни унутдим. Василийни кутиб ўтирмасдан, ўзим ароқ қуйиб ичдим. Кейин анча-мунча кайф бўлгач, “Александр Абрамовичнинг одамлари шу ерга ҳам келишлари мумкин. Ахир унинг айғоқчилари дунёнинг нариги бурчагидаям изғиб юради. Биз бўлсак, хахолашиб, очиқ-ошкора тўй қилаяпмиз. Албатта, мана шу кичкинагина ўтиришни тўй деб аташ мумкин бўлса”, деган ҳаёлга бордим. Сўнг ўтирган жойимда қадимни ростлаб, ўша пастқамгина эшик мисоли дарвоза томонга бўйнимни чўзиб, қараб қўйдим. Қандайдир шарпа биз томонга тикилиб тургандай туйилди.

«Балки кайфим ошиб қолганлиги учун менга шундай кўринаётгандир», деган ҳаёлда кўзларимни юмиб очдим. Шарпа йўқолмади. Турибди жойида қаққайиб. “Буниси энди ким бўлди?” деган ҳаёлда секин ўрнимдан турдим. Наташа менга хавотир билан қаради.

— Сен ўтир, мен ҳозир келаман. Зарурат юзасидан шамоллаб келай, — дея шарпа томонга юрдим.

Адашмабман. Шарпа ҳақиқатан ҳам бор экан. Фақат у аллақандай айғоқчи эмас, шу қишлоқнинг ичкиликни ҳуш кўрувчи чолларидан бири бўлиб чиқди.

— Нега бу ерда турибсиз? — дедим унга яқин бориб.

— Нега бўларди, шовқинларингни эшитиб келдим. Нормуроднинг ҳовлисидан анчадан бери шовқин эшитилмасди. Ҳайрон бўлиб келдим, — деди чол соқолини силаб.

— Балки бизнинг даврага қўшиларсиз?... Бир-икки қултум ароқ билан сийлардик, — дедим атай уни синаш учун.

— Ароқ... Ароқ борми?! — деди чол ҳаяжонланиб ва қулт этказиб ютинди. — Нима десам экан... Мен жон дейман-у, аммо кўрқаман. Нормуроддан кўрқаман. У мени ҳар сафар кўрганида: “Ёшинг бир жойга бориб қолди.

Ҳар куни ичиб, думалаб ётавермасдан, тавба-тазаррунг-ни қилсанг бўлмайдами, хумпар?” дейди. Тили ёмон-да унинг. Нақ чақиб олади. Шу пайтгача кампирим қулоқ-миямни еб келган. У ўлиб, энди қутулдим десам... Менга қара, шу ерга олиб келиб бер. Пенсия беришига ҳали эрта. Икки кундан бери томоғим тақиллаб ўлай дедим. Албатта, ўзим бошлаб барматуха тайёрлагандим. Афсус, тугаб қолди. Икки литр қолганди. Кайф зўрида тўкиб қўйибман. Шунгайм, мана, икки кун бўлди. Роса хафа бўлгандим... Гапимиз чўзилиб кетдими? Бир йўла ярим-тагина бодринг ҳам олакел. Уйга боргунча сабрим етмай-ди.

Мен кулдим. Чол ким бўлишидан қатъи назар, жуда самимий гапирганди. Ана шу жиҳати мени хурсанд қилди. Дарров изимга қайтиб, стол устида турган шишалардан бирини ва газак солинган ликопчани олдим.

— Тинчликми? — сўради Наташа.

— Тинчлик. Битта чол киришга уялиб турибди. Меҳмон қилмоқчиман, — дея жавоб бердим унга.

Наташа дарров менга эргашди ва қўлимдан ушлаб олди. Биз чолнинг ёнига бирга бордик.

— Мен, аслида, шундоқ ўтиб кетаётгандим. Қарасам, ўтирган экансизлар. Ёшлигимни эслаб, томоша қилиб тургандим, — деди чол мени Наташа билан бирга қайтганимни кўриб.

— Сира хижолат бўлманг. Аслида, даврамизнинг тўрига лойиқ одамлардансиз чоғи... Лекин қанча таклиф қилмай, бормадингиз. Шунинг учун гарчи арзимас бўлса-да, манавиларни олиб қўясиз.

Чол хурсанд бўлиб, дарров қўлимдагиларни олди. Шу ернинг ўзидаёқ шишанинг оғзидан қулқуллатиб ароқ ичди. Кейин озгина газак қилган бўлди-да, қўшиғини айтганча биздан узоқлашди. Қайсидир маънода унга ҳавасим келди. Уни биров таъқиб қилмайди. Уйида ётадим, бошқа жойда қолиб кетадим, ҳеч кимнинг иши йўқ. Амаллаб бир шиша май топса, бўлгани, шу билан “Куним роҳат-фароғатда ўтаяпти”, деб юраверади.

Шу куни биз Наташа билан битта хонада ётдик. Ўтган кечада бунга Нормурод ота рухсат бермаслигини билганим учун ҳам индамаган эдим. Гапни қаранг: индама-

ганмиш. Индаганимда нима қилардим? Нормурод отанинг газабини қўзғаб, ҳали никоҳимга олмаган қизнинг қўйнига кирармидим? Лекин ўша куни Наташа “Бирга ётайлик”, деганди. Енгимдан тортиб, шивирлабгина айтганди. Мен унамадим.

Мана, бугун у менинг ҳақиқий хотиним. Ҳалол. Фарзанд туғилса, у ҳам ҳалол бўлади. Аммо мени бошқа нарса қийнай бошлаган эди. Нозик жойимнинг пайдо бўлиши душманлар учун жуда қўл келиши мумкин. Улар мени айнан Наташа орқали қўлга туширишади. Тўй. Аслида, шу кичкинагина ўтиришни ҳам бошқа пайтга қолдириш ёки уй ичкарисиди ўтказиш маъқулмиди?.. Ҳартугул, битта кампир ва чол хабар топди... Нималар деяпман? Нега бунча ваҳимачи бўлиб қолдим? Агар шунақанги ўйлар гирдобиди яшайдиган бўлсам, узоққа боролмайман. Наташа тугул, ўзимни ҳам хароб қиламан. Ҳа, мен ҳозирги аҳволимда қишлоғимга ҳам қочиб кетолмайман. Чунки Александр Абрамович у ерни ҳам яхши билади. У мен ҳақимда маълумотлар тўплаганидан бир ой вақт ўтиб, столи устида унутиб қолдирган харитасига кўзим тушганди. Унда менинг қишлоғимнинг жойлашуви акс этганди. Кейинроқ билсам, Александр Абрамовичнинг қўл остида ишлаётганларнинг туғилган жойлари акс этган харита шефнинг махсус цейфида сақланаркан. Бунинг боисини энди тушуниб турибман.

Эртасига тушга яқин йўлга чиқдик. Вера қолди. У биз билан ортиқ юролмаслигини, машинада сиқилиб кетганини айтди. “Кейинчалик Наташа қўнғироқ қилса, ўзим ёнига етиб оламан”, деди. Ўшанда орамизда ҳеч қайсимиз унинг тақдири аянчли бўлишини билмасдик. Билмадим, бунинг учун, аввало, кимни айбдор қилиш керак. У ўзини эрталаб ғалати тутди. Нормурод ота ва унинг кампирига беўхшов муомала қилди. Мен Наташага савол назари билан қарадим. У елка қисди. Шундан кейин “Мен ортга қайтаман”, деди Вера. Меҳмондўстлигининг чегараси бўлмаган чол-кампирга кўрсатган каромати учун ҳамма уни ёмон кўриб қолганди. Шу боис ортига қайтиб кетишига ҳеч ким монелик билдирмади. Фақатгина Наташа узоқ муддатли дўстлигини инобатга олиб, уни қароридан қайтаришга уриниб кўрди. “Йўқ, мен сизлар би-

лан бирга битта мошинада тиқилиб кетолмайман. Айтдим-ку, борганингдан кейин қўнғироқ қиласан деб. Энди хайр”, дея жавоб қайтарди Вера.

Агар биз ҳайҳайламаганимизда, шу ернинг ўзиданоқ пойу пиёда шаҳарга кетиб қолган бўларди.

— Ҳеч қурса, асфальт йўлгача чиқариб қўйишимизга рухсат берарсан. Ҳартугул, бу ердан мошина топиб, шаҳарга етиб олишинг анча мушкул бўлса керак, — деди Наташа.

Шундан кейингина у машинага ўтирди ва манзилга етиб олгунча миқ этмай кетди.

...Шаҳарга кириб борганимизда кун найзага келганди. Узоқ йўл босилгани туфайли аёллар толиқиб қолишди. Иккита қизча эса бир-бир ухлаб туришди. Василийнинг гапларидан менинг қулоқларим битишига сал қолди. Қўринишидан уни камгап, деб ўйлаган одам адашади. Ўзиям билмаган, кўрмаган нарсаси йўқ бўлса керакки, нима ҳақида оғиз очсанг, шу мавзуда тўхтамасдан камиди ярим соат сўйлайди.

Шаҳарнинг чекка туманидаги бундан қарийб ўттиз йиллар аввал қурилган, қўпдан бери таъмирланмагани боис сувоқлари кўчган тўққиз қаватли бионинг учинчисига чиқдик. Василий ҳеч иккиланмай, эски эшик қўнғироғини босди ва менга қараб илжайаркан:

— Менинг келишим унинг тушига ҳам кирмаган бўлса керак. Кўрса, оғзи очилиб қолади, — деди.

Бироқ эшик очилмади. Энди кулиш навбати менга келганди.

— Балки пастга тушиб, ҳовлидаги ўриндикда кутармиз. Ошнанг, албатта, бугун келса, — дея ҳазиллашдим.

— Аксига олиб, телефониям йўқ. Қўшнилари сўраб кўрсак-чи, — деб пешонасини тириштирди Василий.

— Балки ухлаётгандир. Яна бир марта қўнғироқни босиб кўр, — дея эрига термилди Мария.

Василий тугмачани узоқ босиб турди. Сўнг эшикка қулоғини қўйди.

— Оёқ товуши эшитилганга ўхшайди. У уйида бўлмай, қаерда бўларди? Бугун ҳафтанинг қайси куни? Пайшанбаси. Бугун, албатта, уйида бўлиши керак, кеча роса чарчаган бўлса... Неча марта “Уйлан, иссиқ-совуғингдан

хабар олиб туради”, дедим. Хотинларга аллергияси бор шекилли-да... Ана, эшикка яқинлашяпти.

Василийнинг юзида табассум пайдо бўлган эди. У худди бирор ишни дўндириб қўйган одамдай бизга илжайиб қаради. Эшик қулфи шарақ-шуруқ этганидан унинг лаблари баттар ёйилди.

— Ҳозир кўрасизлар, ҳайратдан қотиб қолади, — деди у.

Бироқ майкачан, калта иштонда эшикни очган серсоқол нусха кўзини йириб:

— Кимсан? — деб сўраганида, Василий бақа бўлиб қолди.

Бир муддатли анграйишдан кейин ўзига келгач:

— Вовка, наҳотки мени танимаган бўлсанг? — деди Василий.

— Нега мен сени танишим керак экан? Яримта бериб қўйган жойинг борми? Ёки ўзинг билан олиб келганми-санки, танисам...

Оғзидан бадбўй ҳид келаётган, тишлари сарғайиб кетган серсоқолнинг пешонаси тиришди.

— Мен Васяман, Василийман!

— Вася, Василий... — дея кўрсаткич бармоғини чаккасига тиради Вовка деганлари. — Йўқ, эслаёлмадим. Дунёда Василий деганлари озми? Сен, яхшиси, тўғрисини айт, мени уйқудан уйғотганингга яраша яримта-паримта олиб келганмисан?

Василий қизариб кетди. Алам билан қўлларини мушт қилди.

— Ҳа, опкелганман. Газаги ҳам бор. Уйга кирайлик, биргаллашиб отамлашамиз.

Эшикни очган нусханинг кўзлари қувончдан чарақлаб кетди. У бирровга бизга қараб қўйди-да, деди:

— Ҳалиги... отингни нима дегандинг? Василиймиди? Зўр одам экансан. Қани, ичкарига кир. Мен битта столни сотмай, олиб қўйганман. Сенга ўхшаганлар келиб қолса, яримтани полга қўймайлик деб. Биласан-ку, маданиятга тўғри келмайди.

У Василийни қўлидан ушлаб ичкарига тортқилади.

Мен одам боласи шундай аҳволда яшайди деб, сира ўйламаган эканман. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, уй-

нинг ҳамма хоналари қип-яланғоч эди. Фақат сувоғи кўчган деворлар мағрур турибди. Биз ҳар қандай болоқазога бемалол бардош берамиз, дегандек. Ҳамма бирдан анграйди. Ҳаттоки иккита қизча ҳам.

— Опа, биз шу ерда яшаймизми? — деб сўради Анна Наташани турткилаб.

— Шу ерда... Йўқ, адашиб келдик, холос. Тезда кетамиз...

Наташа қизариб-бўзариб кетганди. Унинг чеҳрасидаги ҳайрат ўрнини эндиликда ғазаб эгаллаганди. У ҳаттоки мени ҳам ёмон кўриб кетаётгани шундоққина юз-кўзидан маълум эди. Одамзод шунақанги пайтларда ғалати бўлади-да. Пиёниста, уйда пол билан девор-эшикдан ташқари ҳамма нарсани сотиб ичган одам бутунлай бошқа одам. Мен унга ҳаттоки таниш ҳам эмасман. Лекин у мендан жаҳли чиқаяпти.

Вова хийлагина катталикидаги хонанинг бир четида турган яшикни Василийга кўрсатиб, иржаяркан, изоҳ берди:

— Манави менга анчадан бери стол вазифасини ўтаб келаяпти. Уни ахлатхонадан топганман. Бойлар ўзича бунақанги матоҳларнинг қадрига етмай, чиқитга улоқтиришади. Қара, мен қандай фойдаланаяпман? Бир марта десанг, анави Петка чўлоқ шуниям сотиб оладиган жойни топиб кепти. Битта яримтанинг пулини беришади, дейди. “Миянг жойидами? Захирада олиб турамиз, унгача бошқа нарсаларни сотиб турайлик”, дедим... Менга қара, отингни Василий дедингми? Чиқар яримтангни...

Шу пайтгача ошнасининг юзига киприк қоқмай термилиб, унинг гапларини эшитиб турган Василий қутилмаганда Вованинг башарасига шапалоқ тортиб юборди. Ўзидан антиқа ҳид таратиб, ёнидагиларнинг кўнглини беҳузур қилиб турган хонадон эгаси “гуп” этиб қулади. Сўнг секин бошини кўтарди-да:

— Нега? Нима ёмонлик қилдим сенга?! Уйимга киритдим. Мен буни шу аҳволда қолдирмаيمان. Сен ҳалол одамга қўл кўтардинг!.. — дея қўлини бигиз қилди Вова.

У ўрнидан турди-да, бир-бир босиб дераза ёнига борди. Мен бу тентак ўзини деразадан ташлаб юбормасайди деб, кўрқиб тургандим. Ҳартугул, ундай қилмади. Лекин:

— Ким бо-о-ор?! Ҳалол одамни ўлдиришаяпти! — дея бақаришга тушди.

Василий икки ҳатлашда унинг ёнида пайдо бўлди-да, бўйнидан бўғди.

— Ал... Ал... — дея хириллаб қолди Вова.

Унинг оғзидан бошқа сўз чиқмади.

— Тамом бўпсан-ку, ярамас. Одамгарчиликдан чиқибсан-ку!

Василий шунақанги жаҳл отига минган эдики, аралашмасам, ошнасини бир ёқли қилиб қўйиши ҳеч гап эмасди.

Дарров унинг белидан қучиб, “жабрдийда”дан ажратиб олдим. Шу заҳоти Вова менинг ортимга ўтиб олди-да, ўзини нажоткор топгандай ҳис этиб дўқ ура бошлади:

— Мен сени қаматиб юбораман! Уйимга бостириб кирдинг. Уйимни тортиб олмоқчи бўл-динг. Ҳа-а, милицияга бориб арз қиламан! Сендақа зўравонларни...

— Улар ҳам сендан ҳазар қилишади... Василий, топган ўртоғинг шумиди? Сен шунча одам олдида бутун оиламизни шарманда қилдинг, — деди Мария йиғламоқдан бери бўлиб.

— Шошманглар, шовқин кўтарманглар, — дея кутилмаганда орага қўшилди Наташа. — Уруш-жанжал билан ҳеч нимага эришиб бўлмайди. Кўпи билан Вованинг бошини ёришларинг мумкин. Ана борингки, уни ўлдиарсиз, лекин шу билан нима ўзгаради?

— Бунини ўлдириб ҳам биров барака топмайди! — деди Василий гижиниб.

Рости, Вовага ниҳоятда ичим ачиётган эди. У айтилган гаплардан кейин букчайиб қолганга ўхшар, хонадаги ҳар бир одамга жавдирабгина боқарди.

— Яхшиси, қўл-оёғини боғлаб, ювиниш хонасига қамаб қўямиз. Кейин қолган нарсаларни бемалол маслаҳатлашиб оламиз, — дедим.

— Мени ўлдирмоқчисизлар... Лекин мен сизларга нима қилдим? Уй керак бўлса, ана, олинглар. Эвазига... Эвазига биттагина ароқ берсанглар бўлгани... — деди Вова йиғламоқдан бери бўлиб.

— Ҳали сен бизга раҳмат айтасан. Уйинг ўзингга сийлов, — дея унинг елкасига қўлимни қўйдим.

Шўрлик шунақанги ожизланиб қолган эканки, кичкина болакай ҳам бемалол ағдариб ташлаши ҳеч гап эмас-

ди. Унинг оёқ-қўллари бoғлаб, ортиқча уринишсиз ювиниш хонасига киритдик. Тўғриси, у ер ҳам чўмиладиган жой деган номни йўқотиб қўйганига анча бўлган экан. Бор анжомини Вова барака топгур ароққа алмашибди.

Василий ошнасини шунчаки ташлаб кетолмаслигини, уни одам қаторига қўшиши кераклигини айтди. Лекин хотини анча вақт унинг фикрига қўшилмади.

— Ўзинг ҳам унга қўшилиб, пиёниста бўп қоласан. Ундан кўра ижарага уй топиб, вақтинча яшаб турайлик, кейин бир гап бўлар, — деди у.

— Вовка билан қиёматли ўртоқ бўлганмиз. Бу аҳволда қолдирадиган бўлсам, итдай ўлиб кетади. Сен, майли, кетавер. Мен бирор чорасини топман, — дея қовоғини уйди Василий.

Қарасам, эр-хотин уришиб қоладиган. Дарров аралашшга мажбур бўлдим.

— Ҳозир маблағимиз анчагина. Бундан чиқди, битта уйни бемалол жиҳозлашимиз мумкин. Василий, ошнанг-ни дўхтирларнинг ўзи тузатиб беришади. Албатта, бутунлай тамом бўлмаган бўлса... Ҳар қалай, сени танимай қолганига қараганда, бу ёғи ҳам етиб борганга ўхшайди. Мабодо ўлиб қоладиган бўлса, ювиб-тараб кўмиб келасан.

— Йўқ! — деди бу сафар Наташа. — Мен бу уйда бир кун ҳам туролмайман. Амир, ҳаммаёқ сасиб кетган.

— Ҳечқиси йўқ, хоним, тозаласа бўлади. Ҳид йўқотадиган нарсалар дўконларда тиқилиб ётибди. Кейин сени ҳеч ким бу ерда бир умрга қоласан, деяётгани йўқ. Вова касалидан қутулса, ҳаммамизни қувиб солади.

Аёллар ноиложликдан рози бўлишди. Сўнг Василий иккаламиз дўконга кетдик.

Роса икки кун деганда уйни эпақага келтирдик. Бир неча йилдан бери супурги тегмаган уйни тозалаб олгунича аёлларнинг бўлари бўлди. Василий иккаламиз ҳам навбатма-навбат дўконга қатнадик. Бундан ташқари, Василий кунига уч маҳал ошнасини ўз қўли билан овқатлантирди. Хумори тутган Вова қанчалар додлади. Бошини бир неча марта деворга урди. Бироқ унинг қўли ечилмади. Ҳаттоки ҳожат маҳали ҳам Василий унга кўмаклашиб турди.

Албатта, иккита оила, қолаверса, Вова билан биргаликда битта уйда яшаб бўлмасди. Шу боис ижарага уй қидира бошладим. Менинг бу шаҳарда узоқ қолиш ниятим йўқ эди. Москвага кетгунимча шу ерда озгина ҳовуримдан тушиб, совиб, одамларга ўхшаб яшашга кўникма пайдо бўлгунча юришга қарор қилгандим. Шу билан бирга Александр Абрамович томонидан келиши мумкин бўлган хавф-хатарни ҳам бир дақиқа бўлсин унутмадим.

Бир ҳафтадан сўнг Вова анча ўзига келди. Василийни ҳам таниди. Қўли ечилди. Уйнинг бор жиҳозларини сотиб ичганидан ўзи ҳам хижолатлигини айтди. Бироқ ҳали унинг пиёнисталик ҳолига қайтиш хавфи бор эди. Чунки ора-чора нимадир етмаётгандай ўрнидан туриб, хона бўйлаб юриб қолар, биз келтирган жиҳозларга нафрат билан қарар, кейин ўйга толиб, бир муддат сўзсиз турарди-да, Василийга юзланиб:

— Сен билан қадрдон бўлганимизга анча вақт бўлиб кетди. Лекин жуда узоқ муддат бир-биримизни кўрмадик. Қара, ҳаттоки сени танимайдиган даражага етибман. Вақтнинг ўтиши одамга сира билинмаскан-да. Эсингдами, иккаламиз пиво барга кириб отамлашганимиз... Ўшанда мен ҳақ берувдим. Кун... кун ҳозиргидай илиқ эди. Бунақанги пайтда пиво зўр кетади-да. Айниқса, қуритилган балиқ билан. Бир ҳўплам пиво ичасан, озгина шўр балиқдан оғзингга соласан. Бу ёғи суҳбат қизигандан-қизийди...

Биров миқ этмади. Ҳамма жим туриб, Вованинг гапларини эшитаяпти. Лекин барчамиз бирдай тишимизни тишимизга босиб турибмиз.

— Мен қайси бир китобда юз грамм ароқ ичган одам бир умр соғлом юриши ҳақида ўқиганман, — дея гапини давом эттирди Вова ҳеч кимдан садо чиқавермагач. — Буним ким ёзганини биласизларми? Билмайсизлар. Академикларнинг академиги.

— Зўр-ку, — деди Василий менга кўзини қисиб қўйиб. — Унда Амир иккаламиз юзта-юзта отамиз. Кейин ростини айтсам, роса чарчаганман. Ётиб ухлайман. Менимча, ўша академик давомини, яъни юзтадан сўнг ухлаш кераклигини ёзган.

— Тўғри, сизларнинг организмларинг бақувват бўлга-

ни учун юзтадан оласизлар. Менга эллигиям бўлаверади, — дея ўшшайди Вова.

— Чучварани хом санабсан. Боядан бери гапни нега айлантираётганингни тушунмади деб ўйлайсанми? Ҳеч ким, ҳаттоки мен ҳам бир грамм ичмайман. Уқдингми?

Ана шундан кейин бечора Вованинг афт-ангорига бир қарасангиз эди, шунақанги гижимландики, юздан ошган қария дейишга иккиланмасдингиз. Бунинг устига, лабини маҳкам тишлаб олди. Ҳа, қийин. Лекин ўзга илож йўқ-да. Бу барака топгур шайтон сувидан ичиш тугул, ялаб қўйса борми, шўрлик Василийнинг бир ҳафталик сабъ-ҳаракатларининг бари осмонга учади.

Шундай қилиб орадан яна бир ҳафтани ўтказиб олдик. Бу вақт мобайнида ижарага уй топдим. Аммо кун бўйи бекор ўтиравериш зериктириб юборди. Ҳар куни кўчани бир айланиб келаман. Дўконларга кираман. Бир нималар сотиб оламан. Уйга қайтаман. Наташа билан сокинлик онларини ўтказаман. Бироқ буларнинг бари вақт ўтгани сайин меъдамга тега бошлади. “Бўлди, ортиқ бу ерда санқиб юрмайман. Москвага бораман. Иш топаман-у, тинчгина ҳаёт кечираман”, деган қарорга келдим охири.

— Европага кетганимиз маъқул. Ҳозир кўпчилик шундай қилаётган экан. Мен немис тилини биламан. Дарров ўрнашиб кетамиз. Вақтинчалик яшаб туришимизга эса пулимиз бор, — деди Наташа кетиш тўғрисидаги гапларимни эшитгач.

Мен Москвадан кейин уйга, қишлоғимга кетишни мўлжаллаб қўйгандим. Чунки сарсон-саргардон юриш жонимга тегиб кетганди. Бир нарсани деб, аразлаб, қочиб юриш шунчалик бўлар-да. Қилмаган ишимдан уялиб, бошқалар кўзига кўринолмай қолганим сабаб қишлоқдан бош олиб кетгандим. Бу ерда эса нималарга қўл урмадим? Агар гуноҳларимни бир жойга тўпласа, тоғ ҳам пастлик қилиб қолса керак. Ахир бу аҳволда давом этсам, яшашимга ҳожат қолмайди.

— Сен менинг ҳақиқий ҳалол хотинимсан. Шундай экан, қаерга борсам, мен билан бирга бўласан. Одамнинг қорни бир ҳовуч нарсага тўяди. Менинг пулларим эса керагидан ортиқ. Бунча пул билан дунёнинг исталган бурчагида беш-олти йил бемалол яшаш мумкин. Моск-

вада шунчаки ўзимизга келиб олиш учун яшаймиз. Кейин... Кейин қарга боришни ўзим айтаман. Ҳозир Василийнинг уйига борамиз. Кўришмаганимизга икки кундан ошиб кетди. Таксичида гап кўп бўлади. Зерикдим, кўнгил ёзиб келайлик, — дедим.

Тўғриси, ўшанда мен эндигина кўчадан уйга киргандим. Бирдан бундай деганимга Наташа ҳайрон бўлди.

— Жонингга тегдимми? — деди у.

— Нега энди? Сен билан одам кун қандай ўтганини сезмай қолади. Юр, баҳонада сен ҳам Мария билан чақ-чақлашиб келасан, — дея жилмайдим.

Наташа биров мажбурлаётгандай зўрға кўнди ва эринчоқлик билан сингисини кийинтирди.

Биз ўзимиз яшайдиган уйнинг ҳовлисига чиқишимиз билан негадир Василийникига боришга оёғим тортмай қолди. Қандайдир кўнгилсизлик содир бўлишини олдиндан сезиш хислатим бўлгани учун тўхтаб, чор-атрофга кўз ташладим. Шубҳали бирорта одам йўқдай эди.

— Нега туриб қолдинг? — сўради Наташа қовоғини уйиб.

— Наташа, сенга ёқмаётган бўлса, бормаслигимиз мумкин, — дедим ички хавотиримни яшириб.

— Нима деганинг бу? Мен хоҳламасам ҳам, ўзинг уйдан олиб чиқдинг. Энди бормаймиз деб, ортга қайтмоқчимисан? Ёки мени овора қилмоқчимидинг?

— Ундаймас, шунчаки... мабодо хоҳламаётган бўлсанг...

Қолган гаплар ичимда қолди. Чунки рўпарамиздаги кўп қаватли уйнинг томида кимдир гимирлаётганини кўриб қолдим.

— Дарров ортга қайтинглар, тез бўлинглар! — дея бирдан бақириб юборганча Наташанинг қўлидан ушлаб тортдим.

У бўлса, силтаб ташлаб, мени тўғридаги уйдан тўсиб қўйди. Бирдан кўзлари ола-йиб, секин бўшаша бошлади.

— Наташа! — дея бақирдим юрагим шув этиб.

— Опа! — деб бақирди Анна.

Наташанинг эса оёқлари бўшашди. Ҳаммаси бир зумда, кўз очиб юмгунча содир бўлди. Бундай вазиятда мендай устаси фаранг ҳам довдиради. Тобора кўзлари орқасига кетаётган сулувни қучоқларканман, ичимда бир нима

портлагандай бўлди. Бу портлаш гўёки бутун дунёни остин-устун қилиб юборишга қодир эди.

Лекин айни чоғда мендан-да ожиз инсон йўқ эди. Боқишларидан нимадир деяётгандай, юзида қандайдир афсусланиш, армон уфуриб тургандай, ранги бўздай оқарган Наташа қўлимда жон бермоқда эди. Бўғзимга алам тикилиб, рўпарамдаги уйнинг томига қарадим. Битта нусха ўрнидан турди ва шу ондаёқ кўздан йўқолди. Наташанинг ўрнида бошқа биров бўлганда ҳозирнинг ўзидаёқ уни ташлаб, бориб ярамасни тутар ва дунёдаги бор азобни бошидан ёмғирдай ёғдирган бўлардим. Аммо Наташа...

Кўзлари юмилган аёл ҳар доимгидан ўн чандон гўзаллашди. Мен уни кўтардим. Боши бир томонда, оёқлари иккинчи томонга осилди. «Наҳотки ўлган... наҳотки мени ташлаб кетган бўлса?.. Йўқ, бўлиши мумкин эмас! Мен ажалга ҳам чап бераман... Наташамни олиб қоламан. Мен унинг ўлишига йўл қўймайман... йўл қўймайман!»

Томоғимдан бўғиқ ингроқ чиқди. Кўзимдан дувиллаб ёш оқди.

— Одамлар! Одамлар! — дея бақирдим.

Овозимни эшитганлар кўп эди. Баъзи бировлар деразадан бошини чиқариб, менинг азобланишимни, Наташанинг жон бериши ва қўрқиб қолган қизалоқнинг изиллаб йиглашини томоша қилиб туришарди. Баъзилари бешолти қадам нарида, бу ёғи нима бўларкан, деб кутишарди. Шунақанги бепарво, бераҳм, ҳиссиз одамлар... Мен эса улардан нажот кутаяпман. Оёқларини-да ўпишга тайёрман.

— Мошина... Мошина беринглар менга, хотинимни касалхонага оборишим керак. Ёрдам беринглар!..

Деразалар тарақлаб ёпилди. Атрофимдагилар ўгирилиб кета бошлашди. Ичимда ғазаб ўти алангаланди: «Ярамаслар, махлуқлар! Садқайи одам деган ном кетсин сенларга!..»

Йўлақдан бир киши отилиб чиқди. Ё менга, ё Наташанинг синглиси Аняга раҳми келди унинг. Лекин мен унинг юзини кўролмадим. Ожизлигимдан ўкиниб, Наташага тикилиб турардим. Ўша киши менинг қўлимдан етаклади.

— Бўл тез! — дея бақирди.

Биз кеч қолган эканмиз. Врач шундай деди. Ачинмади ҳам, ҳаяжонламади ҳам, оғзидаги тутқисини шошилмасдан ечиб, менинг ёнимда тикилиб турган амакига қараб қўйди-да:

— Ўн беш дақиқа аввалроқ бўлганида, бирон нима қилардик. Лекин энди қўлимиздан ҳеч нарса келмайди. Руҳи учиб кетган, — деди.

— Капалак тутқич билан ушлайлик, — деди Аня жавдирабгина.

Врач мийиғида кулди.

Аччиқ, совуқ, қонни қизитиб, газабни қўзғайдиган кулги. Аммо тишни тишга босишга мажбурсан. «Бундан баттари бўлиши ҳам мумкин эди-ку», дейсан ичингда. Бошқа нимаям қила олардинг? Ҳаёт сенинг хоҳиш-истакларингдан иборат эмас-ку. Манавининг куйдирилган каллага ўхшаб туришини... Тишининг оқини кўрсатиб турган дўхтирни бўлса, нохуш хабар етказгани учун эмас, кичкинагина қизчанинг гапини масхаралагани боис янчиб ташлагим келди...

Василий билан хотинига қўнғироқ қилиш учун қарийб ярим соат вақт сарфладим. Уларнинг телефон рақамларини тераман, аммо чақирув тугмачасини босишга келганида, бармоғим титраб кетади. «Шундай ажойиб, гул гунчасидай қизни асраб қололмадингми? Сен ҳам эркакмисан? Наҳотки ўзингга аталган ўққа уни рўбарў қилдинг?!» деган саволлар миямни пармалайди. Кейин кутиш залидаги ўриндиққа михланганча қоламан. Аня мени қучоқлаб олган. Бир сўз демайди. Фақат кўзидан дув-дув ёш оқади. Энди унинг мутлақо ҳеч кими қолмаган. То ўн саккиз-йигирма ёшигача шундай бўлади. Яъни эрга тегиб, болали бўлгунича. Ишқилиб, шу кунларга етказсин.

Ниҳоят, қўнғироқ қилдим. Айтдим. «Менинг Наташамни ўлдириб кетишди. Отишди!» дедим. Василий бақириб юборди: «Нималар деяпсан, тентак? Ўйлаб гапраяпсанми? Нега Наташани отишаркан, нега ўларкан у?!» Унинг овози қулогим остида қайта-қайта акс-садо бериб жаранглади. Кейин: «Биламан, уни сен ўлдиргансан, сен!» дегандай бўлди у. Мен бўлсам, лом-мим деёлмадим. Дея

олмасдим ҳам. Тобора пинжимга кириб бораётган Аняни қучоқладим. Шугина менинг дардимга таскин, малҳам бўлаётгандай эди. Ахир у ҳам мен каби йўқотган, мен каби айрилган эди-да. Қизча тиззамга бошини қўйиб ухлаб қолди. Жуда тез ухлади. Мен Василий билан Мариянинг келишини кутиб ўтиравердим, ўтиравердим. Чиқиш эшиги қарсиллаб очилганида эса чўчиб тушдим. Чунки Наташа билан ўтказган онларимиз ҳақидаги хаёлга берилиб кетгандим. «Мен сенга учта ўғил туғиб берман. Учаласи ҳам худди сенга ўхшаб мард, жасур бўлади. Учови ҳам менга ўхшаган қизга уйланади. Тўғрироғи, қизларнинг ўзи уларни топишади. Худди менга ўхшаб», дея у шўх қулиб, юзимдан чўлпиллатганча ўпиб қўйганди.

Иккита милиционер келган экан. Улар Аня иккаламизни кўриб, қовоқларини уйиб қараганча ўтиб кетишди. Бироқ зум ўтмай, изларига қайтишди. Ёнларида Наташанинг ўлими ҳақидаги хабарни айтган дўхтир ҳам бор эди. У мени кўрсатиб:

— Ана, — деди.

Милиционерлар ёнимга келишди. Ҳамдардлик билдиришди. Сўнг «Биз билан бирга бўлимга боришингизга тўғри келади», дейишди.

Мен уларни еб қўйгим келди. Ўзим нима аҳволда ўтирибман-у, буларнинг оғзидан чиққан гапни қаранг.

— Кейинроқ, хотинимни дафн этай, кейин... — дедим зарда билан.

— Унгача жинойт изи ўчиб кетиши мумкин. Шошинч чора кўришимиз зарур, — деди сариқ мўйловли нозир.

— Ўчишига йўл қўймаймиз. Бу жинойтнинг изи ҳеч қачон ўчмайди. Мени ҳозир ўз ҳолимга қўйинглар, — дедим яна зарда билан.

Улар бир-бирларига қарашди. Бошларини қимирлатиб, ниманидир тасдиқлашди.

— Афсуски, нима бўлганда ҳам кетишингизга тўғри келади. Хотинингизни кўмишга улгурасиз. Бу қизалоқ сизникими?

— Сизлардан илтимос, нима гапларинг бўлса, шу ерда айтинглар. Ҳозир мени бу ердан бульдозер билан суриб ҳам қимирлатолмайсиз. Боринглар...

Шундай дейишим билан улар икки қўлимга баравар ёпишишди.

— Тур, мараз, биз сенинг кимлигингни яхши биламиз, — деди биттаси.

Аня чўчиб уйғониб кетди ва киприкларини пирпира-тиб, милиция кийимидаги амакиларга қаради. Бирдан овоз чиқариб йиглаб юборди.

— Болани қўрқитдинглар. Қўйворинглар. Кейин ўзим-га жавоб беролмай қоламан, — дедим.

Милиционерлар дарров қуролини қўлларига олиш-ди ва иккови икки томонидан биқинимга тиради. Буни кўрган Аня йиглади.

— Амаки, амакижон... Мелиса амаки, илтимос, тегин-манглар... Илтимос, ўлдириб қўйманглар, амакижон, ил-тимос... — деди қалтираб.

Бу гапларни эшитган тирик инсон зоти борки, юраги тилка-пора бўлиб кетиши керак. Лекин дийдаси тош қот-ган нозирларнинг бир туки қилт этмади.

— Қизчанинг ёнида ҳовлиқмаликни йиғиштиринглар. Бўпти, сизларнинг айтганларингни қиламан, қўлимни қўйиб юборинглар, — дедим зўрға ўзимни босиб.

Улар қўйиб юборишмади. Баттар қўлимни орқага қай-ира бошлашди. Мен куч ишлатишга мажбур бўлдим. Ав-вал ўнг, кейин сўл тарафдагиси чотини ушлаганча бук-чайиб қолди. Қўлларидаги қуроли эса тушиб кетган-ди. Мен тўппончаларни дарров ердан олдим-да, Аняни кучдим.

— Сен сира қўрқма, бу амакилар менга ҳазиллашиш-ди, холос. Бошқа бундай қилишмайди. Тушунтириб қўйдим, — дедим.

— Милиция ходимларига қўл кўтарганинг учун жавоб берасан! — деди йиғламоқдан бери бўлган сариқ мўйлов.

— Тўғри, фақат сенларга эмас. У пайт сенлар нариги дунёда бўласанлар. Албатта, ҳозиргидай Аняни қўрқит-санглар.

— Лекин сени бўлимга оборишимиз, ўша ёқда сўроқ қилишимиз керак.

— Айтдим-ку, бормаيمان деб. Шундай экан, ана, дўхтир битта хона топиб беради, кириб, гаплашамиз. Хо-тинимни қўмишим зарур. Халақит берманглар. Қонимга

ташна бўлиб ўтирибман. Бундай пайтда ҳеч кимни аямайман. Аняга раҳмат айтинглар, ҳаётларингни у сақлаб қолди.

Йигитлар инқилаб-синқилаб ўзларига келиб, қаддини ростлади. Кейин Василий билан Мария кириб келишди. Мария бирдан йиғлаб юборди ва югуриб кела сола Аняни маҳкам қучоқлади. Сўнг:

— Нега? Нега?.. — дея пичирлади.

Унга қараш оғир эди. Шунингдек, Василийга ҳам. У менга еб қўйгудек тикилиб турарди. Тилим қулфланди. Василий келиб мени қучди.

— Бардошли бўл, оғайни, ҳали ҳаммаси олдинда, — деди.

Афтидан, унинг мендан сўрайдиган нарсалари бор эди. Лекин милиционерлар олдида индамай қўя қолди.

— Сиз ким бўласиз? — деб сўради сариқ мўйлов Василийдан.

Василий унга жавоб бериш учун энди оғиз жуфтлаган ҳам эдики, ундан олдин мен жавоб беришга тушдим:

— Менинг яқинларим. Ҳозирги ҳолатимга мутлақо дахли йўқ. Энди кетинглар, идораларингга ўзим бораман. Сизларни кўрган одамнинг қўнгли айнийди.

Қўпол гапларим уларнинг иккисига ҳам оғир ботди. Шу боис афтларини бужмайтиришди. Албатта, бундан ортиғига уларнинг ҳадди сиғмади. Чунки қуроллари менда эди-да.

— Биз ҳамма маросимлар тугагунча сенинг ёнингда бўлишимиз шарт, — деди сариқ мўйлов.

— Яхши, унда менга битта кичкинагина ёрдамларинг керак бўлади. Менинг хотиним мусулмончиликни қабул қилган эди. Шундай экан, уни мусулмончасига қўмишим керак. Бунинг учун касалхонага бировни... айтмоқчиманки, мени кўргани келганларни киритмасликларинг зарур. Ахир сизларга жавоб берадиган одам тирик бўлиши лозим эмасми?

Милиционерлар ажабланишди. Уларга қўшилиб, Василий ҳам пешонасини тириштирди. У атайин шундай қилди. Чунки у тахминан нима бўлганини биларди.

— Мен Наташани кўришим керак, — деди Мария Аняни қучоғидан бўшатиб.

Унинг истаги шу заҳоти қондирилди. Иккита милиционернинг бир зумда ювош тортиб қолгани ундаги калон-димоғликни йўқотган эди.

Рости, хабарни эшитдим. Лекин Наташани кўришга жазм этолмадим. Билмадим, нимадандир қўрқдим. Эҳтимол, унинг жонсиз танасига кўзим тушишини тасаввур этолмаганман. Шу нарса мени кўксимдан итаргандир. Шунинг учун ҳам дўхтир ўлди деб чиқиб келганида, музлаганман-у, кутиш залида тарашадай қотиб тураверганман.

Лекин келганимдаёқ дўхтирни таъсиримга олишни унутган эканман. Касофат милицияга хабар бериб ўтирибди. Улар нима қила оларди? Менинг шахсимни билганларидан кейин қотил қолиб, менинг ўзимни олиб бориб тикишади. Энг оғир жазо берилади. Агар эҳтиётсизлик туфайли отиб ташламаса. Ким ҳам сўради менинг ортимдан? Юртим узоқда. Бу ерларда қариндош-уруғим йўқ.

Яна шуниси маълум эдики, мен Наташанинг ёнига боришим билан анави иккови дарров ёрдам чақиришади. Қарабсизки, тўс-тўполон.

Наташа ётган палатага киришдан аввал мен Василийнинг қўлидан ушлаб тўхтатдим.

— Ошна, битта ёрдам бер. Наташани кўмиб, Аняни вақтинча фарзандликка ол! — дедим шошиб.

— Ўзи нима бўлганди? — сўради Василий кўзимга тикилиб.

— Ҳали ҳаммасини сенга гапириб бераман. Фақат, ошна, йўқ дема. Тўғри, сени ташвишга қўяман. Аммо бошқа иложим ҳам йўқ. Мен ҳозир Наташани кўраман-у, кейин кўздан ғойиб бўламан.

— Хавотир олма. Ўзингга ишонгандай ишонавер, — деди Василий елкамга қоқиб.

Наташа уйқудаги малак мисоли кўзларини юмиб ётарди. Анна билан Мария бирдан ўзларини унинг устига ташлашди. Мен... Мен қўлини ушладим. Совиб қолган муздай оппоқ қўл. «Эҳ, у Василийнинг уйига бормасликни қанчалик хоҳлаган эди-я, менинг раъйимга қарайман деб, жонидан айрилди», хаёлимдан ўтказдим. Кўз ёшини тутиб қолишнинг иложи йўқ эди. Қачонлардир бир одам менга: «Сен ҳеч қачон йиғламасанг керак», деган эди.

Мана кўз ёши. Керак бўлса, челақлаб топиб бераман. «Ортиқча эҳтирос, ҳаяжон мумкин эмас. Ҳаёт, барибир, давом этаверади. Ишлашим керак. Фақат шугина яна яшаб кетишимга ёрдам бера олади», кўнглимдан ўтказдим ва қаддимни ростлаб, Василийга юзландим:

— Сен билан Мариядан бошқа ҳеч кимимиз йўқ. Аняни уйингга олиб кет. Менинг вақтим тугади. Кетишим керак, — дея кўзимдаги ёшни артдим.

— Балки, биргалашармиз?..

— Йўқ, шу ёғига ҳам катта раҳмат.

Наташага сўнгги бор қарадим. Юрагим отилиб чиқай деди. Яна озгина бу ерда турсам, кейин мутлақо кетолмайман. Сўнг... Сўнг ҳаммаси тамом бўлади. Балки мени Наташа билан бирга қўмишмас ҳам...

Деразадан ўзимни пастга отдим. Бор-йўғи биринчи қават, баландлиги нари борса икки метр чиқар. Аммо шунга ҳам оёғим қайрилиб кетса бўладими?

Кучли оғриқдан инграб юбордим. Шу заҳоти кўзим очилиб кетди. Аввалига қаердалигимни билолмай гарангсидим. Шунда мутлақо кутилмаганда қулоғимга Наташанинг сўзлари эшитилди. Бўлиши мумкин эмас. Ахир у... Ахир у... Ўрнимдан сакраб туриб кетдим ва не кўз билан кўрайки, уйдаман. Уй ичи ҳали қоронғи, деразадан эса ғира-шира тонг отиб келаётгани кўринади. Ҳозиргина мен туриб кетган икки кишилик юмшоқ каравотда эса Наташа пишиллаб ухлар эди. Шундагина мен туш кўрганимни англаб етдим ва секин хотинимнинг ёнига ўтирдим. Пешонасига қўлимни қўйдим. Келинчак (ҳа, у ҳали келинчак, жувон ҳам бўлгани йўқ. Эри билан бир-икки ой яшаб, сокинлик майдан сипқорган қиз жувон бўлиб қолмайди. Агар уни жувон десангиз, жуда қаритиб қўясиз. Унга фақат келинчак деган ном ярашади) қошларини қимирлатди. Сўнг кўзини очди-да, жилмайди.

— Тонг отиб қўйдими? — дея сўради.

— Ухлайвер, ҳали эрта, — дедим.

У кўзини юмди. Мен ҳам ёстиққа бошимни қўйдим. Бироқ ухлаёлмадим. Уйқум бутунлай ўчган эди. Кўрган тушимнинг исканжасидан сира қутулолмасдим. Охири чидолмай, ўрнимдан туриб кетдим. Бориб чой қўйдим. Аччиқ қаҳва дамладим. Лекин ўша мудҳиш туш сира миямдан кетмас, ҳар сонияда ёдимга тушаверарди.

Наташа уйғониб, ёнимга келди.

— Сенга нима бўлди? Қовоқларинг осилиб кетибди, — деди.

Мен унга жавоб бермадим. Бир қараб қўйиб, пешонамни қашладим.

— Бугун Мариянинг туғилган куни эканлиги эсингдан чиқмадими?..

Мен бирдан Наташага қарадим. Кўз ўнгимдан тушимдаги воқеалар ўтди.

— Нима бўлди? Нега бунчалик қовоғинг осилди? — деди кўрқиб кетган Наташа.

— Йўқ, ўзим шундай... Жудаям боргинг келаяптими?

— Хафа бўлади-да. Бизни ўз қариндошларидай яқин олишади. Яна анча кундан бери уйда ўтиравериб, зерикдим. Аня ҳам асабий бўлиб қолган. Сал нарсага жаҳли чиқади.

— Эркак киши нега нонушта тайёрлашни яхши кўришини биласанми? — дея атайин гапни бошқа томонга бурдим.

— Биламан. Дадам кўп марта айтган. Дам олиш учун. Қизиқ, ухлаб турган одам яна қандай дам олгиси келади? — дея жилмайди Наташа.

— Дам олиш фақат ухлашдан иборат десанг, жудаям катта хато қиласан. Ухлаб дам олиш бутунлай бошқа нарса. Нонушта тайёрлашни роҳатланиш деса бўлади. Лекин шу сафар иккаламиз биргалашиб тайёрлаймиз.

Нонуштадан кейин мен дераза пардасини секин кўтариб, рўпарадаги кўп қаватли уйнинг томига қарадим. Телевизор антенналарида ўтирган қушлардан бошқа ҳеч нима кўринмади. «Демак, агар антеннада қуш бўлмаса, у ерда одам бўлади», деган хаёлга бордим.

— Сенга нима бўлаяпти? Жудаям бошқачасан бугун. Илгари сира бунақа аҳволда кўрмаганман, — деди ёнимга келган Наташа. — Ёки ошнангникига боргинг келмаяптими?

— Нималар деяпсан? Бормасак бўларканми? Билсанг, роса ичгим келаяпти. Нормурод ота эса менга ичишни мутлақо тақиқлаб қўйган. Ҳар сафар ароқ тўла қадахни қўлимга олганимда, унинг сиймоси гавдаланади кўз олдимда. Дарвоқе, туғилган кун, одатда, кечки пайт ни-

шонланади. Эрталабдан борсак, ноқулай бўлмасмикан?

— Биз Аня иккаламиз борамиз... Балки бирорта ресто-ранда нишонлармиз. Нима дединг?

— Буниси бизга боғлиқ эмас... Лекин сенинг ҳақиқатан ҳам боргинг келаяптими? Балки уларнинг ўзини уйга чақирармиз.

— Жиннивой, нималар деяпсан?

— Демак, ҳаммаси бошқача бўлаяпти. Демак, ҳаммаси жойида.

Наташа ҳеч вақони тушунмай, менга тикилиб тураверди. Бир ҳисобдан шуниси ҳам дуруст. Тушда кўрганларимни айтсам, уни қўрқитиб қўйишим мумкин. Бошқа томондан олиб қарайдиган бўлсам, шу пайтгача бирор марта бўлсин, тушга ишонмаганман.

— Жоним, роса чарчаганинг кўриниб турибди. Асабларинг чарчаган. Шунинг учун ҳар қандай ишни йиғиштириб, Сочига кетамиз. Ёки бирорта иссиқроқ давлатгами... Маза қилиб дам оламиз. Ана ундан кейин ишларни режалаштирамиз, — деди Наташа.

— Балки шундай қилармиз. Очигини айтсам... Майли, қўявер. Ҳозир бўлса, тайёргарлигингни кўр. Сизларни обориб қўяман. Ўзим Василий билан бирга бирон ёққа бориб келарман.

Наташа бўйнимдан кучиб юзимдан ўпиб қўйгач, нариги хонага чиқиб кетди. Мен эса парданинг бир четини секин кўтардим-да, аввал ҳовлига, кейин рўпарадаги уйнинг томига қарадим. Қизиқ, томнинг антенналарида бирорта ҳам қуш кўринмасди. «Демак, томда кимдир бор. Агар Наташа билан биргаликда ташқарига чиқадиган бўлсам, снайперга нишон бўламан. Мен ўзимни олиб қочишга, тўғрироғи, Наташа мени тўсишга улгуради ва ўқ унинг танасини тешиб ўтади. Натижада... Шошма, яна тушга ишониб қолаяпман. Лекин кўнглим ҳам хотиржам эмас-ку. Бундан чиқди, нимадир содир бўлиши эҳтимоли йўқ эмас», дея ўйладим-да, Наташани чақириб, унга ташқарига чиқиб келишимни айтдим. У яна ҳайрон бўлди. Аммо лом-мим демади.

Йўлак эшигини очишим билан намхуш ҳаво юзимга урилди. Мен дарров ортга бурилдим. Иккинчи қаватга чиқдим ва деразадан қўшни иморатнинг томига разм сол-

дим. Ниманингдир учи чиқиб тургани билинар-билинемас кўзга ташланар эди. Диққатимни ундан олмай, бир муддат термилдим. Шунда унинг бироз қимирлаб қўйганига кўзим тушди. «Агар ақлли снайпер бўлганида, мен турган жойни ҳам кузатиб, мени кўрар ҳамда ташқарига чиқишимни кутмай, шу ердалигимдаёқ ишимни ҳал қилиб қўйган бўларди... Ёки у адашишдан қўрқаяптими? Шошма-чи, орқа томондан чиқадиган йўл ҳам бор-ку. Тўғри, эшикдан чиқиб кетолмайсан. Кичкина деразачадан тушишга тўғри келади», дея кўнглимдан ўтказдим. Мен шундай қилдим ва узун иморатни айланиб ўтиб, қўшни бинонинг биринчи йўлагигача бордим.

Бироқ адашибман, сўнгги қаватнинг томи қулфланган экан. Шу боис пастга қайтиб тушиб, иккинчи йўлакдан юқори қаватгача кўтарилишимга тўғри келди. Ҳартугул, бу ерни кига қулф солинмабди. Биласизми, кўрган тушим мени алдамабди. Томга чиқишим билан йигирма қадамлар нарида ётиб олиб, милтиғини бизнинг уй томонга қаратиб пойлоқчилик қилаётган йигитга кўзим тушди. Жуда эҳтиёткорлик билан чиққанлигим боис у ён томонига қарамади.

Бироз энкайиб, у томонга яқинлаша бошладим. Оралиқ масофа бор-йўғи беш қадамча қолган эди. Йигит кўзини дурбиндан олиб, менга қараб қолди. У ҳайратдан қотди, мен эса юришдан тўхтадим. Чунки айғоқчи ҳабаш эди. «Демак, усталарнинг устасини топибди. Пулларини аяшмабди», деган ўй яшин тезлигида ҳаёлимдан ўтди. Бир қадам босдим-у, ўзимни унинг устига отдим. Милтиқнинг милини менга тўғрилаб, тепкини босишига вақт камлик қилгани боис ҳабаш икки юмалаб нарироққа қочишга улгурди. Ерга гурсиллаб тушдим-у, шу заҳоти сакраб ўрнимдан турдим. Рақибимнинг қўлида салкам бир қулоч келадиган ханжарга кўзим тушди. У оппоқ тишларини кўрсатиб иржайди ва ўзининг тилида бир нималар деди.

— Шоввоз, яхшилаб чигал ёзди қиламизми? — дедим русчалаб.

— Бўлмасам-чи... — деди у рус тилини бузиброк.

— Балки ўлишимдан олдин сени бу ёққа ким жўнатганини айтарсан? — дея сўрадим.

У бошини қимирлатиб:

— Бошингни олаётганимда айтаман. Унгача кутишингга тўғри келади, — деб жавоб қайтарди ва бирдан ҳужумга ўтди.

Жанг услуби одатдагидан бошқача эди. Яъни бошқалар бундай пайтда аввал қўлларидаги ханжарни ишга солсалар, у оёқларини ҳаракатлантирди. Мен унинг қандай уришишини билмаганим боис ортга чекиндим. Чекиниб тўғри қилган эканман. Чунки ҳабашнинг оёқлари узун бўлиши билан бирга жудаям чаққон эди. Пойабзали иягим остидан ўтиб кетди. Ўзиям ботинканинг тишлари худди юк машинасиникидай йирик-йирик экан.

У бош бармоғини юқорига кўтарди.

— Гууд! Гууд! — деганча навбатдаги ҳамлани бошлади.

Буниси аввалгисидан фарқ қилиб, жонимнинг умидида келган ҳабаш аввал икки марта юмалади ва яшин тезлигида оёққа қалқди-ю, кўкрагимга зарба берди. Елкам билан ерга қуладим. Сўнг дарров ўрнимдан турдим. Рақибим ишшайиб, қўлини силтади. «Сени жуда бошқача таърифлашганди. Ҳеч вақога ярамас экансан-ку. Сен билан уришиб, обрўйимни тўкадиган бўлдим-да, афсус», демоқчидай бўлди. Гарчи унинг сўзларига тушунмасамда, кўз қараши шундай деб турарди. У учинчи марта ҳамлага ўтганида, қўлидаги ханжарини ишга солди. Яхшиям, томга шифер қопланмаган, бетоннинг устидан қора сақич қопланган. Бемалол у ёқдан-бу ёққа югуриб юриш мумкин. Акс ҳолда, ҳар икковимизга ҳам уришиш пайти талай муаммолар туғдирган бўларди.

Рақиб чаққонлигини кўз-кўз қилди ва айни чоғда мени менсимаётганди. Шу боисдан ҳам эҳтиёкорликни унутди. Беш-олти марта ханжарининг тигига чап берганимдан сўнг қизишган ҳабаш сакраб тепмоқчи бўлди. Бироқ бу сафар ҳам қочиб қолишнинг уддасидан чиқдим.

— Тфу! — дея ерга тупурди у ва бармоқлари билан имлаб: — Комон! Комон! — дея ёнига чорлади.

Илон душмани устига яшин тезлигида отилиб, заҳарга лиммо-лим нишларини унинг танасига ботиради. Натижада беш-олти дақиқа ичида рақибни жон таслим этади. Ҳозир бу услубнинг ўрни эмасди. Шу боис бургутга айланиш лозимлигини тушундим. Бир лаҳза кўзимни юмиб,

жангга ҳозирлик кўрдим. Шу қисқа вақт ичида мускулларим бир сидра кенгайиб олди.

Менинг қотиб қолганимни кўрган ҳабаш вазиятдан фойдаланди. Жангни узоқ чўзмаслик мақсадида ёнимга югуриб келди. Бироқ ханжари бу сафар ҳам ҳавони кесишдан нарига ўтмади. Айни чоғда эса иккала юзининг тангадай жойи менинг чангалимда қолди ва шу заҳоти қўлидаги пичоғини ташлаб, ўқирди. Ўзининг тилида алланималар деди. Сўнг битта қўлини шимининг орқасига, камарининг тагига тикди. Мен унинг орқаси дўппайиб турганини кўргандим. Шу боис рақибим ожизланган эсада, туфлим билан бурнини сийлашга мажбур бўлдим. Акс ҳолда, ўзим бу ерда тирик турмасдим. Чунки тўппонча ўқи ҳар нарсадан тез ва устасининг қўлида нишонга аниқ етиб боради.

У йиқилгач, қуролини олиб қўйиб, ҳабашни азоблар исканжасидан бутунлай қутқармоқчи бўлдим-у, яна шайтонга ҳай бердим. Тўғри, у мени тинчитишдан олдин не-не одамларнинг ёстиғини қуритган, бунинг эвазига мўмайгина пул олган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ахир шунинг учун у қанчадан-қанча тайёргарлик кўриб, профессионал деган мақомга эришган-да. Ғалати. Одам ўлдир-иш бўйича профессионал. Агар буни ҳозир тирик қолдирсам, яна кимнингдир ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабабчи бўламан. Ўлдирсам, гуноҳларим яна биттага қўпаяди. Аслида, мени қўлга туширолмагани туфайли буюртмачилар буни соғ қўймасликлари аниқ...

Бироз иккиланиб тургач, тўппончани олдим. Бир-бир қадам босиб, снайпер милтиғини олиб, унинг ўқини чиқариб ташладим. Аммо бу билан ҳам қоникмасдан, бўлакларга бўлдим-да, айнан тепки қисмини ўзим билан олиб, том дарчаси томонга кетдим. Кетишим аввалида ҳабаш бошини кўтарди. Бир қўли билан кўйлагининг тугмаларини ечиб, кўксига муштлаб менга кўрсатди. Гўё «Мени от! Мен мағлубиятга чидолмайдиганлар хилиданман. Бу шармандаликка чидолмайман. Бундан кўра ўлганим минг марта афзал», деяётгандай эди у. Мен бошимни қимирлатдим.

— Йўқ, сени тирик қолдираман. Сенга бериладиган энг катта жазо шу. Ўлдирсам, осон қутуласан, — дедим соф ўзбек тилида.

У ҳеч вақо тушунмади. Юзи қонга беланиб, кўзидан ёш оқиб термилди.

— Омон бўл. Кейинги сафар йўлимиз кесишмайди, деб ўйлайман.

Мен туйнукдан пастга тушаётганимда, ҳабашга қарадим. У чордана қуриб ўтирганча қотган эди.

Ростини айтсам, унга жудаям ачиниб кетдим. Аммо начора, ёрдам беролмайман.

Наташа Аннани қучоқлаганча юмшоқ оромкурсида ўтирарди. У мени кўриши билан ўрнидан турди ва киприкларини пирпиратиб термилди.

— Хўш, тайёرمىсизлар? — сўрадим жилмайиб.

— Қаерга бориб келдинг?

— Шунчаки бир айлангим келди. Ёшлигимдан шунақа одатим бор. Эрталаб кўчага чиқиб келардим.

— Алдама, — дея ёнимга келиб, афт-ангорим, устбошимга қаради у.

Кейин қўлимдан ушлади. Мен қовун туширганимни дарров тушундим. Чунки бармоқларим қон эди.

— Бу нима? — сўради хотиним ранги ўчиб.

— Буми?.. — дея худди эндигина кўриб тургандай, бармоқларимга қарадим. — Ҳа-а, гўшт дўконига киргандим. Эски гўштни менга «янги» дейди. Ушлаб кўрдим. Эскилигини исботлаб бердим. Сотувчи беш-олти одам олдида роса шарманда бўлди-да...

— Амир, сен билан ёлғон сўзамасликка келишиб олгандик. Нега яна гапни айлантираяпсан?

Наташа нигоҳини кўзимга қадаганди. У ич-ичидан қандайдир фалокат бошлаб келганимни сезиб турарди.

— Ҳаммаси жойида, байрамга бемалол бориш мумкин. Тамом. Бошқа ҳеч нима сўрама.

— Лекин бу гаплар менинг кўнглимни овутолмайди. Қанчадан-қанча ишларингга гувоҳ бўлдим. Ўйлагандимки...

— Наташа, ҳаммаси жойида, — дедим.

— Яхши. Хўш, кетдикми?.. Шошма, аввал яхшилаб чўмилиб олгин-да, бошқа кийимларингни кий.

— Амрингизни бажарамиз, хоним.

Бировга айтсанг, ишонмайди. Лекин мен билан айнан шу воқеа содир бўлди. Ювиниб чиқиб, янги дазмоллан-

ган кўйлакни кияётганимда, тўсатдан бошим айланди. Бир муддат ҳаракатсиз кўйлагимнинг тугмасини қадаётган Наташага термилдим. Кейин у туман ичига кириб кета бошлади. Устидаги замонавий кўйлаги оқ ҳарирга айланди. Худди тушдаги, айрим фантастик кинолардаги арвоҳлар кўйлагига. Ҳа, сочларини шамол тўзғитди ва у аста-секин мендан узоқлаша бошлади. «Бу нима кўргилик? Уни бир марта тушимда ўлдириб қўйгандим. Шунинг орқасидан озмунча азоб чекдимми? Энди бўлса, куппа-кундузи шундоқ гаплашиб турганимизда, мендан кетиб қолаяпти... Кетиб қолаяпти. Наташа, шошма! Шошма, Наташа, қаерга кетаяпсан? Нега мени ташлаб кетаяпсан? Бундай бўлиши мумкин эмас. Барибир, сени ҳеч қачон қўйиб юбормайман!» — дея бақирганча у томон қўлимни чўздим. Лекин у жилмайганча мендан узоқлашди ҳамда қуюқ туман ичида йўқ бўлиб кетди. Мен эса қуладим. Нақ тоғнинг ярим белидан. Атроф турли-туман дов-дарахтларга тўла. Ўт-ўлан тизза бўйи келади. Қўшларнинг қийқириқлари қулоқни қоматга келтиради. Тўхтаيمان деб ҳарчанд ҳаракат қилмайин, иложи бўлмайди. Куриб синиб тушган дарахтларнинг шохлари баданимни шилиб кетади. Инграйман. Аммо, қани энди, ўзимни тўхтатиб қололсам. Бир маҳал танаси кучоққа сигмайдиган, бизнинг томачча деб атайдиган игна баргли, бўйи қарийб ўттиз одам бўйи келадиган, шохлари атрофга тарвақайлаб кетган дарахтга елкам билан урилдим. Оғриқ зумда бутун аъзойи баданимга тарқалди.

— А-а-а!!! — дея ўкириб юбордим.

Тўғри, илгари ҳам ўн марталаб гоҳ тоғдан, гоҳ дарахт устидан йиқилиб тушган пайтларим бўлган. Лекин ҳозиргидек оғриқ сезмаганман.

Бирор муддат ўтганидан сўнг фақат кўкрак ва бўкса қисми қоплон териси билан ёпилган Найзуа (уруғ сардорининг қизи. Мен қадимги одамлар тўдасига тушиб қолгандим) пайдо бўлди. Унинг бир қўлида узун найзаси бор эди.

— Овинг қани?! — бақирди у кўзларини катта-катта очиб.

Шундагина бундан тўрт кун муқаддам оҳу овлагани чиққаним ёдимга тушди ва бирдан танамга титроқ кир-

ди. Ахир ўлжа йўқ эди-да. Лекин «йўқ» дейишим билан Найзуа теримни шилиб олади. Бурдалаб, кейин шернинг олдига ташлайди. Шер уругимиз яшайдиган горнинг энг тубида сақланади. Янги ой чиқиб сўнгунича, камида битта одамнинг гўшти билан сийланади. Одам гўшти унинг учун тансиқ таом бўлса керакки, унинг қафасига яқин борсанг, кўзлари ёниб қонга тўлади. Оғзини катта очиб, ўткир тишларини кўрсатганча ириллайди. Бир марта овга чиқиш ёшига етишимга икки қиш қолганида, билмасдан жуда яқинига бориб қолганман. Ўшанда мени еб қўйишига оз қолган. Тўғри, у бошқа шер эди. Қариб қолганди. Кейин кўп ўтмасдан ўлди. Уругбоши терисини шилиб, пўстакча қилиб олди. Ўшанда уруг бошига шунақанги ҳавасим келдики, асти қўяверасиз. «Вақти келиб, мен ҳам уругимиз ҳукмдори бўламан. Сўнг шер териси устида ўтираман», дея онт ичдим.

— Мен сендан ов қани, деб сўраяпман? — ўкирди Найзуа менинг мум тишлаб турганимни кўриб, жаҳли чиқаркан.

Тишимни гижирлатдим. Қўлларимни мушт қилдим. «Ярамас, агар уругбошининг қизи бўлмаганингда, ғажиб ташлардим», дея кўнглимдан ўтказдим.

— Ов тоғ боши ўрмонида. Уч қишни кўрган оху. Шохлари сенга жудаям ёқади! — дедим.

— Бугун эрта тонгда етказишинг керак эди. Кечикдинг! — дея наъра тортди у ва бирдан менинг устимга ўзини ташлади.

Анча ожизланиб қолгандим. Ҳартугул, думалаб келиб, дарахтга урилиш кучимнинг ярмини олиб қўйганди. Шунга қарамай, жонимни сақлаб қолиш учун ўзимни унинг оёқлари остига отдим. Найзуа бундай қилишимни кутмаган, қайтанга, нарироққа қочса керак, деб ўйлаган, шунинг учун ҳам одам бўйи келадиган найзасини сал қочишим мумкин бўлган томонга санчган эди.

Мен унинг оёғидан кучоқлаб, ерга ағдардим. Кўкрак қисмини ёпиб турган тери ечилиб кетди. Тўдамизда биргина Найзуа танасининг маълум қисмларини кўриш мумкин эмасди. Бехосдан бўлса ҳам кимнингдир кўзи тушиб қолса, тамом, шу заҳоти қатл қилинади. Шунга кўра, мен ўта оғир ва кечирилмайдиган жиноятга ўзим билма-

ган ҳолда қўл уриб қўйган эдим. «Қочиш керак!» деган ўй яшин тезлигида миямга урилди ва тез ҳаракатланиб, ўрнимдан турмоқчи бўлганимда, Найзуа маҳкам қучоқлаганча ушлаб қолди.

— Тўданинг бошқа аёллари билан шу аҳволга тушиб қолсанг, нима қилардинг?! — дея сўради у.

Мен унинг кўзларига боқдим. Ажабо, у мутлақо ўзгариб кетибди. Бояги қаҳр-ғазаб ўрнини қандайдир ҳаяжон эгаллабди.

— Тўдамиз аёлларининг ҳаммаси уруғбошимизники, — дедим нигоҳимни Найзуадан узмай.

— Лекин мен эмас...

— Сенга эришмоққа менинг қўлим етмайди.

— Нега?

— Уруғимизнинг энг зўр паҳлавонигина сени ўзиники қилиб олиши мумкин.

— Энг охирида жанг мен билан бўлади. У мени ҳам енголса, унга хотин бўламан. Сен бўлсанг, мени енгиб турибсан. Зурриёт бер менга.

Мен култ этиб ютдим. Шунда биздан беш-олти қадам нарида дарахт шохларининг шитирлагани эшитилди.

— Айғоқчи. Отанг мени ўлдиради!

Найзуа бўшашди. Ғазаб билан тишларини ғижирлатди.

— Сен қўрқоқсан, мен сени шерга едираман! — деди.

Мен унинг устидан турдим-да, югурганча юқорилаб кета бошладим. Вужудимда ғалати бир ҳиссиёт уйғонган эди. Кўз ўнгимдан Найзуанинг ҳаяжони, қорачиқларининг у ёқдан-бу ёққа жавдирабгина бориб келаётгани, юзининг қизаргани кетмасди. Ана шунинг учун ҳам югураётганимни унутгандим. Аста-секин дов-дарахтлар сийраклаша бошлади. Кейин улар тугаб, буталар бошланди. Сўнг буталар ҳам тугади. Бундан бу ёғи қуруқ тош. Яна озгина кўтарилсанг, қор. Мен эса яланг оёқман. Бунинг устига, авратимнигина ёпиб турадиган юпка тери бор. Тоғ тепасида совқотишим аниқ. Тўғри, қишда ҳам бизнинг кийимларимиз деярли ўзгармайди. Аммо қиш бирдан келмайди ва биз совуққа секин-аста кўникиб борамиз. Кўпчилик чидамайди. Йўталади-йўталади-да, ўлиб қолади. Лекин бу ҳалокат бировни қизиқтирмайди. Мурдани шернинг олдига ташлаймиз. У маза қилади.

Ҳозир айнаи ёз фасли. Менинг танам ҳали совуққа мослашмаган. Бундан чиқди, қорли тоғда йўталаман. Қунишаман. Сўнг ўлиб қоламан. Бу ерларда айиқ, бўри, қоплон ва шерлар кўп изғишади... Лекин улар мени ейишларини истамайман.

Ёнламачасига юрдим. Тошдан-тошга сакрайман. Тўхтайман. Нигоҳимни пастликка қаратаман. Найзуанинг «Сен қўрқоқсан, сени шерга едираман», деган гапи қулогим остида жаранглайди. Ортидан «Бошқа аёлни нима қилган бўлардинг?» дея берган саволини эслайман. Бу гаплар қонимни жўштириб юборади. Пастликка, Найзуанинг ёнига югуриб тушгим келади. Бироқ... Бунинг отини, эҳтимол, қўрқоқлик деб аташ мумкин. Эҳтимол, бошқа нарса менинг йўлимга тўғаноқ бўлаётгандир... Уруғ-бошининг болалари жудаям кўп. Шуларнинг орасида у Найзуани бошқача яхши кўради. У ҳар доим отасининг ёнида бўлади. Отасининг гапларини бемалол қайтара олади. Шунинг ўзиёқ унинг нақадар эркатоилигини кўрсатиб турарди. Айғоқчи ёки Найзуанинг ўзи менинг унга қилган ҳамламни айтиб қолса борми... Яна ўша гап. Бошқа ҳар қандай қийноқ бўлса, чидардим. Аммо ўлиб кетиш... Ҳали эрта, ҳали менинг орзуларим кўп. Уларнинг ичида энг каттаси девлар макони қўриқчиси, тождор аждаҳони ўлдириш. Албатта, уни шу пайтгача ҳеч ким кўрмаган. Ота-боболаримиздан қолган гап. Уларнинг айтишларига қараганда, ўша аждаҳони маҳв этган одам чексиз-чегарасиз қудратга эга бўлади. Бутун ер юзининг эгаси бўлади. Бошқа тўдалар ҳам унга бўйсунди.

Хаёлларим менга қўшимча куч ато этиб, ўрнимдан турдим. Икки-уч одимни бир қилиб югурганча кетавердим. Кун оғиб, қушлар ухлаш ҳақида огоҳлантира бошлаганида, ўрмонзорга кириб бордим. Бу ўрмонда илгари кўп бўлганман. Овчилик қилганман. Шу боис ҳар қадамини беш қўлдай биламан. Шунга қарамай, вужудимга қўрқув энди. Сабаби бизнинг тўда тундаги махлуқлардан жудаям қўрқарди. Айтишларича, кечаси ярим оқшомдан ўтганида, самода улкан қора қуш учиб юаркан. У, асосан, одамларни, яъни уларнинг ёлғизларини овларкан. Ҳамда узоққа олиб кетиб, аввал кўзларини ўйиб олар, кейин юрагини кўксидан суғуриб оларкан. Таъриф шунақанги

қўрқинчли эдики, биз сира ёлғиз юрмасликка ҳаракат қилардик. Шу сафар ҳам олти киши бўлиб овга чиққандик. Ўтган кеча шерикларимдан ажраб қолдим. Қийнаиб тонгни оттирдим. Дарахтнинг ковагида ухладим. Ковак шунчалик катта эдики, уч-тўрт киши бемалол сиғарди. Қўрққанимдан кўзимни чирт юмиб олдим. Ҳеч нарсани эшитмаслик мақсадида қулоқларимни кафтларим билан маҳкам бекитдим. Ичимда ўша оҳунинг гўрига гишт қаладим. Аслида, ҳаммасига ўзим айбдорман. Уни қувиб (ушлашнинг иложи бўлмагач, шерикларим югуришдан тўхтагани), узоқлаб кетиб қолибман. Боиси мен ҳаммадан зўр бўлишим керак эди-да. Бошқалар қилолмаган ишни мен бемалол эплашни истардим. Чунки тўданизнинг энг зўрлари, қаҳрамонлар шундай қилишган. Уларнинг номлари ҳеч қачон ўчмайди. Кампирлар, чоллар ҳар кеча олов атрофида ўша ўтмишдаги паҳлавонлар тўғрисида гапириб беришади. Ҳозиргилар орасидан шундайлар чиқмай қўйди, дейишди. Аммо уларнинг башорат қилишича, юлдузлар қўкка сиғмай кетган кеча паҳлавонлар паҳлавони дунёга келармиш. Ажабмаски, ўша мен бўлсам. Шунинг учун ҳам ўша савил қолгур кийикнинг орқасидан қувишни тўхтатмадим. Ишонасизми, охири уни ушладим. Тўғрироғи, у тўхтади. Негадир югуролмай қолди. Ҳайрон бўлиб ёнига бордим. Унинг қулоқлари диккайган эди. Танаси дир-дир титраётганди. У менга ўтирилиб, худди «Ёрдам бер», дегандек қараб қўйди.

Бекорга эмаскан. Рўпарадан — дарахтзору чангалзорлар орасидан бир йўла тўртта бўри чиқиб келди. Ҳар бири қарийб кийикдай келарди. Менинг эса узоғи билан белим баробар эди. Бирдан оҳунинг олд томонига ўтиб, найзамни олдинга чўздим. Бўрилар қозик тишларини кўрсатиб ириллашди.

— Итваччалар! Сенлар билан олишмаганимизга анча бўлди. Бир мириқиб олишарканман. Қани, бу ёққа келинглари-чи, — дедим.

Улар гўё гапларимни тушунишди. Шу боисдан ириллаб, оғзиларидан сўлақларини оқизиб яқинлаша бошлади. Икки ўртада жанг бошланиб кетди. Олишувдан олдин яхшигина машқ қилгандим ва бўриларга ҳақиқий овчи ким эканлигини кўрсатиб қўйдим. Аввал устимга

сакраганини найзам билан тутиб қолиб, тепага кўтариб улоқтирдим. Бирор беш қадамча нарига тушган йиртқич бирдан қимирламай қолди. Иккинчисининг қорнини ёрдим. Учинчисининг кўксига найзам санчилди. Тўртинчиси қочиб қолди. Мен қўлларимни осмонга чўзиб ҳайқирдим. Сўнг ўгирилиб қарасам, кийик йўқ. У ҳам жуфтаси ростлаб қолибди. Унинг кетиб қолгани негадир мени хурсанд қилди ва орқамга қайтдим. Аммо шерикларимни тополмадим. Улар негадир еру кўкда йўқ эди. Шунда ўрмонга кириб тунашимга тўғри келди. Эртасига эса тентирай-тентирай уруғдошларим яшайдиган жойга яқинлашиб қолибман...

Ҳар бир шитирлашга қулоқларим тикраяди. Оқшом қушининг сайрашига диққат қиламан. Аҳён-аҳёнда кўкка, юлдузлар билан тўлиб-тошган осмонга кўз ташлайман. Ҳартугул, кексалар таърифини келтирган улкан қуш кўринмайди. Ичимда хурсанд бўлиб, юришда давом этаман. Охири юришга мадорим қолмади. Шу боис ухлаш учун қулайроқ жой қидира бошладим. Албатта, қандай жой топмай, барибир, ўзимизнинг горга тенг келмайди. Бироқ ҳарна кечани ўтказиб оламан-да. Ниҳоят, ўшандай жойни топдим: танаси йўғон дарахтнинг усти. Бу бошқа жойларга нисбатан хийла хавфсиз. Бироқ коваги бўлмаса, йиқилиб тушишинг ҳам ҳеч гап эмас.

Таваккал дарахт устига чирмашиб чиқдим. Ковак йўқ экан-у, аммо одам бемалол узала тушиб ётса бўладиган шох бор экан. Бу шохда қимир этмасдан ётиш керак. Йўқса, ерга қулашинг ҳеч гап эмас.

Тушимда аждарҳо билан жанг қилибман, уни бўлақларга бўлиб ташлабман. Энг қизиғи, қўлимда кесадагидан узун қурол бор эмиш. Уни нимага урсангиз, иккига бўлиб ташлайвераркан. Ана шу қуролим ёрдамида аждарҳонинг бошини узиб ташлабман...

Айиқнинг наърасидан уйғониб кетдим. Кўзимни очиб қарасам, белимдан пасти осилиб турибди. Озгина қимирласам, тамом, айиқнинг чангалида бўламан. Дарров шохга яхшилаб чиқиб олдим. Энгашиб пастга қарадим. Айиқ кутилмаганда қочишга тушди. Тўғрироғи, ортага беш-олти қадам ташлаб, оғзини катта очганча «А-а-а-а!!!» дея ўкирди. «Наҳотки бизнинг тўдадагилар мени қидириб келган

бўлишса», деган ўй ўтди хаёлимдан. Чунки бунақанги катта айиқ унча-мунча йиртқичдан қўрқмайди. Ҳатто улкан шерлар билан ҳам бемалол олишади. У фақатгина кўпчилик бўлган одамларга дуч келиб қолсагина, ортига чекиниши мумкин.

Кўнглим сезган экан. Ҳаш-паш дегунча беш-олти одамнинг қораси кўринди. Кейин бошқалари ҳам пайдо бўлди. Бирининг қўлида найзаси бўлса, иккинчисиникида ёй. Шунинг ўзиёқ уларнинг бошқа уруғданлигини билдириб турарди. Чунки бизда ёй йўқ. Бундай қуролни ясашга усталаримиз қанчалик уринмасин, барибир, эпини қилишолмади. Кўшни тўдага бориб, улардан ўрганиб келишга эса ҳеч кимнинг юраги дов бермасди. Чунки улар бизга азалий душман саналади. Биз ов қиладиган жойга улар келишмайди. Уларнинг ҳудудига биз ўтмаймиз. Бу ер эса бизники ҳисобланади.

Ёйларнинг ипи тортилди. Сўнг ундаги бир қулоч келадиган чўп отилди. Айиқ шу заҳоти ўкириб юборди ва ўзини орқага ташлади. Чунки унинг танасига чўплар санчилган эди. Овчилар ҳайқириб, айиқ томон югуриб кела бошлашди. Дастини ҳавода силкитганда бунақанги одамлардан уч-тўрттасини ағдарадиган айиқ бутунлай кучсизланиб қолган эди. Шунинг учун ҳам ҳар томонидан санчилаётган найзаларга қаршилиқ қилолмади ва ерга гурсиллаб йиқилди. Гўё тоғ қулагандай бўлди. Дарахт шохлари, уларга қўшилиб мен ҳам силкиниб кетдим. Кейин овчиларнинг ҳайқириви ҳамма ёқни тутиб кетди. Улар айиқни эмас, балки бизнинг тўдани енггандай ҳайқирিশарди. Аслида ҳам шундай. Бизнинг ҳудуднинг айиғини овлашдими, демак, уруғимизни менсишмади. «Керак бўлса, ўзларингниям худди шундай овлаймиз», дейишаётгандай эди. Ичимдан зил кетди. Бир хаёл сакраб пастга тушиб, уларнинг ҳаммасини ер билан яксон қилиб ташлагим келди. Бироқ ирода етишмади. Тўғрироғи, қўшни уруғнинг отар қуролидан ҳайиқдим.

Алаимдан дарахт пўстлогини шилиб олганимни сезмай қолибман. Бир маҳал у ерга тушиб кетди. Ҳеч нарсани урдалай олмаслигимга кўзим етгач, бўшашдим. Ўшанда пўстлоқ қўлимдан тушиб кетди. Дарров сергаланиб пастга қарадим. Лаънати пўстлоқ тўғри душман-

лардан бирининг бошига тегса бўладими? У бошини ушлади-ю, бирдан юқорига қаради. Ва мени кўргач, қўли билан шерикларига кўрсатганча алланималар деб бақирди. «Энди тамом. Менинг бошимга ҳам айиқнинг куни тушди. Булар ҳозир дарахтга бирин-кетин чиқишади-да, ҳеч бўлмаганда, мени пастга қулатишади», деб ўйладим. Аммо улар бундай қилишмади. Бир неча ёйчи нарироққа бориб, қуролларини менга ўқталишди. Кейин чўплар уча бошлади. Мен ўзимни шохнинг ортига яширдим. Отилан чўплардан бир-иккитаси мен ўтирган шохнинг ортига санчилганини сездим. Яна иккита-учтаси эса ёнгинамдан ўтиб кетди... Пастдагилар яна ёйларини ишга солишди. Бироқ бундан сира наф чиқмади. Рост, ичимдан хурсанд бўлиб кетдим. Ҳар қалай, айиқнинг аҳволига тушмаган эдим-да. Шу боис пастдагиларнинг устидан кулмоқчи бўлиб қарасам, лаънатилар дарахтга чирмаша бошлабди. Бирдан юрагим шув этиб кетди. Мен ҳам овчи, жангчиман. Аммо қўшни тўда билан уришиш учун қўлимда ҳеч вақо йўқ эди. Уларнинг ҳар бири найзасини менга санчиши мумкин эди. Шу пайт кимнингдир бақирганидан кўзим очилиб кетди. Аввал туман пайдо бўлди. Кейин ғира-шира туман орасидан Наташа кўринди. Мен уни дарров танидим ва ҳайрон бўлганча:

— Сен бу ерда нима қилиб юрибсан? — дедим.

Шунда бирдан туман бутунлай тарқаб, Наташанинг ёнида турган Аняни ҳам яққол кўрдим.

— Амир! Нега мени кўрқитасан, нега?!

У каравотга — менинг ёнимга ўтирди-да, кўксимга бошини қўйиб, йиғлаб юборди.

— Наташа, нега йиғлаяпсан? Нима бўлди?!

— Сен қўйлагингнинг тугмасини қадаётганингда, ўзинг йиқилиб тушдинг. Кейин кўзингни ҳечам очмадинг. Опам иккаламиз каравотга ётқизиб қўйдик, — дея Наташанинг ўрнига Аня жавоб берди.

Ана шу пайт эшик тақиллади. Наташа чўчиб тушди-да, бирдан бошини кўтарди. Сўнг шоша-пиша деди:

— Сен ҳушингдан кетиб ётганингда, кимдир қўнғироқ қилиб: «Яқин соатлар ичида ажал боради, кутиб олинглар», деб кўрқитди.

Унинг гапи мени сергаклантирди. Зумда кўз ўнгимдан

ҳабаш билан олишганим ўтди. Демак, улар снайпер йўқ қилинганидан хабар топишган.

— Шошма, ўзим очаман, — дея ўрнимдан турдим.

Мен эшик ёнига етгунимча яна икки марта қўнғироқ чалинди.

Аввал эшикка қулоқ солдим, кейин «кўзча»дан қарадим. Йўлакда сабрсизланиб турган Василийни кўриб, зулфакни туширдим.

Ичкарига кирган Вася менга бошдан-оёқ разм солиб чиқди-да:

— Тузукмисан? — деб сўради.

— Сенга биров бир нарсa дедими? — сўрадим унга тикилиб.

Василий елкам оша Наташага кўз қирини ташлади. Сўнг:

— Соқолингни олиб юрсанг бўларди. Бандитга ўхшаб қолибсан, — деди.

Мен дарров иягимни ушладим. Ҳақи-қатан ҳам, соқолим ўсиб кетибди. Шунчалик ўсганки, қўлни тирнайди. Ўзи куни кеча олувдим. Бир кунда шунчалик ўсиши ғалати. Ҳеч бундай бўлмаган. Икки кунда қиртишлаб тураман. Шунда ҳам бунчалик ўсмайди.

Ўтирилиб Наташага қарадим. У бирдан оғзини бекитди.

— Амир, сенга нима бўлаяпти? Ҳозиргина соқолинг йўқ эди-ку, — деди ҳайратдан кўзлари ола-кула бўлиб.

Хаёлимга лоп этиб ўша ҳушимдан кетганимдан кейин кўрганларим келди. Қанақангидир Найзуа исмли қиз... Найза кўтарган, елкасига ёй осган ярим-яланғоч одамлар... Дарвоқе, у ерда ўзим ҳам бор эдим. Дарахт шохига чиқиб ухлагандим, бўриларнинг учтасини ер тишлатгандим... Бўрилар жуда катта эди. Ҳар бири тахминан ҳўкиздай келарди. Лекин менинг олдимда итдай бўлиб қолишувди. Демак, менинг бўйим...

— Нега қотиб қолдинг? — дея хаёлимни бўлди Наташа. — Ўзи сенга нима бўлаяпти? Бир ҳушингдан кетасан, бир паришонхотирсан. Камига соқолинг ўсиб кетиши...

Мен унга қараб илжайдим:

— Бу табиий ҳол. Эркак киши бўлгандан кейин соқоли ўсади-да. Ҳозир икки дақиқада йўқотамиз.

Юзим ва иягимни обдан кўпикладим-да, устара билан соқолимни қиртишларканман, хаёлим ўша ёввойилар яшган макон ва замонга кетди. «Улар жуда катта эди. Ҳар одамнинг бўйи камида уч метрлар келарди. Ахир ҳўкиздай келадиган бўри... Шошма, нималар деяпман?.. Мен ҳўшимдан кетмаганман. Шунчаки ухлаб қолганман, холос. Тушга бўлса нималар кирмайди? Ана, тонг отарда кўрган тушим... Огоҳлантириш бўлди. Агар тушимга ишонмаганимда, ҳозир Наташа яшамаётган бўлар, менинг эса деразадан сакраб тушганимдаёқ оёғим синарди. Аслида, унча-мунча нарсага ишонавермайман... Лекин буниси... Қизиқ, ҳамма нарсани аниқ-тиниқ кўрдим. Ҳатто ҳозир ҳам Найзуанинг дағдағаси, мулойим тортиб қолиши, аламидан айтган гапларини эшитиб тургандайман... Нималар тўғрисида бош қотираяпсан, Амир? Ахир бўлиши мумкин эмас-ку. Ҳиндуга ўхшаган одамлар... Агар бирортасига гуллаб қўядиган бўлсам, кулгининг тагида қолиб кетишим аниқ», дея кўнглимдан ўтказдим-да, хаёлимга келган ўзбекча кўйни хиргойи қилганча соқолимни ола бошладим. Ўзиям шунақанги қиртишладимки, терим шилиниб кетай деди. Кейин сочиққа артиниб, ювиниш хонасидан чиқдим. Василий билан Наташа бир-бирига рўбарў ўтирганча гаплашаётган экан, ўз-ўзидан рашким кўзгади. Пешонамни тириштириб:

— Энди тозаланибдими? — дея юзимни уларга кўрсатдим.

— Амир, — деди ҳайратдан кўзларини узолмаган Наташа, — сен соқолингни олмабсан-ку.

Василий пиқ этиб кулиб юборди. Мен бирдан юзимни иш-қаладим.

— Алдаганинг учун сени яхшилаб жазолайман, — дедим илжайиб ва уни кўлидан ушлаб турғаздим-да, қаҳва тайёрлашни буюрдим.

Кейин унинг ўрнига ўзим ўтирдим.

— Амир, рўпарадаги уйнинг олдида роса одам тўплашибди. Мелиса, дўхтир ҳам бор. Улар нима қилишяпти экан, деган хаёлда бориб қарасам, ерда бир ҳабаш ётибди. Башарасига қараб бўлмайди. Одамларнинг гапига қараганда, томдан тушиб кетибди. Бировлар «Кимдир уни итариб юборган», дейди. Милиционерлар томдан мил-

тиқ бўлакларини топишибди. Бундан сенинг хабаринг йўқми? — деди.

Ҳабаш ютқазганидан сўнг ғамга ботиб ўтириб қолганини эсладим. «Қўрққан... — деб ўйладим. — Йўқ, у буюртмачидан қўрқадиган йигитга ўхшамади. Менимча, гурури йўл қўймаган. Лекин чатоқ бўпти».

— Нега ўйланиб қолдинг, Амир? Уни танирмидинг?

Чойнак остига ўт ёқиб, ярим ўтирилганча менга қараб турган Наташага, сўнг Василийга юзлан-дим:

— Бундай хаёлга боришинг ноўрин. Мен танийдиганларнинг ҳаммаси ҳалок бўлавермайди. Ҳабашлардан эса мутлақо танишим йўқ... Менимча, сен бизни туғилган кунга олиб кетмоқчи бўлиб келгансан. Албатта, менинг фикрим бу...

— Бўлмасам-чи. Мария келмоқчи эди, қолдирдим. «Тайёргарлик кўр», дедим. Наташа, қаҳвани қўй, дамлама. Ҳозир бизникига борамиз, керак бўлса, қаҳваям ичамиз.

— Унда бундай қиламиз: сен билан бирга боришимиз ноқулай. Ҳарна кирадиган жойимиз, оладиган нарсаларимиз бор. Шунинг учун сен кетавер, ортингдан етиб борамиз, — дедим.

Василий эътироз билдирмади. Қўлларини икки томонга ёзди:

— Ихтиёр ўзларингда. Агар вақтида етиб бормасанглар, қанчалик хафа бўлишимизни эслатиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Мен эшиккача кузатиб бордим. Эшик ёнида бўй-бас-тига эътибор бердим. «У мен тушимда кўрган одамлар олдида ёш боланинг ўзгинаси», деган хаёлга бордим. Сўнг изимга қайтиб, Наташага:

— Василийни чақирганингга қараганда, сени жуда кўрқитиб юборганга ўхшайман, — дедим.

У менга жавоб бериш ўрнига, юзимга тикилди-ю, анграйди.

— Ҳи, яна нима гап? — дедим бироз жаҳлим чиқиб.

— Амир, хоҳ ишон, хоҳ ишонма, соқолинг яна ўсиб қолибди, — деди.

— Нега ўсаркан? Ҳозиргина олдим-ку. Ҳамма кўрди, — дедим-да, тез-тез юриб, ювиниш хонасига кирдим.

Ойнага қарадим. Наташа ҳазиллашмабди. Соқолим бо-
ягидай бўлмаса-да, лекин яхшигина ўсганди.

«Менга нима бўлаяпти? Бу нима аҳвол? Наҳотки эсим
оғиб, қандайдир дардни орттириб олган бўлсам? Кўрган
тушим... Йўқ, ҳеч нарсани эслашни истамайман... Аммо
нимадир қилишим керак. Соқолим бунақанги тез ўсади-
ган бўлса, мутлақо кўчага чиқолмай қоламан», дея хаё-
лимдан ўтказиб, ювиниш хонасидан чиқдим. Наташа чи-
қишимни йўлакда кутиб турган экан. Бирдан бўйнимга
осилди.

— Сен ҳеч нарсани ўйлама. Мен сени ҳар қандай
ҳолатда ҳам севавераман. Сен фақат ҳеч нарсдан сиқил-
ма, — дея кўнглимни кўтаришга уринди.

— Мен хавотирланмаяпман. Шунчаки қизиқаяпман.
Энди кечгача қарайман, қани, қанча ўсаркан? Бир ҳисоб-
дан бу менга қўл келади. Агар шунақанги янгилик билан
чет элга борсанг... бирпасда бойваччага айланиб кетасан,
— дедим кулиб.

Мен Наташадан ҳам кўра ўзимни хотиржам қилиш
учун шундай дедим. Чунки қандайдир ички бир галати
наrsa бўғзимга тиқилиб қолганди. Ундан қутулишнинг
ягона йўли яхши гаплар билан ўз дилимга мал-ҳам бўлиш
эди.

— Хўш, хоним, кетдикми? Эртароқ бормасанг, Мария
хафа бўлади. Ҳойнаҳой, «Эримнинг тоби қочди», деб,
унинг ҳам кўнглига гулгула солиб қўйган бўлсанг керак.
Шунинг учун эртароқ боришга мажбурмиз.

— Албатта, сен тезроқ кийиниб ол.

То ташқарига чиққунимизча мен бир жойда турмадим.
Тинимсиз юрдим. Гоҳ ошхонага, гоҳ ётоқхонага кирдим.
Ювиниш хонасининг ўзида қарийб уч марта бўлдим. Ҳар
сафар ойнага қарадим. Ҳар сафар соқолим ўсиб бораёт-
ганини кузатдим. Наташа эса бирор марта бўлсин, «Со-
қолинг ўсиб кетаяпти», демади. Ҳар сафар кўзи менга
тушганда нимадир демоқчи бўларди-ю, лекин дарров ти-
лини тишларди. Ичидаги гапни гарчи айтмаса ҳам, мен
сезиб турардим.

Ташқарига чиққанимизда, рўпарадаги уй ёнида тўплан-
ганларнинг ҳаммаси тарқалиб бўлган эди. Фақат бизнинг
йўлакдан чиқаверишда учта қария ўтирган экан. Улар

бизни кўришлари билан эҳтиёт бўлишимизни, ҳозир террорчилар кўпайиб кетганини айтишди.

Бу чолларнинг онгу шуурида эскилик сарқитлари қотиб қолган. Улар ниманики кўрса ёки эшитса, дарров ваҳимага айлантиришади. Бундай олиб қаралса, бир ҳабашнинг томдан қулаши у қадар даҳшатли эмас. Ана, уруш бўлаётган ёки эпидемия тарқалган Африкани олайлик. Бир кунда қанчадан-қанча одам қурбон бўлаяпти. Уларнинг қанчаси бегуноҳ. Бу ҳабаш бўлса милтиғи билан озмунча одамнинг ёстиғини қуритганми? Яна унинг кўксига гурур борлигига ўласанми? Мен уни «Мардларча ўзини томдан ташлаган», деб ёлғон айтдим. Аслида, у буюртмачиларнинг қўлида азобланишдан қўрққан.

Сал нарироққа боришим билан бу воқеалар эсимдан чиқди. Хаёлимни яна ўша кўрган тушим эгаллаб олди. Бу сафарги хотирлашим бошқачароқ эди. Яъни ўша дарахт устида ўтирган «мен» омон қоладими, йўқми? Умуман, унинг жонини сақлаб қолишнинг қандай йўли бор? Чирмашиб чиқаётганларни бирма-бир уриб туширса... Лекин унинг қўлида бирор-бир қурол йўқ. Чиқаётганлар найзаси билан бемалол унга жароҳат етказиши мумкин...

Шундай ўй-хаёллар гирдобиди Василийнинг уйига етиб борганимизни ҳам сезмабман. Уларнинг меҳмонхонасидаги дастурхон ноз-неъматлардан тортиб, энг сархил егуликларгача тўлдириб ташланибди. «Ҳозир ўтираман-у, тўйиб ичаман, шунда барини эсимдан чиқазиб, одамга ўхшаб дам оламан», дея хаёлимдан ўтказдим. Кўришиш, сўрашишлар каби расмий маросимлар вақти. Дарвоқе, Вованинг аввалги кўринишидан асар ҳам қолмабди. Сочсоқоли олинган, эгнидаги кўйлаги дид билан дазмолланган, шу-нингдек, у атир сепиб олган эди. Мен билан худди эскидан биродардай қучоқлашиб кўришди.

— Шайтоннинг заҳар-заққумидан қуй, — дедим стулга ўтиришим билан иржайиб турган Василийга.

Наташа менга қовоғини уйиб қаради.

— Озгина нафас ростлаб олайлик, ичишга улгурасизлар, — деди кейин.

— Қўлимда қадаҳ бўлмаса, бировни табриклашим қийин бўлади. Қадаҳ худди микрофондай гап. Ушласам, гаплар ўз-ўзидан қуйилиб келаверади. Тилимни айлантириб турсам бас, — дедим иржайиб.

— Тўғри. Жудаям тўғри!

— Эркакларнинг шундан бошқа дарди йўқ, — деди Мария Наташага қараб қўйиб. — Улар ҳаётининг мазмуни ичкиликдан иборат. Дарвоқе, сюрприз бор.

— Қани, биз билмаган сюрпризни кўрсат-чи, — дея жилмайди Наташа.

— Ҳозир.

Хонадан чиқиб кетган Мария икки дақиқа ичида қайтиб келди. У билан бирга ёши ўттизларга бориб қолган бир жувон ҳам бор эди. У бироз уялган, бироз қизарганди.

— Топдим! — дея бирдан қичқариб юборди Наташа. — Бу келинчак. Бу Вованинг келинчаги!

Хонадагиларнинг ҳаммаси ўрнидан туриб, қарсак чалиб юборишди. Наташа келинчакни кучоқлади, юзидан чўлпиллатиб ўпди.

— Бугун нафақат туғилган кунни нишонлаймиз, балки тўй ҳам қиламиз. Вовка билан Александранинг тўйлари...

Василийнинг баланд овозда айтган гапи ҳаммани руҳлантириб юборди. Менинг хаёлимни ўтмиш замон билан ҳозиргиси эгаллаб олганди. Эртароқ сархуш бўлишни истаётгандим. Шунинг учун дарров қўлимга шампань виносини олдим. Қоп-қоғини очдим. Қадаҳларга қуйдим. Бош-қалар қийқариб, қилаётган ишимни маъқуллаб туришди.

Табрик сўзи айтишдан аввал беихтиёр иягимни ушлаган эдим, қўлим узун туклар орасига кириб кетди. Даҳшатдан қотиб қолдим. Ҳамма мендаги ўзгаришни сезиб турар, бироқ ҳеч кимдан садо чиқмасди. Билдим, Вова нимадир демоқчи бўлди. Аммо Василий енгидан тортиб қўйгач, жим бўлди.

— Мария, сенинг туғилган кунинг учун!.. — дедим. Сўнгра Вова билан Александрага ўгирилдим: — Сизларнинг эса бахтли ҳаёт кечиришларинг учун.

Бошқа гап чиқмади оғзимдан. Чиқмасди ҳам. Чунки жуда қаттиқ ҳаяжонланаётгандим. Аммо шампань виносини ичмадим. Уни стол устига қўйиб, бошқа идишга ароқ тўлдирдим-да, бир кўтаришда ичиб юбордим. Шунда хаёлимга бирдан Нормурод ота келди. «Одамзоднинг бошига не бир савдолар тушмайди. Агар ироданг бўш

бўлса, ҳар бир ташвишингни ароқ билан унутмоқчи бўласанг. Аммо адашасан. Ғамдан қутулиш ўрнига унинг қаърига баттар кириб кетасан. Шунинг учун вақтида эсингни йиғиб ол», деган эди у. Лекин мен ҳозир бутунлай бошқача аҳволдаман. Ўз-ўзидан соқолим ўсиб кетаяпти. Хаёлимни ақл бовар қилмас алламбалолар эгаллаб олган.

— Жоним, — деди ёнимда ўтирган Наташа қўлимни ушлаб. — Ҳаммаси жойида. Сира сиқилмасдан бемалол ўтир. Сенинг қийналаётганингни кўрсам, ўзимни қўярга жой тополмайман.

— Мендан хавотир олма, — дея беихтиёр қўлимни ароққа узатдим.

Ҳозиргина хаёлимга келган Нормурод отанинг гапларини унутдим.

Базм дарров қизиб кетди. Ёки менга шундай туйилди. Кетма-кет яна икки қадаҳ ичганимдан сўнг давradoшларни бошқача кўра бошладим. Яъни улар гоҳ-гоҳида туман орасига кириб қолар, овозлари узоқлардан эшитиларди. Мен яна қайтаяпман, яна кўраман... Душмандан қутулиб қолиш чорасини кўришим керак. Ахир аждаҳони ўзимга бўйсундириб, бутун ер юзининг мутлақ ҳокимига эришишим керак-ку, дея ўйлар ва шу лаҳзанинг ўзида ортга қайтиб, даврага қўшилар, ён-веримдагиларга иржайиб қарар ва қадаҳ тўқиштирдим. Охири бўлмади. Бошимни кўтаролмай қолдим.

— Мен маст бўлиб қолдим, шекилли, дам оламан, — дедим Наташанинг қулоғига шивирлаб.

У юзимга бир қараб қўйди. Бошқа пайти узоқ муддат тикиларди. Лекин ҳозир... Соқолим кўзимга бемалол кўри-на бошлаган эди. Менимча, шунинг учун у дарров кўзини олиб қочди. Узоқ термилишга энди унинг сабри етмайди. Ўрнига бошқа бўлганда ҳам шундай қиларди.

Наташадан садо чиқавермагач, ўрнимдан турдим. Василийнинг хавотирланиб тикилганини кўрдим. Унга имладим. Биз олдинма-кейин йўлакка чиқдик.

— Мен чарчадим, маст бўлдим, озгина ухламасам бўлмайди, — дедим.

— Яхши, юр, — дея у йўл бошлади.

Ёстиққа бош қўйишим билан ухлаб қолдим. Йўқ, бирдан ухламадим, кўз олдимни тагин туман қоплади. Васи-

лий эшикдан чиқиб кетмади. Туман орасига кириб, ғойиб бўлди. Мен эса ўзимга таниш бўлган жуда қадим замондаги дарахт устига қайтиб бордим.

Худди кино бир тўхтаб, кейин давом этгандай бўлди. Қўшни уруғ жангчилари аста-секин юқорилай бошладилар. Мен бир муддат уларни кузатдим. Сўнг дарров дарахт танасини қучоқладим-да, атрофга алангладим. Кейинги дарахт унчалик узоқда эмасди. Фақат унга ўтиш учун яна озроқ юқорилаш керак, кейин шохдан-шохга ўтиб кетса бўлади.

Бизнинг тўдадагилар бундай ишларни шунчаки эрмак учун қилишади. Уларни биринчи марта кўрган одам маймун деб ўйласа, ажабмас.

Бироқ кейинги дарахтга ўтишим ҳам деярли наф бермади. Қайтанга, унинг шохлари наригисидай йўғон бўлмагани учун ёйдан отилган майда найзачалар, сал бўлмаса, менга тегиб кетаёзди.

— Отманглар, ҳозир ўзим тушаман! — дедим пастга қараб.

«Улар бошқа тилда гаплашади. Бизнинг гапларни тушунишмайди», дерди бизникилар. «Тушаман» дейишга дедим-у, ўзим иккиланиб қолдим.

— Туш! Бўлмаса, ўлдираман! — деди улардан бири.

У бизнинг тилда гапирганди. Демак, улар ҳам худди бизга ўхшаб сўрашишаркан-да. Ерга тушгунимча бирортаси аҳмоқлик қилиб, қуроли билан мени ўлдириб қўймаса, тил топишиб кетиш мумкин. Қолаверса, мен уларнинг бирортасига ҳам зиён етказмадим, деган хаёлга бордим.

Дарахтдан тушиш машаққатли эмас. Шохдан-шохга сакрасанг, пастлаб кетаверасан.

Пастга-ку, эсон-омон тушдим. Бироқ улар билан тил топишиб кетаман, деб нотўғри хаёлга борибман. Оёғим ерга тегар-тегмас, уч-тўрттаси бирдан елкамга чиқиб олиб, мени ағдарди. Яна иккитаси оёғимни, бошқалари эса қўлларимни бир зумда боғлаб ташлашди. Сўнгра узун йўғон таёқни оёқ-қўлларим орасидан ўтказишди. Кейин ҳаммалари қуролларини ерга ташлаб, қўлларини осмонга кўтарганча ҳайқаришди.

«Улар одамхўрлар... Ҳа-а, худди шундай. Одамхўрлик

ҳамма қабила-ю, тўдаларда бор. Улар, асосан, бошқа уруф вакилларини ўлдириб, гўштини ейишади». Тўдамиз қариялари бу ҳақда жуда кўп марта айтишар ва бизни мумкин қадар ёлғиз юрмасликка ундашарди. «Бекор тушибман. Бундан кўра дарахтдан-дарахтга сакраб қочганимда яхши бўларди», дея ҳаёлимдан ўтказиб, тепамда ҳайқираётганларга умид кўзлари билан боқдим. Йўқ, улардан нажот кутиш аҳмоқликнинг ўзгинаси. Чунки ҳар бирининг кўзи олов бўлиб ёнаяпти. Худди йиртқичникига ўхшайди.

Қийқириқлар тугагач, улар мени кўтариб олишди. Оёқ-қўлим юқорида, ёғочга осилиб кетавердим. Душман уруф одамларининг бир қисми айикни бурдалашга қолишди. Қолганлари мени кўтариб, йўлга тушишди.

Йўл-йўлакай билдимки, улар мутлақо бошқа тилда гаплашишаркан. Ўзаро гап-сўзларини тушунмадим. Ҳойна-ҳой, мени қандай қилиб ейиш тўғрисида гаплашаётган бўлишса керак. Қанчалик аламли!.. Ҳозирданоқ этим жунжикиб кетаяпти. Ишқилиб, тириклайин оловда куйдиришмасин-да. Аввал ўлдиришсин. Ҳеч нимани сезмайдиган бўлганимдан кейин, майли, ўтга тоблашсин. Чунки бир марта бизникилар буларнинг бирини тутиб, оловга тоблаганида, у жуда қаттиқ чинқирганди. Сўнг кимдир бошига уриб, ўлдириб қўйди. Унга роса ичим ачиган. Қутқармоқчи бўлганман. Лекин эпини қилолмаганман. Сал бўлмаса, унинг ўрнига ўзим ўтда қуярдим. Ростини айтсам, ўшанда Найзуа қутқарган. Қутқаргани ҳам галати. Тош пичоқ билан душман йигитнинг қўлига боғланган ипни кесаётсам, югуриб келиб, урган. Кейин устимга чиқиб:

— Коҳиннинг айтишига қараганда, сен шеримизни насибасиз қолдирмоқчи бўлибсан, — дея кўзимга тикилган.

Ана энди эсладим: ўтган қуёшли кунда уни йиқитганимда, у худди шу нигоҳ билан қараганди. Кўкраги кўтарилиб тушган, эҳтирос билан нафас олганди. Ўша душманнинг одамини қутқармоқчи бўлганимда ҳам у шундай қилувди. Лекин ўша пайтда ҳеч нимани сезмаганман...

Паст бўйли буталар орқамни тирнаб юборди. Этим ачишди. Инградим.

— Ха-ха-ха, сенинг юрагингни ўзим ейман. Каттагина бўлса керак. Ҳозир ўйлаяпман. Мазза!.. — деди мени дарахтдан тушишга қўндирган йиртқич одам.

Унинг гапини эшитиб, бутунлай адо бўлдим. Кўзимдан ёш оқди. Лекин менинг кўз ёшим билан бу ярамасларнинг мутлақо иши йўқ. Тўдабошининг олдига олиб боришади. Мақтанишади. Сўнг қуруқ шох-шабба тўплашади. Коҳини келиб олов ёқади. Сўнгга мени бутунлай яланғоч қилишади-да, сихга тортишади. Ҳамма ёқда даҳшат, ҳамма ёқда ўлим нафаси. Бир хаёл тақдирга тан бермоқчи бўлдим. Шунда вужудимда гойибдан ғалати бир овоз келди: «Ўлишинг аниқми, демак, курашишинг керак. Нима бўлган тақдирда ҳам жонингни сақлаб қолишни ўйла. Мабодо ўладиган бўлсанг, унга ҳам ачинма. Сихга тортилиб, оловда куйгандан кўра, найза тигининг танага санчилгани афзалроқ».

Мени олиб кетаётганлар дарёдан ўтишди. Сув кўп экан. Гарчи елкаларида қўтаришган эса-да, юзимга сув мени урила бошлади. Вужудимга теккан сув анча тетиклаштирди мени ва бироз қимирлаб кўрдим. Улар тўхташди. Чунки оёқлари сувда сирпанаётган эди. Яна озгина ҳаракат қилсам, сувда оқиб кетмасликлари учун мени қўйиб юборишлари ҳам мумкин.

Бироқ яна ўйлаганим бўлмади. Дарров юкчиларга ёрдам етиб келди. Энди мени икки киши эмас, балки тўрттаси кўтариб олди.

Дарё ортада қолди. Қўл-оёқларимни ип қийиб юборди. Кўзим куёшдан қамашди. Бироқ золимлар бунга сира эътибор беришмас, бемалол йўлларида давом этишарди.

Озгина фурсатдан кейин қисқа яланглик тугаб, тагин ўрмон бошланди. Шох-шаббаларнинг худди менда қасдлари бордай яна ҳамма ёғимни тимдалай бошлади. Шунингдек, биз юқорилаб борардик ва менинг қўлим сирпаниб, орқадаги юкчининг тубига бориб қолдим. У юришга қийналганида, икки-уч марта мени тепди. Бироқ бу ҳам унга ёрдам бермади. Шунда у олдинда кетаётган шерикларига нимадир деб қичқирди.

Юриш тўхтатилди. Мени ерга — тош устига қўйишди. Улар бир-бирлари билан нималарнидир гаплашишди. Шундан сўнг мени ёғочдан ажратиб, оёғимни боғлаб тур-

ган ипни ечиб ташлашди-да, ўрнимдан тургазишди. Бироқ мен йиқилиб тушдим. Чунки оёқларим уюшиб қолганди. Бармоқларим оқариб, бижилларди. Лекин манави одамхўрлар буни тушунмас, шу боис елкамга муштлаб, ўрнимдан тургазиб юришга мажбур этишарди. Бироздан кейин панжаларимга жон кириб, одамга ўхшаб юра бошладим. Шу билан бирга мени олиб кетаётганларга зътибор бердим.

Улар худди менга ўхшаб кийинган, бироқ гавдалари бироз кичкина эди. Шунингдек, бўйлари ҳам пастроқ. Демак, қўлимни ечиб, бирортасининг найзасини олиб қўйсам, бемалол уришсам бўлади. Тўғри, улар етти-саккиз киши. Бироқ менинг кучим уларнинг ҳаммасиникини қўшганда ҳам кўпроқ. Ҳар қалай, назаримда, шундай. Ўзи дарахтдан тушганимдаёқ, олишсам бўларкан.

Ортимдан келаётган душман ҳаёлимдагиларни уқиб олгандай, найзасининг учи билан бир-икки марта ниқтади. Белимда оғриқ сезиб, тишимни тишимга маҳкам босдим-да, мумкин қадар дадилроқ юришга ҳаракат қила бошладим. Шунинг билан бирга, қулай фурсат келишини кутдим.

Ҳа, бу паканалар осонликча мени ўтда куйдиришолмайди. Ўзларича қовурилган жигаримни маза қилиб ейишни орзулаб кетишаётган бўлса керак. Менинг жигаримни тушингда кўрасанлар. Мабодо танамни сихга тортганларингда ҳам, жигарим сизларга насиб этмайди. Одамхўр уруғбошининг ўзи тановул қилади.

Биз қуёш тиккадан ўтганида, тоғнинг энг тепасига чиқдик. У ердан ҳамма ёқ худди кафтдек кўринарди. Мен ички энтикиш билан ўзимизнинг гор томонга қарадим. Ҳеч ким кўринмади. Лекин аниқ биламанки, уруғдошларим гор атрофида юришибди. Бу ер жуда узоқ бўлгани учун кўринмайди. Мабодо улар мени кўрганида нима бўларди? Ёрдамга келишармиди ёки хунимни олиш учун манави одам-хўрларга ҳужум қилишармиди? Йўқ, ундай бўлмайди. Қўл силташади ва бу тўладан бирортаси асир тушиб қолишини кутишади. Шунда ўша шерга ем бўлишга маҳкум этилганга: «Бизнинг қабиладошимизни тутиб олиб, оловда пишириб егансизлар», дейишади. Балки шундай ҳам дейишмас. Чунки айғоқчи Найзуани йиқитганимни

кўрди. Бориб тўдамизнинг ҳукмдори — Қоятошга ҳаммасини айтиб берган. Албатта, ўзидан ҳам анча-мунча қўшиб-чатган. Чунки Қоятош хабардан қанчалик газабланса, унинг келтирган маълумоти шунчалик муҳим саналади. Шунга асосан, улар мен учун мутлақо жон куйдиришмайди. Ҳатто ўша қўлга тушган асирга ҳам ҳеч нима дейишмайди. Шунчаки бўлакларга бўлиб, шернинг олдига ташлашади. Лекин горимизни кўргач, барибир, ичикдим. Бўғзимга бир нима тиқилди.

Яна мени туртишди. Тагин юришда давом этдим.

Энди биз пастликка эна бошлагандик. Тоққа чиқишдан кўра тушиш қийинроқ. Қадамнинг керагидан ортиқроқ тезлатиб юборсанг, кейин ўзингни тўхтатиб қололмайсан. Бунинг устига, оёқ ости қалин ўт, югуриб кетаётганинда ўралашиб қолиб, йиқитиши ҳеч гапмас. Тўғри, булар биз учун арзимас нарса. Лекин қўл боғланган пайтда шулар ҳам муаммо туғдириши мумкин. Айтайлик, йиқилсанг, бошинг тошга қаттиқ урилса, нариги дунёга рихлат қилиш ҳам ҳеч гапмас. Бизнинг худоларимиз кўп. Бири тош, иккинчиси шамол, учинчиси ўрмон, кейингилари кўёш, осмон, сув... Уларга доим ибодат қиламиз. Бошимизга ташвиш тушганида, бизни омон сақлашидан умид қиламиз. Бироқ ҳар доим ҳам улар бизнинг овозимизни эшитаверишмайди. Мана, ҳозир мени ўлдиргани олиб кетишяпти. Аммо худоларимиздан бирортаси ҳам ёрдам бермаяпти. Балки манави одамхўрларнинг худоси кучлироқдир...

Олдимиздан бир тўда одам чиқди. Улар орасида аёллар, ёш болалар ҳам бор эди. Демак, манзилга етишимизга оз қолибди. Энди тамом, мен ўзимни қутқариб қололмайман.

«Эй, ёмғир худоси! Мени ўтда куйдиришаётганда оловни ўчир... Сувларинг сел бўлиб, душманни оқизиб кетсин!» дея хаёлимдан ўтказдим. Ички нидомдан беҳабар душман томоннинг болалари, аёллари ва қизлари мени ўраб олишди. Бирови қўлимдан ушлаб кўрди. Иккинчиси ёпиниб олган матоҳимни тортди. Қизларидан биттаси эса елкамгача тушиб турган узун сочларимдан гижимлаб ушлади-да, юзимга термилди. Кейин қўзларини олайтириб:

— Ҳамм! — деди оғзини катта очиб.

Вой-эй, индамай турганида сал одамшаванда бўлган қиз оғзини очганида бирам хунуклашиб кетдики... Гарчи унинг бўйи меникидан паст, ўзи нимжонгина бўлса-да, этим жунжикди. Бироқ буниси ҳали ҳолва экан, кутилмаганда у бирдан юзимга чанг солди. Яхшиям, бўйимнинг узунлиги, яхшиям, ўзимни вақтида олиб қочганим, йўқса, ўткир ва кир босган тирноқлари билан юзимнинг терисини шилиб олиши ҳеч гап эмасди.

Кераклича зиён етказолмагани алам қилган қиз яна бир марта ташланиб кўрди. Бироқ «овчи жангчилар» уни итариб юбориб, мени қутқариб қолишди.

Биз яна пастликка эндик. Йўлимизни тўсиб чиққан қиз-жувонлар ва болалар ортимиздан эргашди. Улар ўз тилларида нималардир деб шовқин солишар, ора-чора қийқиришарди.

Қочиш фикри аста-секин шунчаки орзуга айланиб бо-раётганди. Чунки улар шунчалик кўпайиб кетишаётган эдиларки, гўё ер ёрилиб, одамхўрлар қайнаб чиқаётганга ўхшарди. Ниҳоят, тақдирга тан бердим. Ниҳоят, ўлимни бўйнимга олдим. Бироқ ҳали-ҳануз ўтда куйишга рози эмасдим. Ана шунинг учун ҳам чорасини қидира бошладим.

Дарахтлар сийраклашди. Оёқ ости ҳам юрилаверганидан тап-тақир бўлиб кетганди. Биз шох-шаббалар билан ўралган уй олдида тўхтадик. Ичкаридан соқоли кўксига тушган бир чол чиқди. Овчилар дарров мен тўғримдаги маълумотни унга етказишди. Чол иржайди ва хиёл эгилганча ёнимга келди-да, айланиб обдан томоша қилди.

— Форларингдаги шер ҳалиям ҳаётми? — деди сўнгра бизнинг тилда.

Мен унинг юзига тикилиб, ниманидир эслатмоқчи бўлганини тушундим.

— Қоятош мендан қарздор. Беш одамимнинг бошига етган у. Лекин мен унинг уруғидагиларнинг бирортасига ҳам тегмадим.

— Мен овчиман, холос. Лекин сенинг тўдандагиларни шу пайтгача кўрмаган эдим.

— Қўлларинг бақувват, оёқларинг ҳам. Бундан чиқди, тез югурасан. Демак, гўштинг ҳам мазали. Худди кийик-никига ўхшайди...

— Менга бер буни! — дея бақирди шу пайт мени ўраб турганлар орасини ёриб ўтиб, ёнимга келган бир қиз.

Чолга эмин-эркин гапиришига қараганда, унинг қизи бўлса керак. У Найзуа каби кийинган ва худди ўшандай мағрур эди. Эр кўрмаганлиги бир қарашданоқ сезилади. Юзи тиниқ. Лекин нимагадир бошида бир туки ҳам йўқ. Ўткир тигли асбоб билан олиб ташланган.

— Ота! — деди у гўдаииб, худди мендай мавжудотни илк маротаба кўраётгандай, атрофимдан айланиб томоша қиларкан. — Менга бер буни!

Бизни ўраб турганлар шу ондаёқ қўлларини осмонга кўтариб, ғалаён қилишди.

Қиз уларга қараб бақирди. У отаси билан менинг тилимда гаплашганди. Оломонга эса ўз тилида бақирди. Шунингдек, пўписаям қилиб қўйди. Ҳамма бирдан жим бўлди. Аммо бошқаларга нисбатан анча савлатли, қарашлари ўткир, қўлида найза, елкасига ёй осиб олган бир нусха унга итоат этмади. У шу пайтгача олдинги қаторда турарди. Қовоғини уйганча қизга хўмрайиб ўтди-да, менинг ёнимга келиб, иягимдан ушлади. Кўзимга тикилди. Унинг қараши шунақанги совуқ эдики, этим музлаб кетди. Унинг юзидан ғазаб, ундан-да баттарроқ жирканч бир нарса уфуриб турарди. Турқини кўриши билан ваҳима босади кишини. Ҳаттоки шер билан рўбарў келганда ҳам бундай аҳволга тушмайсан. Ҳартугул, шернинг қорни тўқ бўлса, тегинмаса керак, деб ўйлайсан. Бунга эса фарқи йўқ. Қорни очми, тўқми, барибир, ўтда куйдириб, тириклайин кабобга айлантиради. Кейин ўзи емайди. Гўдаииб қўяди. Қилган ишидан роҳатланади.

— Меники дедим! — бақирди қиз.

У негадир отаси ва мана шу бадбашара нусха билан менинг тилимда гаплашаётган эди. Қизнинг бақиригидан шу нарса маълум бўлдики, у манави тасқара билан келишмайди. Ораларида қандайдир зиддият ёки яқинлик бор.

— Бунақаси кам қўлга тушади. Остига яхшилаб ўт ёқиб, жигарини юлиб, отанг иккингизга совға қилардим, — деди йигит афсусланганнамо.

— Нима қилишни ўзим биламан! — ҳайқирди қиз ва шиддат билан келиб тасқарани итариб юборди.

Менинг кўнглимда шу заҳоти умид учкунлари пайдо бўлди. Қиз ўтда куйишимни истамаяпти. Демак, омон қолишим ҳам мумкин. Ўзим ёввойиман-у, ёввойилардан умид қилаяпман. Ахир ёввойининг кўнглида раҳм-шафқат бўлмаслигини яхши биламан-ку. «Қиз мени омон қолдирармикан?» деб умидланаётганим дарров ўзимга кулгили туйилиб кетди. Шунда ҳам, барибир, қандайдир ички ишонч мени тарк этмас эди.

Қиз биқинимни гижимлаб ушлади. Узун тирноқлари этимга ботди. Чидадим. Тусимни ўзгартирмадим. У бўлса, шу аҳволда мени судради. Пастроққа олиб тушди. Унинг ортидан ҳамма эргашди. Қулоғим шовқин-сурондан битиб қолаёзди. Биз борган жойда дарахтлар кўп эди. Яна ернинг қаъридан булоқ суви отилиб чиқарди. Қиз мени йўғонроқ дарахтлардан бирига боғлаб, ўзи нари кетди. Уруғдошларига ўгирилиб, бир муддат уларга қараб турди-да, алланималар деб бақирди. Тўданинг ёшу қариси, эркагу аёли қўлларини осмонга кўтариб ҳайқаришди. Ниманидир тантана қилишди. Қиз бундан руҳланиб, ёйини қўлига олди. Ёйнинг ипига учқур тош маҳкамланган чўпни қадади ва мени мўлжалга ола бошлади...

— Турсанг-чи, турақол! — деган овоздан кўзим очилиб кетди.

Тепамда Наташа турарди. У аввал гира-шира туман орасида пайдо бўлди. Кейин аста-секин туман тарқаб, Наташа бутун бўй-басти билан намоён бўлди. Чайқала-япти. Демак, у мен кетганимдан кейин яхшигина ичибди, оёғида зўрға турарди. Жаҳлим чиқиб кетди. Зумда тушимда кўрганларимни унутиб, ўрнимдан сапчиб турдим ва беихтиёр силкиллаб кетган соқолимга кўзим тушди. У ўсиб кўкрагимгача тушибди.

— Амир! Амир... — деди кўзи сузилган Наташа. — Мен сендан... Сендан жудаям кўрқаяпман!

Бу ёғи тушунарли. У айнан менинг кўрқинчли тусга кириб бораётганим учунгина ичган. Шу билан юрагидаги кўрқувни босишга уринган. Демак, унда айб йўқ. Ҳамма балога ўзим сабабчиман.

— Кўрқма! Сен менинг ўрнимга ёт, — дея унинг каравотга чўзилишига ёрдамлашиб, ўзим хонадан чиқдим.

Меҳмонхонада Василийни столга бошини қўйиб ухла-

ётган ҳолида кўрдим. Вова телевизор кўриш билан овора эди. У қадам товушимни эшитиб, мен томонга ўгирилиб қаради-ю, бирдан ўрнидан туриб кетди ва киприклари пирпираб:

— Амир! Мен ҳалиги... Ҳалиги... Соқолинг... Мен тушунмаяпман!.. — деди.

— Кераги ҳам йўқ. Устара топиб бер! — дедим жаҳл билан.

— Хўп. Хўп, ҳозир. Мен дарров... — дея у столни айланиб ўтди ва мендан кўзини узмаган кўйи хонани тарк этди.

Бирдан устарани ишлатишнинг имкони бўлмади. Шу боис Вова қайчи ҳам топиб келишга мажбур бўлди. Мен кўрган тушимни унутиб, газаб билан соқолимни қайчилаб ташладим. Сўнг юзимни, иягимни обдан кўпиклаб, соқолимни қира бошладим. Албатта, тонггача тагин ўсиб чиқмайди, деб кафолат беролмайман. Мана, ҳозир ҳам юзимни қиртишлаган заҳотим яна билинар-билинемас қора нуқтачалар пайдо бўлаётганга ўхшарди. Мен қилаётган ишимни йиғиштириб, шу нуқтачаларга термилиб туравердим. Ойнадаги аксим ҳам мени масхаралаётганга ўхшарди.

Орадан бир неча сония ўтар-ўтмас, нега термилаётганимни эсимдан чиқариб қўйдим. Чунки хаёлимни тушим эгаллаб олганди...

Дарахтга қўшиб боғланганман. Ўн қадамча нарида камон ушлаган қиз турибди. Нишонга олаяпти. Ҳозир у бармоқлари орасида ёйга тортиб ушлаган ўқини қўйиб юборади. «Наҳотки ўша ўлимга маҳкум этилган одам мен бўлсам? Наҳот ўшанда камон ўқи тўғри юрагимга санчилган бўлса?... Наҳотки ўшанда ўлган бўлсам? Жуда ғалати. Хўш, ўшанда мен ўлган бўлсам, яна қайта тирилдимми?... Йўғ-э, бу ёғи жуда мантиқсизлашиб кетди... Эсимдан чиқараман. Тушимда ҳам ўша ёввойиларни кўрмасликка ҳаракат қиламан. Ухлайман-у, тагин ўша манзара пайдо бўладиган бўлса, дарров уйғонишга ҳаракат қиламан. Яхшиси, ҳар беш дақиқада... Йўқ, беш дақиқа жудаям кам. Яхшиси, телефон будильнигини ўн дақиқага тўғрилаб қўяман...»

Бирдан хаёлимни эгаллаб олган бемаза ўйни ҳайдадим

ва ойнага яхшилаб тикилдим. Ахир уйғонганимдан кейин ўсиб кетган соқолимни кўриб, баттар жигибийроним чиқарди-да. Буни қарангки, соқолим ўсмабди. Юзимнинг териси ҳозиргина тукларни қириб ташлаганимда қандай бўлса, шундайлигича эди. Ахир бу бахтнинг ўзгинаси эмасми? Тезроқ қолган соқолимни ҳам қиртишлаб, Наташанинг ёнига боришим керак. Тўғри, у маст ҳолида ухлаб қолган. Уйғотиб, бирон нима дейишнинг фойдаси йўқ. Аввало, тушунмайди. Тушунганида ҳам, жавоб берамайди.

Соқол юмушидан қутулгач, чўмилдим. Илиқ сув остида бир қанча муддат турдим. Танам яйради. Кўп ғаму ташвишларни унутдим. Сўнг сув тўлдирилган ванна ичидан шалоп этиб чиқдим-да, илгакка илинган сочиққа ўрандим.

Ҳалигача ухлашни хаёлига келтирмаган, эҳтимол, у ухлаб қолса, соқоли кўксигача ўсадиган МЕН бўғизлаб ташлашимдан кўрққан. Ахир ҳамма ёмонлар: қотиллар, вампирлар, жаллодлар худди шундай кўринишда бўлади-да. Сени ўлдиришларини ич-ичингдан сезсанг, ухлай оласанми? Ҳеч қачон ухламайсан. Керак бўлса, бир жойда беш сония ҳам турмайсан. Чунки ўша қотил орқангда пайдо бўлиб қолиши ва томоғингга чанг солиши мумкин-да. Даҳшат. Бундан бошқа нарса эмас. Мана, мен ўзим қаерда қўним топдим? Ҳозирча ҳеч қаерда. Чунки ҳар сонияда исковуч итдай излаб юрган Александр Абрамовичнинг одамлари пайдо бўлишлари мумкин. Улар кўриндими, тамом, қандайдир фалокат юз беради...

Вованинг юзи ёришди. Ўрнидан туриб, ёнимга яқинлашди.

— Юрагимни ёрай дединг, ошна! Агар эрталаб лабимда учуқ кўрсанг, демак, бу сен туфайли бўлади... Александрани ухлатиб қўйдим-у, ўзим ухлаёлмадим. Очиғи, соқолтой, ҳақиқатан ҳам, сенмисан ёки бошқа бировми, деб ўйлай бошлагандим. Сен ётган хонага киролмадим. Чунки ўрнингда ётган бўлсанг, юрагим ёрилиб кетарди-да, — деди.

Унинг елкасига қўлимни қўйдим.

— Тўғриси, нима бўлаётганига тушунмай, ўзим ҳам гарангман... Майли, буни қўя турайлик. Василий нега бундай ухлаяпти? Уйғотиш керак, — дедим.

— Аввал уйғотмоқчи эдим. Кейин кўрқдим. Ухлаётган бўлса, нима қипти? Ахир уям одам... Юз грамм оласанми? — деди сўнг менга ўгирилиб.

— Йўқ. Мен шу палакатни неча марта ичган бўлсам ҳам, ҳали бирор марта лаззат олмадим.

— Биласанми, мен ҳозир ичмасам бўлмайди. Тўғри, неча кундан бери оғзимга олмадим. Лекин ҳозир... Мени тўғри тушунгин, ошна.

— Майли, ўзинг биласан, лекин кўп ичма.

Мен унинг бўкиб қолишини билардим. Шунга қарамай, индамадим. Индаганимда ҳам ҳеч нарса ўзгармасди. Вова хурмачаси тўлмагунча тинмайдиганлар хилидан. Кейинроқ, эҳтимол, ичишни ташлашга уриниб кўрар.

Пишиллаб ухлаётган Наташанинг ёнига чўзилиб, кўзларимни юмдим. Дарров ҳаёлимда ўша тушда кўрганларим гавдаланди. «Наҳотки энди ундан бир умр қутулолмасам? Энди ухлашим билан дарров ўша тушнинг давомини кўравераман. Уфф, жонимга тегиб кетди. Кошки, тушни бошқаришнинг иложи бўлса-ю, осонлик билан ёввойилар қўлидан қутулиб чиқиб кетсам... Шошма, мен ота-онамни, укаларим, сингилларимни бутунлай эслан чиқариб қўйдим-ку. Бу қандай бедодлик? Бўлди, ҳамма нарсани йиғиштириб, яқин кунлар ичида қишлоғимга қайтаман... Лекин бу соқол...»

Кўрпа билан юзимни беркитдим. Кўзимни чирт юмдим. Шу тахлит қарийб ярим соатча ётдим. Ўзимча ҳеч нарсани ўйламасликка ҳаракат қилдим. Бироқ сира иложи бўлмади. Александр Абрамович билан илк дафъа учрашганим, уни калтақдан, эҳтимолки, ўлимдан сақлаб қолганим, кейин у мени ўзининг хуфиясига айлантиргани, умримда кўрмаган пулларни бергани, ва, ниҳоят, ресторандаги портлаш, йўқ жойдан бўйнимга айб қўйилгани ва мени овлаш операциясининг бошланиши бирмабир худди кино тасмасидек кўз ўнгимдан ўтди... Кейин, балки, бу пайтда тонг ота бошлагандир, уйкуга кетаётганимни сездим. Яна ўша туман, яна баланд-паст тоғлик, қулоч етмайдиган улкан дарахтлар, тиззадан баланд ўтўланлар, буталар, ярим яланғоч одамлар пайдо бўлди. Мен аввал осмонда пайдо бўлиб, сўнгра пастга тушгандай ҳис қилдим ўзимни. Чунки ҳамма нарсани олдин юқоридан туриб кўрар, кейин пастлай бошлардим.

Қиз камон ипини охиригача тортди. Мен эса бор кучимни арқонни узишга сарфладим. Кучим жудаям кўплигини аниқ-тиниқ сезаётган эдим, шу боис шиддатим янада ошиб кетди. Аммо арқонни узиб юборишга бироз кеч қолдим. Чунки қиз ипини қўйиб юборган, учига ҳайвоннинг қиррали суяги боғланган чўп тўғри пешонамга учиб келаётган эди. Файриихтиёрий ҳаракат билан бошимни эгиб қолдим. Чўп дарахтга санчилди. Одамхўр ёввойилар ҳайқариб юборишди. Қиз эса ҳайрон бўлганча ёнимга яқинлашди. Орамиз ярим қадамча қолганида тўхтади. Худди мени илк маротаба кўраётгандай, синчиклаб юзимга тикилди. Жилмайди. Кўзлари чарақлаб кетди.

— Мен сира одам гўштини емаганман. Лекин сени еб қўяман! — деди ҳаммага эшиттириб.

Ҳайқариқ тагин янгради. Унга қўшилиб қандайдир идишлар ҳам шарақлади. Шу пайт боягина ёнимга келиб, мени ўтда куйдирмоқчи бўлган зўравонга кўзим тушди. У қўлларини кўксига чалиштириб, мийиғида кулиб турарди. У, назаримда, нишонидан адашган қизнинг устидан кулаётганга ўхшарди.

Қиз кўксимга муштлади.

— Сени еб қўяман! — деди.

Негадир унинг охириги гапи бошқача маъно касб этди. Эҳтимол, мен шундай тушунгандирман. Эҳтимол, ҳақиқатан ҳам, у мени ейишни ихтиёр этгандир.

Қиз ортига бурилди. Тўғри отасининг ёнига борди. Ўзининг тилида нимадир деди. Ота бошини қимирлатиб, унинг гапини тасдиқлади ва ёнида турганларга имлади. Икки жангчи йигит мени дарахтдан ажратиб олишди. Сўнг қўлларимдаги арқонни олиб ташлашди.

Қиз ёнимга қайтиб келиб:

— Агар яшаб қолишни истасанг, мени мағлуб этишинг керак. Агар ҳақиқий жангчилигингни кўрсатсанг, доим ёнимда олиб юраман, — деди ва атрофимизни ўраб турганлардан биттасига имо қилган эди, у югуриб келдида, қўлидаги найзани менга берди.

— Мен ҳеч қачон аёл зоти билан уришмаганман. Улар фақат хотин бўлишади, — дея қизнинг кўзига тикилдим.

— Исмим Рабаб.

— Тушунмадим.

— Оппоқ булутни бизда шундай деб айтишади...

У бирдан ўзини менинг устимга ташлади. Тўғриси, қочиб қолишга имконим бор эди. Бироқ ундай қилмадим. У ерга тушиб, бирон жойига шикаст етказишидан чўчидим. Фақат кўксимни нишонга олган суякли пичоқ тутган қўлини ушлаб қолдим. Рабаб устимга тушди ва биз биргалашиб ерга қуладик. Атрофни ўраб турганлар ҳайқаришди.

— Тўданинг эниш томонини ёриб ўтамиз, кейин сен қочасан! — деди Рабаб шоша-пиша қулогимга.

Мен унга жавоб беришга улгурмадим. Чунки у навбатдаги ҳамлани бошлаб юборганди. Очиғи, бу қизга нисбатан меҳрим жудаям ошиб кетди. У бошқалар шубҳага бормаслиги учун атайин жон-жаҳди билан ташланар, мен эса мумкин қадар унга озор етказиб қўймасликка уриндим.

Биз навбатма-навбат бир-биримизни йиқитиб, эниш томонда қалдирғочдай тизилиб турганлар оёғи остига етиб бордик. Улар бироз ортга чекинишди. Ана шунда бу уруғ орасида кўзимга энг ёмон кўриниб қолгани, хатти-ҳаракати-ю, гап-сўзларидан иблиснинг ўзгинаси эканлиги шундоққина билиниб тургани, бошқаларга нисбатан қорувли ва, ниҳоят, жигаримни пишириб, уруғбоши ҳамда унинг қизини меҳмон қилмоқчи бўлган ярамас югуриб келди-да, биқинимга ўхшатиб тепди. Атрофимни қуршаб олганлар сафини бузиб ўтиб, ерга гурсиллаб қуладим. Нафасим қайтди ва оғзимни катта очганча кўзларимни олайтириб, ҳаво симиришга уриндим. Вазиятдан фойдаланиб, икки-уч марта думаладим. Ниҳоят, ўпкам ҳавога тўлди. Илк маротаба ўлим билан юзма-юз келиб, унинг қанчалик даҳшатли эканлигини ҳис этдим.

Қулогимга Рабабнинг чинқиргани эшитилди. У мени тепган нуханинг юзига тарсаки туширган ва алланима деб бақирган эди. Шу заҳоти қулогимга Рабабнинг шипшигани ёдимга тушди. Ахир қочиш учун бундан қулайроқ имконият бўлмаслиги кундай равшан эди. Мен ортимга ўгирилдим-у, жоним борича югура бошладим. Бирдан ортимда қий-чув бошланиб кетди. Бу мени янада илдамроқ югуришга даъват этди. Гўё қуш мисоли учаётгандим. Ортимдаги бақир-чақирлар эса, назаримда, то-

бора узоқроқдан эшитилаётгандай эди. Демакки, бема-
лол қочишга улгураман. Мана шу хаёл миямга келар-
келмас, қўлларида узун найза ушлаган тўрт овчи йўлим-
ни тўсиб чиқди. Мен ўлимнинг нима эканлигини англаб
етгандим. Унинг чангалига тушиб қолишни сира иста-
масдим. Шу боисдан ҳам, осмонга сакрадим. Ҳали бирор
марта бу қадар баланд ва шиддат билан сакрамаган эдим.
Йўлимни тўсиб чиққанлар тошдай қотиб қолишди ва
мен олдиндагисининг найзаси устидан ўтиб, унинг кўксига
тепдим. Жуссамнинг йириклиги, ички қўрқувимга қўши-
либ кетган шиддат уни ерга қапиштириб қўйди. Шу за-
ҳоти овчининг ерга тушган найзасини қўлимга олдим-у,
бир ҳамлада яна икки овчининг кўксини тешдим. Сўнгги
йўлтўсар шерикларининг нобуд бўлганига эътибор ҳам
бермади. У ҳавода найзасини икки-уч марта айлантириб
олгач, ҳужумга ўтди. Найзаларнинг тўқнашуви қарсилла-
ган овоз чиқарди. Кейин ҳайқириқ эшитилди. Бу мени
қувиб келаётганларнинг овози эди. Ич-ичимдан ҳамма-
сининг бошида анави ярамас турганини билардим. Чун-
ки у менинг қочиб қолишимга сабабчи бўлди. Қолавер-
са, Рабабнинг ошиғи бўлса керакки, ўзини кўрсатмоқчи.
Биламан, мабодо унинг қўлига тушиб қолсам, ҳеч икки-
ланмай, бир оғиз ҳам гапирмай, найзаси билан танамни
илма-тешик қилиб ташлайди.

Яна бутун вужудимни даҳшат қамраб олди. Бу туйғуни
бирозгина олдин туйгандим. Йўқ, қизнинг камон ўқи
нақ пешонамга — қошларимнинг ўртасига тўғри учиб
келаётганда эмас, балки анави ярамас одамхўрнинг теп-
кисидан сўнг нафасим қайтиб қолганида ваҳимага туш-
дим. Назаримда, ҳозир у етиб келади-ю, яна боягидай
тепади ва мен йиқилганча бўғилиб қоламан.

Шиддат билан найзамни овчи томонга силтадим. У
ўзини олиб қочмоқчи бўлди-ю, қандайдир тошга сури-
ниб, орқаси билан қулади. Худонинг ўзи менга марҳамат
қилган эди. Агар шундан ҳам фойдаланмасам, бошқа
имконият берилмайди.

Қўлимдаги найзани мени изма-из қувиб келаётганлар
томон улоқтирдим. Кейин яна қочишга тушдим. Албат-
та, бундан олдин нобуд бўлганлардан бирининг қуроли-
ни олишни эсимдан чиқармадим. Бир қадам босар-бос-

мас, кимнингдир жон аччигида бақриб юборганини эшитдим. Бироқ эътибор бермадим. Чунки вақтим жуда қисқа эди. «Одамхўрлардан биттаси камайди», деб қувондим ичимда. Шу билан бирга менинг овчилик маҳоратим яна бир марта тасдиқдан ўтди. Ҳозирги санъатимни уруғдошларим қўрганларида борми, нақ оғизлари бир қарич бўлиб очиларди.

Ялангликдан ўтиб, ўрмонга кириб бораётганимда елкамга нимадир санчилди. Шунақанги қаттиқ оғриқ турдики, чидолмасдан бақриб юбордим. Юзтубан йиқилдим. Елкамнинг оғриқли жойини ушласам, ёйнинг чўпи... Жон аччигида уни суғуриб олдим-да, яна ўрнимдан туриб, югуришга тушдим. Ўт-ўланлар оёқларим остида эзилар, буталар шохи баданимда из қолдирарди. Ора-чора дарахтларнинг тарвақайлаган шохларига дуч келганда, уларнинг остидан ё устидан ўтишга мажбур бўлардим.

Одамнинг жони шунчалик азизлигини билмас эканман. Илгари бир нечасининг жон таслим қилаётганини қўрганман. Айниқса, ярадор овчини шернинг қафасига ташлашганида, у қанчалик типирчилаган, «Мени қутқаринглар, ҳали кўп нарсаса ярайман!» дея ялиниб-ёлворган эди. Бироқ унга ҳеч ким ёрдам бермаганди. Шер уни бир ҳамладаёқ тинчитиб қўя қолганди. Мана, менинг ҳам аҳволим уникидан қолишмайди. Фарқимиз, менда қочиб қолишга имкон бор. Фақат елкамдаги оғриқ тобора кучайиб, оёқларимдан мадор кетаяпти. Бу аҳволда ҳализамон қўлга тушиб қолишим мумкин... Яна йиртқич ҳайвонлар изғиб юришибди ва мен улардан бирининг чангалига тушиб қолишим ҳам эҳтимолдан йироқ эмасди...

Аста-секин бошим айланаётганини сеза бошладим. Бир-икки марта қоқилдим. Кейин дарахт шохига ўзимни урдим. Йиқилдим. Ўрнимдан туришим билан яна йиқилдим. Мен мутлақо тамом бўлган эдим... Қанча ётганимни билмайман, бир маҳал кимдир елкамни силаётганини сездим. Кўзимни очмадим. Қўрқдим. «Ҳойнаҳой, қандайдир йиртқич мени топиб олган-у, танамни гажишдан аввал ялаяпти», деб ўйладим. Кейинчалик эса танамга тегаётган нарса тил эмас, балки қўл эканлигини идрок этдим ва дарров кўзимни очдим-у, ҳайратдан қотиб қол-

дим. Чунки тепамда Рабаб турарди. У чўк тушганча кўксимга аллақандай дорини сураётган эди. У кўзимни очганимни кўргани заҳоти жилмайди. Мен Рабибга тикилганча ётавердим. Очиғи, у жуда бошқача эди. Бояги жанговар ҳолати йўқолганди. Уруғбошининг оддий хотинларидан бирига ўхшарди. (Аслида, тўдадаги хотин-қизларнинг ҳаммаси бир одамга тегишли. Албатта, ўзи туғдирганларидан бошқа. Уларнинг ҳаммаси гуноҳқордай бошини эгиб юришарди. Назардан четда қолганлари эса бошқаларга хотинликка бериларди. Албатта, аниқ битта одамга эмас. Бунақалар жуда кўп. Уруғбошининг ёнида эса ёшидан қатъи назар, энг чиройли ва ақллиларгина қолишга мушарраф бўлади).

— Сен энди мутлақо хавфсиз жойдасан. Ўлимдан қочишни удаладинг, — деди у бир муддатдан кейин.

— Нега мени ўлдирмадинг? — сўрадим Рабабнинг кўзларига термилиб.

— Билмадим. Ҳа, кўзингда учкун бор. Ўша учкунни доим кўриб юришни истадим.

— Бизнинг тилимизни қаердан биласан?

— Бизга ўргатишади. Бизда бу тилни ҳамма билади.

— Қавминг мени қидириб юрибдими?

— Ҳа. Фақат бошқа жойда. Сени аввал мен топдим. Ҳаммадан олдинда эдим. Сени топдим-у, яширдим. Кейин ортимдан келаётганларга бошқа томонга қочганингни айтдим. Улар кетишгач, Қийғирбурун дарахтзорига олиб келдим. Бу ерга улар келишолмайди. Ривоятларда айтилишича, Қийғирбурунни кўзга кўринмас махлуқлар макон қилган эмиш. Лекин мен бунга ишонмайман. Ўтган ёзда атайлаб бир кечани шу ерда ўтказдим. Ҳеч нарса кўрмадим. Ҳеч ким менга ташланмади. Аммо бу ҳақда бировга чурқ этмагандим... Яхшики орқангга санчилган ўқнинг учига илон заҳри суртилмаган экан. Омон қолдинг. Мен ярангнинг устига гиёҳ боғладим.

— Лекин, барибир, ҳеч нарсага тушунмаяпман... Агар мени қутқарганингни отанг сезиб қолса, сени ўлдиради-ку.

— Биламан. Лекин унинг ёнига қайтиб бормаيمان... Дарвоқе, — дея жилмайди Рабаб, — сен Асверни жуда қаттиқ яраладинг.

— Ким у Асвер?

— Сени оловда пиширмоқчи бўлган бош овчи.

Кўз ўнгимда ўша ярамас намоён бўлди.

— Сонидан яраланибди. Биласанми, у мени ўзиники ҳисоблайди. Тўдабошининг қизи фақат бир кишига хотин бўлиши мумкинлигини биласан-ку. Мен эса уни жудаям ёмон кўраман.

— Рабаб, менинг қорним очди.

Ўрмонга энди қоронғилик этагини ёймоқда эди. Қушларнинг сайраши ҳам озайиб қолганди. Бундай маҳал бизнинг қавм аҳолиси бир жойга тўпланади. Олов ёқишади. Эркаклар овлаб келган гўштар пиширилади. Олдин тўдабоши таомга қўл уради. Кейин бошқалар. Сўнгги пайт-ларда, Оноре исмли озгин, доим Қоятошнинг ёнида юрадиган, ҳамма уни улкан донишманд деб биладиган одам ғалати суюқликни ўйлаб топди. Уни ичган одамнинг боши айланади. Маза қилади. Гўштан бошқаларга нисбатан кўпроқ ейди. Албатта, мен ҳалигача ўша суюқликнинг мазасини билмайман. Сабаби татиб кўрмагман. Уни ҳамма жамланганда, Қоятош ичида ҳар хил дуоларни ўқиб, Оноре билан бирга ичади. Кўп ичади. Кейин роҳатланганини бошқаларга билдириб қўйиш учун тош косани ерга қўйиб, ўрнидан туради-да, қулочини ёзиб:

— О-о-о! — дея ўкиради.

Ҳамма унга қўшилиб «о-о-о-о»лайди. Қоятошдан кейин бошқалар ҳам ўзларига теккан улушларини гажишга тушади... Беихтиёр оғзимда сўлак пайдо бўлди. Мева олиш учун маймунлардан ҳам тез дарахтга чиқиб кетган Рабаб томонга қарадим. У дарахтнинг энг тепасида эди. Чаққонлик билан мева терарди.

Ўрнимдан туриб ўтирганим Рабабни хурсанд қилди. У меваларни олдимга тўкди. Биттасини эса оғзига солди-да:

— Яхши пишган кийик гўшти бўлганидами... — деди.

Мен унга қарадим... Рабабнинг кўзи чақнар унда қандайдир ўзига тортувчи бир нима бордай эди. Балки ҳар куни айти шу маҳали ейдиган овқатини эслаганидан кўзлари чақнагандир. Балки яна мен билмайдиган, англаб ҳам етолмайдиган қандайджир сир туфайли унда шун-

дай ўзгариш пайдо бўлгандир. Лекин нима бўлган тақдирда ҳам, у менга ёмонликни раво кўрмайди.

Мева билан қорин тўймайди, албатта. Аммо бошқа нарсани умид ҳам қилмайман.

— Биласанми, мен бу ерда қоронғида қуён кўрганман. Балки, овга чиқиб кўрарман...

— Ов сенинг ишинг эмас.

— Лекин мен овчиман, қавмимизда фақатгина менга рухсат берилган.

У ўрнидан сапчиб турди-да, югуриб кетди. Атроф хийла қоронғи эди. Шу боисдан ҳам Рабаб дарров кўринмай кетди. Мен ўтирган жойимга чўзилдим. Хаёлларим айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Ҳеч бир нарсани аниқ тасаввур қилолмас, кўрган воқеаларимни давом эттиролмас эдим. Ҳаттоки ҳозиргина дарахтлар орасида ғойиб бўлган Рабабнинг ҳам кўринишини эслай олмаётган эдим. Ер аста-секин совий бошлади. Шунингдек, менинг орқам ҳам. Ўрнимдан туришга мажбур бўлдим. Бошим айланмади. Аммо қорним шунақанги оч эдики, инграб юборишимга оз қолди. Дарров ўтирдим-да, Рабаб келтирган меваларни бирма-бир ея бошладим. У фақат ўрмонда ўсадиган узунлиги ва семизлиги бармоқдай келадиган, биз пияра деб атайдиган серсув мева эди. Очликдан бир муддатгина сақлайди. Бу мевадан бир челагини есанг ҳам, ҳаял ўтмай, яна егулик қидириб қоласан.

Мевадан фақат данакларигина қолди.

Кутдим. Рабабдан дарак йўқ. У менга: «Ҳеч ким бу ерга келолмайди. Кўзга кўринмас махлуқлардан кўрқишади», деганди. Демак, бемалол олов ёқишим мумкин. Рабаб ўзи айтганидай, қуён овлаб келса, терисини шиламан-у, дарров пишираман», дея хаёлимдан ўтказдим. Шу заҳоти оғзимнинг сўлаги оқди.

Мен каспура дарахтининг қуриган шохларини бир-бирига ишқалаб, олов пайдо қилиш йўлини билардим. Илгари бир неча марта шундай усул билан олов ёққанман. Атроф эса каспураларга тўлиб ётибди. Фақат қуриган шохини топсам бўлгани.

Олов ёнди. Бироз танамни иситдим. Лекин энди худди безгак тутгандай қалтирай бошлагандим. Албатта, бу очлик натижаси эди. Бир парчагина эт есам бўлди, ҳамма-

си изига тушиб кетади. Бироқ емак олиб келиш учун кетган Рабаб ҳали-ҳануз йўқ эди. Албатта, ов қилишнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, қоронғида. Яна шалпангқулоқ каттароқ кийик эмаски, дарров кўзга ташланса. Демакки, кутишим керак. Қорним очлиги ҳали-ҳануз безовта қилаяпти, аммо елкамдаги оғриқни сезганим йўқ. Шунинг ўзи катта гап.

Кўп ўтирмадим. Рабаб келди. Иккита қуён овлабди. Уни кўришим билан ўрнимдан туриб кетдим.

— Мана, — дея у шалпангқулоқни берди. — Роса чаққон экан. Мендан ҳеч ким осонликча қутулиб кетолмаган.

— Тўғри, мен ҳам, — дедим кулиб.

— Ҳа. Мен отамга «Бу йигит меники бўлади», дегандим. Мана, айтганим бўлди. Хўш, гўштни пиширамизми?

— Бўлмасам-чи, хомлигича ейишга тайёр турибман.

— Сен хом гўшт еганмисан?

— Еганман. Лекин у пишганига нисбатан бемазароқ бўлади. Унда ҳали кичкина эдим, онамга эргашиб юардим. Ўшанда бизнинг қабила мутлақо олов ёқмасди. Оловни биз жуда даҳшатли махлуқ деб билардик. Қоҳинларнинг қоҳини, устози буюк ва ҳамиша навқирон Анбиё горимиздан унча узоқ бўлмаган жойдаги Ўлимтепада саккиз кеча-кундуз худоларга ибодат қилди. Сўнг бизга қарата: «Худолар бизга олов номли моддиятни берди. Энди биз ундан фойдаланамиз», деди. Бунгача тоғ этагидаги ўрмон ёниб битгач, қабиламиз одамлари бориб, пишган гўшт топиб келишганди, еб кўрсак, роса мазали экан. Оловни қандай ҳосил қилишни қоҳин ўргатди. Унга эса худолар йўл-йўриқ кўрсатган.

— Мен бўлсам, ҳечам хом гўшт емаганман.

— Одамникини-чи?

Рабаб ялт этиб менга қаради. Кўзи олайди. Ҳазабланди.

— Ёмон кўраман. Қабиламиздаги ҳамма еган. Фақат мен емайман. Бир-икки марта беришганида, қўлимга олдим-у, қайтариб бердим. Чунки оловда куюётган одамнинг оҳу ноласи кўз ўнгимда намоён бўлди. Мен йиглаб юбордим. Ўрнимдан туриб, қочиб кетдим. Уч кеча ҳеч

кимга кўринмадим. Кейин икки марта ой қаригунча гўшт емадим. Фақат мева билан қаноатланиб юрдим. Кейинроқ секин-аста ҳар хил ҳайвонларнинг этини татиб кўра бошладим.

Рабаб ғамга ботди. У сўзлаб бўлиб, оловга термилганча қотиб қолди. Мен ишимни тўхтатдим. Ички ачиниш билан терисининг ярми шилинган қуёнга термилдим. У ўлган, шунинг учун гўшти оловда жизганак бўлаётганида бақирмайди. Тирик бўлса борми?.. Лекин бошқа илож йўқ.

Таом тайёр бўлгач, Рабаб иккимиз уни еб битиргуни-мизча миқ этмадик. Гўшт пишди. Мен уни бўлақларга бўлдим. Бир неча бўлагини Рабабга бердим. Иштаҳасизлик билан зўрға қуён гўштини чайнадик. Лекин чурқ этмадик.

— Мени ҳар доим ёнингда олиб юроласанми? — сўради бир муддатдан сўнг Рабаб мен томонга яқинроқ сурилиб ўтираркан.

— Эркаклар билан бирга овда юраман. Аёллар овга боришмайди... — дедим мен жиддий оҳангда.

— Мен эса бораман... Билсанг, онам отамнинг тўнғич хотини. У, аслида, уругимиздаги аввалги бошлиқнинг хотини бўлган. Тугмаган. Умуман, у бокира бўлган экан. Қабилабоши бошқаларга инъом этмоқчи бўлиб турганида, фалокатга йўлиққан: овдан қайтаётиб, тоғдан думалаб кетибди. Тўғри арслоннинг оёқлари остига тушибди... Кейин онам усталик билан янги қабилабошининг биринчи хотини бўлиб олибди... Айтганча, сен исмингни айтмадинг менга, — деди кутилмаганда ҳикоясини тўхта-тиб менга юзланган Рабаб.

— Совқотмадингни? — дедим унинг саволига жавоб бермай.

У ҳам менинг сўроғимни жавобсиз қолдирди. Бунинг ўрнига бироз силжиб, ёнгинамга ўтирди. Сўнг қўлимни кўтариб, пинжимга кирди. Бошини кўксимга қўйиб, лаззатли хўрсинди. Мен галати туйғуни ҳис эта бошладим. Ишонасизми, гурурланиб кетдим. Ахир мен кимнингдир ҳожатини чиқараётгандим-да. Назаримда, ҳозирги буюклигим, қилаётган ишим аждаҳони маҳв этиш, уруғлар устидан ҳукмрон бўлиш, жилла қурса, бир одамхўрни

яралашдан-да устунроқ эди. Рабабнинг юзи олов шуъласида қизғиш тус олди. Сочлари кўзини тўсиб қўйди. Унга нисбатан меҳрим жўшиб, сочларини тўғрилаган бўлдим. Рабаб жилмайди. У жудаям чиройли эди. Маза қилиб томоша қилса бўларди ва мен шундай қилдим ҳам. Бир қанча муддат ундан кўзимни узолмадим. Рабаб менинг нигоҳимни илгади, шекилли, кўзини очди. Жилмайиб, бир қўли билан бўйнимдан қучоқлади-да, ўзига тортди...

Олов ўчиб қолган, қуёш бир терак бўйи кўтарилган экан кўзимни очганимда. Дарров ўрнимдан туриб ўтирдим-у, ён-веримга қарадим. Рабаб йўқ эди. «У мени ташлаб, кетиб қолган бўлса-я...» деган ваҳимали ўй ўтди хаёлимдан. Безовталандим. Нарироққа, буталару дарахтлар остига кўз югуртирдим. У эса кўринмасди. Тунги воқеани хотирлаб, энтикдим: «У кетиши мумкин эмас, кетолмайди». Қуёш чиқар тарафга юрдим. Дарахтлар ора-лаб кетарканман, қулоғимга сувнинг шовиллаши эшитилди. Қадамимни тезлаштирдим ва кўп ўтмай, шаршарага дуч келдим. Рабаб шу ерда экан. У сочлари мисол оқиб тушаётган сувнинг остида чўмилаётган эди. Ёнига етгунимча сезмади. Қучоқлаб олганимда эса чўчиб тушди ва мени кўргач, қўлларини бўйнимдан ўтказиб:

— Умримни сенга бағишлайман, — деди.

Биз бир муддат бир-биримизга сув сепиб, қийқиришиб чўмилдик. Мен Рабабга ўхшаган кийимсиз аёлларни жуда кўп кўрганман. Бироқ бир туким ҳам қилт этмаган. Қайтанга, ҳар кўзим тушганида нафратим ошарди ва «Бунчалар жирканч бўлмаса булар?.. Наҳотки яланғоч баданларини ёпишнинг иложи бўлмаса? Найзуа каби тери ишлатишмаса-да, йирик барглардан фойдаланишса бўлади-ку...» деб ўйлардим. Рабаб бутунлай ақлу ҳушимни ўғирлаганди. У янада жозибали, мафтункор бўлиб кетганди. Гоҳида у мени йиқитиб олар, ҳўл сочини юзимга теккизиб, чинқириб-чинқириб куларди. Аммо бизнинг бахтимиз, ўйинимиз узоққа чўзилмади. Дарахтзор орасидан бирин-кетин чиқиб келган Рабабнинг қабиладошларига кўзимиз тушди. Иккаламиз ҳам бирдан қотиб қолдик...

* * *

Мен уйғонишни сира истамасдим. Аммо Наташанинг:

— Кўзингни очсанг-чи, турсанг-чи!.. Сендан бошқалар аллақачон нонушта қилиб бўлишди. Уйга кетамиз, — деган сўзлари қулогимга қайта-қайта эшитилавергач, бошимни кўтаришга мажбур бўлдим.

Оёқларимни каравотдан тушириб, кўзимни ишқалаб турганимда, Наташа:

— Рабаб ким? — дея сўради. Мен бошимни кўтариб, унга қарадим. У сўзида давом этди: — Қандайдир ғалати тилда гаплашдинг. Аниқ биламан, она тилингда эмас, испанчами, французчами ёки инглизча... Йўқ, уларникига ҳам ўхшамасди. Овозинг бўғзингдан чиқарди. Тушунганим «Рабаб» деган сўз бўлди. Балки, у қандайдир бир нимадир... Эҳтимол, сен, ҳақиқатан ҳам, она тилингда гапиргандирсан...

Мен елка қисдим ва ўрнимдан турдим.

— Айт-чи, нима янгилик бор? — деди Наташа бўйнимга осилиб.

Менинг кўз ёнгимда Рабаб намоён бўлди. Унинг қарашлари, табассуми бутунлай бошқача эди. Қандайдир ўта самимийлик, табиийлик бор эди. Наташанинг боқишида эса маккорлик аломатлари сезилиб турарди.

— Фолбин эмаслигимни яхши биласан. Шунинг учун мени қийнамасдан, ўзинг айтиб қўяқол, — дедим.

— Соқолинг кечагидай жуда ўсиб кетмаган.

Мен бирдан икки қўллаб юзимни ушладим. Дарҳақиқат, соқолим жуда кам эди. Бошқача айтганда, қўлни тирнаши мумкин, холос.

Яйраб кетиб, югуриб ювиниш хонасига ўтдим-да, ойнага қарадим. Меҳр билан юзимни силарканман, ширин энтикиб қўйдим. Ювиниб ошхонага киргунимча мени ана шу шодумонлик тарк этмади. Қолаверса, Василий, Вова, Мария, Наташанинг синглиси Аня ҳам ўзгача бир қизиқиш билан тикилишдики, «Байрам қиламиз», дейишимга озгина қолди. Чашкадаги қайноқ чойдан бир хўплашим билан хаёлимни тушимда кўрган воқеалар эгаллаб олди. Мен ўшандаям кеч уйғонувдим. Ёнимда Рабаб йўқ эди. Чой... Қизиқ, у пайтларда чой бўлганмикан? Қайси даврга бориб келаяпман ўзи? Нега энди ҳадеб фақат бир тушнинг давомини кўраман?

— Нима бўлди сенга, ўйланиб қолдинг? — деди Наташа сочимни силаб.

Мен унга қараб жилмайдим, сўнг бошқаларга юзланиб:

— Сизларга битта гапни айтсам, сира ишонмайсизлар, — дедим.

Ўтирганларнинг юзида ажабланиш билан бирга қизиқиш пайдо бўлди. Менинг эса шу заҳоти айтиш истагим йўқолди.

— Ишонмаганларингдан кейин, айтиб нима қилдим? — дедим ва бир бўлак нонни қаймоққа ботириб, оғзимга солдим.

— Нима деганинг бу? Аввало, ичимизни қиздирма эди. Қиздирдингми, энди майнавозчилик қилмай гапир, — дея Василий қовоғини осилтирди.

— Йўқ. Ўйлаб қарасам, айтишга арзимайдиган гап экан.

— Демак, анави ҳабаш қандай ўлганидан сен хабардор экансан. Наташанинг айтишига қараганда, ташқарига чиққансан, анча вақт йўқ бўлиб кетгансан...

— Кейин-чи, — дедим жаҳлим чиққанидан Наташага олайиб қараб қўярканман, — кейин нима бўпти?!

— Сен, оғайни, тўғри тушун. Мен сенга ҳеч нарса демоқчимасман. Шунчаки сенинг уйга кириб келишинг билан ҳабашнинг томдан йиқилиши...

— Менинг қанотим бор, албатта. Ёки сеҳргарман, кўз очиб юмгунча бутунлай бошқа шаҳарда ҳам пайдо бўлиб қолишим мумкин, шундайми?!

Бировдан садо чиқмади. Ҳамма жим, нафасини ичига ютиб ўтирарди. Ўрнимдан турдим-да, эшик томонга юрдим. Буни қарангки, шу заҳоти ҳаёлимга қадим ўтган замон келиб ўрнашди. Найза, ёй кўтариб югураётган одамлар. Уларнинг ғалати-ғалати иржайишлари, мени ўлдирмоқчи бўлганлари ва, ниҳоят, Рабаб... Кўрганларимни кўз ўнгимдан ўтказарканман, эшик ёнида туриб қолганимни сезмабман. Бир маҳал елкамга кимнингдир қўли теккандай бўлди. Ишонасизми, мен Рабаб деб ўйладим. Худди у ортимдан келиб, елкамга қўлини қўйгандай эди гўё. Шартта ўгирилдим ва кўзим Наташанинг маъюс нигоҳига тушди.

— Мени кечир, мен... Мен билмасдан... Ўзим ҳам шунақа бўлади, деб ўйламагандим. Умуман... Билмадим, ҳеч нимани тушунтиролмаيمان!

У йиғлаб юборди-да, мени четлаб ўтиб, ошхонадан чиқиб кетди. Мен ортидан бормадим. Аксинча, айвонга равона бўлдим. Пича ўтмай, ташқарини томоша қилиб турганимда, Василий ёнимга келди. Унинг бармоқлари орасида сигарет тутарди.

— Менгаям тамакингдан бер, — дедим қўлига қараб қўйиб.

— Бемалол, лекин сен чекмасдинг...

— Бер дегандан кейин беравермайсанми? — дедим жаҳл билан унинг гапини бўлиб.

Василий елка қисди ва бармоқлари орасидан сигарет-ни узатди.

— Янгиси қуриб кетганми? — дея кесатдим.

— Сен бола чап ёнинг билан турганга ўхшайсан, — деб у ортига бурилди.

— Майли, қўлингдагини беравер, — дея яна уни тўхтатдим.

Яна олдинги сафаргидай тутунни ичимга ютмасдан, пуфлаб юборавердим. Василий олдин бунга эътибор бермади. Кейин мийигида кулиб қўйди.

— Оғайни, ҳақиқатан ҳам, мен билан ғалати воқеалар содир бўлаяпти. Бир томондан, соқолим ўсиб кетаётган бўлса, иккинчидан, худди ухламагандайман. Кўзларимни очаман, лекин вужудим чарчоққа тўла бўлади. Тагин ҳар куни бир тушнинг давомини кўраман.

Сўзлаш асносида сигарет тутунини ичимга ютиб юбордим. Қандайдир бемаза бир нима томоғимни қириб ўтгандай бўлди.

Айвон деразасидан ташқарига термилиб турган Василий буни сезмади. У чирт этказиб тупурди-да:

— Тушингда нима бўлаётганини, албатта, билмайман. Аммо соқолингнинг ўсиши ажаблантираяпти. Дўхтирга учрашишинг керак. Бу аҳволда узоқ юриб бўлмайди. Айтганча, нимани кўраяпсан тушингда? — деди.

— Дахшатли нарсаларни. Ёввойи одамлар... Бир қабила иккинчи қабиланинг одамларидан биронтасини ушлаб олса, пишириб ейди...

— Йўғ-э?! — дея ишонмай кўзларимга тикилди Василий.

— Ҳа, худди шундай. Мен у ерда овчиман.

— Демак, сен Африкадаги ёввойи қабилалар тўғрисидаги кинони кўргансан. Тушингга шу кирган.

— Ҳеч қанақанги Африка-паффрика тўғрисида кино кўрмаганман. Умуман, охирги марта қачон телевизорга қараганим эсимдаям йўқ. Кейин мен кўраётганларнинг бирортаси ҳам ҳабаш эмас!.. Бўпти, мен сенга ҳеч нарса айтганим йўқ. Сен ҳам ҳеч бало эшитмадинг, — дея жаҳл билан деразадан сигаретни улоқтириб юбордим-да, ошхонага ўтдим. — Мария, илтимос, Наташага айт, мен у билан Аняни пастда кутиб тураман.

Ташқарининг намхуш ҳавоси кўксимга урилганидан сўнг енгил тортдим ва шу ондаёқ ўзим тез-тез ташриф буюраётган замон тўғрисида ҳаёл сура бошладим. Назаримда, шу тахлит анча вақт тургандайман. Наташадан дарак йўқ эди. Умуман олганда, мен уни кутмаётгандим ҳам. Аниқроғи, йўлакдан чиқиб, ҳаёлимни бузишидан чўчирдим. Чунки ҳаёлим шунақанги ширин эдики, мен уни ҳатто ўзимдан ҳам қизғанардим.

Наташа Василий ва унинг хотини ҳамроҳлигида кўришниш берди.

— Сизларни обориб қўяман, — деди Василий.

Оғиз очишга улгурмасимдан у машинаси томон юрди. Бир ҳисобдан, унинг машинасида кетишимиз ҳам дуруст. Бемалол ҳаёл сураман, Рабаб тўғрисида ўйлайман. Ахир у мени муқаррар ўлимдан олиб қолди. Кейин шундай бир ғалати, ҳатто айтиш мумкинки, жирканч замонда покиза сақланиб, менга ўзини бахшида этди. Унинг қарашлари, сўзлари, қилаётган ишлари шунчалик самимийки...

— Оғайни, машинага ўтир, нима қилиб қаққайиб турибсан?

Чўчиб тушдим. Кўрққанимдан Василий мириқиб кулди. Мария жилмайиб қўйди. Наташанинг эса қовоқлари осилиб кетганди. Аня ҳеч вақога тушунмай, анграйганча турарди.

Биз бирин-кетин машинага ўтирдик. Кейин улов секин юра бошлади.

— Эшитишимга қараганда, Свердловскийда зўр табиб бор экан. У фолбинлик ҳам қиларкан. Балки ўшанинг ёнига бориб келишимиз керакдир?.. Ҳар қалай, бу аҳволда

юравермаймиз-ку, — деди Василий бир муддатдан сўнг.

— Тўғри. Ортиқ бу аҳволда юролмаймиз, — дея унинг гапини маъқуллади Наташа.

— Фолбин нима қилиб берарди? Алдаб-сулдаб, чўнтагингдаги пулни шилишдан бошқасига ярамайди.

— У ихтиёринг билан берсанг оларкан. Биздан нима кетди? Борамиз, учрашамиз, гапларини эшитиб кўрамиз, маъқул келмаса, Москвага сурамиз.

— Йўлингга қара. Ҳозир тўхтатишади. Гувоҳномангни олиб қўйишмасин.

Мен беихтиёр шундай деб юбордим. Бўлмаса, йўлбегига кўзим тушмаган эди. Уларнинг борлиги хаёлимга ҳам келмаганди.

Василий менга қараб бошини сарак-сарак қилиб қўйди. Ҳозирги аҳволимни кўрган одам мени ақлдан озган деб ўйлаши турган гап эди. Ажабмаски, Василий ҳам шундай ўйлаган бўлса. Аммо орадан беш дақиқа ҳам ўтмасдан, қўлидаги таёқчасини айлантириб, ДПС ходими бизга тўхташ ишорасини қилди.

— Сен туппа-тузук башоратчи экансан-у, билмаган эканмиз, — деб менга қараб қўйди Василий.

Полициячи ҳайдовчимизнинг ҳужжатларини кўриб бўлгач, бошини эгиб, ойнадан машина салонига кўз югуртирди. Ҳар биримизга тикилиб қаради. Сўнг Василийга алланималар деганча нари кетди. Василий унинг ортидан борди. ДПС машинаси ёнида улар нималардир ҳақида обдан баҳслашишди. Василий чўнтагидан пул чиқариб, ДПС ходимининг кафтига урди. Шу билан ҳаммаси тугади. ДПС ходими ҳам хурсанд, Василий ҳам.

Биз яна йўлда давом этдик. Мени ўз-ўзидан уйқу элита бошлади. Ухламаслик учун қанчалик уринмай, барибир, уддасидан чиқолмадим.

Ҳамма ёқни туман қоплади. Мен гўё осмонда парвоз этардим. Югуриб юрган ҳайвонлар, пастлаб учаётган қушлар, дарахтлар, тоғлар ҳамма-ҳаммаси худди кафтдагидай яққол кўриниб турарди. Ичимда ўзгача бир кеккайиш, гурурланиш пайдо бўлди. Аммо хурсандчиликни қалбимга жо қилишга улгурмасимдан, шаршаранинг остида Раббнинг ёнгинасида бир олам хавотир, қўрқув билан турардим. Чунки ҳар томонимдан ёввойи қавмнинг овчи-

жангчилари ўраб турар, ҳар биттасининг қўлида ёй бор эди.

— Бизни шаршара қутқаради, — дедим Рабабга. — Бараварига ўзимизни сувга отамиз.

Рабаб менга қаради-да, тасдиқ маъносида бошини кимирлатди.

Шаршара суви ерга тушгач, бироз оққанидан кейин ёпиқ ҳавзага қуйилади. Сув билинар-билинемас қуёш бо-тар тарафга оқади. Ер юзасида ирмоқ йўқ. Бундан чиқ-ди, ер остида қандайдир сув йўли бор. Қолгани илоҳлар-нинг ихтиёрига ҳавола. Улар истаса, тирик қоламиз. Йўқса, душман ўқидан қочиб, сув ютиб ўламиз.

Биз юрарканмиз, ёввойи қавм овчилари ёйларини шай-лашди. Кутилмаганда Рабабнинг отаси олдинга чиқиб, қизига ўз тилида алланималар деб бақирди.

— «Сени соғ кўрганимдан хурсандман. Бу ярамаснинг жигарини қовуриб ейман», деди, — дея отасининг сўзла-рини таржима қилди Рабаб ва бутун қавмининг кўз ўнгида мени маҳкам қучоқлаб, қайноқ лабини лабимга босди.

Биз худди шу тахлитда ўзимизни ҳавзага отдик. Мен сув остига тушгач, юқорига қарадим. Тиниқ сув юзасига бирин-кетин тушаётган ёй ўқларини кўрдим.

Режада адашмабман, озгина сузишимиз билан ер ости сув йўлига дуч келдик. Йўлнинг кириш жойи торроқ бўлгани билан бахтимизга нарийёғи кенг экан. Мен-ку, дарров бошимни сувдан чиқариб олдим. Рабаб туйнук-нинг оғзида қолиб кетишига оз қолди. Унинг оёғи қан-дайдир ўтга ўралашган экан. Қўлидан қаттиқ тортган эдим, ўт узилиб кетди. У сув юзасига чиқиши билан шунақан-ги чуқур нафас олдики, кўзлари каттариб кетди.

— Бўлди, қутулдик. Сув йўлининг охири кенг экан, шунинг учун бу ерда ҳаво бор, — дедим Рабабнинг кўнгли-ни кўтариш учун.

У жилмайди. Жилмайиши галати эди.

Ер ости сув йўли билан талай муддат сузиб кетдик. Унинг баъзи жойлари шунақанги тор эканки, бошимиз-ни кўтарсак, юқори деворга тегиб, оғиз-бурнимиз сув остида қолар ва биз нафас ололмасдик. Шу боисдан ҳам бунақанги жойларда фақатгина юзимизни сув юзасига чиқаришга мажбур бўлардик. Туйнук борган сари қорон-

гилашар ва охири сира кўриная демасди. Бунинг устига, сув тобора совиб кетаётганга ўхшарди. Этимиз жунжикиб, иякларимиз қалтирай бошлади. «Наҳотки биз бошқа ер юзасига чиқолмасак, наҳотки илоҳлар ёрдам беришмаса? Ахир уларга қилинган қурбонликларнинг ҳаммасида иштирок этардим-ку. Айниқса, сув илоҳининг қурбонлигини сира ўтказиб юбормасдим. У бўлса, менга ёрдам бермади», дея хаёлимдан ўтказдим.

— Мен қолиб кетаяпман. Оёқларим ишламаяпти, — деб қолди бир маҳал Рабаб.

Дарров ортимга қўл чўзиб, унинг билагидан ушладим.

— Хавотир олма, оз қолди. Ҳозир биз ер юзасига чиқиб оламиз, — деб унга далда бердим.

Шунинг билан бирга айтганларим ростдай ўзимнинг ҳам кўнглим хотиржам тортди.

Буни қарангки, салдан кейин биз ялангликка дуч келдик. Бу яланглик аллақандай ўрани эслатиб юборарди. Бошимни кўтариб, юқорига қарашим билан билдимки, тоғ ичидамиз. Аниқроғи, горнинг остидамиз. Ер ости суви шу ерга келиб ҳовуз ҳосил қилар ва бошқа йўл орқали яна оқишда давом этарди.

— Мана... Мана, қутулдик, — дедим иягим қалтираб Рабабга.

— Ҳа, — дея жилмайди у.

Мен секин сузиб сув қирғоғига бордим. Бахтимизга, у ерда беш-олти одам сиғиши мумкин бўлган кичкинагина майдонча бор экан. Аввал ўзим сувдан чиқдим. Сўнг Рабабнинг қўлидан тортдим. У сувдан чиқиши билан дағ-дағ қалтирай бошлади. Мен уни бағримга босдим. Шу билан бир-биримизга тафт бериб, озгина исигандай бўлдик.

— Қандай чиқамиз? — деди бироздан ке-йин Рабаб.

Мен юқорига қарадим. Қандайдир шуълага кўзим тушди.

— Қутулиб кетамиз. Фақат бунинг учун баландга чиқишимизга тўғри келади. Менимча, ҳозироқ йўлга тушишимиз керак. Бўлмаса, жудаям совқотиб қоламиз бу ерда, — дедим ва Рабабнинг юзидан ўпиб қўйдим.

Бахтимизга, айлана шаклидаги гор бироз ётиқ эди. Унда эмаклаб юқорилаш имкони бор эди. Бироқ гор-

нинг деворидаги шағаллар оёқ тегиши билан пастга юмалаб кетарди. Шу боис Рабаб иккимиз ёнма-ён кўтарилишга мажбур бўлдик. Етти-саккиз метрча масофа босиб ўтилгач, остимиздаги ҳавзада учта одамнинг боши пайдо бўлди. Агар ўзлари шовқин солишмаганда, улар бизнинг ортимиздан таъқиб этишаётганини сезмасдик. Рабабнинг жаҳли чиқди. У хиёл бурилиб пастга қаради-да, тошлардан бирини қўлига олиб, жаҳл билан улар томонга отди.

— Сизларни ўлим кутаяпти! — дея бақирди сўнг.

Унинг овози горда акс-садо бериб тошлар қимирлаб қолишди. Яхшиям, горнинг деворига маҳкам ёпишиб олганимиз, йўқса, тошлар билан биргаликда пастликка думалаб кетарканмиз. Таъқибчиларнинг оҳ-воҳлари қулоққа чалинди. Бундан уларнинг бошига тош ёғилаётганини тасаввур қилиш мумкин эди.

Биз яна илдамладик. Бир муддатдан кейин эса танамизда чарчоқ аломатлари пайдо бўла бошлади. Бунинг устига, ўткир қиррали тошлар яланғоч танамизнинг бир неча жойини тилган ва ўша жойлар чимиллаб қўярди.

— Мен ортиқ чидолмайман, — деди Рабаб.

Мен эмаклашдан тўхтаб, унинг қўлини ушладим. Шунда қизнинг кўзларида ёш кўрдим. Алам, изтироб ёшларини...

— Майли, мениям тинкам қуриб кетди. Озгина дам олайлик.

У тескари ўтирилиб ётди. Шундагина унинг аъзойи бадани қонга беланганини кўрдим. Айниқса, кураги қипқизил қон эди. «Шўрлик қиз мени қутқараман деб, не кўйларга тушиб юрибди? Ўзининг уруғида эркак зоти қуриб кетганмиди? Шартмиди шундай жабр кўриш?» дея хаёлимдан ўтказдим.

Рабаб оғриқ зўридан афтини бужмайтирди. Унга тикилиб турганимни кўргач эса жилмайишга ҳаракат қилди. Ана шу маҳал унинг учун жонимни беришга-да тайёр эдим. Айни чоғда унинг шу аҳволга тушишига сабабчи бўлганим учун ўз-ўзимдан хафа бўлиб кетдим. «Сени бу ердан барибир олиб чиқаман. Сен мен билан қочганинг учун ҳеч қачон афсусланмайсан», дея кўнглимдан ўтказдим.

— Ҳозир. Озгина дам олсам, бемалол сен билан ёнма-ён юра оламан, — деди Рабаб.

— Агар шу ердан чиқиб олсак, ортиқ бунақанги жабр кўрмайсан, — дедим бошқа гап тополмаганимдан.

Рабаб ётган жойида қўлини узатиб сочимни силади. Ўшанда ғойибдан билагимга куч, белимга қувват кириб, қалбимда жуда катта ишонч пайдо бўлди. Гарчи йиқилиш хавфи бўлса-да, ўрнимдан турдим. Сўнг Рабабнинг белидан қўлимни ўтказиб, кўтариб олдим.

— Нима қилаяпсан? Иккаламиз ҳам думалаб кетамиз, — дея типирчилади Рабаб қўрққанидан кўзлари катта-риб.

— Бўйнимдан маҳкам кучоқла, — дедим унга ва илдам юриб кетдим.

Юрган сайин шиддатим ошаверди. Оёғим остидаги шагал тошлар тугаб, ғор деворига ботган харсанглар бошланди. Бунинг устига, улар силлиқ эди. Яна анчагина қиялашганди. Бу мени баттар руҳлантирар ва янада тезроқ юришга ҳаракат қилардим. Аста-секин ғорнинг ичи ёришиб кетаверди. Мен битта куён пишгулик вақт ичида ғор оғзига етиб бордим ҳамда Рабабни ерга туширдим. У ташаккур маъносида юзимдан ўпиб қўйди.

Биз тоғнинг ярим белидан чиққан эдик. Офтоб нури юзимга тегиши билан танам яйради. Йўқ, олдин баданим товуқникига ўхшаб қалтиради. Кейин исий бошлади. Ана шунда маза қилдим. Секингина тош устига ўтирдим. Одам совуқ, ним қоронғи, зах жойдан офтобга чиқса, ўзгача роҳат топишини ўшандагина сездим. Рабаб ҳам ёнимга ўтирди. Унинг яралари, ҳақиқатан ҳам, жуда ёмон эди. Ҳали-ҳануз тош кесган жойлардан қон сизмоқда эди.

— Оғримаяпtimi? — дедим унга ачиниб.

— Йўқ, лекин ачишаяпти. Ҳечқиси йўқ, пастга тушиб олсак, гиёҳ сураман, дарров битиб кетади, — деди у менинг ҳам шилинган жойларимга назар ташлаб. — Қўлга тушдик, деб қўрққан эдим. Улар менга тегмасди, лекин сени тирик қўйишмасди. Мардлик қилдинг.

Мақтов хуш ёқди. Аммо ёққанини билдирмаслик учун гапни бошқа томонга бурдим:

— Биласанми, мен баъзи пайтлари осмонда учиб юргандай бўламан. Ҳамма нарсани тепадан кўраман, кўрганларим менга итоат этаётгандай эгилаверишади. Кейин...

Кейин яна бир нималар, айтайлик, бизнинг қавмдагиларга ҳали яшаш у ёқда турсин, отишни ҳам билмайдиган сизларнинг ёйларинг шунақанги оддий туйиладики...

Рабаб менга термилганча қотиб қолди. Унинг киприкларигина пирпирарди.

— Мен кўпроқ нарса биламан...

Қаттиқ чайқалишдан кўзим очилиб кетди. Буни қарангки, машинада эканман. Оний лаҳза ичида нима бўлаётганини билолмай гарангсидим. Сўнгра кўрганларимнинг ҳаммаси туш эканлигини билиб, сал енгил тортгандай бўлдим ва ортимга ўгирилиб, Наташага кўз ташладим. Унинг қовоғи осилган, ойнадан ташқарига қараб кетмоқда эди.

— Уйғондингми, шоввоз? — деди Василий иржайиб. — Кечаси билан ухламасдан уй кезиб чиқишнинг оқибати шу... Ҳа, тушингда роса гапираркансан. Тўғриси, гапларингга биронтамиз ҳам тушунмадик.

— Амир, сен ўзбек тилида гапирмадинг, тўғрими? — дея эрининг гапини бўлди Мария.

— Очигини айтсам, нима деганимни ўзим ҳам билмайман. Шунчаки ҳар сафар битта тушнинг давомини кўраяпман. У худди ҳаётга ўхшайди. Масалан, биз машинага ўтирдик. Машина юрди, Василий тормозни босса, тўхтайди. Шунга ўхшаш...

Мен ўзим сезмаган ҳолда тушимдаги воқеларга изоҳ бераётгандим.

— Бундан чиқди, Рабаб қиз бола... Сен тушингда у билан юраяпсан, шунақами? — деди Наташа жаҳл билан.

Мен ортимга ўгирилиб, унга қарадим. Хотинимнинг афт-ангори сувга тўйинган булутнинг ўзгинаси эди. Ҳозир унинг гапини маъқуллайдиган бўлсам, шаррос ёмғир қуйиб юборади.

— Балки, бу қандайдир горнинг номидир. Эҳтимол, дарахтдир... Ёки бўлмасам, шаҳар...

— Тўппа-тўғри, — гапимни маъқуллади Василий. — Аёлларга битта гап кам, икkitаси ортиқча. Улар ҳатто керак бўлса, кўрган тушинг туфайлиям жанжал кўтаришлари мумкин. Шунақанги ноёб махлуқ-да булар.

— Нима? Махлуқ дедингми?! — дея овозини кўтарди Мария.

— Шошманглар, — деб дарров уларнинг орасига кирдим, — қарасам, биз қолиб, сизлар уришиб кетадиган. Василий билмасдан гапириб қўйди. Аслида, у сизларни назокат, латофат, меҳрибонлик ва гўзаллик тимсоли демоқчи эди.

— Ҳа, худди шунақа демоқчийдим, йўл чалғитди-да. Шунинг учун керакли сўзни тополмадим, — дея ўзини оқламоқчи бўлди Василий.

Орқада ўтирган аёллар кулиб юборишди ва шу билан зиддият барҳам топди.

— Ҳозир тўғридан-тўғри бизнинг уйимизга бормаймиз, — дедим мен бироздан сўнг. — Сизлар сал кейинроқ борасизлар. Шунда ҳам ёнларингга келиб, «Юринглар», десамгина. Унгача у ерни ўзим назоратдан ўтказишим керак. Ҳамма нарса бўлиши мумкин. Гарчи ҳабашни мен ўлдирмаган бўлсам ҳам. Бу яқин атрофда мендан хавфлироқ одам йўқ. Полиция, пулдорлар шундай деб ўйлашади.

— Бирга борамиз. Сен кийимларнинг ҳаммасини йиғиштириб келолмайсан, — дея елкамга қўлини қўйди Наташа.

— Бир ўзим, тамом-вассалом. Василийни олиб кетишим мумкин эди, лекин бундай қилмаяпман... Менимча, яқин қолган бўлсак керак. Ошна, аравангни тўхтат, — деб Василийга юзландим.

Хавфни олдиндан сезишим яна фойда берди. Мени овлаш мақсадида келганлар беш киши эди. Иккитаси йўлак тўғрисидаги қарағай остига ўрнатилган ўриндиқда ўтириб, сигарет чекар, уч киши ҳабаш қулаб тушган уйнинг ёнида. Тағин эшик ёнида, томда навбатчилик қилаётганлари бўлиши мумкин эди.

Мен ўзимизнинг уйга яқинлашмасдан ортга қайтдим. Бориб машинадагиларга:

— Тахминан икки соатдан кейин боринглар. Наташа, сен Марияларнинг уйига кетасан. Эртага эса Москвага жўнайсан. Ўзинг билан Василийнинг телефонини ол. Ўша телефон рақамига қўнғироқ қилиб, сени топаман, — дедим.

— Нега?! — деди бирдан кўзлари каттариб кетан Наташа.

— Аҳвол шунақа. Айтганларимни тушундинг-а? — дея унга тикилдим.

Наташанинг кўзларида ёш жилваланди. Мен ундан кўзимни олиб қочиб, Василийга юзландим:

— Ошна, сенга ишонаман. Хайр. Албатта, кўришамиз.

Агар мен яна бир дақиқагина қолсам, хотинимнинг ялиниб-ёлвориб, «Мен ҳам сен билан бирга бораман. Бир ўзингни қўйиб юбормайман», деган хархашасини эшитишим керак эди. Шунинг учун ҳам дарров ортга қайтдим. Бирор ўн беш қадамча босганимда эса Наташа «Сени севаман!» дея бақирди. Ичимда бир нима жимирлаб кетди ва мен янада тезроқ одимладим.

Душманларим бундай бўлишини мутлақо кутишмаганди. Шу боисдан ҳам йўлак рўпарасида ўтирганларнинг ёнига борганимда, довдираб қолишди.

— Наҳотки кутавериб чарчамаган бўлсанглар? — дедим жилмайиб.

Улар бир-бирларига қараб қўйишди.

— Мана, ортимдан қувмасанглар ҳам мен келдим. Фақат бир нарсани айтсаларинггина ўз ихтиёрим билан қўлимни кишанга тутиб бераман, — дедим улардан тезда садо чиқавермагач.

— Сўра, — деди улардан новчаси йўғон овозда.

— Сенларни Александр Абрамовичнинг гумашталари жўнатдими ёки милицияданмисизлар?

— Биз сен айтаётган одамни танимаймиз.

— Бўлди. Тушундим. Демак, милициядансизлар. Қўлимга кишан солинглар, машинанглар узоқда бўлмаса керак-а?

Буниси ошиб тушди. Биламан, уларга «Ўта хавфли рецидивистни ушлашга кетаяпсизлар. У сизлар кутмаган ҳар қанақанги қилиқ кўрсатиши мумкин. Шунинг учун биринчи имконият туғилди дегунча, отиб ташланглар», дея кўрсатма берилган. Энди бунчалик бўлмаса ҳам, ҳар-тугул, шунга яқин. Мана энди улар нима қилишни билмай, довдираб туришибди. Чунки осонгина қўлга тушаяпман-да.

— Нега қараб турибсизлар? Дарров қўлимга кишан солмайсизларми? Бўлмаса, ҳозир шундай томоша кўрсатаманки, томда орқа миямни нишонга олиб турган снайперларинг ҳам иш бермай қолади, — дедим.

Учаласи ҳам аввал томга қарашди. Бирининг қорачигидан, ҳақиқатан ҳам, томда одам борлигини кўр-дим ва ичимда қувондим.

Шоввозлар фақатгина қўлимни кишанлаш билан қанотланмай, оёқларимни ҳам бир-бирига жипслаштириб, занжир уришди. Мен ҳеч қандай ҳаракатсиз туриб, асир олишларига қўйиб бердим.

— Олег, — деди новча дўрилдоқ овозда, — астойдил ургим келаяпти. Рухсат берсанг, битта мушт туширардим жағига.

— Қўйсанг-чи, Рома. Шундоғам ҳеч нарса қилолмайди. Салгина қимирласа, манави билан пешонасидан дарча очиб қўяман, — дея у шимининг орқа томонига қис-тирилган тўппончани олиб кўрсатди. — Лекин бундай олиб қарасанг... Яхшиси, ўзим битта урай...

Рома деганлари тўппончанинг қўндоғи билан жағимга туширди. Кўзимдан ўт чақнаб кетди ва шу заҳоти оёқларим бўшашиб, йиқилдим.

Бироқ ҳушимдан кетмадим. Балки омад қуши бошига қўнган учовлоннинг хахолаб қулишлари ортидан:

— Битта муштга чидолмас экан-у, шеф қўрқитмаса ҳам бўларкан. Ҳоли бор-йўғи шу экан, — деганларини кўзимни ним очиб эшитиб ётдим.

Аслида, оёқ-қўлим боғлиқ ҳолдаям Олегнинг қулоч-кашлаб урганига чап бериб қолишим мумкин эди. Бироқ хавотирим томдаги шоввоздан эди. У валак-салак аҳмоқлик қилиб отиб қўйиши ҳеч гап эмасди.

Мени қўлга олганлар қаердадир буйруқ кутиб турганларни рация орқали чақиришди.

Кўп ўтмай, ёнгинамда машина тўхтади. Мени кўтариб ортишди. У ёғига тишимни тишимга босганча бошим силтаниб кетавардим.

Мени асир олганлар хурсанд эди. Ҳаммасидан Олегнинг оғзи қулоғида эканлиги гап-сўзларидан билиниб турарди.

— Мен кучимни синаб кўрдим, холос. Бунақа урмаганимга беш-олти йил бўлиб кетди. Қаранглар, кучдан қолмаган эканман. Ўзиям боладим-да! — дерди у мақта-ниб.

Мен ичимда ижирғандим унинг гапларига. «Падар лаъ-

нати, оёқ-қўли боғланган одамни тўппонча билан уриб, ким ҳам йиқитолмайди? Энди шуниям қилолмасанг, милицияда нима қилиб юрибсан?» дея қўнглимдан ўтказдим.

— Рома, бугун кечга ўзим зиёфат қилиб бераман... Дарвоқе, — дея орқа ўриндиққа ўтирилган Олег юзимга бир муддат термилиб турди-да, — чўнтагини кўрингларчи. Наша-паша бўлмасин тагин, — деди.

Унинг қарашидан нияти бошқалигини сезган эдим. Шу боис ичимда унинг устидан кулдим.

— Олег, буни қара, беш юз «кўки» чиқди! — деди Рома чўнтагимдаги пулларни «Виллис»нинг олдинги ўриндиғида ўтирган хўжайинига кўрсатиб.

— Ўзим ҳам шунақа бўлишини билардим. Бу ярамас илгари анави бойваччанинг тансоқчиларидан биттаси бўлган. Шундай экан, чўнтагини анча-мунча тўлдириб олган бўлиши керак, — деди Олег.

— Болалар, балки орқага қайтиб, уйини тинтиб кўрармиз. Бунинг чўнтагидаки шунча пул бор экан, уйида қанчасини яширган... — деди Рома ҳовлиқиб.

— Аввал қўлингдагини бу ёққа чўз. Кейин, айтиб қўяйин, бизни, ҳеч бўлмаганда, беш-олти одам кўрди. Яна қайтиб боришимиз шов-шув уйғотади. Ҳозирча унганига шукур қилайлик. Хавотир олма, бу пулларни чўнтагимга тикиб қўймайман. Ҳаммаларингга кечқурун базму жамшид қилиб бераман.

— Олег Сергеевич, мени ёш бола деб ташлаб кетмасиз, — дея гапга қўшилди машина бошқараётган тоза погонли йигитча.

— Бўлмасам-чи, орамизда кимдир ичмаслиги керак-ку!..

Олегнинг гапидан кейин машинадагилар хахолаб кулиб юборишди.

— Сен, — деди Рома ҳайдовчининг елкасига қоқиб, — биз билан ўтиришга ҳали ёшлик қиласан.

Бу сафар кулги бўлмади. Романинг ўзигина хихилаб қўйди.

Мен уларнинг қолган гапларини эшитмадим. Чунки кўзим тинди. Қовоқларимни ортиқ кўтаролмадим. «Ана энди ҳушимдан кетаяпман. Яна Рабабнинг ёнига қайта-

ман», дея кўнглимдан ўтказдим. Аммо бу сафар негадир кўравериб ўрганиб қолган тушнинг давомини кўриш на-сиб этмади. Умуман, ҳеч нима кўрмадим ва сезишдан ҳам маҳрум бўлдим. Қачонки устимга бир челақ сув ағда-рилгандагина ўзимга келдим. Кўзимни очдим. Рўпарамда майор ва полковник турибди. Иккаласи ҳам менинг афт-ангоримдан ниманидир аниқлайдигандай кўзларини лўқ қилиб термиларди.

— Ўзингга келдингми, шоввоз? — деди майор сариқ мўйловини ўйнаб.

— Шунақа, шекилли, — дедим ва шу ондаёқ кўлимни орқага, стол суянчигига қўшиб боғлаб қўйишганини сез-дим.

— Сени мутлақо қўлга тушмайдиган шайтон дейиш-ганди. Йигитларим сендан ҳам шайтонроқ чиқиб қолиб-ди-да, — дея мийиғида кулди полковник.

— Ҳа-а, чатоқ экан, биттаси ишимни ҳаллаб қўйди. Яна йигитларингизнинг бари спортчига ўхшайди. Шуна-қанги чаққонки, таърифига сўз йўқ: бир уришда мени ерга қулатишди.

— Сен нима деб ўйлагандинг? Ҳали бошқалари ҳам кутиб туришибди...

Шу пайт телефон жиринглаб, полковникнинг гаплари оғзида қолди. У майорга қараб қўйиб, салобат билан бир-бир қадам босганча бориб гўшакни кўтарди-да:

— Алло, — деди.

Кейин бирдан юзи ёришиб, бошидаги шапкасини стол устига ташлади ва ҳиринглаб кулди.

— Сиз нима деб ўйлагандингиз? Биз ҳамиша эплаб келганмиз. Кўлимиздан ҳали бирорта ҳам жиноятчи қочиб қутулган эмас... Ўта хавфли... Ҳар қандай шароитда қочиб кетиши мумкин, дейсанми?... Тушунаман, тушунаман. Фақатгина сенинг қўлингдан қочиши мумкин. Бизнинг чангалдан ҳали бирортаси... Нима, у эмас, — дея менга қараб қўйди полковник, сўнг бошини қашлади-да: — Бўпти. Келинлар, кўринлар. Лекин шу гапинг учун сиз-ларга бериб юбормайман. Ўзимиз кераклича сўроқ қила-миз. Ҳа, ҳеч нарсадан хавотир олмасанг ҳам бўлади, — деди.

У гўшакни қўйди ва шапкасини бошига кўндириб:

— Эшитдингми? Ишонишмаяпти. Воҳ, ярамаслар-эй, — деди майорга.

— Ҳали соққаси...

— Нималар деяпсиз, ўртоқ майор?

— Кечиринг, полковник, одам қизишиб кетганида...

Психологик вазият. Жаҳл чиққанида шунақа бўларкан.

Мен кулиб юбордим. Офицерларнинг иккаласи ҳам менга бирдан ўқрайиб қаради.

— Хавотир олманглар, улушларингни беришади. Александр Абрамович қўли очиқ одам. Ҳожатини чиқарганларни хафа қилмайди, — дедим.

Полковник билан майорнинг кўзи олайиб кетди.

— Нималар деб валдираяпсан, аблаҳ! — деб бақирди майор.

— Айтдим-қўйдим-да.

— «Айтдим-қўйдим»миш, биз сенга ўхшаган каллаке-сар, ўғри-муттаҳам эмасмиз. Ўз касбини сидқидилдан бажариб келаётган офицерлармиз!

Полковник тантанавор руҳда, гўё қандайдир анжуманда гапираётгандай сўзлади.

— Кўриниб турибди, — дедим ундан кўзимни узмай.

— Бу аблаҳнинг тили ҳам узунгинага ўхшайди. Ертўлага олиб тушиб, яхшилаб ақлини киритиб қўйишсин! Навбатчини чақиринг, ўртоқ майор!

Полковникнинг навбатдаги бақиритидан деворлар аксадо берди.

Соқчи бир нарсадан қуруқ қолгандай, эшикни қарсиллатиб очиб, ичкарига отилиб кирди. Бармоқларини чаккасига тираб:

— Ўртоқ полковник, буйруғингизга биноан, сержант Шевцов келди! — деди.

— Мен ҳали буйруқ берганим йўқ-ку!.. Умуман, бу нима аҳмоқгарчилик, ўртоқ майор? Менинг эшигимни қарсиллатиб очишга нима ҳақинг бор?! Тартиб-интизом қаяёққа йўқолди?..

Полковникнинг пўписаси майорни сергаклантирди.

— Сиз билан, ўртоқ сержант, кейинроқ гаплашамиз. Ҳозир айбланувчини ертўлага обориб қаманг, — деди у гўё айбини юваётган одамдай, соқчига ўқрайиб.

Соқчи мени столдан халос этмоқчи бўлганида, пол-

ковник уни тўхтатиб, яна иккита соқчи чақириб келишни буюрди.

Икки қаватли бинонинг тагида бир қават баландликдаги ертўла бор экан. Унинг икки томони кичик хоналардан иборат бўлиб, ўртасида йўлак бор эди. Камераларнинг икки томони девор, олд тарафи эса темир панжара билан тўсилганди. Шунинг учун камераларда ўтирганларни кўриш имкони бор эди. Улар бизни, тўғрироғи, мени судраб келаётган соқчиларни кўришлари билан ўзларини янада ичкарига олишди. Бир-иккитаси ерга узала тушиб, икки қўли билан бошини бекитди. Ниҳоятда аянчли ҳолат. Албатта, улар бекорчиликдан юзларини ерга босиб, бошларини бекитмаган эдилар. Кўп калтакланишган. Азоб суяк-суякларидан ўтиб кетган. Эҳтимолки, ҳозирданоқ жаҳаннам азобини бошлаб юборишган. «Наҳотки буларнинг бари мен каби ўта шафқатсиз жиноятчи бўлишса? Унда тоифамга мансублар кўпайиб кетибди-да», дея хаёлимдан ўтказдим.

Мени ертўланинг ўртасидаги камерага қамашди. Шунчаки киритиб, ортимдан темир панжарани бекитиб қўйишмади. Эшикдан кираётганимда, соқчилардан бири чунонам тепдики, оёқларим кишанлангани боис мувозанатимни ушлаб қололмай, умбалоқ ошиб кетдим. Бир муддат ётиб, нафас ростладим. Шундан сўнггина жойимдан кўзгалдим.

— Биродар, — деди шунда кимдир.

Мен овоз эгасини қидирдим. Бироқ панжара ортида ҳеч ким кўринмади.

— Биродар... — такрорланди яна.

Гапираётган менинг сўл тарафимдаги қўшним эди.

Оёқларимга урилган кишан занжирини шарақлатиб, панжара ёнига бордим.

— Ким у гапираётган? — дея сўрадим.

— Менман, биродар. Ярим йилки, шу ерда ётибман. Бу ярамаслар бошимга кўп балоларни ёғдирди. Қилмаган ишим учун айбдор бўлдим. Бир ҳафта тинимсиз калтаклашди. Соғ жойим қолмади ҳисоб. Сенга маслаҳатим, бошингни ва юрагингни асра. Мана шу учаласи соғ қолса, бутунлай ногиронга айланмайсан.

— Айбингиз нима эди?.. — сўрадим қизиқсиниб.

— Аслида, қўшнимни икки шапалоқ урганман, холос. Минг лаънатки, айна пайтда Александровка кўчасидаги учта ўғрилиқ, икки марта номусга тегиш ва қотиллик каби жиноятларни менга ёпиштиришди...

Мазлумнинг овози чиқмай қолди. Бироздан сўнг унинг йиғлагани эшитилди. Унга ачинмасликнинг иложи йўқ эди. Зеро, бу қадар жиноятлар учун камида бир умрга қамоқ жазоси берилиши муқаррар. Қизиқ, бу қўшнисини бир шапалоқ ургани учун шу кўйга тушибди, мен-чи, мен нималар қилмадим? Шундай экан, эндиги аҳволим ҳам қил устида тургандан баттар...

Сал ўтмай, ҳарбий кийимдаги тўрт ниқобли йигит келди. Уларнинг ҳар бири арслонкелбат эди. Ҳар бирининг бўйни йўғон, кафтлари белкуракдай келарди.

— Қани, энди танлаймиз. Танга отамиз: шунга кўра, ким ютса, ичкарига кириб, анави аблаҳнинг пачоғини чиқаради, — деди улардан бири.

— Яхшиси, тўрталанг барабар кир. Ҳар биттангга вақт сарфлаб ўтирмай. Фақат битта шарт: оёқ-қўлларимдаги кишанни ечасизлар. Ахир ҳимоясиз одамни уриб, лаззат олиб бўлмайди-ку... — дедим уларга қараб.

Ниқоблилардан бири панжарага яқинлашди, сўнг:

— Бурдаланиб кетишдан қўрқмайсанми? — деди.

— Бу ёғи пешонадан. Шундай қочаманки, бирортанг ушлолмайсан...

— Бугун маза қиларканмиз-да, — дея кафтларини бир-бирига уриб қўйди бошқа бир ниқобли йигит.

«Кўрамиз ким маза қилишини...» дея кўнглимдан ўтказиб, қўлимдаги кишанни уларга кўрсатдим.

Улар камеранинг эшигини очиш учун бирин-кетин ичкарига киришди. Биттаси қўлидаги кичкинагина калит билан аввал оёғим, кейин қўлларимдаги кишанни ечди.

Мен ортга чекиниб, ниқоблиларнинг кийим-бошига бир бор назар ташлаб чиқдим. Яшил-малла чипор мундирларини ёпиниб турган ниқоблиларнинг чўнтаклари қаппайган эди. Демак, чўнтакда нимадир бор. Тўппонча бўлмаса ҳам, шунга ўхшаш бир нарсаси.

— Мен озгина қизиб олсам, майлими? Тўғриси, оёқ-қўлларим қотиб олган. Озгина қон айлансин, — дедим.

— Бошқа ҳеч нарсани тусамайдими кўнглинг, ярамас? — деди сўл тарафимдаги ниқобли.

Унинг овози дағал эди. Назаримда, башараси ҳам шунақа бўлса керак. Бунақаларнинг башараси, барибир, хунук бўлади. Чунки булар кўпинча ёмонларни эмас, яхшиларни жазолайдилар-да. Ана, кўшни камерадаги киши... Бечора нима гуноҳ қилибдики, шунча азоб тортса?..

— Мен бошлайман, — деди ўртадаги ниқобли шерикларига. — Сизлар четга чиқиб туринглар.

— Шуни бекор қилаяпсан-да, ука, — дедим мен жилмайиб.

— Нима?! Ука?! Ҳозир мен сенга кўрсатиб қўяман укани!

У шундай дея ўкирганча менга отилди. Шунинг ўзиёқ унинг профессионал бўлишига кўп қовун пишиғи борлигини кўрсатиб қўйди. Ахир ҳужумни бунақанги хомлик билан бошламайди-да. Бунинг устига, менинг кимлигимни аллақачон айтишган бўлса...

Мендан бор-йўғи биттагина зарба кетди. Бошқа қувват сарфлаб ўтирмадим. Мушти ёнгинамдан ўтиб кетишга улгурмасидан, тирсагим унинг иягига тегди. Кейин қарсиллаган овоз эшитилди. Бу суякнинг синиши эди. Эҳтимол, тиш ҳам тўкилгандир. Чунки тиш деган нарса сиз билан мен ўйлаганчалик жойида михлангандай туролмайди-да. Ён томонидан қаттиқроқ бир нима келиб урилса, дарров тутдай тўкилиб кетади.

Ерга қулаган йигит шу заҳоти ўзидан кетди. Қолган уч ниқобли бир муддат нима бўлганини тушунолмай анграйишди. Кейин худди уйқудан уйғонгандай, учаласи бир бўлиб, менга ташланиб қолишди. Мен уришиш билан бирга қочишни ҳам яхшигина ўзлаштиргандим. Камера тор, уч киши бир одамни тутиб олиши қийин эмас, албатта. Бироқ бунинг учун етарлича чаққонликка ҳам эга бўлиш керак-да. Ортимга ўгирилдим-у, югурганча камера деворининг тахминан бўйим баробар баландлигига сакрадим. Оёғимни деворга қўйдим, шу ҳолда икки қадам ташлаб, ниқоблилар устидан нариги томонга сакраб ўтиб кетдим. Шўрликлар бундай бўлишини кутмаган, шекилли, сал қолса, деворга урилиб кетаёзди.

— Болақайлар, тўғриси, сизлар билан муштлашиш менга мутлақо зерикарли туйилаяпти. Яхшиси, ниқобларингни, ҳеч бўлмаса, урганимда башараларингнинг бузилишини

томоша қилиб роҳатланаман, — дедим эснаётган кишидай керишиб.

Учала шоввоз ҳам қутуриб кетди. Уч томонимдан хужумга ўтишди. Мен бўлсам, сўл томонимдагисининг мундирини ушладим-да, қолган иккисининг қучоғига итариб юбордим.

— Сизларнинг ўрнингизда бўлганимда, уялардим. Уришишга тажрибаларинг йўқ-ку. Ҳимоясизларни тепкилаб, ўрганиб қолгансизлар-да, ярамаслар!..

Бу гапим ҳам ниқоблиларга таъсир қилмасдан қолмади. Улар мени ушлаб олиш ва адабимни беришга жонжаҳди билан урина бошладилар. Бироқ ҳар сафар уларнинг ҳаракатлари бесамар кетаверди. Қарасам, иккитаси ҳансираяпти... Бундай маҳал одам нимадандир нажот кутади. Айтайлик, қуролдан. Шу боис сичқон-мушук ўйнашни йиғиштирдим. Ҳансираганлардан бирининг бўйнига осилиб, иккинчисининг башарасига тепдим. Ерга тушишим билан мени оний лаҳза кўтарган йигитнинг чотини тиззам билан сийлаб қўйдим. Шундан сўнг ўзим яхши кўрган услубим — қулоқ орқасини силаб қўйиш билан ишга якун ясадим.

Мен билан олишганлардан бирининг бўйи тахминан менинг бўйим билан тенг келарди. Шу боис уни яланг-очлашимга тўғри келди.

Ниқобли жазоловчилар тусига киргач, бемалол камерадан чиқдим. Мени тарбияламоқчи бўлганлардан уч-тўртта калит олгандим. Аммо улар қўшни камералар қулфига тўғри келмади. Шу боисдан ертўла зинаси ёнидаги столда мулғиб ўтирган қўриқчининг ёнига боришимга тўғри келди. У эринибгина бошини кўтариб, менга кўз ташлагач, эшикни очди. Афсуски, бу ишидан сал кейинроқ пушаймон бўлди. Чунки унинг ҳам танасини силаб-сийпаб қўйишимга тўғри келганди-да.

Ҳар тўқисда бир хато, деб бежиз айтишмаган. Агар ўша хато бўлмаганида, мен ертўладаги камераларнинг эшигини очмаган, ўғри-ю, тўғриларнинг барини озодликка чиқариб юбормаган бўлардим.

Биз тепага кўтарилиш зинасининг ёнида тўхтадик. Аниқроғи, мен ҳибсдан чиқарилганларнинг йўлини тўсдим.

— Шовқин солманглар, тепада кушандаларинг изғиб юришибди. Озгина сездириб қўйсаларинг, яна камерага тушасизлар. Шунинг учун товуш чиқармасдан юринглар, — дедим уларга.

Хамманинг кўзи чақнаган, ҳаяжондан шунақанги тез нафас олишардики, ўпкасининг кўтарилиб тушиш тезлигини санолмай қолиш мумкин эди.

Ўзим олдинда зиналарни бирма-бир босганча тепага чиқа бошладим. Аввалига юқоридан ҳеч қандай овоз эшитилмади. Кейин кимларнингдир ўзаро гаплашаётганлари кулоққа чалинди. Мен қўлимни кўтариб, ортимдан келаётганларни тўхтатдим. Сўнг уларга ўгирилиб, имо-ишоралар билан аввал ўзим чиқиб, тепани кўздан кечиришимни тушунтирдим.

Юзимдаги ниқоб, эғнимдаги жазоловчилар кийими биринчи қаватдаги қўриқчиларни шубҳалантирмади. Шу боис бемалол чиқдим-да, уст-бошимни қоққан киши бўлиб энгашдим.

— Саранжомлаб ташладингларми? Жа учига чиққан дейишганди. Кулоққа тепишган экан-да, — деди ертўлага тушиш атрофини ўраган темир панжара ортидаги столда сканворд ечиб ўтирган сержант.

Мен қўлларимни икки ёнга ёздим. У иржайди ва ўрнидан туриб, кулфга калит солиб буради.

— Қолганлар қани? Ярамасларга ҳадилларингдан ошмаларинг, деб неча марта тайинланади... Лекин, барибир. Одам хўрлаш бунчалик ёқмаса буларга? Аяш нималигини билишмайди. Ота-онаси кимлигини билмай катта бўлган-да булар. Она меҳрини кўрган одам бунчалик ёвуз бўлиб кетмайди... Кечирасан, сенгаям тегиб кетди... — деди сержант эшикни очаркан.

— Йўқ, менга асло теккани йўқ. Мен ота-онамниям, укаларимниям кимлигини яхши биламан. Кўчада қолганлар хилиданмасман, — дея юзимдаги ниқобни олдим.

Сержантнинг кўзлари бирдан каттариб кетди ва секин шимининг камарига тақилган тўппонча ғилофи томон қўл узата бошлади.

— Оғайни, яхши одам экансан. Лекин иложим йўқ. Урмасам, жавобгар бўлиб қоласан.

У тўппончасини олишга улгурмади. Тезлик билан чак-

касига туширишимга тўғри келди. Яна ўзим уни йиқилаётган жойида ушлаб қолдим ва секин стулга ўтқазиб қўйдим.

Бундан бу ёғига узун йўлак эди. То кўчагача бирорта ҳам тўсиқ йўқ эди. Шу боисдан ортимга қайтиб, менинг кўриниш беришимни интиқлик билан кутаётганларга: «Кетдик, оёқ учида юринглар», дедим-у, тезликда изимга қайтдим.

Агар иккита погонли овсар хоналаридан олдинма-кейин чиқиб қолмаганида, ҳаммаси хамирдан қил суғургандай бўларди. Улар эшикдан чиқишлари билан «Қочиш-япти!» дея бақирса бўладими? Уларнинг овозларини ўчиришга бироз вақт сарфлашга мажбур бўлдим. Бу орада тутқундан озод бўлганларга бировга тегинмасликни ва мумкин қадар тезроқ қочиб қолишни буюришни ҳам эрдан чиқармадим.

Шовқин-суронни эшитган навбатчи қизил тугмачани босиб, хавфни билдирувчи сигнал юборган эди. Шу заҳоти ҳамма ёқдан сўнгги пайтларда кўзимга балодай кўри-ниб қолганлар отилиб чиқа бошлашди. Мен эшик тарафга югурдим. Ташқарига чиқиб олсам бўлди эди, у ёғи бемалол қочиб кета оламан. Бироқ йўлимни навбатчи тўсиб чиқди. Унинг қўлида автомат бор экан. Аммо у қанча тепкини босмасин, қурол садо бермади. Чунки кичик лейтенант шошилишда ўқдонни очишни унутибди. Эсига келганида эса кеч бўлганди... У оёқ остига йиқилди. Ташқарига отилиб чиқишим билан тарс-турс автомат товушлари эшитилди. «Қимирлаганни отиб ташлайман!.. Ёт... Ҳамманг полга ёт!» дея кимдир бақирди. Менинг ортга қарашга вақтим йўқ эди. Шу боисдан бошқарма дарвозаси томон югурдим. Шунингдек, ортимдан икки-уч киши келаётганини сезардим. Худо бандасига қарашаман деса, йўқ жойдан имконият пайдо бўларкан. Буни қарангки, дарвозадан чиқишимиз билан ҳайдовчисиз, мотори ишлаётган «Виллис» турибди. Яшин тезлигида рулга ўтирдим. «Биз қолиб кетмайлик!» дея бақирди ортимдан келаётганлар.

Қаттиқ газ берганимдан машина бирдан олдинга сапчиди. Шу заҳоти автоматнинг тариллагани эшитилди.

— Ёт! Ётларинг! — бақирдим орқа ўриндиқдагиларга ва тезликни янада оширдим.

«Виллис» эскироқ бўлишига қарамай, созгина экан. Қанча газни боссанг, шунча илдамлашади. Аммо бу етарли эмас эди. Чунки замонавий машиналар қош қоққунча изимиздан қувиб етишлари мумкин. Шу боис биринчи бурилишдан қайрилиб, кичикроқ ички йўлга кириб кетдим. Сал юргач, яна муюлишга дуч келдим. Шундай қилиб, беш-олти марта қайрилганимдан кейин кўзгу орқали ортга назар ташладим. Қувувчилар кўринмади. Атрофимиз эса баланд-паст бинолар билан ўралган, йўл ёқасида худди аскарлардай саф тортиб, қарагай дарахтлари кўкка бўй чўзган эди. Бу жойда машинани тез ҳайдаб бўлмайди. Ўзини четга олишга қийналадиган қариями, ёш болами чиқиб қолиши мумкин. Шунинг учун тормоз босдим. Ёнимда ўтирган қочоқ, сал бўлмаса, боши билан ойнага урилаёзди.

— Бу ёғига пиёда қочамиз, ҳар ким ўз жонини сақлаб қолсин! — дея орқа ўриндиққа кўз ташладим ва озодлик истаб, ортимдан эргашганларнинг иккитасини қонга беланган ҳолда кўрдим.

Ичимда бир нима чирт этиб узилгандай бўлди. Беихтиёр қўлим мушт бўлиб тугилди.

— Сен қоч! — дедим.

Машина эшиги очилмади. Менинг гапимга ёнимда ўтириб келган қочоқ итоат этмади. Ич-ичимдан унинг буйруғимни сўзсиз бажаришини истаётгандим. У эса қилмади. Шу боис жаҳл билан унга қарадим.

— Мен сенинг ёнгинангдаги камерадан қочган одамман. Қўшнисига бир шапалоқ тушириб, кейин азоб исканжасида қолган, — деди у кўзлари мўлтираб.

— Менга халақит берасиз. Ҳисоб-китоб ишларимнинг чаласи қолган экан. Охирига етказишим зарур. Кетинг. Этароқ. Етиб келишганларидан кейин кеч бўлади.

— Йўқ. Бекорга итнинг кунини бошимга солишди. Ҳақимни олишим керак.

— Кет! — дея бақириб юбордим бирдан.

Қочоқнинг бирдан ранги ўчди ва у қўллари қалтираб, машина эшигини очди.

Мен кўпроқ ўзимдан хафа бўлаётгандим. Ахир мен сабаб манави йигитлар ўлиб кетишди. Агар уларнинг камерасининг эшигини очмаганимда, қочишларига им-

кон яратмаганимда, ҳозир тирик бўлишарди. Ҳойнаҳой, булар роса таъзирини ейишган. Энди муддат олиб кетишлари мумкин эди. Демакки, тирик қолиб, бир куни озодликка чиқишарди. Уларнинг ҳам ёру биродари, болачақаси бор эди-ку. Ҳарна, кутишарди. Умидларини буткул узишмасди. «Ҳализамон келади», дейишарди. Энди... Энди кўз ёш қилиб қабрга қўйишади. Беш-олти йил ўтгач, унутишади... Бошқарма биносида ҳам ўқ отилди. Қочаётганларни қўрқитиш мақсадида том-помга қарата отишган бўлса-ку, майли. Ўзларини нишонга олишган бўлса, нима бўлади?! Эҳ, хом калла Амир, нималар қилиб қўйдинг?! Нега бунчалик ботқоққа ботиб кетаяпсан?!

Шу кунга қадар бирор марта ҳам қилган ишимдан пушаймон бўлиб йиғлаган эмасман. Ҳозир кўзимдан ёш чиқиб кетди. Шунақанги эзилдимки, ортимдан қувиб келаётган полициячиларнинг қаршисига югуриб боргим, уларнинг қуролларида отилган ўққа кўксимни тутиб, кўкрагимни темир парчаларига тўлдириб, сўнг ерга қулаб ўлгим келди. Алам билан бошимни рулга қўйдим. «Эҳ, Рабаб. Нима бўлгандаям сенинг замонанг яхши экан. Нима бўлгандаям сенинг замонанга бизники каби қаллоблик йўқ. Сенлар соддасанлар, бировларни йўқ жойдан айб топиб, гуноҳкор қилолмайсанлар! Қани энди ухласам-у, замонанга яна бориб қолсам, кейин бу замонага қайтиб келмасам», дея кўнглимдан ўтказдим.

Бир пайт қулоғимга машина гилдирагининг асфальтда сирпангани эшитилди. Шу заҳоти олдинги ойнани тепиб синдирдим. Кабинадан капот устига ўтдим. Ундан машинанинг олд тарафига тушиб олдим. Сўнг секин энгашиб, уловнинг остида келаётганларни пойладим.

Ортда тўхтаган қора «Газ-31»дан тўрт киши тушган, ҳаммаси ниқоб кийган, автоматларини олдинга чўзиб, битта-битта қадам босганча «Виллис»га яқинлашмоқда эди.

Вужудим қаҳр-газабга тўлиб, тишимни тишимга босганча кутдим. Саккиз оёқ иккига бўлинди. Бу ёғи аён, ҳар бирига биттадан эшик тўғри келади. Ҳаммаси бараварига очади ва қуролини салонга тўғрилайди. Шўринг қурғурларга бошқа нарса ўргатилмаган. Аввало, машина тўхтабдими, демакки, уни миниб келганлар аллақачон

жуфтакни ростлаб қолишган. Мабодо машинада қолишни ният қилган бўлса, демак, у ниманидир мўлжал қилган...

Хайдовчи томоннинг эшигини очган шоввоз оёғига тепки текканидан кейин орқасига қулади. Унинг шеригининг биқини анча муддат лўқиллаб оғриб юрадиган бўлди. Бизга ўқув жараёнида шундай ўргатилган эди. Агар тирсак ўта шиддат билан биқинга тегса, шубҳасиз, зарбанинг кучи ичаклар, ўт ва жигарга даф қилиши ва ҳаттоки ишдан чиқариши мумкин. Бундан кейин одам талай муддат даволаниши шарт. Бепарво бўлса, оқибати ёмонлик билан тугаши ҳеч гап эмас. Қуролидан айрилган шоввоз икки букилиб ерга қулаши билан унинг автомати ишга тушди. Фақат ўзлариникига қарата ва машинадаги қочоқларни ушлаб, мукофот олиш илинжида бўлган иккита ниқоблининг оёқлари жабрланишига хизмат қилди. Албатта, ортдаги машинада ҳам биттаси бор эди. Унинг бу сафар иши юришмади. Мен уни ҳеч иккиланмасдан аҳмоқ деган бўлардим. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Тўртта сафдоши ағанади. Бундан чиқди, душман ўйланганидан анча хавфли. Демак, эҳтиёт чорасини кўриш керак. У бўлса, тўппончасидан тарс-турс этказиб пала-партиш ўқ узганча югуриб келаяпти. Азалдан бировнинг жони чиқишига сабабчи бўлишни истамаганман. Шунинг учун ҳам, ҳовлиқманинг сонини нишонга олиш билан чекланиб қўя қолдим...

Энг яқинимдаги кўп қаватли иморат ёнига етгач, ортимга назар ташладим ва худога яна бир марта шукрона келтирдим. Зеро, тентли «Урал» «Виллис»нинг ортида турган қора «Газ-31»га яқинлашиб қолганди. Албатта, унинг тентли тележкасида бир тўда сўзсиз буйруқ адо этувчилар бор. Уларнинг ҳаммасига бирваракайига кучим етмайди.

Оёғимнинг чаққонлиги асқотиб қолди. Бир югуришда навбатдаги беш қаватли уйнинг ёнида пайдо бўлдим. Худди ана шу ерда мени қочоқ кутиб турган экан. Мени кўриши билан рўпарамдан чопиб чиқди.

— Қочсанг, ўласанми?! — дея бақирдим унга.

У тўхтади. Талмовсираб турди. Ёнига етишим билан:

— Бу ёққа, — дея йўл бошлади.

Биз бир-бирига тақаб қурилган бинолар оралигидан ўтдик. Уй ортида қандайдир иморат бор экан. Ҳовлисида беш-олтита машина турибди. Биттасининг эгаси, улови-ни яқинда олган, шекилли, ҳафсала билан артаяпти.

Ёнига бордим-у, қўлини орқага қайирдим-да:

— Калитни чиқар, — дея дағдага қилдим.

Шўрликнинг кўзи қинидан чиқиб кетаёзса-да, буйру-гимни адо этди:

— Ошна, узр, шунақа бўлиб қолди. Нарироққа ташлаб кетаман, хафа бўлмагин, — дедим.

Катта йўлга чиққач, узоғи билан икки бекатча юрдик. Кейин машинадан тушиб, яна иморатлар оралаб кетдик. Шу билан таъқибчилардан қутулдик.

Икковимиз ҳам нафасимиз бўғзимизга тиқилганида тўхтадик.

— Энди нима қилдик? — дея менга термилди ҳансира-ётган шеригим.

— Нима қилардик, сен ўз йўлингга, мен ўзимникига кетаман, — дея жавоб бердим унга.

— Йўқ, мен узоққа кетолмайман. Дарров ушлаб оли-шади. Сўнг... У ёғини гапиришга ҳожат ҳам бўлмаса ке-рак.

— Россия ўрмонлари кенг, бирон жойдан нажот то-парсан. Лекин менга қўшиладиган бўлсанг, бир умр юрак ҳовучлаб яшашингга тўғри келади.

— Энди фарқи йўқ. Қочмаганимда ҳам шундай эди. Ишқилиб, дўппослашмасин, деб қўрқиб ўтирардим. Ле-кин сенга қойил қолдим, биродар.

— Нимага қойил қоласан? Сендан фарқим йўқ. Мени-ям қилмаган ишим учун ушлаб, обориб тиқиб қўйишди. Ҳаммаси анави падарингга лаънат бойваччани деб бўлди. Унинг пулини яхши кўрадиганлар ҳам кўп экан-да... Бўпти, кўп гапириб юбордим. Мен кетдим.

Айни дақиқада қаерга боришни билмасдим. Шунчаки хавфдан қутулсам бўлгани эди. Кейин нима бўлади, у ёғи ёлғиз Оллоҳга аён.

Йўл-йўлакай кийимларимни тўғрилаб олдим. Нафа-симни ростладим. Мендан бир қадам ҳам ортда қолмаёт-ган шеригим қилганларимни такрорлади.

Шу тахлит ярим соатча юрганимиздан сўнг рўпара-мизда иккита полициячи пайдо бўлди. Тўхтадик.

— Қочамиз, — дея шивирлади ёнимдаги қочоқ.

— Сендан бошқача гап кутмагандим. Худди ҳеч нарса бўлмагандай юравер. Керак бўлса, улардан сигарет сўра, — дедим ёнимдаги ҳали исмини ҳам билмайдиган шеригимга.

— Ичимдаги гапни топдинг. Хумор тутиб, ўлай деб келаётгандим, — дея иржайди қочоқ.

Милиционерлар ҳеч нарсадан беҳабармиди ёки биздан шубҳаланишмадими, ҳартугул, шеригимнинг илтимосини бажариб, индамай ўтиб кетишди. Ёнимда кетаётган қочоқ тутунни мириқиб ичга тортганча ҳар-ҳар замон ҳиринглаб қўярди.

— Шайтон қитиқлаяптими? — дедим унга қараб қўйиб.

— Ёшим яқинда қирқдан ошади. Ўн саккиз йилдан бери чекаман. Лекин бирор марта бунчалик узоқ муддат тамакидан айро тушмаганман. Хурсандлигимдан ҳиринглаяпман. Лекин сенга гап йўқ. Бирпасда ҳаммасининг оёғини осмондан қилиб қўйдинг. Агар сенга ўхшаганлардан яна иккитаси бўлса борми, бутун бошли армияни тумтарақай қиласанлар.

Унинг мақтови эриш туйилди. Афтимни бужмайтириб қарадим-да, ундан:

— Исминг нима? — дея сўрадим.

— Евдаким Панфилович. Ева десанг ҳам хафа бўлмайман. Одамлар шундай деб чақиради. Ўзингники-чи?

— Амир. Қисқартмага ҳожат йўқ. Менга қара, Ева, мен ҳеч қандай ҳунар кўрсатганим йўқ. Шунчаки омадим келиб қолди. Камерага каминани дўппослаш учун кирганларнинг ҳаммаси гирт маст экан. Мени ураман деб, бир-бирининг жағига мушт туширса бўладими? Мана сенга мастликнинг оқибати. Ишонсанг, уларга қўл теккизмадим ҳисоби. Кутилмаганда каллам ишлаб кетди... Сен, яхшиси, қаерга боришингни ўйла. Энди бир умр қочиб-пусиб яшашга мажбурсан. Ана шу ҳақда ўйла.

— Аллақачон ўйлаб қўйганман, — дея иржайди Ева оғзидан пага-пага тутун чиқариб. — Холамининг дугонасиникига бораман. Чунки холаминикига борсам, мени топиб олишлари мумкин-да. Кейин қочиб юрмайман, федерал судга, Думага ариза ёзаман. Мен у қаллоб, порахўрларни шунчаки қўйиб қўймайман. Ҳали шошмай тур-

син, улар туткунларни... Ҳали уларнинг судиям бўлгани йўқ. Калтаклаганликлари, ўлдирганлари учун жавоб беришади. Сениям афв этишларини сўрайман. Чунки сен озод бўлишимга ва улкан жиноят тўғрисида махсус ташкилотларга хабар беришимга қўмаклашдинг.

— Керакмас. Мени бу атрофдан ортиқ топишолмайди. Лекин сен билан бирга холаңнинг дугонасиникига бораман.

— Зўр бўларди. Фақат унинг уйи бу ердан анча узоқда. Шаҳарнинг нариги бошида.

— Автобус бизга тўғри келмайди. Таксига пул йўқ.

— Ана, биттасининг машинасини тортиб ололдинг-ку. Яна шундай иш қилсанг, ортиқча бўлмас. Ҳар қалай, осонлик билан етиб олардик.

Унинг гапи ёқмаганлигини билдириш учун афтимни буриштирдим. Аммо лом-мим демасдан йўлда давом этдим.

Биз пана-пастқам, эгри-бугри йўллар билан қарийб тўрт соатга яқин йўл юрдик. Шеригим мутлақо дармонсизланиб қолди. Шундай пайтлар бўлдики, «Мен бошқа юролмайман, кетсанг кетавер. Мен сенга манзилни бераман... Холамининг дугонасига айтсанг, ўзи келиб таксида олиб кетади», деди. Шундай маҳаллари гарчи ўзимга ёқмаса-да, тўхтаб, у билан бирга дам олишга мажбур бўлдим.

Бахтимизга, Ева айтган аёл эндигина бозордан келган, харид қилган маҳсулотларини музлаткичга жойлаштираётган экан. У, ҳақиқатан ҳам, шеригимни яхши кўраркан. Ева эшиқдан кириши билан бўйнидан маҳкам қучоқлаб, юзларидан чўпиллатиб ўпди. Мен билан эса шунчаки кўришиб қўйди.

— Евдаким, бошингга ташвиш тушганини Света айтиб берди. Ишонмадим. «Шундай беозор одамнинг қўлидан бунақанги хунрезликлар келмайди», дедим. Ўлай агар, эртага ўша падар лаънати идорага бормоқчийдим. Яхшиям ўзинг келиб қолдинг. Тан-жонинг соғми, қийнашмадими? — деди сўнг аёл ҳовлиқиб.

— Елизавета хола, тинка-мадорим қуриб кетди. Сув бермасангиз ўлиб қоламан. Ҳали сизга ҳаммасини айтиб бераман, — дея Ева аёлга мўлтирабгина тикилди.

— Ҳа-а, сен ошхонага кир. Ҳозир иккалангнинг ҳам қоринларингни тўйғазиб қўяман, — деди аёл табассум қилиб.

Ева тортиниш, уялиш нималигини унутиб, музлаткичдан озгина ичилган ароқ шишасини олди. Аввал ўзига кружкани тўлдириб қўйди. Сўнг менга ҳам худди шундай идишга қўйиб берди. Ичди-ю, кутилмаганда йиғлаб юборди:

— Нима гуноҳ қилдим мен? Нега азобланишим керак? Нега одамларни тинчгина яшашга қўйишмайди? Бор-йўғи бир шапалоқ ургандим. Шунда ҳам мен айбдор эмасдим... Ярамаслар!

У столни қарсиллатиб урди. Идишлар бир чайқалиб тушди. Шиша ағанаётганида ушлаб қолдим.

У ўзига яна ароқ қўйиб ичди. Йиғлади. Елизавета хола келди. Еванинг бошини силаб, пешонасидан ўпди. Шундан сўнггина шўрлик қочоқ бироз ўзига келди.

Тўғриси, чарчагандик. Шу боис қоронғилик тушганидан кейин узоқ ўтиролмадик. Мен-ку, хаёлга чўмиб, телба-тескари ўйлар гирдобиди иягимга кафтимни тираганча ўтирдим. Ева бошини столга қўйиб ухлаб қолди. Шундан сўнг Елизавета хола ётоқхонадан бизга жой ҳозирлаб берди.

— Неча йиллардан бери ёлғиз ўзим яшайман. Менинг уйим ҳам одамга тўлармикан, деб орзу қиламан. Келганларинг зап иш бўлди-да, — деди у ётоққа таклиф қилгач, қувониб.

Ошхонада роса уйқум келганди. Ёстиққа бош қўйгач, сира кўзим юмилмади. Рост, кетиб қолгим келаётганди. Бу ердан жуда узоққа — Рабабнинг ёнига. Назаримда, ўша давр, ўша одамлар бу ердагиларга нисбатан покиздай туйилаверди. «Мен ўзим ҳам бу ерда оппоқ эмасман. Ҳар бир босган қадамимда юзимга доғ тушириши мумкин бўлган ишларим тиқилиб ётибди. Лекин манави охиргиси ҳаммасидан ошиб тушди. Отасини соғинаётган болалар... Йўқ, бас! Ўрмонга кириб кетаман, ҳеч кимга кўринмайман. Қўзиқорин еб, ажалим етгунча яшайман. Кейин ўлиб кетаман. Йиртқишларга ем бўламан... Тамом, охирги қарорим шу», деган ўйда кўзимни чирт юмдим. Бир муддат шу тахлит ётгач, кўз ўнгимда қуюқ туман

пайдо бўлди. Ишонсангиз, теримга сифмай қолдим. Оҳ, Рабаб, оҳ, беғуборлик маскани, мен ёнингга қайтаяпман...

Ўша осмон, ўша булутлар, ўша дарахт ва тоғлар... Мен Рабабнинг ёнида пайдо бўлгунимга қадар мана шулар хаёлимдан ўтди. Ич-ичимдан қандайдир қувонч туйғуси жўшди.

— Сенинг гапларинг жудаям қизиқ, — деди кўзимга тикилиб турган Рабаб.

— Балки... Лекин мен ҳозир осмонда учдим.

Қиз жилмайди ва секин мени қучиб, юзимдан ўпиб қўйди.

Бу унинг: «Алдагани бошқа нарса топ», дегани эди. Менга ишонмади. Демак, ундан бошқаларга ҳам гапларим тушуниксиз бўлади. Эҳтимол, жиннига чиқариб қўйишар мени...

Ўрнимдан турдим ва анча тетикланиб қолганимни сездим.

— Юришга ярайсанми? — сўрадим Рабабдан.

— Баданим тирналган, холос. Оёқларим илгаригидай бақувват.

— Ўрмонга кирамиз.

У бошини қимирлатиб қўйди.

Яқин атрофдаги тоғлар орасида мана шуниси энг яланғочи эди. Унинг этагидагина дов-дарахтлар ўсарди. Бошқалари эса деярли чўққисигача дарахт билан қопланган. Ўт-ўланларни-ку, айтмаса ҳам бўлади.

Биз деярли қийналмасдан ўрмонга етиб олдик. Рабаб дарров гиёҳ қидиришга тушиб кетди. Ҳаш-паш дегунча ҳар хил ўтлардан бир қучоқ териб келди-да, барини аралаштириб, тош билан уриб майдалади. Сувини чиқариб, аввал менинг жароҳатларимга, сўнг ўзиникига суртди. Кейин у шапалоқдай барглари юлиб олди-да, узун ингичка хивичга тизиб, ўзига либос тикди. Сўнгра антиқа либосини кийди. Энди у аввалгидан-да кўркамроқ, сулувроқ кўринарди.

Биз бир муддат дам олганимиздан кейин йўлга тушдик. Мақсадимиз, ўзимизга мос биронта гор топиш эди. Биз шу ерда иккаламиз яшашни режалаштиргандик. Рабаб:

— Мен сенга кўп фарзандлар туғиб бераман. Қараб-санки, иккаламизнинг авлодларимиз, қавмимиз пайдо бўлади ва улар бутунлай бошқача яшашади. Дунёи дунни улар бошқаради, — деди йўлга тушишимиздан олдин.

Албатта, бу менга чексиз қувонч бағишлади-ю, аммо қанча-қанча ташвишлардан сўнггина рўёбга чиқишини ўйлаб, ғамга чўдим.

Вақт пешиндан ўтгач, ов қилдик. Нақ иккита қуён овладик. Ўт-ўланларни еб, уч-тўрт ёз яшаб қўйган жониворлар роса семирган экан. Гўшти шунақанги мазали эдики... Эҳтимол, қорнимиз роса очқгани боис шундай туйилгандир...

Яна йўлга тушдик. Мен шу пайтгача бу атрофни беш қўлимдай биламан, деб ўйлаб юарканман. Бироқ жуда зич экилган дарахтлар, одам бўйи баравар ўт-ўланлар орасидан ўтиб борарканман, «Бу ерларга одам оёғи етмаган бўлса керак», деган фикрга келдим. Яна кўнглимда бир олам ҳадик ҳам бор. Чунки бундай жойларда йўғон-йўғон илонлар бўладики, одамни бемалол ютиб юбориши мумкин. Бир сафар қавмдошларимдан бири ана шундай илоннинг емишига айланган. Бўлмаса, жуда бақувват, чаққон, кийикнинг битта сонини бир ўзи кўрдим демайдиган паҳлавон эди у. Илон бир ямлашда уни ютиб юборибдими, бошқалар чўт эмас ярамас махлуққа.

Шундай ўйлар исканжасида кетиб бораётганимда, Рабаб «Вой!» дея бақариб юборди. Чўчиб тушиб юзига қарасам, оқариб кетибди.

— Нима?! — дедим ҳадиксираб.

У қўли билан уч-тўрт қадам нарини кўрсатди. Хаёлимга бирдан илон деган ўй келди ва Рабаб кўрсатган томонга қарадим. Кўзим овшин (сиртлон) га тушди. Бу йиртқич илондан ҳам хавфли. Бир ҳамлада уч-тўрт одамни даф қилиши мумкин. Бақувват оёқлари, катта гавдаси ва ўзига хос эпчиллиги унга шундай имконият беради. У фақатгина катта тўдалардан кўрқади. Беш-олти кишини кўрганда эса, пинагини ҳам бузмайди.

— Ортимга ўт, — дея шивирладим Рабабга.

Ўзим эса қўлимдаги таёқни секин овшин тарафга тўғриладим-да, ортимга чекина бошладим. Овшин менинг чекинаётганимни сизди шекилли, ёниб турган кўзини би-

роз қисиб, олдинга қадам босди. Оппоқ тишини кўрса-тиб, ириллаган бўлди. «Қорни тўқ бўлганида, у бундай қилмасди. Индамай ортига бурилиб кетарди. Оч экан, ҳамлага ўтиши аниқ», дея кўнглимдан ўтказдим.

— Оловдан қўрқади, — шивирлади Рабаб.

— Кеч бўлди. Ёқишга улгурмаймиз. Худолар, албатта, бизга ёрдам беради, — дедим ҳам ўзимнинг, ҳам Рабаб-нинг кўнглини хотиржам қилиш учун.

Бу пайтда овшин олдинга яна беш-олти қадам ташла-ган ва устимизга сакраш учун бироз энгашган эди. Мен ҳам энгашдим ва таёғимнинг бир томонини ерга қадаб, иккинчи учи ўткирланган тарафини хиёл энгаштирдим.

— Рабаб, тайёрланиб тур, сакраши билан таёғингни унинг қорнига санчишга ҳаракат қил, — дедим.

Овшин юришдан тўхтади. Оғзини янада каттароқ очди. Унинг ёниқ кўзларига сеҳрланиш ва беихтиёр ҳайкалдай қотиб қолиш ҳеч гап эмасди. Мен бир муддат шу аҳволга тушдим. Агар ортимда турган Рабаб беҳосдан туртиб юбор-маганида, эҳтимол, овшиннинг ҳамласига жавобан ҳеч нима қилолмаган бўлардим... Ўзимга келишим билан ба-данимдан совуқ тер чиқиб кетди ва қулт этказиб ютин-дим-у, кўзимни йиртқичнинг нигоҳидан олиб қочдим. Биз ҳайвонларни доим ақлсиз деб ўйлаймиз. Лекин ма-нави овшиннинг яхшигина фаросати бор, шекилли, санъ-ати иш бермаганини англагач, секин қаддини ростлади ва биздан кўзини узмаган кўйи ортига чекинди. Шу за-ҳоти унинг мақсадини англаб етдим. Ярамаснинг ақлли-лигини кўрмайсизми? У ортга чекинади. Мен, ҳайтовур, ниятидан қайтди, деган хаёлда бироз бўшашаман, шунда у яшин тезлигида ҳужумга ўтади ва таёғимни унинг қор-нига мўлжаллашга улгурмайман. Сўнг у мени бурдалай-ди, кейин Рабабни ҳам...

Хаёлимга шу ўй келиши билан огоҳликни икки ҳисса оширдим. Овшин тўхтади. Қараса, менда ўзгариш йўқ. Алам қилди, шекилли, ёнига юра бошлади. Шунга мо-нанд мен ҳам бурилавердим. У энди кўринмай қолганди. Қалин ўт-ўланлар уни яшириб қўйган, фақатгина ши-тирлаган овоз эшитиларди.

— Рабаб, ярамас овшин биз ўйлагандан пухтароқ экан. Сергак тур, — дедим.

— Балки қочармиз.

— Йўқ, у шуни истаяпти. Рақибнинг ортидан бориб ҳамла қилиш ҳамиша қулайроқ. Олдиан бориб ташвишга қўмилгандан кўра, ортидан тишни ботириш жудаям осон. Ўзига мутлақо зиён етмайди. Буни қара, илгари сира ўйлаб кўрмаган эканман. Ахир биз ҳам йирик ҳайвонларни шу тариқа овлаймиз-ку. Тўғри, биз кўпчилик бўлиб борамиз. Ҳаммамизда қурол бўлади. Ҳайвоннинг эса тиш-тирноғидан бошқа ҳеч вақоси йўқ. Шунда ҳам пойлаймиз. Керак бўлса, берилиб емиш ейишини кутамиз. У хавфсизликни унутиши билан бутун қавмнинг овчилари устига ёпириламиз. Бечора довдираганидан ҳеч вақо қилолмай қолади ва, қарабсанки, қурбонимизга айланади.

— Кўп гапириб юбординг. Бундан кўра ҳимояланишни ўйласанг бўларди. Ҳар қалай, энди ўзинг тузоқ лабиде турибсан, — дея мийиғида кулди Рабаб.

Дарҳақиқат, сайраётганимни сезмай ҳам қолибман. Бу, албатта, овшиннинг устунлиги. Чунки у мени ўзининг сеҳру жодуси билан кўп гапиришга мажбур этди. Мен сўзлаш асносида уни унутдим. Яхшиям, Рабаб бор экан. Йўқса, ҳозир ёввойи махлуқнинг чангалида бўлардим.

Ўтлар шатир-шутир бўлиб кетди. Бу йиртқичнинг ҳужумга ўтганидан далолат эди. Дарров у томонга таёғимни тўғриладим-да, тиззалаб ўтирдим. Ҳаш-паш дегунча аввал овшиннинг боши, сўнгра бутун бошли гавдаси кўринди. Менинг эса бутун вужудимда газаб, шу билан бирга шижоат пайдо бўлди. «Ўнлаб овчилар ўлдиролмаган овшинни бир ўзим даф қиламан», дея кўнглимдан ўтказдим. Бутун вужудимдан тер чиқиб кетди ва устимга сакраган овшин оёқларим остига тушди. Тушди-ю, менга термилганча бир муддат қотиб қолди. Кейин оёқлари, танаси қалтирай бошлади. Бу жудаям гайриоддий ҳодиса эди. Тушуниб бўлмайдиган бир ҳолат. Ҳаттоки ўзим ҳам ғалати бўлиб кетдим. Бир хаёл, таёғим билан унинг қорнини ёриб ташламоқчи бўлдим. Шунда қулоғимга «Ўлдирма, сенга бўйсунди», деган сас келди. Овшин шу заҳоти ерга ётди-да, бошини олдинги оёқлари орасига қўйди.

Рабаб дарров ёнимга ўтди. Овшинни ўлдирмоқ учун

қўлидаги қуролини юқорига кўтарди. Аммо уни мен ушлаб қолдим.

— Ўлдирма, ҳайвонлар худоси бизни нобуд қилади. Овшин бундан бу ёғига бизнинг хизматимизда бўлади, — дедим.

Рабаб ҳайратланганча менга қаради. Сўнг истар-истамас таёғини ерга ташлади. Мен қаддимни ростладим. Овшиннинг юнглариани бир бор кўздан кечирдим. Сўнг энгашиб, бошини силадим. Ана шундан кейингина йиртқич калласини кўтарди ва мен унинг кўзидаги ёшни кўрдим.

— Хавотир олма, жонивор, сен аввалгидай озодсан. Озуқанг гўшт... Ўт билан қорнинг тўйганида, менга ҳамла қилмаган бўлардинг, — дедим ва ўрнимдан туриб, таёғимни елкамга қўйдим-да, Рабабнинг билагидан ушлаб:

— Юр, — дедим.

— Нима бўлди? Нега у биздан қўрқди? — деди бироз юрганимиздан кейин Рабаб.

— Балки, худосининг амри шундай бўлгандир. Бошқа ҳеч нима билмайман. Унга айтганларим ўз-ўзидан калламга келди. Аниқроғи, кимдир менга «Шундай дейсан», деб айтиб тургандай бўлди. Мен унинг буйруғинигина бажардим. Овшин бундан бу ёғига иккаламизни қўриқлаб юради. Энди на сен ва на мен қавмимиздан қўрқмасак ҳам бўлаверади. Биласанми, мен аввал бу ерларда бўлгандайман. Балки ёшлигимда мени овчилар ўзлари билан олиб чиққанларида келганман-у, кейин эсимдан чиқиб кетган. Адашмасам, яна озгина юрганимиздан сўнг пастқамгина баландликка дуч келамиз. У ерда иккимиз қидираётган гор бор. Ёнгинасида булоқ бор. Суви зилол, ширин. Тўйиб ичсанг, иккита қуённинг гўштини егандай тўқ юрасан.

— Буни ҳам кимдир сенинг қулоғингга айтдимиз? — сўради Рабаб.

— Йўқ. Ўзим биламан.

Унга айтганларимнинг ҳаммаси кўнглим ойнасида кўри-наётганини гапириб ўтирмадим. Мабодо бирон нима дейдиган бўлсам, Рабаб мендан қўрқиб қолиши мумкин эди. Шунингдек, ўша биз бораётган горнинг остонасида оппоқ матога ўраниб ўтирган чол ҳақида ҳам индамадим. Зеро,

айтадиган бўлсам, у мендан хавотирланиб, хавфсираб қолиши мумкин эди.

Менга қизиқ туйилаётгани чолнинг устидаги кийими эди. Ахир у жуда гаройиб. Бизнинг эгнимизда-ку, ҳеч нарса бўлмайди. Қавмбошимизнинг ёпинчиғи эса қайсидир ҳайвоннинг терисидан. Мен идрок қилаётган, янаям аниқроғи, кўзимга ғалати кўринаётган чолнинг устидаги мато ҳавода ҳилпираяпти. Демакки, у жудаям енгил, оппоқ бир нима... Юрганим сайин оёғим титрайди. У мени кутаётганини сезиб турибман. Ана шунинг учун ҳам кўрқаяпман. Назаримда, мени овшин бир нима қилиб қўйганга ўхшайди. Ахир илгари бундай ҳолат ҳеч содир бўлмаганди-ку. Ярамас овшин, қаердан ҳам дуч бўлдинг?

— Нега кўлингни мушт қилиб олдинг? Баданинг жудаям тортишиб кетибди. Томирларинг шундоқ кўриниб турибди, — деди ортимдан келаётган Рабаб.

Тўхтаб, унга ўтирилдим. У кўзларимга тикилди.

— Жоним, сенга нима бўлди? Кўзларингдан танамни тешиб юборадиган ўт бор. Агар гуноҳ қилиб қўйган бўлсам, мени кечир, — дея бир қадам ортга чекинди Рабаб.

— Қандай гуноҳ қилишинг мумкин? Мени қутқариб қолган сенсан-ку... Яна, рафиқам бўлдинг...

Шу гап оғзимдан чиқиши билан биров бошимга гурзи билан ургандай бўлди. Ўзим ҳам бироз энгашиб қолдим.

— Лекин мен сендан кўрқаяпман. Ёнинггаям яқинлашолмаяпман.

— Мен овшиндан ҳам ваҳималироқманми?!

— Ҳа!

— Нима?! Йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас. Мен... Мен!..

— Лекин ёнингдан кетмайман. Мен сенга кўп бола туғиб беришни ваъда қилганман!..

Бошимни кафтим орасига олдим-да, секин ўтирдим. «Махлуққа айланишни истамайман! Йиртқич бўлмайман. Одамлигимча қолишни хоҳлайман», дея пичирладим. Сўнг ўрнимдан сакраб турдим-у, бошим оққан томонга югуриб кетдим. Ортимдан, ён тарафимдан шитирлаш эшитилди. Сезаяпман, Рабаб ортда қолиб кетмаяпти. Шунингдек, овшин ҳам кузатиб келаяпти. Бундан ташқари,

алланима ортимдан таъқиб этаётгандай эди. Мени қўрқитаётган нарса айнан шу...

Қалин ўт-ўланлар, дарахтлар-у буталар ортида қолиб, яланглик бошланди. Бу ер ҳам ўрмон. Гарчи бирор марта ҳам бўлмаган эсам-да, таниш. Ҳар қадамда нима борлигини гарчи қўрмаган бўлсам-да, биламан... Тўхтадим. Майин шамол юзимга урилди. Пешонамдан реза-реза тер оқа бошлади. Кимдир «Авратингни ёп», дея буюрди. Бу одам овози эмасди. Қандайдир сас эди ва мен беихтиёр ўша саснинг асири эдимки, кулоқ қоқмай айтганини бажардим. Ҳали тўла етилмаган барглари филнинг кулоғидай келадиған дарахт ёнига бордим. Ёпиниб олиш чорасини кўрдим. Рабаб ўн қадамча нарида қилаётган ишимни кузатиб турди. Ёнимга келмади. Келолмади. Қизиги, унинг ёнгинасида анчадан буён туз тотмаган овшин ҳам турарди. У Рабабга эътибор бермас, мендан эса кўзини узмасди. Худдики, ниманидир амр қилсам-у, эшитмай қолиб, жавобгарликка тортиладигандай.

Юмушимни тугатиб, секин Рабабнинг ёнига яқинлаша бошладим. У эса ортига чекиनावерди. Ёнидаги йиртқич ҳам худди келишиб олгандай ортига кетаверди. Тўхтадим. Улар ҳам жойларида қотишди.

— Нега қочаяпсизлар?! — дея бақирдим жаҳлим чиқиб.

— Сендан қўрқаяпмиз, — жавоб берди Рабаб.

— Ҳалиям қўрқинчлиманми?

— Йўқ, кўзинг ёмон.

— Унда ортимдан эргашма. Ўз қавмингга бор.

Алам билан шундай дедим-у, ортимга бурилдим. Мен қушдай енгил бўлиб қолгандим. Юрмаётгандайман, учаётганга ўхшайман. Ҳар-ҳар замон ортимга қарайман. Рабабга «кет», дедим-у, аммо ўзим унинг кетиб қолишини сира истамайман. Изма-из келаётганидан хурсанд бўламан. «Қизиқ, у мен билан бирга нималар қилмади? Сув келса симириб, тош келса кемирди... Овшинга қарши бирга уришмоққаям шайланди. Энди бўлса, ёнимга келолмаяпти. Мендан қўрқаяпти. Овшин ҳам қўрқаяпти», дея кўнглимдан ўтказдим.

Бироздан кейин эсаётган шамол янада кучайди. Дарахтларнинг шохлари бир-бирига урилиб, қўрқинчли то-

вуш чиқара бошлади. Айни чоғда кўнглимга ваҳима оралади. Йўқ, мен бирорта йиртқич ёки қавмимиз паҳлавонини ютиб юборган илон учраб қолишидан эмас, ҳализамон дуч келишим муқаррар бўлган чолга юзма-юз бўлишдан ваҳимага тушаётгандим. Бундай олиб қарасангиз, асло кўр- қинчли эмас. Керак бўлса, мен кўрган одамларнинг ҳаммасидан истаралироқ, юзидан қандайдир нур ёғилиб туради. Ваҳима, кўрқув бундай пайтда яқинингга ҳам йўламаслиги керак... Аммо тушуниксиз бир ҳолат. Айнан унинг шундай ўзига тортувчанлиги сабаб ерга кириб кетадигандай ҳис қиласан ўзингни. Буни бошқа сўз билан изоҳлаб бўлмайди.

Аста-секин қадам босишим оғирлашди. Боягина ўзимни учаётгандай ҳис қилган бўлсам, энди устимдан фил босиб тургандай жойимдан қимирлай олмасдим. Кутилмаганда рўпарамдан нур кўринди. У шунчалик ёрқин эдики, кўзим қамашиб кетди.

Шу заҳоти кўнглимда уни кўриш иштиёқи пайдо бўлди. Томирларимда шиддат билан оқаётган қоннинг қайноқлиги мени ниҳоятда жўштириб юборди. Кўринаётган нурнинг тафти юзимга ақл бовар қилмас даражада ҳузур бағишларди. Албатта, Рабабнинг ва мен тушларимда кўп марта кўрган қизларнинг нозик кўллари бунинг олдида ҳеч нима эди. Мен ўша кўриниб турган нурни севиб қолгандим. Яна англадимки, нур бир покиза вужуддан, яъни оппоқ либосдаги соқоли кўксига тушиб турган қариядан таралаётганди. Менинг севгим эса бутунлай бошқача, яъни у ишқдан бутунлай олис турарди.

Ниҳоят, чол кўринди. У тушимдами ёки ўнгимда кўринган ўша горнинг оғзида ялтираб турган бир тош устида ўтирарди. Бир томонда куёнлар, иккинчи тарафда кийиклар сакраб юришибди. Улар бизнинг куён ва кийикларимизга сира ўхшамайди. Кичкина, жимитдеккина келади.

Чолга яқинлашдим. Кўлимни кўксимга қўйиб салом бердим. У жилмайди.

— Манави сув муқаддас, — деди сўнг булоқни кўрса-тиб. — Унда чўмила қол. Сен билан бирга келган қиз ҳам чўмилсин. Фақат сендан кейин. Сўнг сизларга қўйлак бераман. Ана ундан кейин никоҳлаб қўяман. Қани, бўла-қол, вақт оз...

Мен унинг айтганларини сўзсиз бажардим. Қизиги, сувга тушишим билан танамдаги яра-чақалардан асар ҳам қолмади. Чўмилиб чиққач, чол берган либосни кийдим. Умримда бундай кийим киймаганим боис ғалати бўлиб кетдим. Устимдаги мато мени қандайдир бир нима ичига қамаб қўйгандай эди. Олдин оёғимнинг учидан кўксим-гача қараб чиқдим. Сўнгра чолдан бу либосни менга нега кийгизганини сўрамоқчи бўлганимда, у кўрсаткич бармоғини лаби устига қўйиб:

— Тисс! — деди.

Очиги, унинг нега бундай қилганини тушунолмадим. Эҳтимол, ўша дамда бунинг учун менинг онгим, ақлим ожизлик қилгандир. Аммо, барибир, менга чолнинг вужудидан таралаётган оқиш нур, унинг атрофида гирди-капалак бўлиб юрган жажжи ҳайвонлар, ичимда туғён ураётган ҳаяжон, қўрқув, чўмилаётганимда яра-чақаларимнинг йўқолиб қолгани ва антиқа либос — бари ғалати туйилди. Буларнинг сабабини билгим келарди. Лекин буни қарангки, тилим қотиб қолган. Уни айлантиришга жуда ожиз эдим.

Рабаб ҳам чўмилиб чиққач, худди меникига ўхшаш, фақат сал узунроқ кўйлак кийди. У оппоқ кўйлакда бутунлай очилиб, кўзни қамаштирадиган даражада кўркамлашганди. Бунга унинг ўзи ҳам ҳайрон эди. Танасини ёпиб турган матонинг ҳали у ёғини, ҳали бу ёғини ушлаб кўрар, менга қараб жилмайиб кўярди.

Биз ўзгаришлардан ҳайрону лол бўлиб турганимизда, чолнинг рўпарасида худди ўзиникига ўхшаш тош турарди. Очиги, унинг қачон ғор ичкарисига кириб, қачон тош кўтариб чиққанини сезмай қолибман.

— Қани, иккалангиз ҳам мана бу ерга ўтиринг, — деди чол ўзгача юмшоқ, сеҳрли товушда тошга ишора қиларкан.

Мен Рабабга қараб қўйдим. Сўнг тош устига ўтирдим.

Чол иккимизга ҳам обдан тикилди. Афтидан, у бизга ниманидир буюрмоқчи-ю, «Юмушни бажариш буларнинг қўлидан келармикан?» дея иккиланаётгандай эди. Лекин унинг ўткир нигоҳларидан саросимага тушгандим.

— Ҳайвонлар ўз урғочисини бошқа жинсдошларидан қизганганини кўп кўрган бўлсанглар керак. Шунингдек,

сувдаги балиқлар, жонзотлар ҳам ўзига тегишли бўлган жуфтни бошқа бировга бериб қўймайди. Керак бўлса, жон олиб, жон бериб курашади. Сиз шунча аёлларни битта эркакка бериб қўйдингиз. Бу, шубҳасиз, инқирозга олиб келади. Сўзларим сиз учун ниҳоятда тушунарсиз. Бироқ вақти келиб, ҳаммасини англаб етасизлар. Ва болаларингизнинг ўзаро никоҳларига йўл қўймайсиз.

Мен бошимни қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қилдим.

— Икки қавмнинг вакили бўлганларинг учун қавмбошига ўзга хотинларни раво кўрмайсизлар. Улар билан бирга бўлган бошқа аёлдан зурриёт қолмаслиги керак.

Шундан сўнг у Рабаб иккимизни никоҳлаб қўйди. Биринчи марта никоҳ деган сўзнинг маъзини чақдим. Албатта, чолнинг тушунтиришидан сўнг. Шунингдек, ҳар қандай шароитда Рабабни авайлаб-асрашга ваъда бердим. Мен чолдан кўп нарсани сўрамоқчи ва ичимда қайнаётган сир-синоатни билмоқчи эдим. Бироқ у кутилмаганда гойиб бўлди. Ҳа, худди шундай. Рабабнинг юзига бир қараганимни биламан, шу лаҳзанинг ичида чол ўтирган жойида йўқолиб қолди. Ўйноқлаб юрган куёнчалар, кийиклар ҳам кўздан йўқолган.

— Қани у? — сўрадим Рабабдан.

Рабаб елкасини қисди ва ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёққа қаради.

Дарҳақиқат, чол на ерда ва на кўкда бор эди. «У кўзимга кўрингандир», деган хаёлга бордим. Аммо устимиздаги кийимлар, яра-чақаларимизнинг йўқолгани, рангимиз аввалгига нисбатан ўзгаргани унинг, ҳақиқатан ҳам, биз билан гаплашгани, саховат кўрсатганидан далолат берарди.

Бошимни эгганча анча вақт қимирламай ўтирдим. Хаёлларим алғов-далғов эди. Нима бўлаётганини англаёлмаётганимдан сиқилардим. Рабаб ҳам худди мен каби чурқ этмас, ўзининг борлигини билдириш учун, ҳеч қурса, қимирлаб қўймасди. Майин шамол эсар, либосимни ўйнар ва бир хаёлни ҳали тузукроқ, охиригача ўйламасимдан, бошқасини бошлашга мажбур этарди.

Шу тахлит анча муддат ўтиргач, бошимни кўтардим. Биздан тўрт-беш одим нарида қад ростлаган дарахтга

кўзим тушди. Дарахт шохларининг йўғонлиги тахминан билагимдай келар, аммо ички туйғуларимга кўра уни эгилувчан деб ўйлардим. Дарров ўрнимдан турдим-у, ўша дарахт ёнига югуриб бордим. Шохини синдириб, эгиб кўрдим. Қаттиқ экан. Лекин менинг кучим ҳам чакки эмас, шу боис бемалол қайирдим. «Энди ҳайвон териси керак. Ундан ип ясайман. Кейин менинг ҳам камоним бўлади», дея кўнглимдан ўтказдим. Ёнимга Рабаб келди. Шохни қўлига олиб, унга термилди-да:

— Тўғри топдинг, биз, ҳақиқатан ҳам, худди шундай ёй ясаймиз, — деди.

Мен ўзимда йўқ хурсанд эдим. Ахир ўз ақл-идроким билан камон яшаш йўлини топдим. Тўғри, буни Рабабдан сўраб, билиб олсам ҳам бўларди. Аммо ҳозиргидай қувонмаган бўлардим.

Шохни гор ёнига олиб боргач:

— Сен бундан буён уйимизни, горимизни асрайсан. Фақат мен йўғимда. Буни ҳозирданоқ бошлайсан. Мен овга бориб келишим керак, — дедим.

Рабаб ҳайрон бўлиб юзимга термилди. Сўнг:

— Сен билан ҳеч қачон ажралмасликка келишгандик... Мен қўрқаман. Ҳайвондан эмас, балки анави чолнинг пайдо бўлишидан хавотирланаман, — дея киприкларини пирпиратди.

Мен уни ёлғиз қолдирилмасдим. Аммо кимдир: «Йўқ, олиб кетма!» дегандай бўлди ва беихтиёр унинг амрига бўйсундим.

— Сен бормаслигинг керак. Шу ерда мени кутишинг керак, — дея шартта ортимга ўгирилдим-у, югуриб кетдим.

Ҳали ўрмоннинг ичкарасига кирмасимдан кимдир менга эргашаётганини сездим. Жаҳлим чиқиб югуришдан тўхтадим. Ортимдан изма-из келаётган овшинга кўзим тушди ва беихтиёр лабимда табассум пайдо бўлди. Чунки мен унинг борлигини мутлақо унутгандим. Овшиннинг садоқатли эканлигини англаганимда шодлангандим.

— Изингга қайт. Рабабнинг ёнида бўл. Уни қўриқла, — дея йўлимда давом этдим.

Шу куни кийик овладим. Ўлжа хийла катта эди. Шунга қарамай, бемалол елкамга ташлаб, гор ёнига олиб бордим.

Рабаб тош устида ўтирарди. Келганимни билса-да, ўрнидан туриш у ёқда турсин, ҳатто қараб ҳам қўймади.

— Рабаб, омадим чопди. Бутун бошли кийикни овладим. Ўлжа иккаламизга бир неча кунга етади. Овшин ҳам насибасини олади...

Никоҳимдаги хотин ўрнидан сапчиб турди. Шунда унинг кўзларида ёш кўрдим.

— Нима қилди, жоним?! — дедим шошиб.

— Агар овшинни қўриқчиликка ташлаб кетмаганинг-да, мени кўрмасдинг ҳозир, — деди-ю, йиғлаб юборди у.

— Йиртқич ҳамла қилдими? — дедим юрагим гупиллаб уриб.

— Йўқ! Овшин узоқлаб кетишимга йўл қўймади. Йўлимни тўсди. Ўрмонга кирадиган бўлсам, мени ўлдирмоқчи бўлди... Сен хотинингни қийнаган йиртқичга индамайсанми?! Еб қўйганида...

Уни ортиқ сўзлатмай, бағримга босдим.

— Унга сени қўриқлашни буюргандим. У ҳеч қачон ҳамла қилмайди, — дедим.

Рабаб индамади. Бошини елкамга қўйди. «Мени ташлаб ҳеч қаёққа кетмасдинг... Аразинг ярашибди сенга», дея кўнглимдан ўтказдим.

Гўшт тўрт кеча-кундузга етди. Овшин бўлмаганида, балки ундан ҳам кўпроққа етарди. Аммо гўштининг тезроқ тугаши ва яна овга чиқишим, Рабабни ёлғиз қолдиришим мумкинлиги мени асло ўйлантормади. Ёй тайёр бўлгач, бир кучоқ ўқ ясадим. Рабаб ҳам қараб ўтирмасдан ёрдамлашди. Шу вақт мобайнида ўз қавмимга тегишли ғорга боришни, уларни ўзимга бўйсундиришни ўйладим ва ўша гўшт тугаган кун дилимдагини Рабабга айтдим.

— Сен ёлғизсан. Гарчи камонинг бўлса-да, аввало, нишонни тўғри олишни билмайсан. Кейин, барибир, кучинг етмайди, — деди у.

— Йўқ. Мен уларнинг ёнига тинч йўл билан бораман.

— Аммо сени тўғри қабул қилишмайди.

— Чолнинг айтганларини бажаришим зарур. Бизда охирги фаслларда ғалати чақалоқлар кўп туғилаяпти. Битасининг қўли, бошқасининг оёғи йўқ. Кимдир менга

«Бориб, қавмбошини ўлдир. Ака-сингилларнинг эр-хотин бўлишларига йўл қўйма. Сенга қийин бўлади», деди.

Шу пайт пешонам ўз-ўзидан қизий бошлади. Кимдир гапирар, унинг овози узоқ-узоқлардан қулоғимга чалинарди. Лекин сира Рабабнинг ёнидан кетгим келмасди. Ўз-ўзидан ҳамма манзаралар ғойиб бўлди. Кўзимни очдим. Тепамда ёши ўтиб қолган аёл турибди:

— Ўғлон, турадиган вақтинг бўлди. Ишқилиб, соғомонмисан? Тушингда алланималарни гапирдинг. Мен тушунмадим. Ўзингнинг тилингда сўзладинг, шекилли. Қара, соқолинг ўсиб кетибди.

Ҳаммасидан ҳам аёлнинг сўнгги гапи мени ташвишга қўйди. Дарров юзимни пайпасладим.

— Яна... — дея шивирладим алам билан.

— Нима, яна? — сўради аёл ҳайрон бўлиб.

— Шунчаки ҳозир... — дея каравотни гичирлатиб ювишиш хонаси томон кетдим.

Ойна олдида деярли кўксимгача ўсган соқолга термилиб турганимда, Евдакимнинг овози эшитилди.

— Кеча соқолинг бунча эмасди. Илгаридан шундайми? — деди у.

— Ҳа. Шаҳарда нима гаплигини билдингми? — дедим унинг кейинги саволларидан қочиб.

— Елизавета хола тонгданоқ дўконга бориб, шов-шув топиб келди. У қайтиб келганидан кейин шубҳаланиб қаради. «Буни қара-я, кўпчилик ўлганмиш. Айтишларича, қочганлар жуда қаҳр-ғазабли эмиш. Кўринганни соғ қўймаганмиш... Тавба қил-дим, қандай қилиб шунақаларни ер кўтариб юрибди?» — деди.

— Сен-чи?!

— Нима, мен? Мен ҳеч нима демадим. Фақат «Биз шунчаки қочдик, бировнинг шўрини қуритмадик», дедим, холос. Лекин сенинг соқолинг кутилмаганда бунчалик тез ўсиб кетганидан хола хавотирга тушиб қолди. «Ева, сен билан келган йигит мабодо шайтонмасми? Менимча, ундан узоқроқда юрганинг маъқул», деди.

— Тўғри айтибди. Кўп гапирмасдан, устара топиб келсанг, яхши бўларди. Бу аҳволда кўчага чиқолмайман-ку, — дея Евдакимга юзландим.

У шу заҳоти ўзини бир қадам орқага ташлади.

— Ҳа-а, нега бунча кўрқиб кетдинг?..

— Ҳалиги, биласанми... Биласанми? Сен, ҳақиқатан ҳам, ҳалигидақа...

— Ўзингни бос. Ҳеч қандай ҳалигидақа эмас. Ундан кўра, бориб устара топиб кел.

Евдаким кўрқа-писа орқасига қараб-қараб эшикдан чиқди.

«Эшак, бу билан бирон жойга бориб бўлмайди. Гуллаб қўйиши ҳеч гапмас. Худди бир қоп олтин топган жиннидай», дея ҳаёлимдан ўтказиб, ойнага қарадим. Тишимни тишимга босиб, кўзимни юмдим. Зеро, кўзгудаги аксимни уриб, чилпарчин қилиш истаги пайдо бўлганди менда.

Бир муддатдан сўнг Ева устара кўтариб келди ва кўрқа-писа қаради. Кулгим қистади.

— Оғайни, хавотир олма, — дедим. — Яхшиямки, шайтон эмасман, — дея қўшиб қўйдим бироз жим тургач.

Хонадон бекаси хотиржамлигини йўқотганини ошхонага кириб, унинг сўлиган юзига кўз ташлаганимдаёқ сездим. «Бир гап бор. Йўқса, довдирамасди», дея ҳаёлимдан ўтказиб, секин стулга ўтирдим.

— Яхши ётиб турдингми? Ҳозир сенга сутли қаҳва тайёрлаб бераман, — деди у сохта табассум билан.

Овози қалтиради. Кўзини олиб қочди. Шунинг билан бирга эшикнинг тепасига илинган соатга қараб қўйди.

— Раҳмат. Лекин ҳеч ниманинг кераги йўқ. Эрталаб туз тотмасликка одатланганман, — дедим-у, ўрнимдан сапчиб турдим ва шошганча йўлакка чиқаётиб: — Ева, бу ерда қолишинг хавфли, эртароқ жуфтакни ростлаб қол, — дедим.

Зинадан пастга тушаётганимда, ортимдан Евдаким етиб келди.

— Нима бўлди? — сўради ҳовлиқиб.

— Ўзинг билиб ол, — дея қадамимни янада тезлатдим.

— Ҳа-а, тушундим. Ярамас кампир сотибди-да, — дедию, бирдан тўхтади у.

Мен ҳам тўхтадим-да, унга юзландим.

— Бир қотиллик қиламан. Кейин қамалсам ҳам, афсусланмайман! — деди у ва ортига бурилди.

Мен шу заҳоти унинг шимининг орқасидан ушладим.

— Томинг жойидами сенинг? — дея бақирдим. — Бутун бошли кечани ўтказишингга ёрдам берди. Келганингдаёқ сотганида, ҳозир иккаламиз ҳам авахтада ётган бўлардик. Тезроқ қоч ундан кўра!

Шитоб билан пастга тушиб кетдим. Ортимдан эшитилаётган қадам товушларидан билдимки, Евдаким ҳам мен билан изма-из келаяпти.

Биз қисқа фурсат ичида деярли бир квартал нарига кетишга улгурган эдик. Йўлда кетаётиб, куни кеча ўйлаган режаларимдан воз кечдим. Чунки қаерга бормайин, нима иш қилмайин, ҳамиша Александр Абрамовичнинг гумашталари таъқиби остида бўламан. Бир пайтлар отам: «Чирмовиқнинг илдизини йўқ қилмасанг, ундан қутулмайсан», деган. У ҳақ. Бу ўсимликнинг барглари-ю пояларини қанчалик юлиб ташлаганингиз билан, барибир, ўсаверади. Барибир, бошқа ўсимликлар қонини ичаверади. Демак, Александр Абрамовичнинг ўзини бир ёқли қилиш керак. Албатта, бировни ўлдиришга ёхуд жазолашга ҳақим йўқ. Ҳаммасини худо кўриб, билиб турибди. Ўзи керакли ҳукми чиқаради. Қолаверса, милиция... Нималар деяпман? Қанақа милиция? Уларнинг деярли ҳаммасини Александр Абрамович аллақачон сотиб олган ва кафтида билган кўйига ўйнатиб юрибди...

— Сен шу шаҳарда туғилиб катта бўлгансан. Танишбилишларинг ҳам тиқилиб ётибди. Ишончли биттасини топ-да, уникига бор. Ўзинг айтгандай, балки шикоят ёзсан. Зора, шундан кейин пешонангга офтоб тегса. Аммо индамай ўтираверсанг, биров қўлингдан ушлаб, ёруғликка чиқариб қўймайди... Хуллас, шу ерда ажрашамиз. Айтиб қўяй, менинг ёнимда юриш жудаям хавфли. Ҳар қадамда жонингдан айрилиб қолишинг мумкин, — дедим навбатдаги қўп қаватли уйларни ўзида жамлаган квартал бошланишида тўхтаб, Евага юзланар эканман.

У пешонасини тириштирди. Чуқур нафас олди. Сўнгра шошилмасдан чўнтагидан бир қути сигарет чиқарди-да, худди ишсиз қолган одамдай эриниб, қопқоғини очди. Унинг имиллашидан ичим қизиб кетди. Назаримда, мен билан мумкин қадар кўпроқ бирга юрмоқчидай эди. Иккинчи тахмин эса унинг айғоқчилиги тўғрисида бонг урарди. Шубҳаланган заҳотим Евдакимнинг кўзига тикил-

дим. Ўзим яхши биладиган унсурларни қидирдим. Топдим. Лекин бу фақатгина қўрқув ифодаси эди.

— Бўпти, яхши қол, оғайни, — деб унинг елкасига қоқиб қўйдим-да, икки кунлик ҳамроҳимни қолдириб, режамни амалга оширишга жўнадим.

Чўнтагимда шамол кезиб юрарди. Бу аҳволда, албатта, узоққа кетиб бўлмайди. Менинг эса навбатдаги ишكالга қўл ургим йўқ. Шу боис бошим қотди. Шаҳарлараро қатнайдиган шоҳбекат ёнига боргач, чора ахтариб, бироз у ёқдан бу ёққа бориб-келиб юрдим. Ёнимдан ўтувчилар кўп эди. Уларнинг бирортаси ҳам менга эътибор бермади. Ахир бу шаҳарнинг зангори экрани ҳам менинг сура-тимни кўрсатган, қахрамон сифатида эълон қилган, газеталарнинг муқовасини каминанинг расми безаб турган бўлса-ю, булар мени кўрмаганга олиб ўтиб кетаверишса, одам ғалати бўларкан. Бироз муддатдан кейин хавфсираш йўқолди. Пул топиш чорасини қидира бошладим ва кўп ўтмай, дарров топдим. Аниқроғи, шоҳбекат ёнидаги кенг кўчадан ўтиб бораётган «КамАЗ» тележкасининг ён борти очилиб кетди-ю, унга ортилган қоғоз қутиларнинг деярли тенг ярми ағдарилди. Юк машинаси тўхтади. Ҳайдовчи кабинадан ерга тушди. Тўнтарилиб ётган қутилар ёнига борди-да, кепкасини бошидан олди. Кейин нажот истагандай атрофга олазарак боқди. Менга худди шу нарса керак эмасми, дарров югуриб бордим.

— Оғайни, аҳволинг чатоқ-ку, мабодо ёрдам керакмасми? — дедим.

У олдин бир менга, бир ерда сочилиб ётган қутиларга қаради-да:

— Сўрашинг нимаси? Кўрмаяпсанми, бошим қотиб турибди, — деди мўйловини учириб қўйиб.

— Жоним билан. Лекин текингамас-да. Қўшни шаҳарга етгулик чойчақа берсанг бўлгани, кўз очиб юмгунча, юкингни жойлаб бераман, — дея илжайдим.

— Ўзим ҳам пул сўрашингни билувдим. Ҳозир бекорга мушук офтобга чиқмай қўйди. Иложим йўқ, фақат тезроқ орт, — деб ҳайдовчи бурнини тортиб қўйди-да, кабина тарафга кетди.

Мен шу заҳоти ишга киришдим ва ҳаш-паш дегунча юкни тележкага қайта ортиб қўйдим. Қутилардан бири

бузилган экан. Ичига қарасам: тўла шоколад. Биттасини қўлимга олдим-да, қоғозидан айириб, оғзимга солиб, ҳайдовчининг ёнига бордим.

— Қария, ишинг битди. Чойчақасини бериб, бемалол йўлингга давом этишинг мумкин, — дедим.

— Ҳимм, — дея у қўзларимга тикилди, — менга қара, ошна. Қайси гўрдан уруғларинг бунчалик кўпайиб кетди?..

— Тушунмадим. Нима деганинг бу?

— Балодек тушуниб турибсан. Лекин-чи, ўзингни гўлликка солишни бошларкансан.

— Нега гапни бунчалик чувалаштирасан? Сенинг бошингга ташвиш тушганди, мен ёрдам бердим. Энди ҳақини тўлагин-да, кетавер, — дедим жаҳл билан.

— Буни қара-я. Сен аввал менга айт-чи, қайси калланг билан қутини буздинг? Яна камига, сўрамасдан олиб единг.

Мен ҳайратдан қотиб қолдим. Этим жимирлаб, пешонамдан муздай тер чиқиб кетди.

— Шундай экан, — дея у гапини давом эттирди, — ҳақингни олдинг. Хайр.

— Эй-й, шошма, — дедим шошиб, оғзимда эриб битаёзган шоколадни тупуриб ташлаб, кабина эшигини ушларканман. — Кулоққа тепиб, суриб қолмоқчимисан? Қутилариңдан биттаси ерга тушиб бузилган...

— Калламни қотирма, қўйиб юбор эшикни. Бўлмаса, абжағингни чиқараман!..

Ортиқ чидаб туролмадим. Ахир қачонгача булар менинг устимдан кулишади? Ярамас, аблаҳ! Ўзини ким деб ўйлаяпти?

Сапчиб зинага чиқдим-у, ўзимни бошқаролмайдиган аҳволда унинг башарасига мушт туширдим. Семизларнинг пўк бўлишини билардим. Бироқ бунчалик деб ўйламасдим. Ишонсангиз, ўртача зарбага дош беролмаган ҳайдовчининг боши бир тарафга қийшайиб қолди. «Шу етмай турувди», дея хаёлимдан ўтказдим-у, чўнтагига қўлимни тикиб, қопчигини олдим. Ичи тўла пул экан. Ҳаммасини олмадим. Ўзимга тегишлисини ажратиб, қопчиқни яна жойига қўйдим. Лекин шу ҳам бошимга ташвиш келтирди. Сал нарироқда уч-тўрт кампир қилаётган ишим-

ни кузатиб турган экан. Кабина эшигини ёпишим билан:

— Милиция! Милиция! Бир бечорани тунаб кетишяпти! — дея қичқирिशга тушишди.

Қани энди, уларнинг овозини ўчиришнинг иложи бўлса. Кошки, улар бу ярамас ҳайдовчининг қандай каромат кўрсатганини билишса. Қочишдан бўлак иложим қолмади. Яна қаердадир милиция машинасининг сиренази ҳам эшитилди. Ўзи шундоғам қидирувдаман. Энди бу ёғи кўшимчага эшимча бўлди.

Югурганча баланд-паст иморатлар оралаб кетавердим. Талай муддат шу тахлит чопгач, чарчаб тўхтадим. Бир муддат оёқларимга дам берарканман, атрофга олазарак боқиб, тўғри мен тарафга келаётган икки ҳарбий ва битта милиция ходимини кўриб қолдим. Улар шитоб билан менга яқинлашмоқда эди.

Улар менга яқинлашиш учун қадамларини тезлатишди. Бундай пайтда тез қарор қабул қилиш керак. Бундан ўзга илож ҳам йўқ. Чунки ўртада жон масаласи турибди.

Оралиқ масофа бор-йўғи етти-саккиз қадам қолганда, мен йиқилиб тушдим. Аввал қўлида тўппонча ушлаган полициячига кўзим тушди. Афтидан, «Кўриб, ўша эканлигига ишонч ҳосил қилишларинг билан отинглар», деган буйруқ олишган, шекилли, важоҳатлари ёмон. Бирдан мазам қочиб, ёнбошга қуладим. Рўпарамдагилар югуриб тепамга келишди.

— Нима бўлди бунга? — сўради бири бошқаларидан.

— Агар, ҳақиқатан ҳам, ўша бўлса, отиб ташлайлик, — дея таклиф киритди бошқаси.

— Шошма, нега ағанади? Томирини ушлаб кўр-чи.

Ана шу пайт жонланиб қолдим. Олдин тўппонча ушлаган йигит қулади. Бошқалари эса қуролини олишга улгурмади. Ахир бир неча йиллаб маккорона жанг санъати билан шуғулланган киши, албатта, полициячи ёки спортчидан фарқ қилади-да. Яна ҳамма нарсадан шубҳаланувчи, ҳаттоки хотинидан ҳимояланиш йўллариини ўйлаб қўйган, дунё спортига ёт, лекин ниҳоятда мукаммаллаштирилган кураш сирини пухта эгаллаган одам учун бундай вазият жуда оддий ҳисобланади.

— Мен шундай бўлишини истамагандим. Аммо, нима қилай, ўзларинг мажбур этдинглар, — дедим кетиш олдидан ерда чўзилиб ётганларга қараб.

Энди бу атрофда юришим мутлақо мумкин эмасди. Хайдовчидан ҳақимни олишимни қанча одам кўрди. Додвой солди. Ҳозир ҳам мен пайқамаган қанча кўзлар қараб турган бўлса керак. Эҳтимолки, аллақачон телефонга ёпишишган. Аниқ шундай бўлган. Чунки чор тарафим кўп қаватли бинолар, идоралар... Тагин югуришимга тўғри келди. Аммо бу сафар олдингисидай узоқ чопмадим. Икки иморатни ортда қолдиргач, тўхтаб, ортимга, ён-атрофга назар ташладим. Бахтимга, шубҳа уйғотиши мумкин бўлган бирон кимсани учратмадим.

Шаҳардан чиқиб кетишимга уч соатча вақт керак бўлди. Шунда ҳам ярим йўлни таксида босиб ўтдим. Ўша уч соат кўзимни яхшироқ очиш, атрофга теранроқ разм солишимга ҳам имкон берди. Ўйлаб қарасам, тобора ўргимчак тўрига ўралиб қолаяпман. Бу аҳволда эртами-кечми, ўша ярамас ҳашаротга ем бўламан. Қутулишнинг йўли эса битта: ўргимчакни даф этиш. Бунинг учун унинг энг нозик жойини топишим зарур. Аммо ўша нозик жой қаерда? Нима қилсам, унга ета оламан? Мана шу икки савол бир қанча муддат бошимни қотирди ва охири ечим ҳам топилгандай бўлди.

Александр Абрамовичнинг бойиб кетишига сабаб бўлган унсурлардан бири унинг содда, оддий ишчиларни лақиллата олгани эди.

Заводда пул бўлмагани сабабли раҳбарлар ишчиларнинг маоши ўрнига ойлик даромади бараварида акция тарқатишарди. Шубҳасиз, бу ишчиларда норозилик туғдиради. Айни пайтда Александр Абрамович пайдо бўлиб, акцияларини нима қилишни билмай юрганлар қўлига пул тутқазади ва эвазига уларнинг акцияларига эга чиқади. Тўғри, ўшанда калласи ишлаб, акцияларини сотмаганлар ҳам бўлди. Бироқ мутлақо кутилмаганда, соппасоғ юрган одам ўз-ўзидан бандаликни бажо келтирди. Шунда ҳам жабрдийдаларга доимо ёрдам қўлини чўзиб келган Александр Абрамович марҳумнинг хотин, болачақасини ташлаб қўймайди. Чўнтагидан пул чиқариб, вафот этганнинг ҳамма маъракаларини ўтказиб беради. Яна ўша арзимас акция эвазига. Шундай қилиб, сармоядор, бойвачча Александр Абрамович салтанати вужудга келади.

Аммо ҳозирда унинг ожиз нуқтаси ишчиларнинг галаёни кўтаришлари эмас. Эндиликда бой учун қўл остидагиларнинг галаёни аҳамиятсиз. Чунки Александр Абрамович ҳамма пулларини чет элга чиқариб бўлди. Энди у пуллар кунига туғиб ётибди. Демак, унинг пуллари ишончли жойда, бирорта яқинининг бошига тушган кулфат миллиардер учун сариқ чақалик аҳамиятга эга бўлмаса, ҳўш, унда бойнинг оғриқли жойи қаерда?

«Шошма, ахир унинг гиёҳванд модда, қурол савдоси билан шуғулланадиган одати ҳам бор-ку. Демак, зарбани айнан шунга бериш зарур. Ўшанда у бойликларидан зумда айрилиб қолиши мумкин». Мен худди барча муаммоларим ўз-ўзидан ҳал бўлгандек, қувониб кетдим ва таксидан тушаётиб, ҳайдовчига табассум ила чўнтагимда бор пулни тутқаздим. Ортидан:

— Омадингизни берсин, ниҳоятда текис ҳайдаркансиз. Машинангиз ҳам эгасига ёлчибди, — дея ҳайдовчини мақтадим.

Унинг оғзи ёйилиб кетди.

— Тойчоқни олганимга ўн йил бўлди. Ҳали қилт этгани йўқ, — деди ва хайрлашиш учун менга қўлини узатди.

«Шу мулозаматни эртaroқ қилсам бўларкан, текинга олиб келиб қўярди», дея хаёлимдан ўтказдим.

Бундан бу ёғи ўрмон. Худди ўзимникидай бўлиб қолган шаҳаргача камида юз эллик километр бор. Ўпкамни қўлтиқлаб югурган тақдиримда ҳам уч-тўрт кунсиз етолмайман. Бироқ шуниси тузук. Ҳартугул, шовқин-сурон озгина бўлса ҳам босилади. Оёқ толиқиши, қорин очиши мумкин. Яна ётоқ жой ҳам муаммо. Лекин машинада кетгандан кўра тинчроқ. Буни қаранг, тинчликни истаб қолибман. Аслида, илгари ҳам осойишталикни ҳўш кўрардим. Лекин тақдир пешонамга шундай кунларни битибдики, жанжалсиз ўтадиган кунларимни байрамдек нишонлайдиган ҳолга келибман. Ўрмонга жуда ичкариламай, серқатнов катта йўлдан кўп узоқлашмай, хотирамга келган қўшиқни хиргойи қилганча да-рахтлар оралаб кетавердим. Қанча юрдим, билмайман. Аввалига терлагандим. Кейин қандайдир салқин туша бошлади. Мен шунда ухлаш ҳақида ўйладим. Хаёлимга тушимда кўрганларим келди. Ахир дарахт устида ҳам худди кўрпа устида

ётгандай ухлаётгандим-да. Эҳ, ўша замон, барибир, нимаси биландир бошқача экан. Қизиқ, ҳозир ўрмонда ёлғиз тунашимга тўғри келиб қолса, дарахтга чиқсам-у, шохига ёпишиб, эрталабгача қимир этмасдан ухлай олармикинман?.. Йўқ, менимча, қўлимдан келмаса керак...

Қулоғимга кимнингдир инграгани эшитилгандай бўлди. Тўхтадим. Диққат қилдим. Бу сафар «Ёрдам беринг»га қўшиб яна нимадир деди у. Овоз аёлники эди. Бирдан юрагим тез уриб кетди. Ўз-ўзидан нажот қутаётган аёлнинг ёнига югуриб келдим. Борган сари ёлворишлари аниқ-тиниқ эшитилаверди. «Қўйинглар! Йўқ! Ўлиб қоламан! Худо хайларингни берсин!» дерди у. «Намунча ноз қилдинг? Ўтир! Боягина бошқача гапирётгандинг-ку... Типирчилайверсанг, бурдалаб кетамиз!» дея пўписа қиларди унга кимдир. Мен янада тезроқ югурдим ва бир неча сониядан кейин оппоқ иномаркага кўзим тушди. Воқеа айнан шу жойда бўлаётган эди. Машина орқасида уч эркак (улардан иккитаси ярим яланғоч, биттаси кийинган) ва битта қиз бор эди. Жабрдийда қизнинг эгнида либоси йўқлиги ўн-ўн беш қадам берида, гира-шира қоронғиликда ҳам яққол кўзга ташланарди. Эркакларнинг нима иш қилмоқчи ёки ҳозиргача қилганларини дарров англадим. Ёнлачасига юриб, машинанинг олд тарафига ўта бошладим.

«Қилмишларингни билмаймизми?! Ҳа, ярамас! Оппоққинаман, демоқчимисан? Бу ерда йиртқич ҳайвонлар кўп. Қон исини узоқдан биледи улар. Каллангни олиб кетганимиздан кейин қолган ишни улар давом эттиришади!» дея пўписа қилди эркаклардан бири. Шунда иккинчи эркак: «Нега бу манжалақи билан пачакилашиб ўтирибмиз? Хўжайинини шунчалик яхши кўрар экан, шунча азоб берсак ҳам билганларини айтмади. Энди бўлди, ишни қилайлик-да, ўлдирайлик!» дея ўкирди. «Йў-ў-ўқ! Илтимос, ундай қилманглар. Ростини, ҳеч нима билмайман. У котибасига ҳисоб бермайди», дея ёлворишга тушди яна қиз.

Мен бу пайтда машинага анча яқинлашиб қолгандим. Дағдағаю ёлворишлар бир-бирига уланиб кетаётганлиги боис келаётганимни ҳеч ким сезмади.

— Бошла! — бақирди биттаси шеригига.

Қиз жони борича қичқириб юборди. Менинг қадамим янада тезлашди ва бир зумда зўравонларнинг ёнида пайдо бўлдим. Қизни зўрлаб ерга ётқизган шеригининг ҳунарини томоша қилаётган эркаклар зарбамнинг мазасини татир-татимас ерга қулади. Қизга кучини кўрсатаётганинг эса аввал оёғи қайрилди. Сўнг суягининг қарсиллаб сингани эшитилди. Бечора бундай оғриқни умрида илк бора сизди, шекилли, ўкириб юборди. Овози менга ёқмади. Шу боисдан вақтинча ўчириб қўйишимга тўғри келди. Қиз ўрнидан сапчиб турди. Қўлига илинган нарса билан баданини бекитишга уринди. У дағ-дағ қалтирай бошлаганди.

— Кўрқма, ҳаммаси жойида. Энди сенга ҳеч ким тегинмайди. Кийимларингни дарров кийиб ол, — дедим-да, ундан кўзимни уздим.

— Сиз... сизга раҳмат! — деди қиз титроқ товушда.

Мен машинанинг эшигини очдим. Калити жойида экан. «Ҳарна, йўлим озроқ қисқарадиган бўлди», дея кўнглимдан ўтказдим-да, моторни ўт олдирдим.

— Шошманг! Мени ташлаб кетманг! — дея бақирди қиз.

Кулдим.

— Тез бўл, — дедим.

Қиз гапимни эшитмади. Шунингдек, охиригача кийинмасдан орқа эшикни очди-ю, ўзини салонга урди.

Машина хийла янги экан, газни босишим билан жойидан сапчиб қўзғалди.

— Худо жазоларингни берсин! Ўзларинг йиртқичларга ем бўлларинг! — деди қиз йиғлаб.

— Ҳой-ҳой, ўпкангни бос. Бутун бошли учта оиланинг эркаги, уволига қоласан, — дея ҳазиллашдим унга.

— Йўқ! Улар менга қанчалик азоб беришганини билсангиз эди... Ҳалиям суякларим зирқираб оғрияпти!.. Сизни менга худонинг ўзи етказди. Агар келиб қолмаганингизда, аҳволим нима кечарди, билмайман. Раҳмат сизга... — деб қиз бурнини тортиб қўйди-да, тагин хўнграшда давом этди.

— Тисс... Ҳаммаси ортда қолди. Азобларни эсингиздан чиқаринг... Мен ҳам ёмон одамлардан биттасиман. Йўлда ДПСчилар турган бўлиши мумкин. Тўхтатишса,

кўз ёшларингизни кўриб, мендан шубҳаланишади, — дедим кўзгу орқали қизга қараб қўйиб.

— Сиз?.. Сиз ҳечам анавиларга ўхшамайсиз. Боплаб таъзирини бердингиз. Қаранг, уларнинг фақат аёлларга кучи етади... — деди қиз ва йиғидан тўхтаб, кўзидаги ёшини кафти билан артди.

Мен кўзгу орқали унинг ҳар бир ҳаракатини кузатаётгандим. Дарвоқе, у шунча воқеаларга қарамасдан дадил эди. Ўрнида бошқа қиз бўлганида, сўзлашга-да ўзида куч тополмаган бўларди, назаримда.

— Сизгаям ҳайронман. Жонингизни азоблаб нима қилардингиз? Билганларингизни тўкиб солмайсизми? Шунда улар сизни қийнаш ўрнига ҳатто мукофот пули ҳам бериб кетишарди.

Қиз менга ўқрайиб қаради. Шундай қарадики, еб қўйгудек. Сўнг ҳар битта сўзига алоҳида урғу бериб:

— Мен Лёшани севаман. Азоб бериш у ёқда турсин, ўзлари айтгандай, бурдалаб ташлаганларида ҳам, Лёшанинг тижорат сирларини айтмасдим. Дарвоқе, мабодо сиз ҳам улардан эмасмисиз? Мени аввалига озод этиб, яқинлашиб, сўнгра кўнглимга қўл солиб, ичимдагиларни билиб олишни ният қилган бўлманг тагин?

Хахолаб кулиб юбордим.

— Илтимос, машинани тўхтатинг. Худо хайрингизни берсин. Ёлвораман, — деди қиз шошиб.

— Очиғини айтсам, ўша Лёшангизга ичим ачиди. Айни пайтда ҳавасим келди. Биринчидан, сизнинг раҳбарингизга, севгилингизга нисбатан садоқатингиз ҳурматга лойиқ бўлса, довдирлигингиз, ваҳимачилигингиз, соддалигингиз ўша одамга нисбатан ўзингиз сезмаган ҳолда душманлик қилаётганингиздан далолат беради. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ҳозир менда ҳам ўша амалдор ёки бойваччага нисбатан қизиқиш пайдо бўлди.

— Нима демоқчисиз?

— Танишсам ўша билан. Сўнг атрофида айланиб-ўргилиб, унинг топаётган бойликларининг, ҳеч бўлмаганда, бир чаккасидан ўмарсам... Менимча, ёмон фикр эмас.

— Машинани тўхтатмасангиз, эшикни очаман-у, сакрайман...

— Қолганини мен айтаман... — деб қизнинг гапини

бўлдим. — Ерга, аниқроғи, асфальтга гумбиллаб бошинг билан тушасан. Қатигинг чиқиб кетади. У ёғи севгилинг бошқа бировнинг бағрида аввал қандай кайфу сафо билан яшаган бўлса, худди шундай давом этказиб кетаверади. Сенинг телбаларча яхши кўришинг, садоқатинг икки пулга айланади, тамом-вассалом.

— Бунчалик бадбахтсизлар! — бақриб юборди қиз.

— Раҳмат, — дедим-да, тормозни босдим.

Машина тўхтагач, ортга ўтирилиб:

— Туш, тўрт томонинг қибла, кетавер, — дея жилмайдим.

Қиз бундай бўлишини кутмаган, шекилли, довдираб қолди.

— Ҳалиги, ҳалиги, — дея эшикни очди, бироқ тушмади.

— Нимага қараб турибсан, иссиғинг борида жуфтакни ростламайсанми? — дея қовоғимни солдим.

— Балки... Ташқари қоронғи, шаҳар узоқ. Эҳтимол...

— Шуни истаётгандинг-ку, қаҳрамон.

— Тўғри, лекин... Мен сизни анавилардан деб ўйлагандим.

Мен ўтирилдим. Машинани юргизишга чоғландим. У эшикни ёпди.

Биз анча жойгача миқ этмасдан кетдик. Мен ўз хаёлларим билан банд эдим. Ора-сира кўзгу орқали қизга ҳам назар ташлаб кўярдим. У худди боши берк кўчага кириб қолгандай, гоҳ менга, гоҳ деразадан ташқарига қарар, лабини тишлаб-тишлаб кўярди.

— Неча ёшдасан? — сўрадим охири жимликни бузиб.

— Бу йил йигирма бирга кираман, — дея хўрсиниб кўйди у.

— Лёшанг-чи?

— Қирқ тўртга...

— Ўҳҳў, севишга ёшроғи қуриб қолганмиди? Кўзга яқин экансан. Битта имо қилсанг, тўрттаси оёғинг остига ўзини ташлайди. Бунинг устига, ўша Лёшангнинг оила-си ҳам бўлса керак.

— Бор. Лекин у жудаям бахтсиз. Хотини билан ўн йилдан бери яшасаям, боласи йўқ. Люба айшу ишратни яхши кўрадиганлардан. Ҳар куни тунги клубда. Ичиб,

маст бўлиб олади. Неча марталаб уйигаям келмаган. Анави оёғимнинг остига ўзини ташлайдиганларга келсак, унақаларни ҳар қадамда учратаман. Лекин, биласизми, найнов, ишёқмасларнинг менга мутлақо кераги йўқ. Ундан кўра, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, яшашни биладиган қария минг марта афзал.

— Қарасам, ақллигинага ўхшайсан. Муаммосиз яшамоқчисан-да.

— Йўқ. Барибир, муаммо бўлади. Лекин одамга ўхшаб кун кўриш бошқача. Лёша хотини билан ажрашса, мен унинг никоҳига кираман.

— Нима тўсқинлик қилапти? Судга ариза беради, олам гулистон.

— Никоҳ шартномаси тузилаётганда, Лёша сахийлик қилиб юборган экан. Энди давлатининг учдан икки қисмини қандайдир пиёнистанинг қўлига тутқазиб қўймоқчи эмас.

— Тушунарли. Қўрқувинг босилдими?

— Оз-моз. Сиз, менимча, ҳужжатсиз машина ҳайдаб кетаётганингиздан қўрқаётган бўлсангиз керак... Айтганча, сиз қаердан келиб қолдингиз ўзи?

— Шунчаки. Айланиб юришни яхши кўраман.

— Менинг бахтимга... — деди қиз.

Ташқарига қоронғилик тўла тушиб бўлган эди. Рўпарадан келаётган машиналар чироғи гоҳ-гоҳида кўзни қамаштирар, шундай кезлари йўл чеккасига қараб мўлжал олиб, уловни бошқаришда давом этардим. ДПСчилар кўринмади. Демак, шов-шув озгина бўлса-да, босилган. Ёки мени қидириб юрганлар ортга қайтишимни хаёлларига келтирмаган. Шунисигаям шукр. Дарвоқе, шаҳарга қарийб ярим кечада етаман. Албатта, дарров ишга киришиб кетолмайман. Бундан чиқди, ҳали олдимда ётоқ масаласи ҳам турибди... Шошма, Антон Семянсиконинг дала ҳовлиси бор-ку. Унинг ўзи оиласи билан Швейцарияга кўчиб кетган. Дала ҳовлисида ҳеч ким яшамайди. Қўшниси қараб туради. Антон билан қалин дўст эдик. У Александр Абрамовичнинг менежери эди. Бир йўла тўртта тилни биларди. Инглиз, немис, француз ва араб тилларини. Шу боисдан чет эл тадбиркорлари билан тузилдиган шартномаларнинг бари, албатта, унинг қўлидан

ўтарди. Яхши мутахассис эди. Лекин негадир Александр Абрамович уни ишдан бўшатиб юборди. Эшитганлар бирдан Антонни безовта қила бошлашди. Ахир шундай ма-лакали мутахассис кимга керак эмас? Бироқ Антон улар-нинг бирортасигаям рози бўлмади. Хотини ва қизини олиб, Швейцарияга жўнаб кетди. Мана, ҳозир шунгаям уч йил бўлибди. Вақтнинг бунчалик тез ўтиб кетишини билмаган эканман.

— Сигарет чексам майлими? — деди орқа ўриндиқда ўтирган қиз хаёлимни бўлиб.

— А-а... Сигарет. Бемалол. Шошма, эндигина йигирма бирга кирган бўлсанг, чекишга бало борми? — дедим бирдан жаҳлим чиқиб.

— Беш йилдан бери чекаман. Анави бардачокни очинг, ичида сигарет билан гугурт бор. Узатворинг, — деди қиз менинг гапимга парво ҳам қилмай.

Бир муддат индамай кетдим. Кейин «Бор-э, билганин-гни қил», деб унинг истагини қондирдим.

Хартугул, қизнинг фаросати бор экан. Деразани озги-на очиб қўйди. Салонга муздай намхуш ҳаво кирди. Шу-нинг билан бирга тамакининг аччиқ, бадбўй ҳиди ҳам бурнимга урилди.

— Исминг нима? — дея сўрадим қиздан.

— Светлана... Света.

— Гап бундай, Света. Машина ҳайдашни биласанми?

— Йўқ.

— Мен шаҳарга икки чақирим қолганида, шарқ та-рафга буриламан. Дала ҳовлим бор. Бугун тунни шу ерда ўтказаман. Сен бирорта йўловчи машина билан кетар-сан. Сендай офатижонни кўрган йўловчилар, албатта, олиб кетишади. Келишдикми?

— Йўловчи машина... Ярим кечаси... Шаҳарга обориб қўярмиш. Қойил. Ҳаммани ўзингизга ўхшатыпсиз, ше-килли.

— Одамлар сен ўйлаганчалик аблаҳ эмас! — бақириб юбордим бирдан. — Мен сени ўзим билан олиб кетол-майман. Тамом!

— Хотинингиз ўша дала ҳовлисида сизни кутаяптими?

— деди Света қандайдир кесатиш билан.

— Ҳеч ким йўқ у ерда, — жавоб бердим зарда қилиб.

— Қўрқманг, сизга осилмайман. Анавиларнинг ишини ҳам бўйнингизга қўймайман. Дала ҳовли биттагина хонадан иборат бўлмаса керак?.. Жа ҳадиксирайдиган бўлсангиз, машинада ётавераман.

— Бўпти, ўзинг биласан. Лекин қийналадиган бўлсанг, мен айбдор эмасман.

Света пик этиб кулиб юборди.

— Маймун ўйнатдимми? — дедим жаҳл билан.

— Ундан ҳам баттар. Аёл киши ўз ихтиёри билан «Дала ҳовлига бораман», деб ўтирса-ю, сенинг ноз қилишингни қара, — деди қиз кулги аралаш.

— Биринчидан, ҳали мени «сен» дейишингга эрта. Иккинчидан, хотиним бор. Йўлда дуч келган таннозни тўшакка тортиш табиатимга тўғри келмайди.

Светанинг бирдан овози ўчди. Кўзгу орқали унга қарадим. У бошини деразага қўйиб олган эди.

Бир муддатдан сўнг унинг пишиллаб нафас олаётганидан ухлаб қолганини сездим.

Шундан сўнг қарийб икки соатлардан кейин дала ҳовлига олиб борадиган муюлишга етиб келдим. Машина бурилаётганда, унинг чироғи нурида дарахтлар худди саф тортган аскарлардай кўзга ташланди.

Қора қумли ерда машинанинг юриши оғир эди. Шунинг учун газни кўпроқ босдим. Мотор бироз зўриққандай бўлди. Унинг товушини биров эшитиб қолмадимикан, деган хавотирда деразадан ён-веримга қарадим. Зимзиё ўрмонда ҳеч нарса кўринмади. Фақат худди мотам тутгандай, дарахтлар шумшайиб туришарди. Кўнглим хотиржам тортди.

Бирор ўн дақиқалардан сўнг дастлабки уй кўзга ташланди. Унинг чироғи ўчиқ эди. Дарров ундан кейинги уйларга қарадим. Бирорта ҳам ҳовлида ёруғлик аломати кўринмасди. «Бугун ҳафтанинг қоқ бели, ҳеч ким дам олгани келмаган. Демак, машинани ошнамнинг уйи ёнигача ҳайдаб боришим, сўнгра дарвозадан ичкарига киришиб қўйишим мумкин», дея хаёлимдан ўтказдим ва тезликни янада оширдим.

Моторни ўчириб, бир муддат рулни кучоқлаб ўтирдим. Шундагина анча толиққанганимни, қорним очқаганини сездим. Хўрсиниб, эшикни очиб, пастга тушдим. Ташқари хийлагина совуқ экан, этим жунжикди.

— Етиб келдикми? — деган овоз эшитилди шу пайт машина салонидан.

«Оббо, палакат, уй-ғониб кетди-ю», дея кўнглимдан ўтказдим-да, Светанинг сўроғига жавоб бермай, дарвоза томон юра бошладим. Антон атайлаб дарвозага қулф ўрнатмаганди. У билан илк маротаба келганимда: «Бу уйда нима ҳам борки, қулф осиб қўйсам. Ўғирласа, тўртта каравотни кўрпа-ёстиғи билан ўғирлайди», дея изоҳ берганди. Ҳозир унинг ана шу гапларини эслаб кулдим.

Изимга қайтаётганимда, Света машинадан тушди.

— Бекор қилдинг, иссиқ жойингни совитиб, — дедим унга.

— Машина ичида кечаси билан музлаб қолсин, демоқ-чимисан?.. Кечириб қўясан, мен қадрини биладиганлар хилиданман, — деди у ва мендан олдин тахтали зиналарни тўқиллатиб босганча юқорига кўтарилди.

Эшикнинг зулфагидан тортди. Очиқлигини билгач, «Ура!» деб қийқирди ва ичкарига кириб, чироқни ёқди. Ҳар эҳтимолга қарши, қоп-қора-йиб турган қўшни уйларга кўз ташладим. Шундан сўнггина зинага оёқ қўйдим.

Ичкарида ўйлаганимдек ҳеч вақо йўқ эди. Биргина Света зинада серрайиб турарди.

— Тахтанинг устида ухлайсанми? — деди у менга кўз ташлаб қўйиб.

— Сен нима деб ўйлагандинг? Юмшоқ ўриндиқ, музлаткич тўла егуликлар, ҳайҳотдай телевизор интизорлик билан кутаяпти, деган хаёлдамидинг? — дедим кесатиб.

— Йўқ, лекин, ҳартугул, ётиш имкони бўлса керак, деб ўйловдим, — деди у ранги гезариб.

Мен хонанинг шимол томонидаги зинадан иккинчи қаватга чиқдим. У ерда учта ётоқхона бор эди. Ўзим бир пайтлар тунаган хонанинг эшигини очдим ва пайпаслаб чироқни ёқдим. Ёруғликда битта икки кишилик каравотдан ўзга нарсага кўзим тушмади. Ўша сўнгги бор келганимда, хийла файзли эди бу хона. Тумба, тошойна, шкаф, оёқ остида гилам ва мана шу каравот бор эди. Энди эса... «Шунисига ҳам шукр», дея хаёлимдан ўтказиб, каравот ёнига бордим-да, устига ўтирдим. Эскирган ётоқ, пружиналари занглаб кетган бўлса керакки, гичирлади. Бирор беш дақиқа шу тахлит ўтирганимдан кейин

эшик ортидан оёқ товуши эшитилди. Пастга тушаверма-
ганимдан Света тоқатсизланиб, иккинчи қаватга чиқаёт-
ганини билиш қийин эмасди. У қўлларида иккита цел-
лофан пакет билан кириб келди.

— Нима у? — сўрадим эринчоқлик билан.

— Биттасида егуликлар, иккинчисида ароқ. Анави зўра-
вонлар супермаркетдан олиб чиқишувди. Мени бир ёқли
қилгач, айшини сурмоқчи бўлишган, шекилли.

Бирдан юзим ёришди.

— Олиб кел. Маишатни мана энди биз қиламиз, —
дедим.

— Ўзим ҳам йўқ демайсан, деб ўйлагандим.

— Овқатдан ҳеч ким юзини бурмайди. Целлофанни
полнинг устига тўшаймиз. У бизга дастурхон вазифасини
ўтайди... Қани, кўрайлик-чи, нималар бор экан...

Колбаса, қайнатилган тухум, консерва, кўкатлар, по-
мидор, бодринг тузламаси, нон, салқин ичимлик целло-
фан дастурхон устини тўл-дирди.

— Ресторандан кам жойи йўқ, — деди Света жилмай-
ганча шошиб-пишиб ароқ шишасининг оғзини очаркан.

— Тўғри, фақат пиёла камлик қиларкан, — дея поми-
дордан биттасини олиб тишладим.

— Шишанинг оғзидан ичганга келмайди, — деб ҳирин-
глади Света ва ароқни кўтариб қулқиллатиб юта бошла-
ди.

— Ўчиб қолмагин тагин, — дедим кесатиб.

Ҳаш-паш дегунча бир шиша ароқ тугаб қолди. Иккин-
чиси очилди. Униям кўз очиб-юмгунча яримлатдик. Ик-
каламизнинг ҳам кайфимиз ошди. Светанинг авжи ке-
либ, қўшиқ айта бошлади.

— Жим, биров эштади, — дедим каравотга суяниб.

— Эшитсаям майли, ўзимнинг жоним... Қани, бағрин-
гга олгин мени...

Кулдим ва унинг бўйнимдан кучаётганига эътибор ҳам
бермай, шўр бодрингни олиб, қарсиллатиб тишладим.
Одамлар ичимликка нимани газак қилишни роса били-
шади-да. Менимча, тузланган бодрингнинг ўрнини ҳеч
нарсга босолмаса керак.

— Каравотга чиқиб ухла. Дарров тонг отади. Бўлмаса,
Лёша сендан хафа бўлиши мумкин, — дедим ва секин
Светанинг қўлини елкамдан туширдим.

— Мен жудаям чарчаганман. Дам олишим керак. Лёша... Лёша. Ҳа, уни севаман. Лекин унинг парвойи фалак. Худди сенга ўхшаб ишдан бош кўтармайди... Балки бошқа жойда кўнглини овлайдиганлар бордир. Умуман, ҳаммаси жонга тегди!..

Света шишанинг оғзидан икки қултум ароқ ичди. Сўнг кафтининг орқаси билан лабини артиб, шўр бодринг газак қилди. Шу туришида у сира маст бўлганга ўхшамасди.

— Лёшанг нима билан шуғулланади? — дедим гўё қизга эътибор бермаётган киши бўлиб.

— Алюминий савдоси... Яна бошқа бизнесиям бор. Ёғоч сотади. Ҳа-а, қоғоз фабрикасининг қанчадир акциясига ҳам эгалик қилади. Хуллас, бойвачча. Қўлини узатса, нақ осмонга етади, — дея у қутидан бир дона сигарет олди-да, лабига қистирди.

Сўнг бурнини тортиб қўйиб, гугурт чақди.

— Шуми унинг сири? Менимча, унинг нечта жойда улуши борлиги сир бўлмаса керак? — дедим ва Светани шубҳалантириб қўймаслик учун гарчи аввалгилари тўкиламан, деб турган эса-да, икки қултум ароқ ичиб.

— Тўғри, — деди қиз кўзини сузиб, — мен унинг ҳеч қаерда кўрсатилмайдиган пуллари қаердан келишини биламан.

«Лёша... шўринг қуриган экан. Гўлликда котибангдан кам эмас экансан. Ёки ўта тулкисан... Тўғри қиласан. Аслида, сени тулки ҳам деб бўлмайди. Шунчаки ўз ишининг устаси, пишиқ, пухта одамсан. Лекин манави овсарнинг тўғри келган жойда сайраши сен қутмаган муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Балки, бунда ҳам тўғри иш қилаётгандирсан. Озми-кўпми, муаммоларга ўралашиб қолганингни кўрган рақибларингнинг озгина бўлса-да, кўнгиллари таскин топади. Шу билан қайралган тишлари ўтмаслашиб қолганини ўзлари ҳам сезмайди. Сен билан бир гаплашар эканмиз. Дарвоқе, шунча йил битта шаҳарда яшаб, нега сенинг борлигингни билмадим?.. Яхшимас, Амирбек. Кимлигингизни ҳар лаҳза эсдан чиқармаслигингиз зарур...»

— Нега жим бўп қолдинг? — дея хаёлимни бўлди Света. — Ёки сен ҳам бошқаларга ўхшаб Лёшага яқинлашиб олиш чорасини қидираяпсанми?

— Яқинлашиш ёмон фикрмас. Фақат битта лекини бор. Мен бутунлай бошқа одамман... Ичасанми? — дея шишани Светага кўрсатдим.

— Бўлмасам-чи...

У уч-тўрт қултум ароқ ичди-ю, ёнбошга қулади. Менга шуниси керак эди. У билан гаплашгим келмай қолганди. Тўғри, сўрасам, хўжайини тўғрисида бир дунё маълумотларни айтиб бериши мумкин. Пул масаласи, ўзингиз биласиз, ҳамма учун бирдай қизиқ. Лекин ҳозир менга унинг кераги йўқ. Аввало, ўзимнинг юмушларимни адо этиб, тинчликка эришиб олишим зарур.

Светани каравотга ётқизиб кўйганимдан сўнг у қулочини кенг ёзиб олди. «Овсар зўравонлар... Бунинг ичидагини билиш учун уриш шарт эмаскан-ку. Ичириб маст қилсанг, тамом!» дея хаёлимдан ўтказиб, мен жабр кўрсатганлар устидан кулиб кўйдим. Ҳойнаҳой, ҳозир улар ўзларига келишган бўлса керак... Бошим оғриб кетди. Етади майда-чуйдалар ҳақида ўйлаш. Ухлаш керак, ухлаш... Эртага қанчадан-қанча тўсиқлар кутиб турибди. Улардан ўтиш учун куч тўплаш лозим.

Бироқ ухлаёлмадим. Анча вақтгача уйқу келмади. Охири қолган-қутган ароқни сипқоришимга тўғри келди. Бунинг натижасида тошдай қотиб қолибман ва қуёш бир терак бўйи кўтарилмагунча кўзимни очмабман. Дарвоқе, мутлақо туш кўрмадим. Рабаб билан учрашиш, ўша мўъжизавий замонда янги даврни бошлаш истаги бор эди менда. Афсус, насиб этмади. Менимча, бунга ўта мастлик сабаб бўлдиёв.

Ташқарига чиқсам, машина йўқ. Ўзи Светанинг барвақт уйғониб, тўшакдан туриб кетгани мени бироз шубҳалантирувди. Ҳар қалай, уни камида тушгача ухласа керак, деган хаёлда эдим-да. Лекин буни қарангки, у эртароқ уйғонишнинг уддасидан чиқибди. Яна машинани ҳам ҳайдаб кетибди. Кеча оқшом «Ҳайдолмайман», деганди, бўлмаса.

Бундан сира хафа бўлмадим. Чунки машина масофани қисқартиргани билан бир дунё ташвиш ҳам келтириши мумкин-да.

Дарвозани ёпиб, пою пиёда йўлга тушдим. Кечаси ёмғир ёққан экан. Унда-бунда кўлмакчалар ҳосил бўлган

йўлнинг ўртасидаги ўт-ўланларнинг айрим-айрим барг-чаларида ёмғир суви ялтиллаб эди. Уйқудан турганимда, бошим лўқиллаб оғриётганди. Мана, дала ҳовлиларни ортда қолдиришим билан оғриқ ҳам қолиб, теран фикрлай бошладим. Одатда, шундай пайтда миям тиниқ ишлайди. Шу боисдан дарров машинанинг филдираклари изига кўз ташладим. Тахминимча, бу изларнинг пайдо бўлганига тахминан бир соатча бўлган. Бундан чиқди, Света аллақачон шаҳарга етиб олган. Ҳойнаҳой, бирдан хўжайинининг ёнига кириб, кўрган-билганларининг ҳаммасини гапириб берган. Эҳ, хомкалла, Света ўзини кимлар асир олганлигини билган бўлса керак. Чунки у бегоналарнинг машинасига ўз ихтиёри билан чиққан. Чунки уларнинг дўконга кириб чиққанини сўзлаб берди-ку. Демак, мен қаттиқ чарчаганлигим сабаб синчковликни унутибман. Лекин Светага қойил. Ролни моҳирлик билан ижро этди. Мендай ернинг остида илон қимирласа сезадиган одамнинг олдига похол солиб кетди-я! Майли, бир ҳисобдан шунисиям яхши бўлди. Ҳар қалай, самимий алдади-ку!

Тахминан ўн дақиқалар юргач, таниш иномаркага кўзим тушди. У йўлдан чиқиб кетиб, дарахтга урилган эди. Бирдан капалагим учиб югурдим. Машина ёнига етишим билан рулга бошини қўйганча қотиб қолган Светани кўрдим. Унинг чаккасидан қон оқарди.

— Ярамас! — дедим пичирлаб ва эшикни очмоқчи бўлдим.

У дарров очилавермади. Зарба қаттиқ бўлган, шекилли, эшик қизни сиқиб қўйибди.

— Ҳайдашни билмасанг, бало бормиди рулга ўтириб?! — дедим ва машина орқасидан айланиб ўтиб, нариги тарафнинг эшигини тортқиладим.

Ҳартугул, у томондаги эшик ортиқча уринишсиз очилди. Аввал Светанинг томоқ томирини ушлаб кўрдим. Бахти бор экан, юраги уриб турарди. Шунчаки у ҳушдан кетибди. Уни секин кўтариб, машинадан туширдим-да, ерга ётқиздим. Амаллаб биринчи ёрдам кўрсатдим. У кўзини очди. Аввалига тепасида мени кўриб, ҳайрон бўлди.

— Қаердаман? Кимсиз? — дея сўради, кейин бирдан ҳаммаси эсига тушди, шекилли, жилмайди.

— Мени кечир. Сенга ишонмагандим, — деди очиқчасига.

— Бало бормиди машина ҳайдашга? Бундан баттари ҳам бўлиши мумкин эди-ку, — дедим жаҳл аралаш.

— Секин ҳайдайман деб ўйлагандим. Бошида ёмонмасди. Ҳатто орқасига ҳам юргизолдим. Билмадим, ўзимга ишониб юбордим, шекилли, газни қаттиқроқ босибман... Озгина сув бер.

— Туроласанми? — сўрадим ундан нигоҳимни узмай.

— Эпласам керак. Фақат озгина ёрдам бериб юбор.

У ўрнидан тургач, бироз бошини ушлади.

— Ҳеч қачон машина ҳайдамаганман... Йўқ, уч-тўрт марта отамнинг машинаси рулига ўтирганман. Ўшанда отам бошқаришни ўргатганди...

— Юроласанми? — дея унинг гапини бўлдим.

— Билмадим.

— Яхшиям машина бировники... Бўпти, мен кетдим.

— Ҳой, мен-чи? Шу ҳолимда ташлаб кетаверасанми?

— дея бақирди Света.

— Ҳолинг яхши.

Гапни калта қилдим-у, илдам юриб кетдим.

(Биринчи китоб тугади)



Адабий-бадий нашр

Ўзбек тилида

Нуриддин Исмоилов

ТАНСОҚЧИ

Саргузашт-детектив роман

(Биринчи китоб)

Муҳаррир Аҳмад Отабой

Дизайнер Акбар Исмоилов

Техник муҳаррир Зокиржон Алибеков

Мусахҳиҳ Зарина Раҳмонова

Саҳифаловчи Гулҳаё Ризаева

Нашр лиц. № ...

Босишга 16.01.2012 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Босма табағи 12,0.

Шартли босма табағи 10,48. Адади 3000.

...-сонли буюртма.

Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

100128, Тошкент, Шайхонтохур кўчаси, 86.